

Муҳаммад
КАБИР УМАР

Омина




Муҳаммад Кабир Умар

ОМИНА

ЖАҲОЛАТДАГИ НУР

Роман



Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ-2020

УДК 28
ББК 86.38
К 12

Таржимон
Шавкат Юсупов

Кабир Умар, Муҳаммад

Омина [Матн]: роман / таржимон: Шавкат Юсупов –
Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2020 – 220 б.

Ушбу китоб Африкадаги аёлларнинг ўз ҳуқуқларини талаб қилиш ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида кўрсатган жасоратларини, шунингдек, юқори табақали қатлам ҳаётини, уларнинг ўй-фикрларини Омина тимсолида бадий ифодалар орқали чиройли очиб берган. Хотин-қизларнинг жамиятда ишлаб, фаолият юритишлари, сиёсий-ижтимоий ҳаётга аралаштиришлари, уларнинг илм олиб, ривожланишга ҳисса қўшишлари ва бу борада жиддий кураш олиб боришлари китобнинг асосий ғоясидир.

Умид қиламизки, китобни ўқиб чиққан ўқувчи бу асардан ўзига яраша тажриба ва хулоса олади.

УДК 28
ББК 86.38

© Муҳаммад Кабир Умар
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи, 2020

ISBN 978–9943–6453–9–4



Муаллиф ҳақида

Муҳаммад Кабир Умар 1958 йил июль ойида Нигериянинг Баучи штати Азар шаҳрида туғилган. У 1991 йилда Москва Давлат университети журналистика факультетининг магистратурасини тамомлаган. 1995 йилда эса Бирлашган Қиролликнинг Мидлсекс (ингл. Middlesex) университети сиёсий-иқтисодий йўналиши бўйича магистр даражасини қўлга киритган. Шунингдек, Бирлашган Қиролликнинг турли муассасаларида ҳуқуқ ва халқаро алоқаларни ўрганган.

Муаллиф 1981 йилда Омар Заруанинг Аҳмад Белло университетида сиёсатшунослик фанидан таълим олган. У Баоши давлат радиосида журналист бўлиб ишлаган, кейинчалик Нигериянинг Кано шаҳридаги газетада фаолият юритган.

Муҳаммад Умар оилали, уч фарзанди бор. У Лондонда яшайди ва ишлайди. Бу муаллифнинг биринчи романи ҳисобланади.

I ФАСЛ

Кун ярми. Куёш осмоннинг ўртасида чарақлаб турибди. Икки ёш аёл оқ "Мерседес"да ўтириб, университетдаги талабалар уйи ташқарисида қизиқарли суҳбатни давом эттирди. Бир неча дақиқадан сўнг улардан бири бошидаги шапкасини тўғрилаб қўйган бўлса, иккинчиси шарфини қайта ўради.

– Кейинроқ учрашамиз.

– Худо хоҳласа!

Омина орқа ўриндиққа ўтирди ва машина аста-секин ўрнидан қўзғалди. У ўз уйида бўлиб ўтадиган кечки тадбир ҳақидаги ўй билан банд эди. Учрашув унинг эри томонидан ташкил этилган бўлиб, бошқа кечалардан мутлақо фарқ қиларди. Бу Ҳажжи Харунанинг Қонунчилик кенгаши аъзолигига сайланиши муносабати билан фақат аёллар учун қилинаётган байрам эди. Ташриф буюрувчилар шаҳардаги энг нуфузли, кўзга кўринган мансабдорлар – қонун чиқарувчилар ҳукумат амалдорлари, пудратчилар, армия ҳамда полиция зобитлари, ишбилармонларнинг аёллари ва шунга ўхшаш меҳмонлар эди.

Омина айни дамда Ҳажжининг хотини эди.

Қисқаси, унинг эри тарафидан уюштирилаётган бу маросим Оминани олий табақали аёллар даврасида таништириш учун бир имконият эди.

Машина қизлар ўрта мактабининг олдидан ўтиб, чапга бурилди, сўнгра яқинда ишга тушган кенг йўлдан юриб кетди. Ҳарбий штабга яқинлашганда ҳайдовчи тезликни пасайтирди.

Кўчада автомобиллар, велосипедлар, мотоцикллар ва пиёдалар гавжум эди. Уларнинг ҳаммаси айланма йўлда йўл ҳаракати полицияси ходимининг ишорасига қараб тўхтади.

Омина марказий бозордаги дўконларини ёпаётган савдогарларга, молларини йиғиб олаётган кўча сотув-

чиларига ва бозорни тарк этаётган харидорларга қаради. Юзлаб одамлар замонавий масжид олдида аср намозини ўқиш учун тўпланишарди.

Йўл ҳаракати полицияси ходимининг яна бир ишораси билан ҳайдовчи олдинга қараб йўл олди. Омина орқага суяниб, яна кечки тадбирни тасаввур қилди. У меҳмонларни кутиб олишни, ўтиришни ва суҳбат қуришни ўйлади. Ахир ташриф буюрадиганлар шаҳардаги энг бой ва обрўли аёллар-да.

Машина жимгина Басарро туманининг марказий қисмига ўтди ва шу ердаги ягона икки қаватли бино олдида тўхтади. Бу Ҳажжи Харунанинг уйи эди. Омина ҳамма кўзлар унга қаратилганига амин эди. Шунинг учун у машинадан тушаётганида рўмолни бошига ёпди. Оминани дўмбира ва куй-қўшиқ билан, унинг гўзаллигию фазилатларини санаб, “Буюк Худодан Ҳажжи Харунага энг яхши совға”, деб таърифлаб кутиб олишди. Омина жилмайиб, уларга сумкасидан 500 найира олиб берди. Ниҳоят, у юқори қаватдаги хонасига кирди.

Уни кутаётган биринчи меҳмонини кўриб, ҳайрон бўлмади. Коло маҳаллий ҳукумат котибининг рафиқаси эди. Ишбилармон бу аёл яхши дўст ҳам эди. У ўрта ёшда ва ўрта бўйли бўлиб, замонавий кийинганди. Улар саломлашишди. Кейин Коло Оминага кийим танлашда ёрдам берди. Ҳажжининг рафиқаси бошига оқ шарф, эгнига олтин чизиқлар туширилган ёрқин оқ костюмни кийди. Тилла узук, кумуш билагузук ва олмос сирғалар билан безанди.

Коло сўз орасида ундан қаерда бўлганини сўради.

– Фотимани чақириш учун университетга бордим, – деб жавоб берди Омина.

– У қиз бепарвоми, дейман? – сўрашда давом этди Коло.

Омина изоҳ бермади. У Коло ва Фотима ўртасида ўзаро яқинлик йўқлигини биларди.

Омина баланд кўзгу олдида кийимларига қараб тураркан, меҳмонлар келганини айтишди. Уларни

кутиб олиш учун пастга тушди. Омина гўё замонавий ва гўзал стюардесса ролини ўйнади.

Меҳмонлар ўзи билан университетдан икки қизни ҳам эргаштириб келган Фотима экан. Омина уларни кўриб, самимий табассум қилди.

Сал ўтиб, чақирилганларнинг барчаси биринкетин ташриф буюра бошлади. Уларни кутиб олаётган Оминанинг ёнига Коло ва Ҳажжи Харуна ҳам келиб қўшилишди.

Колонинг вазифаси Харунани нутқ сўзлашга таклиф қилиб, барчани расмий кутиб олиш эди. Унинг ёнида узун бўйли, ясси пешонали, юмшоқ соқолли катта бир одам турарди. Коло уни ҳаммага таништирди. Ҳажжи Харуна мулойимлик билан кийимини тўғрилаб, ўз сўзини Аллоҳга шукрона айтиш билан бошлади ва шундай деди:

– Сизлар яхши биласизлар, бизнинг Ислом динимиз мусулмон эркакларга тўрт хотинга уйланишга изн беради. Омина – менинг тўртинчи хотиним. Ҳаётдаги тамойилим – бу янги муваффақият!

Меҳмонлар орасида шивир-шивир эшитилди. Харуна эса мағрур жилмайиб қўйди ва нутқини давом эттирди:

– Аллоҳнинг ёрдами билан мен маҳаллий маъмурий дўконнинг котиби этиб тайинландим ва биринчи аёлимга уйландим. Яна Роббим мадади ила Молия вазирлигида ҳисобчи лавозимига кўтарилишим билан иккинчи хотинни олдим. Қудратли Аллоҳ менга ишим борасида янада муваффақият ато қилгач, учинчи аёлга никоҳландим. Энди тагин Парвардигор кўмаги билан мен Қонунчилик мажлисида ўрин эгалладим ва тўртинчисига уйландим.

Кейин у Оминага қараб:

– Сиз охиргисисиз! – деди.

Меҳмонлар қарсақ чалишди, кимлардир эса кулиб қўйди. Ҳажжи Харуна ҳаммани жим кузатиб турди ва шундай деб қўшиб қўйди:

– Ислом қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда сизларга айтаманки, мен барча хотинларимни бир хил севаман.

У сўзини тугатганидан сўнг меҳмонлар гуруҳ-гуруҳларга бўлинишиб, ўзаро суҳбатлаша бошлашди. Омина барча билан танишди, саломлашди ва табрикларни қабул қилди. Иқтисодиёт соҳасидаги турли суҳбатлар, яқинда эришилган сиёсий ютуқлар ва муваффақиятсизликлар, сўнгги русумдаги автомашиналар ҳақидаги фикрлар унинг қулоғига чалинди.

Маросим сўнгида хизматкорлар меҳмонларга алко-голсиз ичимликлар, ширинликлар, қовурилган ва дудлаб пиширилган ҳар хил гўштли таомларни тортиқ қилишди.

Омина ўз дугоналари томон йўл олди. Шунда Фотима деди:

– Бу фирибгарлик-ку! Келажакда у юқори лавозимга тайинланса, нима бўлади? Ўз хотинларидан бирини бошқасига уйланиш учун талоқ қиладими?!

* * *

Омина байрам тугаганидан кейин дам олиш учун хонасига йўл олди. У чуқур хўрсинаркан: “Худога шукр, ажойиб кеча бўлди”, деди. Аёл ётоғидаги рангли телевизор, магнитофон, музлаткич, қимматбаҳо идиш-товоқлар терилган ойнали сервант ва ҳар хил кийим-кечаклар билан тўлдирилган шкаф каби жиҳозларни кўздан кечирди.

Омина хонасига кечки овқат буюртирди ва ухлаш учун тунги либосини кийди.

Бироз ўтиб, Ҳажжи Ҳаруна хонага кириб келди. У оппоқ чойшабли тўшакка ўтириб, оёқ кийимларини ечди ва деди:

– Омина, маросим пайтида сиз менинг хотиним сифатида уй ва ерга эгалик ҳуқуқингиз борлигини эълон қилишни унутибман, узр! Кейин бугун Батор

билан учрашдим, у сизнинг яқин орада боришингизни кутяпти.

Харунанинг ери бу жойдан унча узоқ эмасди. У дарё яқинида, бошланғич мактабнинг қаршисида эди. Омина эрига самимий миннатдорлик билдирди, унинг сахийлигидан ҳайратда қолди. Ҳажжи тирик ва бой экан, агар хоҳласа, бу дунёда ҳамма нарсага эриша олишига хотинини ишонтирди. Қисқа сукутдан сўнг эса деди:

– Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Бир неча ой олдин биз нотаниш эдик, бугун эр-хотинмиз. Қоронғи бўлишига қарамай, сизнинг чеҳрангиз чиройдан порлаётганини ҳис этяпман. Жуда гўзалсиз!

Тонг отгач, Омина бомдодни ўқиб, нонушта қилди. Сўнг кенг ва қимматбаҳо кийимларини кийиб, уйдан чиқди. Ташқарида уни тўқ кўк рангли машина кутиб турарди. Ҳайдовчи Омина учун эшикни очди. У орқа ўриндиққа ўтирар экан:

– Мени Баторнинг уйига олиб боринг! – деди.

Баторнинг уйи шаҳар четида эди. Машина унинг дарвозаси олдида тўхтади. Кўриқчига Қонунчилик ассамблеяси раҳбарининг рафиқаси Омина Харуна Баторни кўриш учун келгани тушунтирилди. Шунда дарвоза очилиб, машина ичкарига кирди.

Бошқа кўриқчи эса Оминани ҳовуз ва теннис кортидан олиб ўтиб, уй томон дарахт билан қопланган йўлдан кузатиб борди.

– Сиз билан танишганимдан хурсандман! – дея Батор эшик олдида Оминани кутиб олди. – Илтимос, ўзингизни уйингиздагидек ҳис қилинг.

У Оминани бир одам ўтирган қабулхонага бошлаб кирди ва бироз кутиб туришини айтди. Ҳалиги киши янги келган меҳмонга эътибор ҳам қилмади. Икки эркак ўртасидаги суҳбат келган жойидан давом этди.

Омина ҳашаматли хонага ва ундаги қимматбаҳо жиҳозларга бирма-бир қараб чиқди.

– Отангиз қиймати пасайган акцияларга сармоя киритган, – деди Батор.

– Унинг банкдаги ҳисоб рақамлари менда катта қизиқиш уйғотди-да, – деди у одам.

– Сизнинг отангиз пулни бир неча йиллар давомида қайтариб ололмайдиган қилиб сақлаган. Мен унга кўп имкониятларни таклиф қилгандим, отангиз уларни қабул қилиб, ҳужжат имзолаган. Уларнинг асл нусхасини сизга кўрсатишим мумкин. Сиз кейинги ўн йил ичида фақат йигирма беш фоиз суммани қайтариб ололасиз. Агар у тирик бўлганида ҳам бундан кўпроғини олишга қодир бўлмасди. Аммо у миллионлари борлигини айтганди, – дея тушунтирди Батор.

– Тушунмадим, сиз бу пулларни Нигерияга ўтказа олмаймиз, демоқчимисиз?

– Ҳа, уларни қайтариб бериш деярли мумкин эмас! – деди Батор қатъий оҳангда. – Мен ҳозир бандроқман. Ўғлим буни сизга батафсил тушунтиради.

Сўнг у ўғлини чақириб буюрди:


– Лукас, Лукас! Илтимос, ишлар қандай кетаётганини мана бу кишига кўрсатгин.

Кейин Батор табассум билан Оминага мурожаат қилди:

– Хуш келибсиз! Илтимос, мен билан юринг. Сизни бир инсон билан таништирмоқчиман.

Улар бассейн томон юришди. Батор уни Лондондан келган Паула билан таништирди.

– Сиз билан танишганимдан хурсандман, – деди Паула кўзойнагини тақиб. – Мен сизнинг давлатингизга ва унинг халқига ошиқ бўлдим. Юртингиз мафтункор экан. Бу ерда жуда кўп иш қилиш мумкин. – У финжонини қўлига олди. – Сиз ҳам меҳнат бозорида бўлсангиз, жуда яхши бўларди. Балки, бирга ишлашимиз керакдир, нима дедингиз?!



– Мен ҳозирча аниқ қарорга келмадим, – деб жавоб берди Омина. – Аммо сиз билан учрашганимдан мамнунман.

Батор ўғли билан Оминани бошқа хонага таклиф қилди. Лукас унинг ёнига ўтираркан, икки стаканни тоза сув билан тўлдирди.

– Мен отамдан эшитишимча, сиз биз билан савдосотиқ борасида ҳамкорлик қилишни истаркансиз, – деди у стол устидаги баъзи қоғоз ва газеталарни тўғрилар экан. – Аввало, сизга таклиф қилинаётган хизматларни тушунтирсам. Асосан, бу пулни бошқариш, яъни одамларга ўз маблағларини қаерга йўналтиришни маслаҳат беришдан иборат. Агар кимдир Европанинг бирон-бир жойидан уй сотиб олишни хоҳласа, биз ёрдам тариқасида бир нечта нархларни кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек, тиббий кўрик борасида кўмаклашамиз, таътил жадвалларини тузиш ва болаларни энг яхши мактабларга жойлаш каби ишларда ёрдам берамиз.

Учрашув сўнгида Лукас унга турли маслаҳатлар бериб, ҳужжатларни тақдим этди. Омина миннатдорлик билдириб:

– Буларни ўрганиб чиқиб, сизга қайтараман, – деди.

– Фотиманинг яқин дугонаси эканингизни биламан. Бир нарсда ёрдам берсангиз. Мен бир неча ой давомида мамлакатдан ташқарида бўламан. Шунинг учун уни кўрганингизда, илтимос, университетдаги суҳбатга қўшилиш таклифини қабул қилганимни билдиринг. Қайтиб келганимда ўзим алоқага чиқаман.

Омина истехзо билан жилмайиб қўйди.

II ФАСЛ

Бир неча ҳафта ўтди. Ибодат қилиш, овқатланиш ва ухлаш – Оминанинг кунлик тартиби эди. У ўзининг фаровон ҳаётидан завқланарди. Эри бой бўлгани учун

деярли ҳамма нарсага эришганди. Шунга қарамай, Омина вақт ўтиши билан фикрларини жамлаб, бирон қизиқарли машғулоти топишни ўйлаб қўйди.

Қуёш чарақлаб турган куни Омина Қонуний хотинлар уюшмасининг очилиш маросимида иштирок этди. У ерда бир неча меҳмонлар билан учрашди. Тадбир якунида эса Ассоциация бош котибининг ёрдамчиси лавозимига сайланди ва қувонч билан уйга қайтди.

Омина хонасига кириб, костюмини ечди ва кўзгуга қараб деди: “Мени гўзал қилиб яратгани учун Худога шукр! Менга бир аёлга зарур бўлган ҳамма нарса берилган. Ўзим учрашувдаги аёлларнинг энг гўзали эканман!”

Шу пайт эшик тақиллаши унинг хаёлини бўлди. Омина тезда эгнига кийиб, эшикни очди.

– Салом, маликам! Ишларингиз қалай? – Коло кулиб турарди.

– Мен яхшиман, сиз-чи?

Меҳмон ичкарига кирди.

– Зўр! Мен узоқ қололмайман. Яқинда Европага, сўнг муқаддас ҳаж сафарига жўнайман.

– Сиз омадлисиз! – Омина табассум билан жавоб берди.

– Менинг янги компаниям рўйхатдан ўтди.

– Қайси бири?

– Саёҳат агентлиги. Бу бизнес ҳозирги кунларда жуда фойдали, айниқса, зиёратчилар Саудия Арабистонига борганда... – Коло бир зум тўхтади. – Умид қиламанки, сизни муқаддас ерга олиб бориш таклифимни унутмаганиз.

– Албатта, йўқ! Сизга қачон тайёр бўлишимни айтаман...

Омина дам олмоқчи бўлиб турганди, хонага Майро кирди. У араб тили ва тажвид илми ўқитувчиси эди. Тўладан келган бу аёл энг сўнгги янгиликлардан доим бохабар юрарди. Шунинг учун уни “Радио Сар” деб ҳам аташарди.

– Сиз омадли аёлсиз, – деди Майро ўтираркан.

– Қандай? – сўради Омина.

– Бу ердаги кўпчилик аёлларга қараганда фаровон ҳаёт кечиряпсиз. Албатта, бу Аллоҳнинг иродасидир.

Омина:

– Тўғри, – деб жавоб берди.

– Сиз Ларрини биласизми?

– Йўқ. У ким ўзи?

– Узоқ вақт касалхонада бўлган ёш она. У боласини олдиргани учун даволанишга ётган эди, аммо анча қийналди. Энди эса эрта туғруқдан кейин учрайдиган касалликдан азият чекмоқда.

– Менга бунинг қандай алоқаси бор? – Омина хўрсиниб сўради.

– Ҳеч қандай, шунчаки айтдим. Мен унга ачинаман. Биласизми, аёлларнинг аксарияти умрининг кўп қисмини муҳтожлик ва эътиборсизликда ўтказади. Ёш, ўқимишли аёлсиз, уларнинг ҳаёти сизни қизиқтириши мумкин, деб ўйладим. – Майро унга диққат билан қаради.

Омина бепарволик билан жавоб берди:

– Йўқ! Ҳаммамизнинг шахсий ҳаётимиз ва алоҳида тақдиримиз бор. Мен уларни ёш турмуш қуришга мажбур қилмадим. Мен психиатрмасман ва уларга ғамхўрлик қилиш учун бой ҳам эмасман. Сизга шаҳар ҳокими ёки бошқа обрўли шахсга учрашишни маслаҳат бераман.

Майро қатъий оҳангда:

– Улар – эркаклар, аёлларнинг касаллиги жиддийлигини тушунишмайди, – деди.

– Мен нима қила оламан? Бу – Худонинг иродаси.

Майро бошқа муаммоларни ҳам гапира кетди. Омина уни узоқ вақт тинглади. Чарчаганини ҳис қилганида эса дам олиши кераклигини айтди.

* * *

Майро кетгач, Омина мамнун ҳолда жингалак сочларини тарашни бошлади. Шу пайт ташқарида таниш овоз эшитилди.

– Бу Гампо – ўтин кесувчининг ўғли эмасми? – Фотима бир аёлдан беш ёшли болани назарда тутиб сўради.

– Ҳа, – деб жавоб берди онаси.

– Демак, у мамлакатимизнинг бўлажак президенти! – деди у ҳазил билан. Боланинг онаси табассум қилди.

Фотима Оминанинг олдига кирди.

– Ҳозир Талабалар уюшмаси сайловларида бўлиб, вице-президентни сайлаб келдим.

– Табриклаймиз! – Сиёсатга қизиқмаса ҳам, дугонасини самимий табриклади Омина.

– Раҳмат, – деди Фотима ва диванга ўтириб, қизил шапкасини ечди, сўнг узун сочларини орқасига ташлади. – Сочимни ўришимга ёрдам бера оласизми?

Омина тасдиқ ишорасини қилиб деди:

– Мен сиз билан гаплашмоқчи бўлган баъзи масалалар бор эди.

– Майли, вақтим бор.

Фотима жойини ўзгартириб, ёғоч курсига ўтирди. Омина эса гиламга тиззалаб ўтираркан, дугонасининг сочларини сийпалади.

– Сайлов жуда ҳаяжонли ўтди, мен кўп нарсаларни ўргандим...

– Эшитинг! – Омина унинг гапини бўлди. – Биласизми, бу мени қизиқтирмайди. Мен сиёсатдан қўрқаман ва нафратланаман!

– Қандай қарайсиз, билмадим, лекин мен билан ҳамма сиёсий доирада муомала қилишини истайман.

Фақатгина танлов – бу борада фаол ёки пассив бўлиш. Агар сиз куч ишлатишга ва сизга таъсир қиладиган нарсаларни бошқаришга тайёр бўлмасангиз, унда бошқалар ҳам ёрдам беролмайди. – Фотима бироз тин олгач, сўради: – Хўш, сиз қайси партияга мансубсиз?

Омина жавоб берди:

– Мен ўртадаги гуруҳга мансубман, деб ўйлайман.

Фотима норозилик билдирган оҳангда деди:

– Айтишим керакки, сиёсатда ўрта чизик йўқ, панжара устига ўтирманг. Агар сиз жорий тизимга эътибор қилсангиз, уни қўллаб-қувватлайсиз ёки яхшироқ томонга ўзгартириш усулини ўйлайсиз.

Омина Фотиманинг сиёсий масалаларга чуқур кирганини ва у бу борада соатлаб суҳбатлашишини биларди, дугонаси гап бошлаганида уни чалғитиб бўлмасди.

– Бу соч турмаги билан янада чиройли кўринаркансиз. – Омина ўрнидан турди. – Мени сиёсатга йўллашни бас қилинг!

– Йўқ, асло! Икки кўзи бор ҳар ким сизнинг ноёб гўзаллик соҳибаси эканингизни кўриши мумкин. Ҳатто кўр одам ҳам юзингизга тегса, буни ҳис қила олади. Бироқ гўзаллик аёл эҳтиёжларининг бир қисмидир. Бундан ташқари, ақлнинг кучи ҳам керак. Сочимни ўрганингиз учун раҳмат!

Омина жилмайиб жавоб қилди. Унинг Фотима билан гаплашмоқчи бўлган гаплари бор эди. Лекин дугонасининг шахсий муаммолар ҳақида гаплашгиси йўқ эди. Шунга қарамай, кутишга қарор қилди.

– Хўш, аёлларни ислоҳ қилиш учун қандай шартлар мавжуд? Биз нима қилишимиз керак?

Фотиманинг юзи ёришиб кетди:

– Биз жуда кўп иш қилишимиз зарур. – У жўшқинлик билан жавоб берди. – Аввалига биз ҳокимият тепасидаги одамларнинг аралашувига муҳтожмиз.

– Мен эрим билан гаплашаман, ундан “Қонунчилик ассамблеяси аёллар масаласини кўриб чиқадами?” – деб сўрайман, – дея Омина фикр билдирди.

– Гапни бундай бошламанг! – Фотима норозилик билдирди. – У ҳолда ҳеч қачон ёрдам ололмайсиз.

– Аммо у мени севади, – деб туриб олди Омина.

– Тўғри, лекин у ўз манфаатларини кўпроқ севади. – Фотима тўхтади. – Бошқа томондан, қонун чиқарувчи хотин-қизлар уюшмаси аёлларнинг аҳволларини яхшилаш учун фаолият юритиши мумкин-ку. Сиз буни қай даражада ташкил қила оласиз?

– Бизнинг ташкилотимиз кичик доирада иш олиб боради. Биз асосан, эрларимизга қандай ғамхўрлик қилиш, уларни энг яхши шароитлар билан таъминлаш масалаларини муҳокама қиламиз. Агар келмоқчи бўлсангиз, кейинги йиғилишда эътиборни сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга қаратаман. Эҳтимол, биз эрларимизга аёллар учун энг мақбул шароитларни таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатармиз.

– Кулоқ солинг, ишонаманки, улар яхши ният туфайли ўзгаришни бошламайдилар. – Фотима пастки лабини тишлади ва нутқини жиддий оҳангда давом эттирди: – Нодонлик ва жоҳиллик аёлларни қийнайдиган адолатсизликнинг асосий сабабларидан биридир. Бизга кўпроқ мактаблар керак ва қизларни мажбурий таълимга бериш зарур, аммо бу келажак режаси. Шу билан бирга, биз катталар учун саводхонлик дастурларини ҳам бошлашимиз даркор.

– Нима демоқчисиз?

– Аввал биз аёлларга ўқиш ва ёзишни, кейин уларнинг фуқаролик бурчларини, инсон ҳуқуқларини ҳамда ўзларини қандай ҳимоя қилишни ўргатишимиз лозим. Аксарият аёллар Ислом динини ҳам тушунишмайди. Улар фақат эрларининг, ака-укаларининг ва бошқаларнинг айтганларини қабул қиладилар, бу мусул-

монлар қадриятлари ва меъёрларини бузади. Агар аёлларга тўғри таълим берилса, улар ижтимоий мавқеини яхшироқ англайдилар.

Фотима қанча кўп гапирган сари Оминанинг қизиқиши ҳам шунчалик орта борди. У дугонасининг айтганларини охиригача тушунмаса ҳам ёки қабул қилмаса-да, Фотимани ҳурмат қилди ва унинг фикрларини англашга астойдил интилди.

Бу икки дугона ўшанда бир хонада учрашишди ва бирга ўтиришди. Шундан бери, яъни икки йил давомида Фотима университетда Омина учун дугоналарининг энг ишончлиси эди. Ҳамма уларни самимийлиги учун ҳурмат қиларди. Фотима университетда инсон ҳуқуқлари ва адолатни ҳимоя қилишда жуда таниқли эди. Шундай қилиб, Омина Фотимани бир пасда яхши кўриб қолди. Дугонаси уни сиёсатга жалб қилишга кўп уриниб кўрди, аммо Омина ҳеч қизиқмади. Ҳатто бир марта у қатъий рад этди ҳам. Шунга қарамай, уларнинг яқинлиги давом этди. Омина университетни тарк этганидан кейин ҳам муносабатлари ўзгармади.

– Нега аёллар таълимга муҳтож, деб ўйлайсиз? Гарчи мен олий маълумотли бўлсам ҳам, доимий уй бекасиман. Мен аёлларга таълим бериш вақт ва пулни исроф қилиш, деган фикрга қўшиламан.

– Сабаби сиз ўзингизнинг билимингиздан фойдаланмайсиз, шунинг учун шундай деяпсиз. Аммо бу аёллар ўрганиши шартмас, дегани эмас. Сизнинг бу борада анча фойдангиз тегиб, ёрдам бера оласиз.

Омина изн сўради ва намозга тайёрланди. Жойнамозда ўтираркан, ишора қилди:

– Кечаси юриш хавфли. Мен қоронғи тушгунга қадар уйга боришни афзал кўраман.

Фотима уни ишонтириб жавоб қайтарди:

– Тўғри, бирон зўравон ёки ҳатто қуролланган қароқчига дуч келишим мумкин. Аммо қаратэ бўйича қора белбоғим борлигини билмайсизми?!

– Балли! – деди Омина бошини қимирлатиб. – Айтганча, мен Баторнинг уйига бордим, улар сизнинг таклифингизни қабул қилганини айтишди. Бу ҳақда нима дейсиз?

Фотима жилмайиб қўйди ва бироздан кейин ойдинлаштирди:

– Буни билгандим! У отамга жуда яқин. Шунинг учун мен у билан турли мавзуларни муҳокама қилиш имкониятига эгаман. Ўртамиздаги очиқ мунозарадан талабалар фойда кўради, деган фикрда эдим. Шунга ғолибни аниқлаш учун ҳакамлар ҳайъатини ҳам таклиф этдим. Агар Батор маданий дуёлда ғолиб бўлса, бошини қайтарма қалпоқ билан ёпиши шарт бўлмайди. Мабодо, ютқазса, у сиёсий маҳбусларни озод қилиб, маълум миқдордаги талабаларнинг ўқиш пулини тўлашга мажбур бўлади. Бошқача айтганда, ўз кучи ва бойлигини одамларга фойда келтириш учун сарфлайди. Мен ушбу мунозарани сабрсизлик билан кутаман ва иштирок этишингизни таклиф қиламан. Ишонаманки, сиз ниманидир ўрганасиз.

– Менга Батор тўғрисида кўпроқ маълумот беринг. Ростини айтсам, у ҳақида кўп нарсани билмайман.

– Нимадан бошласам экан? – Фотима бир муддат тўхтаб қолди. – Батор биринчи марта Нигерияга фуқаролар уруши даврида ёлланма ишчи сифатида келган. Айтишларича, у айирмачилар билан курашган, аммо раҳбарлар билан жанжаллашиб, Камерун орқали бошқа ерга ўтиб кетган. Бир неча ойдан кейин Батор Нигерияга Федерал ҳукуматнинг ҳарбий маслаҳатчиси сифатида қайтиб келган, лекин жангларда қатнашмаган. Инқилобчилар Баторга кўнғироқ қилиб, агар улар ғалаба қозонсалар, унга нефт сектори бошқарувини беришни ваъда қилишган. Эвазига у инқилобчиларни замонавий қуроллар ва радио қурилмалар билан таъминлаши керак эди. Аммо жанг пайтида ярадор бўлиб, аввал Фил

сунги соҳида,

T D P U

kutubxonasi

сўнгра Европа пойтахтига саёҳат қилди. Уруш тугаганида Батор ўша ерда эди. Тўлиқ тузалганидан кейин у Нигерияга пудратчи ва федерал ҳукуматнинг бош маслаҳатчиси сифатида қайтиб, компания курди. Батор имкониятлардан фойдаланишга жуда уста эди. Нефт бозори ривожланган янги шароитда ҳукмрон табақаларга турли хил хизматларни кўрсатарди. 80-йилларда у Африканинг кўплаб мамлакатларида бўлди. Яқин дўстлари бўлган бир нечта диктаторлар билан алоқаси яхши эди. Батор Анголадаги фуқаролар уруши пайтида инқилобчиларга маслаҳат бериб, йўл кўрсатган. У ерга ташрифларининг бирида кубалик аскарлар Батор ва мулозимига ҳужум қилишди, аммо у тирик қолди, Луандадаги касалхонада эса ҳибсга олинди. Бироқ махсус гуруҳ уни тунги операцияда сақлаб қолди ва Жанубий Африкага олиб кетди.

Омина дугонасининг дунёвий билимларидан ҳайратга тушди. Унинг бу маълумотларни қаердан олганига ҳайрон бўлиб, ўртоғига тикилди. Фотиманинг оддий кийимларда ёш ва ақлли кўринишини пайқади.

– Менимча, уйга қайтиш вақти келди. – Фотима Оминага жиддий қаради. – Сиз бўш ва қарам ҳаётингиздан қониқасизми? Кейин сиз ёшсиз, эрингиз учун ҳаётсиз, унинг сеvimли хотинисиз...

Фотиманинг сўзлари Оминага таъсир қила бошлади.

– Кимдир билим олдим, у абадий озоддир. Сиз уларга қандай қилиб бахтли, соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришни кўрсатишингиз мумкин... – Фотима чуқур нафас олди. – Сиз буларнинг ҳаммасини қила оласиз, кўзингизни очинг! Билимингизни янада кенгайтириш учун, қисқача айтганда, яхшилаб ўқиб-ўрганишингиз керак. Агар шундай қилмасангиз, бу том остида зерикишдан ўласиз.

Фотима ўрнидан туриб, секин ойна томон юрди.

– Қўрқяпсизми? – дея сўради Оминадан. – Менимча, аёлларнинг ҳаёти яхшиланиши мумкин ва мен

синашдан чўчимайман... Собик эрим жуда бой эди. Бир куни чет элга саёҳат қилдик. У билан биринчи ойларда бахтли яшадик. Аммо вақт ўтиши билан менинг ҳақиқий юзини кўрдим. Яъни, учинчи хотинга уйланганини билиб қолдим. Оиладаги зўравонлик ва зулм, асоссиз шафқатсизлик, тарк қилинган эътиқодлар ва талончилик менинг келажагим эканини англаганимда уйдан кетдим. У эса никоҳнинг бекор қилинишини мамнуният билан қабул этди. Шундай қилиб, Ажамага қайтишга муваффақ бўлдим. Бу ҳаётий тажриба натижасида мен нафақат аёлларнинг аҳволини ўрганишга, балки уларни ўзгартиришга қарор қилдим. Шунинг учун қонунни ўрганишни, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бу борада курашишни танладим. Мен ижтимоий зинапоянинг тепасини кўра олдим, бироқ у ерда ҳеч қандай қувонч ва бахтни кўрмадим. Аста-секин зинапоядан пастга тушиб, ўзимга керакли бахтиёрликни ҳис этдим.

Шу пайт Ҳажжи Ҳаруна табассум билан кириб келди.

– Кун бўйи ғийбатлашдингларми? – деди у.

– Биз айрим масалаларни муҳокама қилдик. – Фотима тузатиш киритди.

– Ҳа, нимани муҳокама қиляпсизлар?

– Аёллар масаласи, – деб жавоб берди Омина, – яъни уларнинг қийин шароитлари, имкониятдан қандай фойдаланиши кабилар. Ҳар иш, яхшилигу ёмонлик ҳам Худонинг иродаси билан амалга ошади, шундай эмасми?

– Энди борай, – деди Фотима ва ўрнидан турди.

Тўсатдан Ҳажжи Ҳаруна укаси Ламидо Дан Басарро ҳақида гап очиб қолди. У бир газетадаги мақоласида ҳукмрон партияни танқид қилганидан кейин ҳибсга олинганди.

Фотима деди:

– Ламидо фуқаро сифатида ўз ҳуқуқидан фойдаланди. У ҳеч қандай қонунбузарлик қилмади. Шунчаки, нима содир бўлишини тасвирлаб берди: охирги сайловлар марказлашгани, давлатда коррупция мавжуд-

лиги, фаворитизм¹ ҳамда карма² борлигини айтди. Ҳамма буни билади ҳам! Сиёсатшуноснинг вазифаси – тасвирлаш ва таҳлил қилиш эмасми?

– Нима учун ақли расо кимса ҳукмрон партиёга қарши чиқади? Нега ака укасининг ёки ука акасининг партиясини танқид қилади?

– Мен мақолани ўқиб чиқдим, ҳеч қандай танқид йўқ эди. Демак, сиз сизни ва ҳукмрон партиёни танқид қилган ҳар қандай кишини қамаш керак, деб ўйлайсизми?

– Ҳа, агар қизим мени танқид қилса, уни ҳам қамоққа ташлайман. Ишонаманки, укам қийналмоқда.

– Аммо унинг бу ҳолатда ҳибсга олиниши қонунга зид.

– Мен қонундан устунман! – деди Ҳажжи Харуна кулиб.

– Дан Хаббо ҳақида нима дейиш мумкин? – Омина Фотимадан Ҳажжи Харунанинг устозлари билан ҳибсда бўлган яқин қариндоши ҳақида сўради.

– Ҳа, уми? У айримларга қарши ҳаракат олиб борди ва ютқазди. Бу норозилиги учун жазоланиши керак эди. Ахир қонун ва тартиб бўлиши шарт-да. Бу Нигерияда қўлланиладиган сиёсат. – Фотима қичқириб юборди. – Менимча, чиндан ҳам кетиш вақти бўлди, – деб хонани тарк этди.

III ФАСЛ

Оминанинг кунлари бир хил ўтарди. Бу жамиятдаги аксарият аёлларнинг ҳаёти шундай эди: асосий вазифа – уйда қолиш, эр ва оилани парваришлаш. Эр киши –

¹ Фаворитизм – одам ажратиш, ён босиш, ортиқ кўриш.

² Карма – буддизмга кўра, инсоннинг ўз ҳаёти давомида бажарган ижобий ва салбий ҳаракатларининг йиғиндиси ҳамда шунга яраша тақдир берилиб, қайта тирилишда инсон ё куш, ё ҳайвон бўлиб туғилиши.

уйнинг эгаси. Аёлни бошқариш, нимани қачон қилиш унга боғлиқ. Ҳажжининг режасига кўра, Омина биринчи фарзандини дунёга келтирганидан кейингина ишга кириши мумкин эди.

Ўша зерикарли кунларнинг бирида Омина ўз хонасида эди. Бир пайт Фотима келиб қолди. У ўзига қарамаган ва нимадандир безовта эди.

– Тинчликми?! Нима бўлди? – Омина одатий саломлашгандан сўнг сўради.

– Кўп нарса! Бизнинг ҳаракатларимиз тақиқланди. Данбаки, Ремо, Габриэл, Лего, Роҳила ва Мухтор университетдан ҳайдалди.

– Нима қилмоқчисиз энди?

– Чиндан ҳам биз ҳеч нарса қила олмаймиз.

– Қўрқяпсизми?

– Йўқ! Нега?! – Фотима жасорат билан жавоб берди.

– Сиз қувилганлардан бўлмаганингиз учун Аллоҳга шукр қилишингиз керак.

Фотима бироз жим бўлиб қолди ва деди:

– Ҳар қандай бизнесда муваффақиятга эришиш учун ўзингизда интилиш бўлиши керак. Биз давом этишимиз зарур! – Фотима тез Оминанинг олдига келиб деди: – Эшитинг, менда бир фикр бор. Бизнинг ҳаракатимиздаги айрим аёллар шанба куни сизнинг хонангизга, шу ерга бир неча соатга йиғилишади. Ҳуқуқшунослардан бир неча, тахминан, олти ёки саккиз киши бўламиз. Яхшими?

– Йўқ! – деди Омина.

– Нима?! – Орага бироз жимлик тушди. – Улар бизни яширин ҳаракат қилишга ундашди. Илтимос, бизга ёрдам беринг! – деди Фотима.

– Мен бу ишнинг охиридан чўцияпман, – деди Омина кўрқув билан.

Умидсизлик Фотиманинг юзидан билиниб турса-да, лекин таслим бўлмади. У Оминага қараб, гапирди:

– Биз бу ерда бир-икки соатгина бўламиз. Ҳеч кимни ҳеч нарсага мажбурламаймиз. Йигитлар бошқа жойда бўлишади. Хавфсизлик хизматидагилар бизни бу ерда кўришмайди, хавотир олманг. Биз шошилишимиз керак! – деди Фотима.

– Йўқ! Йўқ! – Омина қаттиқ туриб олди. – Мен кўрқаман, – такрорлади у.

– Яхши, – Фотима хотиржам овоз билан жавоб қайтарди ва узун сочларини йиғиб деди: – У ҳолда биз келганимизда сиз қабул қилманг ёки полицияни чақиринг. – Фотима сумкасини олиб, эшик томон йўл олди. – Хуллас, биз шанба куни эрталаб ўнда келамиз.

Ўша вақтгача Омина ўзини ёмон ҳис қилди. Нима учун инкор қилса ҳам, келамиз, деганини тушунолмаётганди. Нега Фотима унинг хонасидан яширин йиғилишлар ўтказиладиган жой сифатида фойдаланиши керак? Унинг эри бундай ташкилотлар билан алоқаси борлигини билиб қолса, нима бўлишини тасаввур ҳам қилаолмади.

* * *

Шанба куни Омина одатдагидан олдинроқ уйғонди. Кузги совуқ шамол унинг эшиги ва деразасидаги ёриқлардан кириб турарди. У қалин тўшак остида узок вақт ўйланиб ётди. Кейин ўрнидан туриб, душ қабул қилди. Хонасини тартибга келтирганидан сўнг эрининг Абужа шаҳрига етиб борганини эшитиб, хурсанд бўлди. Ойнани очиб, майин-майин куёш нурларидан роҳатланди.

Соат ўнлар бўлиб қолди. Омина безовталана бошлади. Шу пайт деразадан қаради, олти-етти қиз машинадан тушиб, уйи томон келаётганини кўрди. Асабий ҳолда пастга югурди, зудлик билан Фотима ва шериклари учун жой ҳозирлади. Қизлардан бири шунчаки, зиёфатга ҳамроҳлик қилиш мақсадида келганди. Ҳоким ўринбосари Биликсу эса ўзининг ўрта

мактабдаги ва университетдаги ҳамкасбини бирга олиб келибди. Шунингдек, Мужабада ва бошқа аёллар ҳам бор эди. Улар одатий ташрифга келгандек оддий кийимлар кийишганди.

Омина меҳмонларни табассум билан кутиб олишга мажбур бўлди. Уларга чой ва печенье тортар экан, Фоти-ма суҳбатни бошлади:

– Бу ерда учрашишимизга рухсат бергани учун Оминага миннатдорлик билдираман. Ушбу йиғи-лишнинг мақсади Нигерия шимолидаги аёлларнинг аҳволини муҳокама қилишдир. Маълумки, у ерда яшайдиган маҳаллий аёллар туғилганларидан бери фақат уй бекаси ва шунга ўхшаш вазифалар билан чекланишади, ака-укалари ва эрлари уларнинг иш-лашига қарши.

Университетда битта хонада яшашганда ҳам Фоти-манинг кўп маротаба шу каби мулоҳазаларини эшитган Омина учун мазкур фикр янгилик эмасди. Лекин бу сафар баҳсу мунозарага сабаб бўладиган янги фикрлар ва қарашлар пайдо бўлди. Биликсу сўзга аралашди:

– Нигериядаги аксарият аёлларга нисбатан адо-латсизлик ва камситиш даражаси жуда юқори. Хотин-қизларнинг шафқатсиз ҳўрланиши, раҳбарларнинг бунга бефарқлигини гапирмаса ҳам бўлади, улар учун ҳаётнинг ўзи маъносиз бўлиб қолган.

– Келинлар, кўнглимизни чўктирмайлик. Эркаклар ҳам азоб чекишади, аммо аёллар эркакларга қараганда кўпроқ зулм кўрадилар, – деди Фотима.

Биликсу:

– Оддий нигериялик аёл даҳшатли шароитда яшайди, у ўзи ва болалари омон қолиши учун курашишга мажбур. Бу ҳолатда ўзга аёллар уларнинг қийналаётганларига жим қараб тура олмайдилар. Буларнинг бари раҳбарлар, катта лавозимда ўтир-ганларнинг нотўғри қарорлари ва қарашлари туфай-лидир. Ҳозирда асосий эҳтиёж ота-оналарга бориб тақалмоқда.

Учрашув давом этар экан, Оминанинг кўркуви янада ортди. Мунозара кутилган тарзда ўтди.

– Юқори лавозимдаги амалдорларимизнинг алдамчи хатти-ҳаракатларини ажратиб олиш қийин эмас, – деди Фотима.

– Қаерга борсак, адоват, оммавий коррупция, сиёсий алдамчилик ва уларнинг бундай зарарли ҳаракатларига тоқат қилишни давом эттирмоқдамиз. Сўнгги умумий сайловлар ҳийла-найрангдан бошқа нарса эмас эди. Ўтган йили Гагаф бор эди, аммо нима ўзгарди? – деди Глория.

Улар жуда ташвишда эди.

– Бу йил ҳам кўплаб камбағал одамлар нобуд бўлиши мумкин. Хусусан, болалар. Шу билан бирга, бойлар қимматбаҳо машиналарни сотиб олиш, ҳашаматли уйлар қуриш, шубҳали вазифалар билан чет элга саёҳат қилиш ва кўпроқ хотинларга уйланиш каби ишлар билан банд бўлишади. Менимча, буржуа жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак. Ривожланган мамлакатларда буржуа иқтисодиётнинг ривожланишида ва сақланиб қолган сиёсий тизимларнинг маърифатланишида муҳим рол ўйнади, бунда одамларга жамият ривожига ҳисса қўшиши учун имконият туғилади. Афсуски, Африкада бунинг акси мавжуд. Янги миллий буржуа топиш қийин. Бу қаллоблар бундай нарсаларга бефарқ, уларнинг ҳаммаси порахўр. Атайин охири қаллобликка, порахўрликка олиб борадиган йўллардан боришади. Чунки шу йўлдагина фақат ўзларига фойда келади. Лекин бу йўлнинг охири даҳшатли бўлишини билишмайди, – деди бошқа аёл.

Омина секин ўзи мақтаган овқатини келтириш учун ошхонага кирди ва таомни идишларга солди. Хавла овқат ташишда унга ёрдам берди. Йиғилиш эса мунозарага айланиб кетган, қизлар бир вақтнинг ўзида бирданига гапиришга ўтиб кетишган эди. Омина улар-

га тушлик тайёрлигини ва сув ҳам олиб келганини айтди. Мажлис одатдагидек шиддатли ва ҳаяжон билан борарди.

Овқатланиб бўлишгач, Омина бўш идишларни олиб ошхонага бориб, ювди. Хавла ҳам унга ёрдам беришга тушиб кетди. Улар суҳбатлашаётганда қадам товушлари эшитилди. Коло ҳайрат билан кириб келди.

– Бу Фотима ва унинг дугоналари, – деди Омина.

– Оҳ, яна у! – деди Коло юзида даҳшат билан. – Мен яқинда Кано шаҳрига шошилиш боришим керак. Аэропортда менинг товарларимни мусодара қилганликларини билиб қолдим. Кейинроқ бизнес қилиш учун Лондонга, сўнг қишки таътилда Швейцарияга учишни мўлжаллаяпман.

– Бу тўртинчиси, – деди Омина юзида илиқлик билан. Коло жилмайиб қўйди.

– Сиз яқинда ўз бизнесингизни бошлайсиз, биз рақиб бўлишимиз мумкин.

– Меҳмонларга эътибор берманг, фақат иш ҳақида ўйланг, – деди Омина.

Шундай қилиб, Коло шошилиб чиқиб кетди.

Йиғилишда Фотима дугоналарига гўзаллик танловларида аёл моделларнинг нафис юришлари ва кечқурун университетда бўлиб ўтадиган гўзаллик ҳамда мода танлови ҳақида гапириб берди.

– Агар рўйхатдан ўтсангиз, ғалаба қозонасиз, – деди Биликсу истехзо билан.

– Йўқ, сиз мени яхши биласиз-ку.

– Бирор нимани билсангиз, биз билан баҳам кўринг, – деди Ребекка шубҳа билан.

Бироздан сўнг Фотима шундай жавоб берди:

– Бундай нарсаларни гаплашиб, ғийбатлашишни хоҳламайман. – У яна қўшимча қилиб деди: – Бундай қизларга чиройли таналар ва чиройли оёқлар керак.

Ҳаммалари кулиб юборишди, кейин кетишга тайёрланишди. Фотима Абдуллоҳнинг қўлини ушлаб олди.

– Мен бўлажак эримни сизларга таништиришдан фахрланаман! Бу Абдуллоҳ, у ўқитувчи, – деди Фотима ва Абдуллоҳга мурожаат қилди: – Мен сизга турмушга чиқишга тайёрман. Қаранг, булар менинг дугоналарим! Нега уяляпсиз?

Қизлар яна кулиб юборишди ва бирин-кетин чиқиб кетишди.

– Фотима нима учун мени эрим деб айтди? – Абдуллоҳ Оминадан сўради.

– Чунки у сизни яхши кўради.

– У мендан катта, қолаверса, қари кўринади. Мен уни яхши кўрмайман, – деди Абдуллоҳ.

– У ёши катта бўлса ҳам, худди ёш болалардек қувноқ, табиати бироз мураккаб аёл, аммо қалби тоза, – деди Омина табассум билан.

* * *

Омина Фотима кетаётиб тўшакда баъзи китоблар ва рисоалар қолдирганини пайқади. У Абу Бакр Тағованинг “Шайх Умар” романининг нусхаси билан қандайдир қоғозни кўрди. “Қуллик бошқа одамлар учун энг ёмон шафқатсизликдир. Ҳар бир авлод нисбий мавҳумликдан келиб чиқиб, ўз вазифасини кашф қилиши, кейин эса уни амалга ошириши ёки бундан воз кечиши мумкин. Биз ўз вазифамизни бажаришдан олдин ақлимиз ҳам бунга тайёр ё йўқлигини ўйлашимиз керак. Абу Бакр Тағова ушбу романни муаммони ёритиб бериш учун ёзган. Бу китоб бизнинг ҳаракатимиз нима учунлиги ва бизни тушунишингизда ёрдам бериши мумкин”, деб ёзилганди унда.

IV ФАСЛ

Омина эрта уйғонди. Об-ҳаво ўзгарган, хонадаги димлик гўё бўғаётгандек эди. У деразани очди, ташқарида салқин тонг шаббодаси эсаётганди.

Омина яна ухлаш учун ётди ва танасининг фақат ярмини ўраб олди. Шу пайт хонасида бўлиб ўтадиган учрашув ҳақида ўйлади. Йиғилиш аввалгисидан фарқли бўлиб, у унда иштирок этиши керак эди. Лекин улар нимани муҳокама қилишади, билмасди.

Учрашув соат 13:00 да бошланиши керак эди, аммо уюшма аъзолари 14:30 га қадар ҳам келишмади. Мазкур уюшма президенти Қонунчилик кенгашидаги нотиқнинг учинчи хотини Асабе бўлиб, доим биринчилардан эди. У Омина билан тенгдош. Бўйни ва бармоқларини тўлдириб тилла тақинчоқлар тақиб олган Асабе кеч бўлса-да келиб, такаббурлик билан хонага кираркан, жойни кўздан кечирди.

Учрашув бошланиши билан Асабе мунозарага киришди. Қонун чиқарувчи аёлнинг вазифалари ва роли ҳақида тушунтирди. Омина бу мавзунини зерикарли деб билди, лекин жимгина ўтирди.

Овқатланиш учун дам олаётганларида Асабе Оминани пастки қаватга суҳбатлашиш учун таклиф қилди. Омина хоҳламаса-да, рози бўлди.

– Қонун чиқарувчининг рафиқаси бўлганимдан жуда ғурурланаман, – деди Асабе ҳар тарафга аланглар экан. Омина унинг сояли жой қидираётганини тушунди. – Об-ҳаво жуда иссиқ. Теримни оқартирганим учун қуёшга бардош беролмайман.

Омина изох бермади. Асабе эса хўрсинган ҳолда давом этди:

– Мен сизнинг бу ерда қулай яшай олмаслигингизни кўряпман. Сизга махфийроқ жой керак. Агар сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен эримдан ҳимояланган ҳукумат ҳудудларидан квартира ёки уй топишини сўраган бўлардим. Ахир у бой, эҳтиёжларингизни қоплай олади. Мен шундай ҳудудда яшайман, у ер қўриқланади. Ишонинг, бу жуда зўр! Танҳо, сокин ва шинам жой. Кечқурун гольф майдонига бормасам, одатда яқин атрофдаги ўрмон томон юриб сайр қиламан. – У га-

пиришдан тўхтаб, билагузукларини тўғрилади, сўнг яна давом этди: – Биз халқаро туман клубида аёллар жамоасини шакллантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Штат бош судьясининг хотини, у ҳам судья бўлиб, президентлик учун курашади. Мен котиб лавозимига рақобатлашмоқчиман. Коло эса вице-президент лавозими-ни танлади. Аммо полиция комиссарининг рафиқаси мен истаётган лавозим учун курашмоқда. Бу жамоамиз шаҳарнинг бой аёллари ёки нуфузли эркакларнинг хотинлари учун махсус клуб бўлади. Аъзолик чекланган ва жуда кам сонли қонун чиқарувчи аёллар таклиф этилади. Сиз-чи? Бирон лавозимни истамайсизми? Агар хоҳласангиз, мен улар билан гаплашиб топиб беришим мумкин.

– Йўқ, раҳмат! – деди Омина табассум билан.

– Майли, – деди Асабе. – Лекин, албатта, аъзо бўлишингиз керак! Билимли ва жасур кўринаётганингиз учун сизни ички доирага таклиф қилмоқчиман.

– Нега бизга бундай ташкилот керак? – сўради Омина.

– Қаранг, ушбу ташкилот бизни бой аёллар сифатида жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун битта соябон остида бирлаштиради. Бунинг ёрдамида биз ўз улушимизни оламиз ва шу билан бирга, камбағалларга ҳам ёрдам берамиз, – деб тушунтирди Асабе.

– Мен тушундим, таклифингизни ўйлаб кўраман, – деди Омина.

Учрашув тугаши билан Омина хонасида ёлғиз қолди. У учрашувни талабалар йиғилиши билан таққослади. Талабалар йиғилиши қатнашчилари жамият олдида турган кенг кўламли муаммоларни муҳокама қилиб, бошқа кенгаш аъзолари билан дўстона муносабатларни ўрнатган эдилар. Қонун чиқарувчиларнинг хотинлари эса кўпроқ ўзларининг манфаатларига эътибор қара-

тишяпти ва бир-бирлари билан деярли алоқа қилишмайди ҳам.

Асабе унга ҳозир яшаётган мажмуани тарк этишни маслаҳат берди. Омина бу ҳақда жуда чуқур ўйланди.

* * *

Омина сафардан қайтган эрини кутиб олиш учун тайёргарлик кўрди. У Харунани бир неча ҳафта давомида кўрмаган эди. Эри Абужадан қайтгач, қонун чиқарувчилар қароргоҳида қолганди. Омина унинг нимадандир хафалигини ва совуққон бўлиб қолганини сизди.

– Сафарингиз қандай ўтди? – Омина ҳурмат билан сўради. Эри жим туриб жавоб бермагач, у бармоқларини теккизиб саволни такрорлади.

– Менда жуда жиддий муаммо бор, уни сиз билан ҳал эта оламан, – деди Ҳажжи Харуна, сўнг тунд ҳолда қўшимча қилди: – Аммо ҳозир менинг вақтим йўқ.

Бу совуқлик Оминани бир силкитгандек бўлди. Турмуш ўртоғи уни огоҳлантирган ҳолда:

– Ҳеч қаерга бормайсиз, – деб эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Аёл эрининг ғалати хатти-ҳаракатидан ҳайрон бўлди. Шу тобда яширин учрашувдан бошқа нарсани ўйлай олмади. Аммо буни ҳеч ким эшитмаган эди.

Омина кун бўйи асабий ва ўйчан юрди. Кечқурун Хавла унга эшитганларини айтиб берди:

– Харуна ўзининг махсус ҳайдовчиларидан бири бўлган Балъа билан сизнинг ўртангизда яширин муҳаббат бор, деб ўйлаяпти.

Оминанинг пастки лаби титрар эди:

– У қандай қилиб мени шундай иш қилиши мумкин, деб ўйлаяпти? – Қаттиқ ҳайрон қолган ҳолда сўзида давом этди: – Мен ҳатто унинг кимлигини ҳам билмайман. Бундай ёмон воқеани ким ўйлаб топиши мумкин? Нимага?

Аёлнинг хаёллари Харунанинг учинчи хотини Жумайга бориб тақалди. Гарчи улар очик-ойдин баҳслашишмаса-да, яқинда бу хотин душманлигини кўрсатганди.

Бу битта эрнинг тўрт хотини орасидаги одатий ҳолат эди. Омина эрининг бундай гапларга ишонишига йўл қўймаслиги керак. Йўқса, унинг нафақат оиладаги қадр-қиммати, балки жамиятдаги обрўсига ҳам таъсир қилади. Бундай янгилик тезда аёллар орасида ёйилади ва шубҳасиз, миш-мишлар кўпайиб, ҳар хил ёлғонлар қўшилиб кетади.

Ҳажжи Харуна унга энг ёмон муносабатни кўрсатишига ишончи комил эди. Агар у билан ажрашса, Омина қаерга кетади? Ким билан боғланиши мумкин? Дақиқалар ўтаркан, у ўзини худди суд залидаги жиноятчи каби ҳис қиларди.

– Аллоҳ қудратли, У ҳамма нарсадан хабардор Зот, У ухламайди, Ўзи менга ёрдам беради, – деди Омина ўзига-ўзи.

Кечкурун Харунанинг биринчи хотини ташриф буюрди. Кекса аёл хавотир билан кичик кундошига қаради. Омина ундан воқеага муносабати қандайлигини сўради.

– Мен тушунмаяпман. Буларнинг ҳаммаси нотўғри, туҳмат! – деди Омина. – Аллоҳ менинг ҳалол ва айбсиз эканимни билади.

– Яқин орада кўчага чиқдингизми? – деб сўради Ҳажжи Харунанинг биринчи хотини.

– Йўқ! Ҳатто у ҳайдовчи кимлигини ҳам билмайман, – деди Омина.

– Демак, булар ёлғон, – деди кундоши бош ирғаб. – Мен Харуна билан бир неча йиллардан бери бирга яшайман. Шуни айтишим мумкинки, унинг бундай воқеалардан кейин жаҳлини босиши жуда қийин. Биз-

нинг биринчи йилларимиз эсимда, у ҳатто менинг эркак қариндошларим билан гаплашишимни ёмон кўрарди.

Ҳажжи Харуна хонага кирганида икки аёл ҳам ҳурмат бажо келтириб, тиз чўкди. Унинг кўзлари ғазабдан қизариб кетганди. Хона ўртасида турган Оминани яна ахлоқсизликда айблашганди. Аёл эрига қаради ва кўз ёшлари билан буларнинг барини инкор этди. Омина гувоҳларни чақиришни таклиф қилди. У Харунани айбсизлигига ишонтиришга ҳаракат қиларди, аммо эри ғазабда ўжарлигича қолди. У Талъатни таклиф қилмоқчи бўлганида биринчи хотини бундай қилманг, дегандек қараб турарди. Харуна унга хонани тарк этишни буюрди. Сўнг Оминага қараб бақирди:

– Кейинги сафар кимнидир сиз билан бирга кўрсам ёки эшитсам, ўлдираман! Тушундингизми?!

Омина зўрға бош ирғай олди ва йиғлаб юборди. Эри яна дағдаға қилди:

– Агар сиз бошқа одамни ёқтирганингизни билганимда сизга қўлимни ҳам теккизмаган бўлардим, аммо ҳалиям кеч эмас, – деди-ю, зарда билан чиқиб кетди.

Харуна кетгач, Омина диванга ётиб, бошини қўллари билан чангаллаб йиғлаб юборди. Ундаги ғурур ғойиб бўлгандек эди. Ҳаммасини қайта эсларкан, у севги ва тушунишдан маҳрум, ёлғиз, ўзидан ғазабланган бир ҳолатда эди.

* * *

Эртаси куни Омина кўзлари хиралашган, боши қаттиқ оғриган ҳолда уйғонди. Унга суҳбатлашадиган, ишонадиган, маслаҳат ва таскин берадиган оқил бир одам керак эди. Омина кимдир унга бу Аллоҳнинг иродаси эканини, ўзидангина тасалли топишини, ортиқ ташвишланмаслигини айтишини хоҳларди.

– Агар онам тирик бўлганида менинг энг яхши маслаҳатчим бўларди, – деб Омина тинмай йиғлаб

қайғуарар, – унинг оғриқларимга даво бўлган пайтларини соғиндим, – дер эди.

У ўрнидан турди, деразага яқинлашиб, ташқарига қаради, ҳеч нарсани кўрмади. Унинг азоблари, қаерга бормасин, сояси каби орқасидан эргашарди. Кейин Фотима ҳақида ўйлади.

Омина кўз ёшларини артди, кийимларини кийди ва Хавладан уни университетга олиб боришини сўради. У машинадан тушиб, талабалар уйига қараб йўл олганида қуёш очиқ осмонга кўтарилиб бўлганди.

Фотиманинг эшигига осилган бир ёзувни кўрди: “Ундақиқадан сўнг қайтиб келаман. Илтимос, кутинг!”

Дугонаси келгунига қадар Омина балконда бир соатча кутди. У ўзини ёмон ҳис қиларди. Бироздан сўнг Фотима пайдо бўлди. Унинг юзига қараб, кўзлари қизариб, чарчаганини кўрди.

– Мен сизни бир йилдан бери кўрмадим, шекилли, – деди Фотима ажабланиб. – Қандайсиз?

– Даҳшатли, – деди Омина.

– Нима бўлди? – Фотима хавотирланиб сўради.

– Ўтиринг, ҳаммасини тушунтираман, – деб Омина Фотиманинг олдига ўтирди. У кўзлари ёшга тўлган қўллари титраган, боши эгилган ҳолда юз берган ҳамма воқеани айтиб берди. Кейин қўшимча қилиб деди: – Аллоҳ қудратли, У билади ва У менинг гувоҳимдир. Мен фақат ҳозир нима қилишим кераклигини билмаяпман.

Фотима бир муддат жим қолди, сўнг деди:

– Азизам, мен сизга ҳамдардман, лекин сиз ўзингизни ҳимоя қилишингиз керак. Мен дарҳол отангизни хабардор қилишни таклиф этаман. У сизга нима бўлаётганини билиши керак. Отангиз Харуна билан юзма-юз туриб гаплаша оладиган ва уни ҳушига келтирадиган ягона одам.

Омина бироз енгил тортиб уйига кетди, лекин у ҳалиям хафа эди. Фотима унга муаммоларини ҳал қилишда маслаҳат берди. Омина дугонаси билан кўришиб туриши кераклигини англади.

У ниҳоятда чарчаган ва беҳол, овқат ейишга ҳам иштаҳаси йўқ эди.

– Аллоҳим! – Аёл ўз хонасида ёлғиз йиғларди. – Эй Роббим, Аллоҳим, менга ёрдам бер! Аллоҳим, мени ҳимоя қил!

Омина қуёш чиққунига қадар безовталиқ ва кўрқинч билан ётди.

V ФАСЛ

Бир неча ойлардан сўнг Омина Фотима ва Батор ўртасидаги мунозарани тинглаш учун университетга борди. У дугонаси билан суҳбатлашишга умид қилиб, эрта кетди ва олдинги қаторга ўтирди. Баторнинг ўғли Лукас табассум билан унга қараб:

– Сизни яна кўрганимдан хурсандман, – деди ва ёнига ўтирди. – Мен сиз ҳақингизда ҳеч нарса эшитмадим, ҳаммаси яхшими?

– Ҳа, яхши, – деб тасдиқлади Омина.

– Мен сиз билан кўришмоқчи бўлиб юрган эдим, отамнинг иш бўйича сизга таклифи бор.

– Ростданми? Қандай иш? – сўради Омина.

– У кон компаниясини ташкил қилиш учун давлат ҳукуматининг розилигини олишга ҳаракат қилмоқда ва сизнинг директор лавозимини эгаллашингизни хоҳлайди. Биз бу дунёга мусулмон аёллар ҳам раҳбар бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқчимиз. Ушбу давлат минерал ресурсларга бой ва биз сизнинг бу ресурсларни бошқариш бўйича билимингиз борлигига аминмиз, – деди у ишонч билан.

– Мен чиндан ҳам ҳайратдаман, бу мен учун кутилмаган сюрприз бўлди. Аммо мазкур иш бўйича менда малака йўқ, – деди Омина.

– Ҳечқиси йўқ. Сизга ёрдам бериш учун мен доимо ёнингизда бўламан. Курсга ёзилишингизни маслаҳат бераман. Семестр охирида компания ташкил этилади.

Лукас ўрнидан туриб, отаси билан учрашишга кетди. Бир вақтнинг ўзида Фотима конференцияга ва меҳмонлар билан кўришишга улгуриши керак эди.

– Ишончим комилки, сиз муҳокамадан завқлана-сиз. Батор нима деганига эътибор беринг. Ҳакамлардан бири бўлишни хоҳлайсизми? – сўради Оминадан.

– Йўқ! – деб кулди Омина. – Харуна келиб қолади, мен эса тезроқ кетишим керак.

Сиёсатшунослик бўйича профессор Тож Раҳмон ўрнидан туриб, меҳмонлардан сукут сақлашларини сўради. Зал жим-жит бўлиб қолди.

– Жон Кинг Фишерни таништириш менга катта мамнуният бағишлайди. Биз ҳаммамиз уни кузатувчи сифатида биламиз. У келганидан бери Батор мамлакатни ривожлантириш учун тинимсиз меҳнат қилмоқда. Унинг ҳиссаси жуда катта, аммо ҳамма ҳам унинг ҳаракатларига, ишларига рози бўлмади. Бугун Фотима эътироз билан чиқмоқда. Тўққиз кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати ким ғолиб бўлишини ҳал қилади. Аввал Баторни тинглаймиз, – деди Тож Раҳмон.

Батор гапириш учун ўрнидан турди ва микрофон ёнига бориб, тўхтади. У Фотимага қараб деди:

– Мен ўттиз йил шу ерда яшадим, ҳаётимнинг кўп қисми шу мамлакатда ўтди, шу юртнинг ривожланиши йўлида тер тўкдим, деб ўйлайман. Баъзи одамлар, айниқса, ёшлар менинг ҳаракатларимга, фикрларимга лоқайдлик қилишади, мен бундан жуда хафа бўламан. Фотиманинг менга қарши айбловларини эшитиш учун бу имкониятдан мамнунман. Мен ундан сўрамоқчиман: нега мени ёмон кўрасиз? Ёки мен Ғарб вакили бўлганим учунми? Нега Ғарбдан нафратланасиз? Бизнинг рангимиз туфайлими? Ё технологияларимиз сабаблими? Ё бўлмаса, эркинлигимиз учунми? Ё худ динимиз боисми? Нега мен қилаётган барча ишларда нуқсон кўряпсиз?

Батор ўрнига келиб ўтирди ва Фотиманинг жавобини кутди. Фотима жавоб беришга тайёр эди:

– Батор, бу шахсий адоват эмас. Мен сизни шахс сифатида ёмон кўрмайман. Мен Ғарбда яшадим ва сизнинг эркинликларингизни ҳурмат қиламан, шунингдек, фан ва технологияларни қадрлайман. Менда сизнинг динингизга қарши бирон адоват йўқ. Терингизнинг рангига ҳам қарши эмасман. Мен нафратландиган нарса бу – капиталистик тизим ва дунёда фақат бой одамларнинг устунлик қилишидир. Айниқса, Ғарбнинг бизнинг ҳукмдорлар билан тил бириктириб, бизда жуда қадрли бўлган эркинлигимиздан маҳрум қилишидан нафратланаман. Мен раҳбарларимизни, институтларимизни йўқ қилишга даъват этадиган ҳаракатлардан нафратланаман. Коррупция ва зўравонликни тарғиб этиш, эксплуатация тизимини ривожлантириш, қадриятларимизни йўқ қилиш, қисқаси, ўлим, вайронагарчилик ва аёлларга зўравонлик... мен фақат шу нарсалардан нафратланаман!

Доктор Тож Раҳмон Фотимага ўтириш кераклигини айтди ва Батор яна ўрнидан турди:

– Фотима, менга кулоқ солинг! Биринчидан, капиталистик тизимга алтернатив (муқобили, яъни варианты) йўқ. – Батор секин, аммо баланд овозда яна такрорлади: – Ҳеч нарса капитализмга алтернатив бўла олмайди! Ҳозир мафкуравий хаёлларга бориш вақти эмас.

– Агар сиз ҳалол ривожланишни истасангиз, фақат битта йўл бор – капиталистлик! – деди Фотима Баторга қарши.

– Ҳар қандай Африка давлатининг ривожланиши учун у Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг шартларига қатъий риоя қилиши керак. Бу узоқ муддатли гуллаб-яшнашнинг ягона йўли.

– Бу иккиюзламачилик! Нега бу сиёсат Ғарб мамлакатларида қўлланилмайди? Бу тизим сизлар учун қийинми? – деди Фотима.

Батор ўрнидан турди ва деди:

– Бу ерда иккиюзламачилик йўқ. Турли хил касалликлар учун турли хил дорилар мавжуд. Ҳар қандай

тизимда голиб ва ютқазувчилар бўлади. Ҳеч қачон бир томонлама фикр юритмаслик керак. Бу Африкадаги кўплаб одамларни, шу жумладан, отангизни ва собиқ эрингизни бой қилди. Мен кўпгина Африка давлатларини мақсадли ривожланиш сари йўналтирдим ва бунга жалб қилмоқдаман. Барча Африка мамлакатлари каби Нигерия билан боғлиқ муаммо пул эмас, бу ер пул сарфлашга арзийди ва муаммо ресурсларингизда ҳам эмас, балки, уларни қандай бошқаришни билмаслигингизда. Деярли барча таҳлилларингизда сиз Африкадаги бахтсиз вазият учун мустамлакачиликни ёки империализмни айблайсиз. Ушбу нарсаларни бугунги кунда юз бераётган воқеаларда айблай олмайсиз. Африканинг аксарият мамлакатлари йиллар давомида мустақилликка эришдилар, аммо улар ҳалиям давом этаётган шикоятлар учун узоқ ўтмишни айблашади.

– Хатоларингиз учун қачон жавоб беришни ўйлаяпсиз? Мустамлакачилик ва империализм тарихимизнинг бир қисмидир. Биз ҳозирги вазиятни тушунишимиз учун таҳлилимизда изоҳларга муҳтожмиз, – деди Фотима.

– Бизга аниқлик керак, сиз мени ресурсларни ўғирлашда айблаяпсиз, – деди Батор.

– Албатта, Африка дунёдаги барча табиий ресурсларга эга. Шунингдек, бу ресурсларнинг аксарияти Нигерияда.

У ёнидаги папкани очди ва олтига кичик серфияни олди. Секин-аста уларни столга қўйди. Фотима бош ирғади. Сўнг Батор йиғилганларга мурожаат қилиб деди:

– Булар мана шу штатда топилган минераллар намуналаридир. Университетда уни ўрганадиган ёки таҳлил қила оладиган биронта ҳам олим йўқ. Мен бошқа олимларга тадқиқот учун пул тўладим.

– Қизиқ, ҳеч бўлмаганда булардан учтасининг номи айтила оласизми? – деди Фотима ва жилмайиб қўйди.

– Бу менинг ҳудудим эмас ва тан олишим керакки, сизнинг бу саволингизнинг жавобини билмайман, – деди Батор.

– Мана, кўрдингизми?! Гап шундаки, сиз мени билмаган нарсаларни сўрашда айблай олмайсиз. Бу олтин, бу мис, бу боксит, бу темир рудаси, бу алюминий ва бу сариқ кек, охиргиси, биласизми, бу нима? Уран! – деди Фотима ва сўзида давом этди: – Мен биламан, бу уран штатнинг ярмига етади!

– Нимани ва қаерда жойлашганини билиш, нима борлигини ва ундан қандай фойдаланишни билиш – бу мутлақо бошқа нарсa. Сиз мени ўқишга тўсқинлик қилаётганликда айблайсиз, бу адолатсизлик. Сиз янги мактаб ўқув дастурини ишлаб чиқишда ёрдам беришимни сўрадингиз, аммо раҳбарларингиз буни рад этишмоқда. Агар ҳурматли раҳбарларингиз бу янги мактабларга китоблар, илмий қурилмалар, компьютерларни олиб киришимга рухсат берсалар, мен буни амалга ошираман. Бунинг ўрнига, таълим бўйича давлат комиссари менга хоҳлаган машинани сотиб олиш, Лондонда уй харид қилиб, Абужада сарой қуриш учун пул таклиф қилди. Ғалати, аммо ҳақиқат, сизнинг раҳбарларингиз ҳатто ўз фарзандларининг ҳам илми бўлишини хоҳлашмайди! Энди соғлик масаласига мурожаат қилайлик. Бир неча бор у мени илмий геноцидда айблади. Фурсатдан фойдаланиб, ҳақиқатни халққа сўзлашга ижозат беринг: уч йил олдин ғарбий фармацевтика компаниялари иккита дорини тасдиқлаш учун синовдан ўтказдилар. Штат губернатори, албатта, ушбу тажрибаларни ўтказишга розилик бергани учун пул олди. Афсуски, бу дори жиддий хатоликлар содир бўлишига сабабчи бўлди, кўплаб одамларнинг, айниқса, аёллар ва болаларнинг ўлимига олиб келди. Мен бу воқеадан жуда афсусдаман, лекин жавобгарликни ўз зиммамга ололмайман. Тажрибалар ҳоқимнинг билими ва розилиги билан ўтказилди. У Ғарбда ўқитилган ва хатар нима, фойда нима эканини биларди.

– Ҳуш, нега қурбонларнинг оилаларига компенсация тўламадинглар?

– Мен жавобгар компанияни тўлашга мажбур қилишнинг яқуний босқичидаман. Тез орада ҳар бир жабрланувчига компенсация тўланади.

– Нега Европада европаликлар билан ушбу тажрибаларни ўтказмадингиз? – сўради Фотима.

– Бу тропик касалликлар учун дорилар эди, – деди Батор Фотимага қараб.

– Сиз яна репрессив тузумларни қўллаб-қувватламоқчисиз. Бу тўғри йўл эмас! Барқарорликни қўллаб-қувватловчи тизимлар бўлиши керак. Африка ҳарбий тизимлар, сармоялар ҳамда ривожланиш учун соғлом муҳит билан таъминланганида тинчлик ва барқарорлик бўлар эди, Африка ривожланган бўларди, – деди Фотима.

– Мана, очлик, қурғоқчилик бор, аммо ҳоким мендан 60 ёшда нимани сотиб олишимни сўради. Янги самолёт, дедим. У уч йил олдин сотиб олган самолёти мукамал ҳолатда бўлса-да, ундан деярли фойдаланмайман, деб айтди. Аммо мен унга нима қилишни ўргатмадим. Фақат унинг илтимосларини бажардим. У шунингдек, мен учун янгисини, икки йил ичида учинчисини олиб беришни истади! Ҳар бир шахзода ва давлат раҳбарлари яқинда чиққан янги автомобиллар, янги саройларга эга бўлишни хоҳлашади, эга бўладилар ҳам. Бу бизнинг эмас, сизнинг раҳбарларингизнинг қилган ишлари. Бу инкор этиб бўлмайдиган далиллардир ва ҳеч қандай идеализм уларни ўзгартира олмайди. Фотима, мен сизнинг жасоратингизни, ижодингиз ва ақл-идрокингни ҳурмат қиламан. Минг афсуски, мен бу лагерга қўшилишга қарор қилдим. Сизнинг мафкуравий хаёлингиздан ҳеч нарса келиб чиқмайди. Бизга қўшилинг ва сиз ўзингизнинг бизнесингиз меваларидан баҳраманд бўлинг. Менинг орзуим – Фотима ҳақиқий ҳаётда ўз истеъдодларидан фойдаланаётганини кўриш. Тўп сиз-

нинг қўлингизда. Бизга шиорларни кўтаришдан бошқа нима қилишингиз мумкинлигини кўрсатинг! – деди Батор ишонч билан.

Фотима нафрат билан кулди ва шундай деди:

– Мен кучли эканингизни тан оламан, аммо бу Камп Куантумга қўшилишимни англамайди. Менинг вазифам бор ва мен битта нарсани бузмайман – бу менинг тамойилларим. Мен капитализм шароитида овқат ейишдан кўра сув ичишни ва ўз қадр-қимматимни сақлашни афзал кўраман.

Омина соатига қаради ва уйга бориб, эри учун овқат пишириш вақти бўлганини билди.

VI ФАСЛ

Аҳамиятсиз кунлар ва ҳафталар ўтди. Омина бекорчи аёллар дунёсида ўз ҳаётини давом эттириб, ҳар доим келмаслиги мумкин бўлган “нарсани” кутарди. У кўп нарсалар чеклангани боис ўзини ақлий ҳамда жисмоний томондан чириган ва ўлгандек ҳис қиларди. Омина яшашдан мақсади нелигини, келажаги қандай кечишини билмасди. Бироқ у бошқа хотин-қизлар ҳаракатига қўшилиб олгани сабабли Қонун чиқарувчи аёллар уюшмасининг йиғилишларига келмасликка қарор қилди. Шунингдек, “Аёллар доираси” халқаро павильонига аъзо бўлиш таклифини рад этди, чунки у ерда адашган ва мақтанчоқ гуруҳни кўрди. Батор таклифини айтган пайтда Омина бизнесга кириш режасида қолди. Шу билан бирга, у ҳали талабаларга нисбатан ўз фикрини жамлай олмаган эди. Гарчи улар бирга бўлганида қулай бўлса-да, уларнинг муҳокамалари ҳақида қайғурмади.

Омина эрини камдан-кам кўрарди ва улар бир-бирларига зўрға гапирар эдилар. Айниқса, отасига нима бўлганини кўп ўйларди. У ҳатто ўзининг ташқи кўринишига қизиқишини йўқотди, бирон жойга борар

экан, қимматбаҳо либосларни кийишни ҳам тўхтатди. Энди гўзал қилиб яратгани учун Аллоҳни мадҳ этиб, ойнанинг олдида соатлаб ўтирмайдиган бўлди. Эрининг учинчи хотинидан ташқари – Омина унинг туҳмати учун жавобгар бўлганини ҳисобга олмаганди – ҳамма билан яхши муносабатда эди. Бироқ баъзида у ўзини ёлғиз ҳис қилар ва барчадан шубҳаланарди. Бундай пайтларда ўз хонасига қамалиб олиб йиғларди. Умидсизликка тушиб, Фотима унга берган баъзи китобларга мурожаат қиларди.

Кунларнинг бирида Омина маҳзун ҳолда пастга тушди ва дарахт остида ўйнаётган болаларга қўшилди. Уфқни қалин қора булут қоплади ва кучли шамол турди. Болалар ичкарига югуриб кетишди, Омина аста уларнинг ортидан борди. Хонасига киришдан олдин у уфқдаги булутларни томоша қилди. Сўнг диванига ётиб, шифтга термилди. Шу пайт тўсатдан овозлар ва қадам товушларини эшитди: Фотима ва беш қиз хонага кириб келишди. Дугонаси Оминага бир гуруҳ иштиёқмандларни таништирди.

– Бу янги аъзолар бизнинг ҳаракатимизга қўшилишди. Талабалар шаҳарчасида бир қатор учрашувлар ўтказдик. Аммо соқчилар бизни ушлаб олишига озгина қолди, шунинг учун биз бугун бу ерда учрашишга қарор қилдик. Умид қиламанки, сизни безовта қилмадик, – деди Фотима.

– Хуш келибсизлар! – деди Омина ва уларни ўтиришга таклиф қилди.

Дастлабки суҳбат янада жиддий мавзуларга йўл очди.

– Одамлар ва жамият ҳақидаги мунозарамизни давом эттирайлик, – деди Фотима ва ўзининг маърузаларидан бирини бошлади: – Агар тарихга назар ташласак, ҳамда давлатлар қандай кўтарилиб,

ривожланаётганини кўрсак, файласуфнинг айтганларини қабул қилишимиз керак.

Фотима тушунтирар экан, Омина бу қизлар ҳақида ҳайрон бўлди. Чунки ҳаракат тақиқланган бўлса-да, улар ҳали ҳам яширинча эркаклар ва жамият ҳақида гапириш учун йиғилган эдилар. Омина учун бу муҳим масала эмас эди. У жимгина чиқиб, балконда турди. Бу пайтда булутлар кетиб, қуёш чарақлаб турарди. Фотиманинг овози эса жаранглаб эшитиларди:

– Одамлар янги тажриба ва билимларга эга бўлишлари билан баъзи асосий масалаларни сўроқ қила бошладилар. Улар ижтимоий ўзгаришларни тушунишлари, воқеалар нима учун содир бўлгани ва уларнинг содир бўлишига нима сабаблигини билишлари долзарб бўлиб қолди. Бу ерда диннинг роли жуда аҳамиятли. Дин дунёда ҳамма нарсани Аллоҳ яратган ва барча ишлар белгилаб қўйилган, деб таъкидлайди.

Омина Фотиманинг гапларини диққат билан тинглади. Ребека ва Фотима ўртасида қизгин суҳбат бошланди:

– Аллоҳ баъзи одамларнинг ишсиз бўлса-да, аммо бой бўлишини хоҳлаган. Айримлар эса бутун умрини сарфлаб ишлайди-ю, ўта қашшоқликда яшайди. Кимлардир кучли, кимлардир заиф. Энг асосийси, эркаклар аёлларга қараганда улуғроқ. Дин, шунингдек, фақат Аллоҳнинг буйруқларини қабул қилганлар жаннатга боришини, Уни менсимаган ёки Унга итоат қилмаганлар эса абадий дўзахга тушишини таъкидлайди.

Омина ошхонага йўл олди. У ерда Харунанинг биринчи хотини Талата нимадир пишираётган эди.

– Овқат ҳақида қайғурманг. Меҳмонларингиз билан банд бўласиз, деб ўйлаб, ўзим сизга таом тайёрлаб бермоқчи эдим, – деди Талата.

– Сиз нақадар ажойибсиз! – Омина жилмайиб жавоб қилди.

– Келганлар Фотима ва унинг дугоналарими? – сўради Талата.

– Ҳа, – деди Омина.

– Бу жуда яхши, – деди Талата. Кейин Оминага яқинроқ бориб: – Айтинг-чи, Фотима қачон турмушга чиқади ёки бундай нияти йўқми? – деб сўради.

– Ростини айтсам, билмайман, – деб жавоб берди Омина.

– Нега сиз ундан сўрамайсиз ёки унга аёл киши ёлғиз қолиши ёмон эканини айтмайсиз? – деди Талата самимий ташвиш билан.

– Менимча, ёлғизликни ўзи хоҳлайди, – деди Омина бефарқлик билан.

– Харуна сиз билан қандай муносабатда? – сўради Талата мавзуни ўзгартириб.

– Билмайман, мен уни бир мунча вақтдан бери кўрмадим, – деди Омина.

– У бугун келади, деб эшитдим, – деди Талата ва Оминага қаради. – Отангизга айтганингиз яхши эди. Умид қиламанки, у вазиятни тўғрилашга ёрдам беради. Аллоҳ мадад берсин!

– У энди мени кўргани келмайди, шунинг учун мен уни кутмаяпман. Менимча, Жумай мафтункорроқ, – деди Омина.

– У ҳеч қачон ўзининг ҳақиқий ҳис-туйғуларини яширишга ҳаракат қилмайди. Харуна жуда рашкчи. Ишонаманки, у ўзини менинг ёнимда тасаввур қила олмайди. Мен учун у қанча кўп хотин олса, уйдаги иш ва менга босим шунчалик кам бўлади, – деди Талата бефарқлик билан.

Уларга бир аёл овози халал берди. Биликсу жилмайиб ошхона эшиги ёнида турарди.

– Сизга саломлар бўлсин! Ишларингиз қалай? – деди жилмайиб Омина.

– Жуда яхши, – деди у табассум билан.
– Боринг, меҳмонларингизга қаранг, овқат тез орада тайёр бўлади, – деди Талата.

* * *

Икки аёл юқорига кўтарилишди. Йигитлар:
– Сиз зиёфат қиялпсизми? – деб сўрашди Ребекадан.
Унинг хотиржам юзи одатда фақат ўйин-кулгига қизиқишни намоён этади.

– Аслида, бу бизнинг партиямиз! – деди Ребека.
– Омина, сиз зиёфатга борасизми? – сўради Фотима.
– Ақлдан озялпсизми? – Омина жавоб берди, гарчи у Фотима ҳазиллашаётганини билса ҳам. – Агар эрим билан ажрашсам, менга бошқа эр топа оласизми?

– Йўқ, менинг захира эрим йўқ, – деди Фотима кулиб.
Сухбатга бошқа қизлар ҳам қўшилишди. Хавла эса шу пайт овқатларни олиб келди.

Биликсу икки ошқошиқ еди. Кейин ўзини бир-оз ёмон ҳис қилди ва табассум билан Оминага тушунтирди:

– Мен ҳозиргина овқатлангандим, шунинг учун ортиқ емасликни маъқул кўраман. Умид қиламанки, сиз хафа бўлмайсиз.

– Хавотир олманг, – деди Омина.

– Тўғри, ўз эрининг уйини ташлаб кетган ҳар қандай аёл оч қолиши мумкин, – фикр билдирди Фотима.

– Ҳа, бу сизга тегишли эмас, – деб унга жавоб берди Биликсу.

Омина уларнинг дўстона муносабатларидан завқланиб, бир-бирларига қилган ҳазилларидан озгина бўлса ҳам хафа бўлмасликларига ҳавас билан қаради.

Овқатдан сўнг Омина идишларни йиғди ва Биликсу мунозарани давом эттирди:

– Африканинг баъзи мамлакатлари мустақилликдан кейин капиталистик ривожланиш бўйича узоқ йиллик тарихга эга.

- Қандай мустақиллик? – дея Фотима аралашди.
- Сиёсий мустақиллик, – дея жавоб берди Биликсу.

– Байроқ ва давлат мадҳиясининг мавжудлиги – бу ҳақиқий мустақиллик эмас, чунки аксарият мамлакатларда иқтисодий мустақиллик йўқ, – деди Фотима кескин. – Биз ривожланишга ҳаракат қилмоқдамиз, аммо бунинг ўрнига орқада қоляпмиз. Африканинг ўртача аҳолиси юзлаб йиллар орқада. Оммавий одамлар – ишчилар ва деҳқонлар қашшоқликда яшайдилар, миллионлаб инсонлар тирикчилик қилмайдилар, болалар очликдан азият чекмоқдалар, соғлиқни сақлаш тизими ҳам жуда ортда юрибди. Ростини айтсам, Африка ҳақида ўйлаганимда йиғлайман.

– Бу мамлакатлар оғир иқтисодий тангликларни бошидан кечирмоқда, уларнинг раҳбарлари эса дунёдаги энг бой одамлар қаторида. Бизнинг севимли мамлакатимизга ўғрилар ва жиноятчилар тобора кириб келишмоқда. Коррупциялашган раҳбарлар Либерияни ҳам тартибсизликка дучор қилмоқдалар, Серра-Леоне зўравонликка чорламоқда, – деди Биликсу. – Маълумки, Нигерия табақавий жараёнда қолиб кетган. Табақага ажратишнинг шаклланиши ҳануз давом этмоқда.

Омина идишларни ювиб, подвалга тушди. У етарли даражада зерикканини ҳис қилди. Хонага қайтиб келганида эса қизлар ҳали ҳам Нигериядаги аралаш синфларни муҳокама қилишаётган эди.

– Ишбилармонлар, маҳаллий ҳокимлар, раҳбарлар, истеъфодаги аскарлар, полиция ва денгиз қўриқхоналаридагилар, ҳукумат амалдорлари – буларнинг ҳаммаси Ғарб капитализмининг итларидир, – деди Фотима ва кетидан қўшиб қўйди, – улар орасида менинг собиқ эрим ҳамда отам ҳам бор.

– Бу ҳукмрон синфнинг хавфли ва иблисона табиати туфайли мамлакатда ривожланиш йўқ. Улар миллий бойликларни тўғридан-тўғри ва мустақил равишда талон-тарож этишади ёки ушбу синфнинг бошқа

аъзолари билан ҳамкорлик қилишади. Улар кучли ва репрессив режимларни қўллаб-қувватлаш учун халқаро капиталистик давлатлар билан фаол ҳамкорликда, – деди Биликсу ва жилмайиб қўшиб қўйди, – афсуски, отам ҳам улар орасида.

Ҳамма кулиб юборди.

– Оминанинг эри ҳам ушбу тоифага киради, – деди Фотима. Омина бу пайтда ташқарига чиқиб, эшик олдида атрофга қараб турарди.

* * *

Бироздан сўнг Ҳажжи Харуна ичкарига кирди. У негадир ҳеч нима демади, аммо жилмайиб қўйди. Атрофдагилар, шу жумладан, Омина ҳам уни хушмуомалалик билан қарши олиш учун тиз чўкишди.

– Қалайсизлар? – деди Харуна ниҳоят.

– Биз ҳаммамиз яхшимиз, – деди Биликсу.

– Мен ҳозиргина аэропортдан қайтдим, у ерда муфтий билан эдим, ҳажга кетаётгани муносабати билан хайрлашаётгандим.

– Ҳа, яхши, – деди Биликсу.

Омина уларнинг суҳбатини кузатиб туролмади, у асабийлашаётган эди. Аммо Биликсу давом этди:

– Биз бу ерда Ислонда оиланинг қадри ҳақида суҳбатлашаётган эдик.

– Мен жуда хурсандман, – деди Харуна.

Фотима:

– Биз дин ҳаётнинг асосий йўналиши, деган хулосага келдик. Дин инсонлар қалбига хотиржамлик олиб келади ва биз бунини виждонсизларга тушунтириб қўймоқчимиз, – деди.

– Ҳа, яшанглар Аллоҳ улуғдир. Агар Фотима шундай қилмоқчи бўлса, демак, унга дунё ҳам қарши чиқа олмайди. Аллоҳ буюк Зот! Сизларга Ўзи мададкор бўлсин! – деди Харуна. – Сизга керак бўлган ҳамма нарсани борми, ахир?

– Ҳа, – деб жавоб беришди.

– Яхши, мабодо бирон муаммо бўлса, илтимос, менга мурожаат қилишдан тортинманг. Майли, сизларни безовта қилмай, – деди Харуна.

– Йўқ, йўқ, йўқ, – деди Фотима.

– Мен кетмоқчи бўлиб турибман, жамиятга қилаётган яхшиликларингиз учун Аллоҳ сизларни мукофотласин! – деди Харуна.

Улар бир овоздан “Омин!” дейишди. Харуна кетмоқчи бўлганида Фотима ундан бироз ўтиришини сўради ва:

– Мен дин бўйича сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим, – деди ҳазил билан.

Ҳажжи Харуна хушмуомалалик билан ўтирди.

– Ҳозирги кунда мусулмонлар ўз вазифаларини бажаряптиларми? Сизнингча, бугун мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар чинакам мўминнинг ғзабини келтириши мумкинми? – сўради Фотима.

Харуна эҳтиёткорлик билан жавоб берди:

– Бу Аллоҳнинг иродаси.

– Аксинча, бу бизнинг ҳукмдорларимизнинг хоҳиши эмасми? – деди Фотима дадиллик билан унинг кўзларига тикилиб.

– Ҳукмдорларимиз бизнинг қароримизни нотўғри қабул қилишди ва биздан шу қадар узоқлашдиларки, энди бўлса, биз бир-биримизга ёрдам беришдан бош тортяпмиз, бир-биримиздан жуда нафратланяпмиз, – деди Харуна.

– Масалан, сиз бизнинг кўпгина ёш ва билимли биродарларимизни ҳибсга олишни буюрдингиз, майли, улар ўзларининг бемаъни қарашларига эга, дейлик. Нега сиз ва дўстларингиз муборак диннинг таълимотини тинимсиз тарғиб қилмайсиз? – сўради Фотима.

– Сизнингча, мен иккиюзламачиманми? – сўради Харуна.

– Йўқ, асло! Мен айтяпманки, Ислонда кўп яхши нарсалар бор. Агар мусулмонлар унинг 25 фоизини бўлса ҳам сақлаб қолсалар эди, улар бундай вазиятда бўлмас эдилар, – дея қўшимча қилди у. – Ислон давлатларида сиз мусулмон бўлмаган “мусулмонларни” топасиз.

– Ғарбда масъулият, ҳалол билим, поклик, инсон ҳаётини, мулкани, қадр-қимматини ва ҳоказоларни кўрасиз. Жамиятимизга қаранг, мусулмонларга тўла. Нимани кўряпсиз? Ноқулайлик, бузуқлик, очкўзлик, дангасалик, жоҳиллик ва қатағон. Улар майхўрлик қилишади, аммо нега гуноҳдан ўлмайдилар?! – деб Харуна эътироз билдирди.

– Ҳали ҳам ҳаётингизни ва пулингизни ғарбликларга ишонасиз. Сиз пул йиғиб, уни сақлаш учун ўшаларга берасиз, – деди Фотима ва нафрат билан бош чайқади.

Ҳажжи Харуна жавоб бермади ва ўрнидан туриб, юзида кулги билан ташқарига чиқди.

Фотима:

– Бу жой бугунги учрашув учун хавфсиз, дея олмайман. Атрофимизда бизга душман бўлган ташкилотдаги шахслар бор. У ҳозир ҳамма нарсани билиб туриб, устимиздан кулиб кетмоқда, – деди.

– Дадамнинг уйига борайлик. У Лондонга кетганидан бери уйда ҳеч ким турмайди, – деди Омина.

– У аввал Маккага бормадими? – сўради Фотима.

– Лондонга ўша шубҳали кредитларга имзо қўйиш ҳамда ўлжаларни ўзи ва шериклари ҳисоб рақамига ўтказиш учун кетди. Сўнг Маккага боради, – деб тушунтирди Омина.

– Аллоҳ уларнинг гуноҳларини кечиришини исташса, ушбу кредитни қайтаришлари керак, – деди Биликсу.

Фотима бақирди:

– Отангиз ундан нафратланарди-ку, сиз буни инкор эта олмайсиз.

– Мен буни инкор қилмайман. Мен фақат ҳақиқат томондаман. Албатта, у нима қилаётганини биламан. У ҳам мен нима қилаётганимни яхши билади.

– Албатта! – деди Фотима баланд овозда.

– Сиз АҚШ ёки Британияда ўқиган бўлсангиз ҳам, у ерда армия ривожланмаган бўлса-да, ҳукмронлик қилишни хоҳлайдиган аскарга ўхшайсиз. Улар қурола-рини одамларни қўрқитиш учун ишлатишади, – деди Омина.

– Кетдик, вақт бўлди! – деди Биликсу уларни баҳс-дан тўхтатиш учун.

Қизлар кетишди. Омина эса бироз ўзига келиш учун сув ичди ва диванига ёнбошлади.

VII ФАСЛ

Сотувчи Оминани газета-журналлар билан таъмин-лашга рози бўлди. У якшанба куни деярли барча янгиликларни севимли газетасида ўқишни истади. Шунингдек, Фотима унга берган Франц Фаноннинг “Ер юзидаги азоблар” номли асарини ўқишга уриниб кўрди, лекин баъзи сўзлар ва фикрларни тушунишга қийналди.

Шу якшанба ҳам Омина газеталарни титкилади, кўлидаги китобларни варақлади, аммо фикрини бир жойга йиға олмади. У ўз фикрларини жамлаш мақсадида ўрнига ётиб, ўйлашда давом этди. Ниҳоят, фотосурат томоша қилиш учун альбомни кўлига олди. Расмларга қараб, ўтмишдаги хотиралар, эски дўстлар, қариндошлар, танишлар ва жойларни эслади. Яқинда унинг ёнида пайдо бўлган одамлар... худди бошқа сайёрада яшаётгандек, ҳаммасини хотирлади.

Омина бир расмга қараб чуқур хаёлга чўмди. Бу расмда у ўқишга кирган куни курсдоши Мухтор Холид билан университет формасида эди. Мухтор унинг дўсти жуда яқин бўлмасалар-да, ўрталарида яхши муносабат бор эди.

Бир куни Ҳабиб, Фотима, Омина – ҳаммалари туришганда Дунбаки талабалар иттифоқи сайловида қатнашиш нияти борлигини айтди. Фотима эса ўшанда Дунбакининг сайлов бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланган. Омина Мухторнинг сокин ва мулоим бўлганини ҳамда шу яхши болага жиноятчилару безорилар билан боғлиқ бўлган вазифаларни ишониб топширишни сўраганини эслади.

Омина уни сайлов мавсуми давомида ҳар куни кузатган ва охирида президентликка эришган. Сайловлардан кейин Мухтор доимий равишда сиёсий ташрифлар билан бандлигини айтиб, вақти-вақти билан кўришиб туришди. У шунингдек, яхши спортчи сифатида ҳам танилган эди. Бу йигит сокин феъл-атворли, ақлли бўлса-да, норозиликлардан биридаги роли учун уни университетдан ҳайдаб чиқаришганидан хафа бўлганди. Унинг ўқишини бир йилга тўхтатиб қўйишганди. Омина ўзига деди:

– Мен уни олиб қолиш учун бирор нарса қилишим керак эди. Эҳтимол, унинг сиёсий саргузаштлардан кечиб, фақат ўқишга эътибор беришини маслаҳат берган бўлардим, лекин у эшитмасди-да. Гарчи ўжар бўлса ҳам, Фотима сингари содиқ эди. Ҳа, эркак сифатида у ҳали ёш. Ҳали кўп иш қилиши керак. Балки, биз Мухторнинг бу бузилган ҳаётини тузатармиз?! Ким билади? Унинг олдида бошқа имкониятлар ҳам очилган бўлиши мумкин.

Омина кириш имтиҳонидан сўнг барчага берган ваъдасини эслаб кулиб юборди. Афсуски, у ҳали ҳеч қайси ваъдасини бажармаган эди.

– Қандай қилиб уни яна кўрсам бўлади? У ҳақида кўпроқ билишни, унга далда беришни, у билан қизиқшимни билдиришни хоҳлардим. Агар мени севган бўлса-чи?! Унда нега менга индамаган? Балки, севмагандир, лекин мен уни севардим. Мен деярли ҳар куни уни ўйлардим, у кучли, келишган ва билим-

ли эди. Уни севишимни билмасди, лекин буни ҳис қилиши керак эди, – деди Омина ва ўрнидан туриб, кўз ёшларини артиб, барча расмларни қутисига қайтариб солди. Тўсатдан Фотима берган афишани эслади ва уни деворга осишга қарор қилди. Омина уни очди, хонасида яхши жойни танлади ва осиб қўйди. Бу Муҳаммад алай-ҳиссаломнинг ваъзларидан парчалар эди.

* * *

Эшик тақиллагани эшитилди.

– Ишқилиб, тинчлик бўлсин!

– Омина, кирсам бўладими? – сўради Абдуллоҳ.

– Тинчлик бўлсин! – деди Омина ва унга киришга рухсат берди.

– Фотима яна қачон келади? – деб сўради Абдуллоҳ.

– Хотинингиз, тахминимча, эртага шу ерда бўлади, лекин агар сиз уни кўришни истасангиз, мен университетга бориб, уни топиб келаман, – деди Омина жилмайиб.

– Йўқ, бу шошилинич эмас. Мен унинг ва қизининг ёшини билмоқчи эдим, – деди Абдуллоҳ.

– Бу иккингиз ўртангиздаги нарса, мен аралаша олмайман. Демоқчисизки, хотинингиз неча ёшда эканини билмаяпсизми? – дея ва кулди.

– У менинг хотиним эмас ва бўлмайди ҳам! – деди Абдуллоҳ қатъий, аммо бироз табассум билан. – Омина, сизга яна бир саволим бор эди.

– Ёшимни айтайми?

– Йўқ, бу ҳақда эмас. Мен шунчаки шу кунларда нега кўп дам олаётганингизни билмоқчиман. Касалмисиз? – деди Абдуллоҳ.

– Мен яхшиман. Ҳол сўраганингиз учун раҳмат! Танамдаги баъзи ўзгаришлар туфайли бўлса керак. Дам олишга келсак, диққат билан эшитинг, ҳомиладор аёл кўпроқ дам олиши лозим.

– Яхши, – деди Абдуллоҳ ва югуриб чиқиб кетди.

Омина Абдуллоҳнинг аёллар ичида энг яқин дўсти эди. У ўзини қийнаган саволларга отаси ёки бошқалардан жавоб ололмаса, унга берар эди. Омина олий маълумотли бўлгани учун унинг саволларига доим аниқ жавоб берарди. Аммо яқинда берган саволига нима деб жавоб қайтаришни билмай, боши қотганди. Абдуллоҳ ўшанда:

– Нима учун отам менга ҳеч қачон аёл киши бўлиб туғилмаслик керак, деб айтади? Нега у хотинлар ишни ва ибодатни бузишади дейди? Нимага аёлларга масжидларда эркаклар билан намоз ўқишга рухсат берилмайди? Нега сингилларимни араб ва исломий мактабларга юборишга изн йўқ? – дея бир қанча саволлар берганди.

* * *

Омина ёлғиз қолганида ҳомиладорлиги ҳамда тиришқоқ қатъиятли ва кучли аёл бўлиши кераклиги ҳақида ўйларди. Бу – унинг биринчи фарзанди! У жуда ҳаяжонда эди. Она сифатида боласига ғамхўрлик қилишни, уни парваришлашни ўйларди.

Омина онасининг бошланғич мактабда уни қандай рағбатлантирганини эслади. У оилада мактабга чиққан биринчи қиз фарзанд эди. Катта опалари ўқимасдан турмушга чиқишди. Онаси таълимнинг аҳамияти ҳақида кўп гапирарди ва отасини унинг мактабга чиқишига кўндирди. Онаси: “Агар сен олий маълумотли бўлсанг, бойиб кетишинг мумкин ҳамда ўзингга ва бошқаларга ёрдам бера оласан, аммо бундан ҳам муҳими – сен дунёни яхши англайсан”, деб уқтирган эди.

Омина бошланғич мактабдан кейин қилган биринчи иши онасига ўз исмини ёзишни ўргатиши эди. Оҳ! У дамлар қанчалик ҳаяжонли бўлган. Дастлаб онаси хато ёзди, сўнг тўғри ёзишни ўрганди: “М.А.Р.Я.М” ва “Марям”.

Бошланғич мактабни тугатганидан сўнг Омина ўқишни давом эттирмоқчилигини айтди, аммо отаси бунга қарши бўлди. Ўрта мактабдан кейин уйда жанжал бошланди. Онаси Оминанинг университетга бориши кераклигини айтганда отаси тўғридан-тўғри турмушга беришини таъкидлади. Онасининг айтишича, унинг орзуси – қизини ўқимишли аёл сифатида кўриш.

Отаси қизи билан маслаҳат қилмасдан уни бир одамга турмушга бермоқчи бўлди. Ўшанда жуда қийин давр эди. Уни маҳбусдек бир хонага қамаб қўйиб, никоҳ кунини белгиламоқчи бўлишди, лекин онаси буни қатъий рад этди. Шунда ота уларни уйдан ҳайдаб юборишни маъқул кўрди.

“Аслида, мен қочиб кетмоқчи эдим, лекин борадиган жойим йўқ эди. Онам билан ўзимни беҳатар ҳис қилдим. Отам озгина пул берганди, лекин у менинг бошқа тўловларимни тўламасликка, агар университетга борадиган бўлсам, менга пул бермасликка қасам ичди. Онам уй бекаси бўлгани сабабли унинг даромад манбаи йўқ эди. Университетдаги биринчи йилнинг шартнома пулини тўлаш учун катта маблағ керак эди. Опаларим ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди.

Мен онамга бир фарзанд бера оладиган севги ва меҳрни беришга ҳамда чиройли ҳурмат кўрсатишга ҳаракат қилдим. Бир оқшом унинг менга нима дегани ҳали-ҳамон эсимда: “Омина, сен билим ва нурнинг рамзисан! Сен узоқдан кўринадиган баланд дарахтга ўхшайсан. Ва мен унинг соясидаман. Биламан, сенинг улкан орзуларинг бор. Аммо, айт-чи, уларга эриша оласанми?” – Бу нимани англатишини тушунмасам ҳам: “Ҳа, албатта!” дедим.

Кейин даҳшатли душанба келди. Али амаки онам вафот этгани ҳақидаги хабарни олиб келганида даҳшатдан халос бўлишим учун бир неча ҳафта керак бўлди ва мен бу йўқотишни ҳали ҳам енгиб ўтолмадим. Мен ўзимни кенг дарёнинг ўртасида чўкиб

кетаётгандек ҳис қилардим. Отам мени турмушга бериш учун айна шу пайтни пойлаётган эди. У ўз қизини ёши катта Ҳажжи Ҳарунага топширди. Тасаввур қилинг-а, мен эримнинг ким ва қандай эканини тўй кунимда кўрдим! Аммо онамга берган ваъдам бир куни бажарилиши керак. Мен, албатта, бу ваъдани адо этишим шарт..."

* * *

Шундай хаёллар билан Омина ухлаб қолди. Уйғонганида хона иссиқ ва қоронғи эди. У деразани очди ва пардани кўтарганида совуқ шамол кирди. Осмон қоп-қора булутлар билан қопланганди. Момақалди-роқ ва чақмоқ бордек кўринарди. Ёмғир ёға бошлади, дастлаб бир неча томчи тушди, кейин эса кучайди. Омина деразани ёпгач, ортига ўгирилиб қаради, шу пайт эри кириб келди. У китобларни жавонга қўйди.

– Кўряпманки, сиз жуда кўп китоб ўқигансиз, – деди Ҳаруна. – Бу яхши мавзу. Ислондаги кўпхотинлилик ҳақида айтяпман.

– Ҳа, ўқидим. – Омина мавзунини ўзгартириб сўради: – Европа Африканинг ривожланишига қандай ҳисса қўшди?

– Биламан, бу китобни сизга Фотима берган.

– Ҳа, шундай, – деди Омина эҳтиёткорлик билан.

– Қонли маржон, хочдаги жин – бу нима ўзи?

– Бу кениялик ёзувчи Валтернинг ҳикоялари, – деди Омина.

– Фотима бу китобларнинг ҳаммасини ўқийдими? – сўради Ҳаруна ва қўшимча қилди: – У ўжар қиз, агар шундай катта китобни ўқиб, тушунганларини тарғиб қила олса, албатта, капитализмни йўқ қилади. – Сўнг кулди. – Бу китобни ўқиш қанча вақт олади?

– Мен уни ўқишга ҳаракат қилдим, лекин тушуна олмадим. Менимча, бу китоблар пулни бошқариш билан боғлиқ.

– Яхши! Уни ўқинг ва тушунинг, чунки сиз яқин орада ишга кирасиз. Мен сизнинг ҳомиладор эканингизни биламан, – деди Харуна. – Ҳа, мен биламан!

– Жанубий Африка ҳақида айтмоқчи эдим. Мен Нелсон Манделани биламан, президентимиз уни жуда яхши кўрарди. Биласизми, у апартеиддан¹ нафратланган, – деди Омина. У Нигерияда дискриминация² ва тенгсизлик мавжудлигини тушунтирмоқчи бўлди. Аммо эри бу суҳбатга умуман қизиқмади. У китобларни кўйиб, хонадан чиқиб кетди.

* * *

Омина китобларни ўқиб ўтирганида Коло кириб келди. У икки хил рангли қиммат шойи либос кийиб олганди.

– Сиз бу кийимда ажойиб кўринар экансиз, – деб Омина уни мақтади. – Буни Канодан сотиб олдингизми?

– Йўқ, Лагосдан, – жавоб қилди Коло.

– Жуда қимматга ўхшайди, – деди Омина уни ушлаб.

– Менга сифатли нарсалар ёқади, улар доим қиммат бўлади, – деди Коло. Шунингдек, у болалар уйини очиш, янги машина сотиб олиш, бассейн ҳамда буғли ҳаммом қуриш ва бошқа режалари ҳақида гапирди. Ўз навбатида, Омина ҳам унга Харуна билан боғлиқ низо тўғрисида айтиб берди. Коло бунга ўзининг муносабатини кескин билдирди:

– Омина, бу сизнинг айбингиз. Сиз тажрибасизсиз, пул ҳамма нарсани, муҳаббатни ва ҳатто бахтни сотиб олади. Демби қишлоғида менинг Бонсук исмли фолбиним бор. У сизга ёрдам бериши мумкин, тавсиялар, ҳар хил дуолар... Қарабсизки, у сизни яна севиб, яхши кўра бошлайди ва сизлар бахтли яшайсизлар. Жума кuni борамиз...

¹ Апартеид – ирқий камситилиш бўлиб, алоҳида-алоҳида яшаш.

² Дискриминация – таҳқирлаш, ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўйиш, ҳуқуқ жиҳатидан барабар кўрмаслик.

Омина ҳеч нима демади. Коло унга ҳайрат билан қаради. Эндиги суҳбат Фотима ҳақида бўлди:

– Улар хавфли. Кечирасиз, бу аҳмоқлар билан дўстлашманг, – деди Коло. – У гўзаллик ва бойликка эга, лекин уни ишлатишни истамайди. Бунинг устига, қандай муаммоларни келтириб чиқаришни ўйлаб юради. Омина, мен сизга тўғри маслаҳат бермоқчиман. Фотима миянгизни эгаллаб олишига йўл қўйманг. У нимага қодирлигини билиб олинг. У шайтонга ўхшайди. Фотима сизни заҳарли тили билан сутни қора, деб ишонтириши мумкин, шунинг учун эҳтиёт бўлинг, азизам.

Коло гўё чарчаганга ўхшаб ҳамёнини олди, бир ҳовуч банкнотларни чиқариб, ҳисоблай бошлади.

– Мен пул ҳисоблашни яхши кўраман, бу менинг сеvimли машғулотим...

* * *

Зинадан оёқ товушлари эшитилди ва Фотима табассум билан кириб келди. У Колонинг пулларини кўриб, кулиб юборди:

– Вой Худойим! Коло, сизга ачинаман. Мени ўзингизга ўхшаган ўғри деб ўйлайсизми? Қаранг, кимдир пулларни ўғирламоқчи бўлганидек, уларни қучоқлаб олибди!

– Илтимос! – Омина аралашди.

– Бугун қўлга киритган ўлжаларингизни санаяпсизми? – деб сўради Фотима.

– Булар ўлжа эмас, ўзимники! – деди Коло.

– Жамиятда камбағаллар кўп экан, сиз кабилар ўғри бўлишади, – деди Фотима ва яна давом эттириб: – Сиз ёлғончисиз! Мен пул топиш учун ишлайман. Сизнинг ишингиз эса товарлар контрабандаси, шартномаларни қалбакилаштириш, бегуноҳ одамларни алдаш, шафқатсизлик, ўғрилик, ирқчилик... Шунингдек, сиз иккиюзламачи ҳамсиз, – деди.

– Сиз айтганларга ҳеч қандай алоқам йўқ. Тўғри, менинг пулим кўп, аммо бунинг учун мени айблай олмайсиз, – деди Коло.

– Ё сиз бу ишларингизни тугатасиз, ё мен сизни йўқ қиламан! – деди Фотима Колонинг ёқасидан тутиб.

– Менга муаммо керак эмас, бас қилинглар, илтимос! – Омина яна илтимосини такрорлади.

– Сиз менинг ҳаётимга ҳасад қиляпсиз, – деди Коло Фотима уни қўйиб юборганидан кейин.

Фотима тинчланиш учун сув ичаётганида Коло куйлашни бошлади:

– Баъзилар менга ҳасад қилишади, айрим одамлар эса рашк. Бу менинг пулим кўплиги учунми?

Фотима орқасига ўгирилди ва шундай деди:

– Диққат билан тингланг, Коло! Сиз яхши биласиз. Агар хоҳласам, сиз ва эрингиздан кўра бойроқ бўлишим мумкин эди. Хўш, нега рашк қилишим керак?

Коло ўрнидан турди ва эшикка қараб юрди. У кетаётганида Фотима Колони орқага тортиб, кўзларига тикилиб:

– Коло, мен бу ерга Оминани зиёрат қилиш учун келган эдим, аммо ичимдаги гапларни айтишга имкониятим бор экан, мен бундан фойдаланаман. Мен қилаётган ишларингиздан нафратланаман, айниқса, сизга ишонган бегуноҳ одамларни алдашда давом этаётганингизга қаттиқ қаршиман. Агар имконият туғилса, билиб қўйинг, мен сиз ва сизга ўхшаганларни ўлдираман! – деди важоҳат билан.

– Сиз мени кўрқита олмайсиз, – деди Коло даҳшатли табассум билан. – Сиз фақат шиорларни куйлашингиз мумкин. Ақлдан озибсиз, психолог билан учрашишингизни маслаҳат бераман. Сиз, шубҳасиз, хаёлпарастлар дунёсида яшайсиз, инқилоблар ҳақида гапирасизми-ей... Бу мамлакатда инқилоб бўлмайди! Агар бу иш менга қолган бўлса, мен сиз билан ва ётоқхонадаги барча радикаллар деб аталадиган со-

циалистлар билан курашаман. Сиз гўё вабога ўхшайсиз, – дея хонадан чиқиб кетди.

Фотима ва Омина бир-бирларига қараб қолишди.

– Нега бунчалик шафқатсизлик қилдингиз? – сўради Омина ҳайрат билан.

– Мен ундан нафратланаман! – деди Фотима. Кейин тинчланиб: – Кечирасиз, агар сизни хафа қилган бўлсам. Агар Коло билан учрашувимиз бошқа жойда бўлганида вазият бошқача бўларди, – деди.

– Сиз унга нима қилардингиз? – сўради Омина.

– Мен унинг хунук юзида каратэ машқларини ўтказган бўлардим, – деди Фотима. Бироздан сўнг: – Эрингиз билан муносабатингиз қандай? – деб сўради.

– Яхши! Бироз олдин уйга келганди, овқат бердим, кейин у китобларни кўрди, – деди Омина.

– У нима деди?

– Ҳеч нарса! У китобларнинг ҳаммасини ўқишимни маслаҳат берди.

– Яхши, – деди Фотима баланд овозда кулиб.

* * *

Омина қовурилган гўшт қўйди. Икки дугона бирга овқатланишди. Бир неча дақиқалардан сўнг Майро уларга қўшилди ва минтақадаги энг сўнгги янгиликларни айта бошлади. Гарчи у тез гапирса-да, сўзларини тушуниш қийин эмас эди. Аввал шаҳарда тарқалаётган менингит¹ эпидемияси ҳақида сўзлади:

– Бир ҳафтада элликдан ортиқ одам вафот этиши мумкин экан. Менинг бир қариндошим бугун эрталаб шу сабабли омонатини топширди.

– Аллоҳ таоло бизни бундай ҳалокатли касалликлардан сақласин, – деди Омина ва: – Жойи жаннатда бўлсин! – дея қўшиб қўйди.

¹ Менингит – бош ва орқа мия пардаларининг яллиғланиши

– Эшитинг, – деди Фотима, – албатта, бу хавфли касаллик, аммо даволаса бўлади. Кўпгина ўлимлар касалхоналардаги ёмон шароитлар туфайли юзага келади.

Майро бошини қимирлатиб, унинг фикрига қўшилди ва жанжал оқибатида вафот этган бир аёл ҳикоясига ўтди:

– У Нажжорнинг хотини эди. Нимадир сотиб олиш учун бозорга чиққанди, аммо нархлар ошгани сабабли унинг пули етмади. Кейин хотинидан тақинчоқларни сўради. Аёли “Бундай қилманг, уларни сотманг”, деб ялинди. Улар бироз жанжаллашишди, сўнг эри ўша ердаги темир асбоб билан хотинининг бошига урди. Аёл ўша ернинг ўзидаёқ вафот этди.

Омина буларни эшитиб, бироз хўрсинди. Фотима таҳлил этишга ўтиб кетди:

– Буларнинг ҳаммаси бемаъни жанжал ва ўзини ҳукмдор билиб, барча нарсани қилишим мумкин, деб ўйлайдиган эркаклар туфайлидир. Аслида бундай ҳолатлар кўпгина камбағал оилаларда кузатилади. Эркаклар доим зулмкорликни маромига етказишган.

– Айтганча, Ларри қайтиб келди, – деди Майро.

– Ларри ким? – Омина сўради.

– Фалаҳнинг хотини, мен сизга у бир неча ой олдин касалхонага ётқизилганини айтгандим, – деди Майро.

– Ҳозир у қандай аҳволда экан?

– Яхши.

– Ларри ким? Унга нима бўлган? – сўради Фотима.

– У ўспирин қизлардан бири, – деди Омина.

Фотима унинг қўлларидан ушлади ва қатъий оҳангда деди:

– Сиз ёнига боринг! Унга ёрдам бера оласиз. Менинг бувим: “Одамларнинг орзуларини рўёбга чиқаринг, шунда Аллоҳ сизнинг орзуларингизни рўёбга чиқаради”, деб айтарди.

Майро кетгач, икки дугона ёлғиз қолишди.

– Данбаки менга уйланмоқчи, мен эса, аксинча, ҳозир турмушга чиқишни хоҳламайман. Аммо бундан мамнунман ва вақт ўтиши билан унинг таклифига рози бўламан. – Фотима сўзлашдан тўхтади, чуқур ўйга чўмиб, кўзларини юмди. – Бу сафар мен севган одамимга турмушга чиқаман. Умид қиламанки, бахтли бўламиз, фарзанд кўришимиз учун ибодат қиламан.

– Яқин орада Мухторни кўрдингизми? – сўради Омина.

– Ҳа, ҳа! Кеча ётоқхонада кўрдим. У сизга самимий тилакларини билдирди, – деди Фотима.

– У ётоқхонада нима қилади? – таажжубланди Омина.

– Майли, сизга ҳақиқатни айтай. Энди у газетада журналист бўлиб ишляпти. Яна севиб қолган, шунинг учун ўша ерда, – дея тушунтирди Фотима.

Улар тунги тоза ҳаво ва юлдузлар порлаётган мусаффо осмондан завқланиб суҳбатлашарди. Кейин Омина хуфтонни ўқиб олди. Сўнг улар балконга ўтишди.

– Фотима, ростини айтинг, китоб ўқишдан нима фойда? – сўради Омина.

Фотима бир неча лаҳза жим турди, сўнг:

– Китобларни ўқиш орқали сиз ҳаёт ва одамлар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўласиз. Улар дардларингизни енгиллаштиради, дунёқарашингизни кенгайтиради, хаёлпарастликдан халос қилади ва сиз ўзингизни инсониятнинг бир қисми сифатида ҳис этасиз. Қисқаси, китоблар – менинг йўлбошчим. Кўрасизки, мен курашда ёлғиз эмасман. Бундан ташқари, дунёни теранроқ англайман, уни қандай ўзгартириш мумкинлигини, нарсалар ва йўлларни яхшироқ биламан. Агар мен дунёни хоҳлаганча ўзгартира олмасам, ҳеч бўлмаганда у мени ўзгартириши ёки дунё мени эзмасидан олдин қачон чиқишим кераклигини би-

ламан. Аммо сиз керакли китобларни ўқишингиз лозим, чунки кутубхоналаримизнинг кўп китобларида зарурий билимларни топа олмайсиз. Уларнинг аксарияти бўш ёзилган.

– Хўп, – деди Омина ва мавзуни ўзгартирди. – Батор билан ўртангиздаги баҳсда ким ютди?

– Албатта, мен! – деди Фотима табассум билан. – Афсуски, сиз охиригача турмадингиз, бу энг яхши спектакллардан бири эди. Ҳаммаси яхши ўтди ва мухлислар ҳам қўллаб-қувватлашди. Тўққиз судьядан етти нафари менга овоз берди.

– Унинг ваъдаси тўғрисида нима дейиш мумкин? – сўради Омина.

– Муҳокамадан сўнг дарҳол мендан сиёсий маҳбуслар рўйхати ҳақида сўрашди. Эртаси куни мен рўйхатни бердим. У штат губернаторига кетди ва қандайдир йўл билан бир неча соат ичида уларнинг ҳаммаси қўйиб юборилди.

– Қанча одам озод қилинди?

– Ўн иккита, – деди Фотима.

– Грантлар ҳақида нима дейиш мумкин?

– У талабаларни қабул қилишга ваъда берди, аммо биз ҳали режани тузмаганмиз. Мендан маданият институти учун жавобгар бўлишимни сўради. Мен келаси ҳафта ўз жавобимни бераман, лекин ҳали ҳам уни қандай чақиришни билмайман. Ҳозирги вақтда у “Aisha foundation” деб номланган. Штатдаги кутубхоналар ва мактаблар китоб сотиб олишим учун менга катта пул ажратишини сўрайман. Шундай қилиб, биз ишлашимиз керак! – деди Фотима.

– Демак, сиз Батор билан ишлашга тайёрсиз?! – сўради Омина.

– Агар давлат фуқаролари фойда кўрсалар, албатта, – деди Фотима.

– Очиғи, мен Батор ҳеч нарса қилмайди, деб ўйлаган эдим.

– Биламан, мен Батор билан ёмон муносабатдаман, аммо бу ўйин иккаламизга ёқади. У бардошли ва ўз шиорида қаттиқ турадиганлардан. Қанийди, ҳамма Батордан ўрганса эди! – деди Фотима. – Ўтмишимизни таҳлил қилиш, биз учун анъанавий бўлган нарсани билиш, Ислом қонунлари ва бизнинг жамиятларимиз учун тақдим этиладиган араб урф-одатларини билиш жуда муҳимдир. Йиллар ўтгач, буларнинг барчаси аралашиб кетди ва, афсуски, ҳаммага зарар етказди... – Фотима бироз жим қолди ва кейинроқ давом этди: – Бу ерда деярли ҳар куни зўравонликлар кузатилади, лекин шуни таъкидлашни истардимки, қотиллар ҳибсга олинса ҳам охир-оқибат суд уларни озод қиладди. Аёллар ҳуқуқлари тўғрисида гап кетганда қонунлар умуман, кўр бўлиб қолади. – Фотима тўхтади ва кейин мулойимлик билан деди: – Омина, сиз буларга қараб туролмайсиз. Буларнинг барчаси бизга таъсир қиладди, тизимни ва аёлларнинг позициясини ўзгартириш учун бирон нарса қилиш бизнинг мажбуриятимиздир.

Кимдир эшикни тақиллатди.

– Мен фақат саломлашгани келдим. Гарчи кексайган бўлсам ҳам, юқори қаватга чиқяпман, – деди чол.

– Келганингиз учун катта раҳмат! Илтимос, ўтиринг, – деди Фотима.

Чол ўтириб, Фотимага қаради:

– Сиз нима деяётганингизни эшитдим, илтимос, давом этинг.

Фотима жилмайди.

– Мен қариб қолдим, сизларга зарар бермайман, – деди у.

Омина Фотимага қараб кулиб қўйди.

– Қани, Омина, одамлар кутишяпти: Ларри сингари қизлардан тортиб, кўчалардаги тиланчиларгача ва ҳали туғилмаган болаларгача. Биздан бирор ижобий иш кутилмоқда, чунки биз ҳаммадан ажралиб турамиз, гарчи қийин ва жуда кўп қурбонликни талаб қилса

ҳам, бу бизнинг вазифамиз. Ахир аёлларимиз қандай яшашига қаранг, кўчаларда болаларни кўринг! Бизнинг ҳукмдорларимиз бизга хиёнат қилдилар ва бизни синдирдилар, оқсоқолларимиз боғлаб қўйилди, оқибатда улар заифлашишди, – деди Фотима.

Чол гапиришни истаётганини кўрсатиш учун бироз қимтинди.

– Мен сизнинг жасоратингизни қадрлайман, – деди у Фотимага. – Сиз айтган ҳамма нарса ҳақиқат, лекин... гарчи сизда жуда яхши ғоялар бўлса ҳам, сизнинг қўлларингиз боғланган. Кўряпсизми, мен жуда кексаман, саксондан ошган бир чолман. Айтишим мумкинки, менинг авлодим омадли, художўй, ўз ватандошларининг гапларига қулоқ тутадиган, шунингдек, улар Ерга фаровонлик олиб келишади. Ҳозирги раҳбарлар тўғри йўлда эмас. Улар ўз ватандошларини тингламайдилар, шунинг учун биз фаровонликни йўқотдик. Ҳаётдаги ягона афсусланишим – бу дунёни мен туғилганимдаги ҳолатдан ҳам баттарроқ бўлган онда тарк этишим, ҳақиқатни ўзгартириш учун ҳеч қандай имкониятим йўқ. Аллоҳ таоло сизни тўғри йўлдан адаштирмасин. Сизга осойишта тун тилайман! – деди чол ва хонани секин-аста тарк этди.

Омина чолга пастга тушиш учун ёрдам бермоқчи бўлди, аммо у рад қилди.

– Хавотир олманг, мен тез юрмайман, секин тушириб қўяман, – деди Омина ва чолни пастга элтиб, қайтиб келди.

– Эшитдингизми? – деди Фотима. – Бизнинг оқсоқолларимизнинг сўзлари доно сўзлардир.

– Хўш, нима қилиш мумкин? – сўради Омина.

– Кўп нарса, – деди Фотима жиддий оҳангда. – Мавқеингиз туфайли сизни жуда ҳурмат қилишади. Олдин сизга маслаҳат берганимдек, тартибли бўлинг, яхши нарсаларни ўйланг. Ғоялар инсонларнинг қўлларида эмас, уларнинг мияларида вужудга келади. Сиз-

да эгалик қилишингиз мумкин бўлган битта нарса бор, бу – ўзлигингиз. Ўзлигингизни унутиб, бошқа инсоннинг соясида юрманг, ундан кўра кучсизларга фойда келтиринг. Маҳаллий аёлларни чақиринг, уларни тўпланг, уларга ўзлигини танитинг ва инсон эканликларини ҳис эттиринг, шунда улар сизни шахс сифатида ҳурмат қилишади. Агар шундай қилсангиз, буни улар ва уларнинг келажак авлодлари унутмайдилар. Аммо агар сиз уларнинг оғриғига кўз юмсангиз ёки уларнинг душманлари билан ҳамкорлик қилсангиз, улар сизни кечирмайдилар.

Омина дугонасини тинглади-ю, “Фотима хаёлпараст”, деди ўзига ўзи.

– Сиз менга маслаҳат бераётган нарса илгари ҳеч қачон амалга оширилмаган ва қаердан бошлашимни ҳам билмайман, – деди Омина. Кейин баландроқ гапирди: – Ухлаш вақти бўлди.

У диванда ётган Фотиманинг устини ёпди ва чирокларни ўчирди.

Эрталаб Омина уйғонганида ҳали ҳам ўзига ишонмасди, аммо Фотима уни ўзи айтган вазифаларни қилишга ундади. У нафақат аёлларга ёрдам беришга, агар керак бўлса, ҳар бири билан алоҳида ҳам ишлашга ҳам рози бўлганди.

Нонуштадан сўнг Фотима, Омина, Хавла ва Майро Ларрининг ёнига боришди. Улар аста юриб борар экан, Омина кўчалар ва уйларга эътибор билан қаради. Шаҳарнинг бу қисмидаги хиёбонларнинг ифлос ва ёқимсиз ҳидини биринчи марта пайқади. Ҳамма жойда кўлмаклар бор эди. Уйларнинг аксарияти лойдан қурилган ва ўт билан қопланганди, деразалари жуда кичик. Қаерга қараса, муҳтожликни кўрди.

Улар Ларри яшаб турган, паст девор билан ўралган лойли кулбага келишди. Ичкарига биринчи Майро,

унинг ортидан Омина кирди ва парда сифатида осилиб турган эски қора матони олиб ташлади. Хонадан моғор ҳиди келарди. Ларрининг ёнида катта бошли, қора сочли ва кўзлари ҳам катта чақалоғи бор эди. Ҳорғинлик ҳамда чарчоқ она - боланинг кўринишида юз-кўзида акс этарди.

Омина уларни кўриб қийналиб кетди. Йиғлаётган гўдак кўкракни очкўзлик билан сўра бошлади. Ларри бошидан кечирганларини сўзларкан, йиғларди. У туғруқ жараёнидаги азобларни бирма-бир айтиб берди, унинг сийдик йўлини олиб ташлашган эди.

– Ёшингиз нечада? – сўради Омина.

– Билмайман, аммо ўн бешдаман, деб ўйлайман, – деди Ларри.

– Операциядан кейин нима бўлди? – сўради Омина.

– Касалхона биносида қовуқлари шикастланган бошқа қизлар билан бирга яшадим, – деди Ларри.

– Эрингиз қани? – сўради Омина.

– Мен касалхонада бўлганимда у бошқа қизга уйланиб кетди.

Омина Ларрига пичирлади:

– Кейин нима бўлди? – У кўпроқ нарса билишни хоҳларди.

– Касалхона ходимлари бизни депортация қилишди. Дастлаб биз қурилиши тугалланмаган бинода яшадик, аммо ёмғир туфайли мен бу ерга қайтиб келишга мажбур бўлдим, – деди Ларри.

– Қандай қилиб у ерда, яъни кўчада яшай олдингиз?

– Биз ўтганлардан садақа сўрадик.

– Ҳозир эрингиз сизга қандай муносабатда? – деб сўради Омина.

– У бизга баъзан овқат беради, аммо бу унинг кайфиятига боғлиқ. У доим янги хотини билан бирга. Эримнинг айтишича, у чиройли, ундан хушбўй ҳид таралар экан. Мен эса хунук ва ифлос эканман. Субҳоналлоҳ!

Омина бош чайқади.

– Аллоҳим, ёлвораман, илтимос, жонимни ол! Ўлим бундай ҳаётдан яхшироқдир. Энди нима қиламан, Аллоҳим? Бу жазога лойиқ бўлиш учун нима қилдим?! – деди Ларри ва ҳўнграб йиғлади.

– Бўлди! Бундай сўзларни айтманг, йиғламанг. Бу сизнинг айбингиз эмас. Бу ҳаётни сиз танламадингиз. Аминманки, агар сизда имконият бўлса, уни танламаган бўлар эдингиз, – деди Омина Ларрига тасалли бермоқчи бўлиб.

Бундай азоб-уқубатларни Омина биринчи марта кўраётгани йўқ эди. Лекин у илгари Ларрини бунчалик яқиндан танимаган ва кўрмаганди.

Омина ҳомиладорлик ва туғиш жараёни ҳақида ўйлади, оғриқлар... оғриқлар... Бунинг устига, эътиборсизлик ва танҳо кечалар... Оғриқ аёлнинг юзларида, танасида ва ҳатто қалбида чуқур из қолдирган эди. Аммо ҳеч бўлмаганда ҳолдан тойган бўлса ҳам, тирик қолишга муваффақ бўлганди. Ҳар ҳолда умид бор эди.

– Ларри! Сиз хавотир олманг, бу Аллоҳнинг иродаси, иймонли бўлинг ва ишонинг. Бу сизга ёрдам беради, – деди Омина ва сўради: – Сиз ибодат қиляпсизми?

– Йўқ! Лекин тезроқ жонимни олиши учун Аллоҳга ёлвораман, – деди Ларри.

– Йўқ-йўқ! Ҳеч қачон бундай илтижо қилманг! – деди Омина.

– Айтинг-чи, бу дунёда бизга азобдан бошқа нима қолди ўзи? – сўради Ларри.

Омина тезда Харуна берган уйдаги ўз хонасига Ларри билан чақалоғини яшаш учун кўчириб келди. Ўзи эса подвалдаги меҳмонлар учун ажратилган хонага кўчди. У буни шундай изоҳлади: “Мен ҳомиладорман ва зинадан кўтарилиш осон эмас”.

Омина тонг саҳарда туриб, бомдод ўқиди. Сўнг узоқ вақт ўйланиб ётди. Фотима, унинг гуруҳи, Коло, Ларри ва қизчаси... ҳаммасини бир-бир ўйлаб чиқди. У Фотима ва унинг дўстлари нима учун ижтимоий ўзгаришларни ваъда қилишганига ҳайрон бўлди, ўз ишларидан қандай фойда олишади, ахир? Улар шахсий бойликлари ҳақида ўйламайдилар, қизиқ. Уларни аёллар, омма ва бошқа нарсалар билан қайғуришга нима мажбур қилди? Ҳаракат тақиқланган бўлса ҳам, янги аъзолар қўшилишда давом этяпти.

Омина ўзи муаммоларни аниқроқ кўра бошлаганини англади. Фотима унга нимани таклиф қилгани ҳақида ўйлади: аёлларга таълим бериш ва кўмаклашиш учун уюшма. У муаммолари бўлган аёлларга қандай ёрдам беради? Бу қандай бирлашма бўлади?

Қаттиқ чақмоқ чақнади, шундан кейин момақалдиरोқ гумбурлади. Бир неча дақиқадан сўнг ёмғир ёға бошлади. Омина университетга кириш куни тушган сурати илинган катта рамкага қаради. Мана, у расмининг марказида. Фотима чап томонида, Рабби эса унинг ўнг томонида турибди. Рабби ўқишни тугатди, уйланди, кейин ҳуқуқшунослик мактабига қайтиб, ҳуқуқшунослик билан шуғуллана бошлади.

Омина аёллар уюшмасининг ташкил этилиши ҳақида фикрлади. “Бир синаб кўрсаммикан?” – деди пичирлаб. Аёллар қанча азоб чекишади, бировга қарам бўлиш жуда қийин. У Фотимага кўлидан келганича ёрдам беришга тайёрлигини айтишга қарор қилди.

Ўша куни кечқурун Омина дугонаси келганида таҳорат олиб, намозларини ўқиб бўлгач, унинг ёнига ўтирди.

– Ёқилғи ҳақида нима дейсиз? – деб сўради у.

– Бизнинг коррупциялашган раҳбарларимиз глобал бозорда очлик ва чет эл валюталари етишмовчилиги мавжуд, деб таъкидлайдилар. Аммо нима учун улар нефт ишлаб чиқарувчи давлат бўлса ҳам, ёқилғи тақчиллиги борлигини айтишади? – деди Фотима.

– Қонунчилик палатаси танқисликнинг сабабини ўрганишга ваъда берди. Баъзи аъзолар ёнилғи тежайдиганларни айблашди, – деди Омина.

Фотима баланд овозда мурожаат қилди:

– Омборлар маълум. Уларнинг баъзилари ёқилғи қуйиш шохобчаларига эга бўлган қонун чиқарувчиларникидир. Бу танқислик нархларни кўтариш учун имкон яратди... – Фотима тўсатдан тўхтади. Харуна ҳам баъзи ёқилғи қуйиш шохобчаларига эгалик қилишини эслади. – Мен очман!

– Телотти, менда фақат қайнатилган тухум бор эди, лекин тез орада овқат тайёр бўлади, – деди Омина ўрнидан туриб. – Бу исми унутмадингизми?!

– Йўқ, ҳали ҳам эсимда!

Телотти Фотиманинг лақаби эди.

* * *

Майро кечқурун келиб, одатдагидек турли воқеаларни сўзлаб берди.

– Бир аёл эри билан уришиб қолибди. Унинг борадиган жойи йўқ экан. Қишлоғига қайтиш учун пули бўлмагани сабабли бозорда тунабди, – деди у.

Омина жавоб беришдан олдин чуқур нафас олди, кейин орқага қайтолмаслигини билиб:

– Биз яқинда бир нарсга қиламиз, – деди. – Фотима, мен сизнинг аёллар уюшмасини тузиш ғоянгиз ҳақида кўп ўйладим ва бунга ҳаракат қилишга тайёрман. Аммо бироз кутинг!

– Ажойиб! – деди Фотима хурсанд бўлиб ва қарсак чалиб юборди. – Бу яхши янгилик! Сиз катта қадам ташладингиз. Раҳмат! Жуда ажойиб иш бўлди.

VIII ФАСЛ

Бир неча ҳафта ўтгач, Омина Ларри ва Хавла ҳамроҳлигида бетоб бўлиб қолган Майрони кўриш

учун борди. Кетаётиб, кўча ўртасида иккита боланинг бир тенгдошини ураётганини кўрди. Омина уларнинг олдига югуриб борди ва орқасига ўгирилиб, Хавла билан Ларридан уларни ажратишда ёрдам беришларини сўради.

Калтакланган бола йиғларди, унинг кўз ёшлари бурнидан оқаётган қонга аралашиб, ерга томарди. Бу болалар Қуръон ўқишни ўргатадиган мактабнинг ўқувчилари эди. Униққан кийимлари озгин таналарида осилганча турарди. Шимлари йиртилган, оёқлари ингичка, сочлари кир ва тўзғиган эди.

– Нега уни уряпсизлар? – Омина болалардан бирини сўроқ қилди.

– Бир неча кун олдин бир жойга овқат сўраб боргандик, косамизга озгина солиб беришди. У эса овқатни олиб қочди. Мана, бугун уни ушладик, шунинг учун жазолаяпмиз, – деди у йиғлаётган болага имо қилиб.

– Болалар, бундай қилманглар, бир-бирингизга ёрдам беринг! – деди Омина ва яна муштлашмасликлари учун пул ҳам берди.

* * *

Кўчаларни айланиб ўтаркан, Омина атрофга боқди. У бир қанча саволлар гирдобида қолди: “Нега одамлар камбағал? Нима учун ўзларига эътибор беришмайди? Нимага баъзилар беҳуда, шунчаки яшайди? Нега бир-бирларига ёрдам бермайди? Нима учун ҳамма ҳам ўз ўрнини тополмайди? Нимага аксарият одамларда етишмовчилик мавжуд? Уларга ўз билимларидан фойдаланишга нима халал беради? Нега раҳбарларимиз бундай масалаларга аҳамият беришмайди?”

Омина беихтиёр қаршисидаги уйга эътибор қаратди. У лойдан қурилган ва атрофидаги барча уйлар каби эди. Деворига бир гуруҳ талабалар Майро ва эри ҳақидаги

шеърларни ёзиб кетишганди. Тўсатдан Омина Фотиманинг Қуръон ўқишни ўргатадиган мактабларни жоҳилликнинг энг катта макони деб тасвирлаганини эслади: “Улар Қуръонни сигир каби ўқийдилар: чайнашади, лекин ҳазм қилишмайди”.

* * *

Кекса бир кўр одам таёғи ва бўш идишини ушлаб, тиланчилик қилиш учун йўл бўйига чиқишга ҳозирланмоқда эди. Уйга киришдан олдин Омина унинг идишига бир неча танга ташлади. Чол эса, ўз навбатида унга миннатдорлик билдирди.

Майро касал бўлишига қарамай, уни кўргани келган аёлларни илиқ кутиб олди. Меҳмонлар ўтирган хонада олти бола бир пиёла шўрва атрофида айланишарди. Омина онанинг қайғусини гўё кўриб турарди. Ўғил болалар тиланчилик қилишган, қизлар эса кўча савдосида ишлашган. Уларнинг келажаги қандай бўлади? Яна сон-саноқсиз ишчилар қийналиб ишлашади: сув ташувчилар, ўтинчилар, ўғрилар, жиноятчилар, ғалаёнчилар ва гиёҳвандлар. Агар улар ўқиш ва ёзишни ўргансалар, нима бўлади? Мабодо, ихтисослашган касблар бўйича ўқитилса-чи?! Бу ҳаётдан ўзи ким фойда олади? Бойларга эмас, балки камбағалларга ёрдам берилса, қандай бўлади? Уларнинг ҳаёти қанчалар ўзгарарди?

Омина бирор ижобий иш қилиш учун чуқур ўйга толди ва тўғри йўлни излай бошлади.

* * *

Ўша оқшом Оминанинг белида оғриқ пайдо бўлди. Уни тонгда хусусий клиникага олиб боришди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг яна бир уммати дунёга келди!

Бир ҳафта ўтгач, анъанавий номлаш маросимида болага Абу Рошид дея исм қўйишди.

Бу орада Фотима “Бакарро кўллаб-қувватлаш гуруҳи” деб номланган янги бўлинмани ташкил қилди. Унга кўпгина ташкилотлар ҳамкор ҳам бўлди. Аммо Омина ҳали тайёр эмас эди. У ўзини гўдакка бағишлади. Бакарро уюшмаси сабр билан уни кутди.

Бир куни Омина ўғлини эмизаётганида олдига эри кирди. Харуна ундан Бакарро аёллар уюшмаси ёки Қонун чиқарувчи аёллар уюшмасидан бирини танлашини сўради.

– Бакарро уюшмаси! – деди аёл қатъий ва ҳеч иккиланмасдан. – Бу ерда биз лойиҳага қарши чиқадиганлар ва ўсиб бораётган капиталистлар билан яккама-якка дуч келамиз. Уюшмамизга келинг, шунда ҳаммасини ўзингиз кўрасиз!

* * *

Омина Фотима билан боғланди.

– Ростини айтинг! Очилиш санасини белгиланг! Биз тайёرمىз! – деди Фотима.

– Сиз кутишингиз керак. Мен эса ҳали тайёр эмасман, – деди Омина.

– Бир ой вақтингиз бор! Ҳомиладор ҳолда фермер хўжалигида ишлайдиган ва далада туғадиган деҳқон аёллар ҳақида бир ўйлаб кўринг. Уларнинг аксарияти туғруқдан сўнг бир ҳафтадаёқ яна ишга қайтади, – деди Фотима.

Аммо Коло Оминанинг уларга қўшилиши хавфли эканини айтиб, уюшмани расмий тузмасликка кўндиришга ҳаракат қилди.

– Бу қизлар ҳаётдан завқланишни билишмагани учун ўзингизни уларга қурбон қилишингиз керак, дегани эмас. Ўзингизга қаранг, сиз ёш ва гўзалсиз! Одамлар ўз ҳаётларидан қандай завқ олишларини кўрмайапсизми? – Коло уни қайтаришга тинмай интиларди.

– Коло, мен ўзимни синаб кўришга ва уларга ёрдам беришга қарор қилдим. Аммо бу фақат тажриба, – деди Омина.

– Бу дунёда ҳамма нарса тақдир ҳукмида. Барчаси содир бўлиши керак бўлгани учун содир бўляпти. Биз Аллоҳ олдида кучсизмиз, – дея жиддийлик билан таъкидлади Коло.

* * *

Кутилганидек, аёллар уюшмасининг янги ғояси Бакаррода кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Штатдаги ҳукмрон партия дастлаб ташкилотга қарши эди, аммо кейинчалик битта шарт билан кўнди: уюшма партиянинг аёллар қаноти бўлиши керак эди. Бу уюшмани ташкил қилишда аёллар эркин эканликлари айтиб ўтилди. Улар диний ва бошқа гуруҳларга бўлинди. Баъзилар уларни кофирлар ва Ислом таълимотларига қарши деб билишган бўлса, бошқалар шаръий дастурларни ўз ичига олгани ҳамда диндор аёллар иштирок этишлари мумкинлигини очиқ айтишди.

Бакарро аёллар ташкилоти яхши шароитлар билан таъминланмади. Бу сиёсий, этник ва диний алоқалар мураккаблашган, адолатсизлик авж олган минтақа эди. Бундан ташқари, эркакларнинг ишсизлик даражаси жуда юқори, ривожланиш эса паст бўлиб, жинсий камситиш ҳамда эксплуатация ўта кучайганди. Энг асосий масала бўлган қашшоқлик ва аёлларнинг азоб-уқубатлари, уларнинг тенг кўрилмаслиги унут бўлганди. Аёлларни озод қилиш гуноҳга яқинроқ эди гўё. Шу нуқтаи назардан бу ассоциациянинг ташкил этилиши барчада катта қизиқиш уйғотди ва уни ишга тушириш вақти келганида Бакарро аҳолиси катта умидга эга эди.

Университетда Бакарро аёллар уюшмаси учун тайёргарлик йиғилиши бўлиб ўтди. Омина етиб келгач, гуруҳ аъзолари билан учрашди. Улар етти киши эдилар: Биликсу бошчилигидаги тўрт қиз ва уч йигит.

Биликсу ассоциация тегишли вазирликда расмий рўйхатдан ўтганини эълон қилди. Гарчи Омина бошқарувда бўлса ҳам, мунозара пайтида жим қолди. У таклиф қилинганларнинг барчасига рози бўлмади, лекин уюшма унинг алоқада бўлишидан жуда хурсанд эди.

Ниҳоят, улар қобилиятларини, ўз ғояларини кўрсатиш ва кенгайтириш учун имконият топишди. Агар саъй-ҳаракатлардан ижобий натижалар юзага келса, унда уларнинг обрўси, албатта, ортади. Энди Омина кунларини янада бахтли ўтказадиганга ўхшайди.

Учрашув тахминан икки соат давом этди ва шу вақт ичида очилиш маросими ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

– Яхши қолинглар, яқинда кўришамиз, – деди Омина кетишдан олдин қувноқ жилмайиб. Уйга боргунча юзидан табассум аримайди.

IX ФАСЛ

“Сиз ҳозир турмуш қургансиз ва эрингиз сизнинг хўжайинингиз. Унга бутунлай итоат қилинг, чунки никоҳ жиддий ва муқаддасдир. Сиз эрингиз айтган нарсанинг ҳақиқат эканига ишонишингиз керак ва унинг айтганини қилишингиз зарур. Эрни ҳурмат қилиш Аллоҳни ҳурмат қилиш билан баробардир”.

Омина тушида кучли ва аниқ овозни эшитди. Уйғониб, хонага қаради, сўнг боласига боқди, яна кўзларини юмди. Одатда эрта тонгнинг орзуларидан завқланарди. Лекин бугун ундай бўлмади, атрофдаги шовқин тушини англашига халақит берарди: қушларнинг сайраши, машиналар овози, ибодатга чорловлар, турли кичқириқлар...

Шу куни Омина одатдагидан эрта уйғонди ва кайфиятсиз ҳолда бироз ётди. Бу шанба куни эди... очилиш маросими куни.

Пешиндан кейин Омина тезда ювинди ва дид билан кийинди, бироз пардоз ҳам қилди.

Абу Рошидни эмизгач, синглиси Руқаяга топширди.

* * *

Омина оқ “Мерседес”да бошланғич мактабга борганида Фотима ва Бакарро қўллаб-қувватлаш гуруҳининг бошқа аъзоларини кўрди. Бино олдида чодир ўрнатилганди. Меҳмонлар учун қулай шароит яратилган бўлиб, ҳамма нарса чиройли қилиб жойлаштирилганди. Чодир олдида ва ҳовлида аёллар гавжум эди. Хуллас, ўриндиқларнинг ярми тўлганди.

Омина атрофга қаради. Шу орада Ахборот вазирлигининг юк машинаси келди ва карнайлар ўрнатилди.

– Қўрқманг, – Фотима унга маслаҳат берди, – сиз оломон олдида гапиришга энди ўрганасиз. Фақат ўзингизни дадил тутинг. Сўзларингизни қайтадан ўқиб олишингиз лозим, шунда фикрингизни яна ҳам яхши ифодалаб берасиз.

Таклиф этилган меҳмонларнинг кўпи кечикди. Омина ўтирар экан, қоғозга туширилган нутқини қайта-қайта ўқирди.

* * *

Оминанинг бирдан меҳмонлар орасида Мухторга кўзи тушди. У юраги тез ураётганини ҳис қилди. Йигитнинг кўриниши ажойиб эди, костюми уни янада жозибали кўрсатарди.

Мухтор яқинлашганида Омина унга юзлаб саволлар бермоқчи эди, лекин жуда уялди. Аёл атрофидаги одамлар унинг хатти-ҳаракатларида бирор ўзгариш сезмадимикан, деб ташвишланарди. У Мухторга қаради ва унинг қарашлари шунчалик чуқурлашдики, шу лаҳзада ерга қулаб тушиши мумкин эди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олди ва кўзини дарҳол ерга қаратди.

– Қандайсиз? Ишларингиз яхшими? – сўради Мухтор.
– Мен яхшиман, раҳмат! Ўзингиз-чи? – деди Омина.
– Яхшиман, ўз ишларим билан бандман. Яқинда бошқа университетга ўтаман, – деди Мухтор.

– Худо ёрдамчингиз бўлсин, – деди Омина. Унинг овозида титроқ ҳали ҳам бор эди. – Ишонаманки, бу бизнинг охирги учрашувимиз бўлади.

Мухтор орқасига ўгирилиб, чиқиб кетди. Омина унга қараб қолди. У салобатли эди.

* * *

Биликсу унга мурожаат қилди:

– Омина, дастурга биноан давлат мадҳиясидан кейин нутқ сўзлайсиз. Сиз фақат ўзингизга ишонингиз керак. Шунингдек, эҳтиёт бўлинг, карнай овозидан кўркманг. Ваҳима қилманг!

Залда унинг эри, фахрий меҳмонлар ва яна кўплаб одамлар бор эди.

Биликсу микрофонни олди ва текшириб кўрди. Кейин томошабинларни кутиб олди. У давлат мадҳиясининг ижроси учун Ахборот вазирлиги ходимига ишора қилди. Ҳамма ўрнидан турди. Давлат мадҳияси янграганидан сўнг дуога қўл очилди.

Биликсу Бакарро аёллар ассоциациясининг асосчиси ва координатори бўлган Оминани ўзининг таъсис нутқини сўзлаши учун даврага таклиф қилди. Бу ёш онанинг ҳаяжонли онлари эди. У ўрнидан туриб, диққат билан микрофон томон юрди. Сўзлашдан олдин атрофга қаради ва одамларнинг юзларини кўрди, кўзлар унга тикилганди. Омина титрай бошлади. У ҳаяжонланаётган бўлса ҳам, гапиришга мажбур эди.

– ...Бизнинг асосий мақсадимиз Бакарро шаҳридаги аёлларнинг таълимини, ижтимоий ва иқтисодий мавқеини ошириш... Шундай қилиб, биз адолатли жамият қуришга ҳаракат қиламиз... Биз аёлларнинг миллий ҳукумат ҳамда маҳаллий ҳаётдаги иштироки уларни

озод қилиш учун жуда муҳим шарт эканига ишонамиз ва даъво қиламиз...

Омина бошини кўтарди ва йиғилганларга қаради. Унга қараётганларнинг назарлари шунчалик кучли эдики, гўё жасадини текшираётгандай ҳис қиларди ўзини.

Омина қоғозга қайта қараганида, баъзи хат-бошиларни ўтказиб юборганини англади, лекин ўқиши керак бўлган ҳамма нарсани ўқиди.

– Тарихга назар солсак, зўравонлик, эксплуатация, адолатсизлик ва бошқаларга инсонларнинг саводсизлиги, билимсизлиги сабабчи бўлганини кўрамиз. Шундай қилиб, бизнинг биринчи қадамимиз аёллар ўртасида таълимни йўлга қўйишдир. Сизга иккита муҳим гапни эслатиб қўяй: бойлик – бу пулнинг эмас, ақлнинг мавжудлигидир ва аёллари билимсиз бўлган мамлакат бир қанотли қуш кабидир. Агар биз ривожланмоқчи бўлсак, аёлларга сабоқ беришимиз керак. Мабодо, улар ўрганишмаса, унда бутун жамият зулматда қолади. Чунки аёллар келажакда ўз фарзандларига ҳам билганларини ўргатиши мумкин... Биз маҳаллий штат ва федерал ҳукуматнинг қуйидаги мавзуларга алоҳида эътибор беришларини сўраймиз: иш жойида аёлларни эркаклар билан тенглаштириш, ёлғиз ёки оилали аёл хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, қизларнинг таълим олишини рағбатлантириш, эрта турмушга чиқиш ва мажбурий никоҳдан воз кечиш, оиладаги зўравонликка қарши қатъий қонунлар қабул қилиш, барча муносиб аёлларни иш билан таъминлаш... Машҳур бир гап бор: агар сизнинг бир йиллик режангиз бўлса, маккажўхори етиштирасиз; агар сиз ўн йилга режа қилсангиз, дарахт экасиз; агар келажакни режалаштирсангиз, одамларга билим берасиз. Биз Бакарро келажagini режалаштиришга қарор қилдик. Биз янада муваффақиятли, бахтли ва яхшироқ ҳаётда яшашни хоҳ-

лаймиз, шунинг учун аёлларни ўқитмоқчимиз, – дея Омина ўз нутқини тугатди.

Х ФАСЛ

Бакарро аёллар уюшмасининг ишга туширилиши ҳақида кўп гаплар бўлди. Мухолифат партия унинг очилишини олқишлаб, олдинга катта қадам, дея баҳолади. Ҳукмрон партия эса Омина ва қўллаб-қувватлаш гуруҳининг талабларига кескин қарши чиқди. Янги уюшма улар билан курашди. Омина нима учун зиддият бўлаётганига тушунмади. Нега бошқалар эшитишни хоҳлаган нарсани айтса, унга қарши туришмоқда?

Омина кундузи синглисини чақириб, бошланғич мактабга борди. У ерда катталар саводхонлиги дастурининг биринчи дарси бошланади. Ўттиздан ортиқ хотин-қизлар биринчи синфни тўлдиришибди.

Етиб борганида ҳаммалари сабрсизлик билан кутиб ўтиришган экан. Ўқувчи аёллар Оминадек ҳаяжонда эдилар. Қўллаб-қувватлаш гуруҳининг беш аъзоси уларнинг қаршисида туришарди.

Хонада бироз сукунат ҳукм сурди. Узун бўйли, “жинси” шим кийган талаба ўзини таништирди:

– Мен Данламиман, сиёсий фанлар талабасиман. Биз доимий ўқитувчилар ишга олингунича “Бакарро ва таълим” лойиҳасида иштирок этишга розилик бердик. Агар муваффақиятга эришсак, эҳтимол, бошқа шаҳарларда ҳам бу каби мактабларни очармиз. Шундай қилиб, бизнинг билимимиздан кўпроқ аёллар фойда олишига ишонамиз. Биз катталар учун олти ойдан кам вақт давомида ўрганиш мумкин бўлган “Ҳассан модели” бўлимларини туздик. Маълумки, ҳар қандай жамиятда таълим муҳим аҳамиятга эга. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом шундай деганлар: “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслимага фарздир”. Турли сабаб-

ларга кўра ҳозирги вақтда дарсларга қатнаша олмайдиган аёлларга келсак, уларнинг уйларига ўқитувчи юбориш ниятидамиз. – Данлами бироз жим қолди. Сўнг соқоли олинган, катта оқ халат кийган ва салла ўраган болага ишора қилиб, сўзида давом этди: – Бу Мусо ал-Аҳмад. У ва бошқа мусулмон талабалар араб тили ҳамда Ислом динидан дарс беришади. – Кейин у бошқа ўқитувчиларни ҳам бирма-бир таништирди. – Ребека Басарро соғлиқни сақлаш лойиҳаси учун жавобгардир. Бунда икки ҳамшира, акушер ва тиббий инспектор иштирок этишга рози бўлди. Улар сизга ўзингизни қандай қилиб тоза ва соғлом сақлашингиз ҳамда атрофингизни қай тарзда озода тутишингизни ўргатишади. Яна ҳомиладор аёллар ва эмизикли оналарга ҳам жавобгардир.

Ребека жилмайди ва унинг қулоғига пичирлади:

– Мен умумий фаолият билан шуғулланаман ҳамда турли этник гуруҳларнинг ҳаёти, уларнинг эътиқодлари ва бошқарув тизимлари тўғрисида сизга гапириб бераман. Шунингдек, мамлакатимиз, қитъамиз ва дунё олдида турган муаммолар ҳақида сўзлайман.

Омина синфнинг охирига бориб, деворга суянди. Данлами эса доскага катта дунё харитасини осиб қўйди.

– Бу дунё харитаси. Унда кўп давлатлар бор. Ҳар бирининг ўз ери, аҳолиси ва ҳукумати бўлган бир юз саксон мамлакат! – У дунёнинг аҳоли яшайдиган ва яшамайдиган жойларига ишора қилди. – Бу Африка, бу бизнинг минтақамиз, Нигерия – бизнинг мамлакатимиз, биз дунёнинг бир қисми эканимизни кўришингиз мумкин.

– Устоз, баъзилар оламни думалоқ, дейдилар, шундайми?! – деди ўқувчилардан бири.

– Ҳа, шундай! Бу шунчаки харита. Сиз географияни ўрганасиз, вақт ўтиши билан буларнинг барчаси сизга аён бўлади. Шунингдек, ёмғир, турли фасллар ва ҳоказолар ҳақида билиб оласиз.

– Устоз, Макка қани? – деб сўради ўрта ёшли бир аёл орқа қатордан.

Ўқитувчи кулди ва унга харитага қарабини айтди.

– Бу Саудия Арабистони, Макка мана, бу эса Мадина.

– Бир кун бу муқаддас жойни зиёрат қилиш учун бо-ришни орзу қиламан.

Тахминан бир соатдан сўнг кириш дарслари тугади. Тез орада бошқа дарслар бошланди. Бакарро аёллар уюшмаси доимий ўқув хоналари ва расмий молиявий таъминотга эга бўлмаса ҳам, ташкилотчилар лойиҳани давом эттиришга қарор қилишди.

* * *

Баъзи эркаклар хотинларининг дарсларда иштирок этишига рухсат бермади, бошқа аёллар эса олдин қанча хотин-қизлар қатнашишини кўришни хоҳлашди. Ҳаёт ҳам ҳаракатсизликдан фаолиятга ўзгара бошлади.

Кўпинча Омина уюшма фаолиятини қандай қилиб доим сақлаб туриш ҳақида ўйларди.

Бир неча кун ўтгач, Биликсу ва Фотима келганида у ўғли билан диванда ўтирарди. Дугоналари биринчи дарсда қатнаша олмаганликлари учун узр сўраб, ўқув материаллари олиб келганликларини айтишди.

Омина уйидаги хоналардан бирини хотин-қизлар уюшмасининг штаб-квартираси сифатида берган бўлиб, уни стол ва олтита ўриндиқ билан таъминлаган эди.

Биликсу машинасидаги йигитга пичирлади:

– Бир нечта картон қути ва стикерни олинг. Омина кўриши учун стикерни ушлаб тулинг.

– Мен Дунладийман, санъат соҳаси талабаси ва Гло-риянинг дўсти. Мен буни сизнинг ассоциациянгиз учун қилдим ва сизга тақдим этаман, – деди йигит.

Омина мулойимлик билан қабул қилди. У учта асо-сий рангга чиройли бўялган: қора, қизил ва яшил. Ўқийдиган ҳамда ишлайдиган аёллар тасвирланган. Ушбу расмлар остига эса “Аёллар! Ўқинг, ишланг ва ҳа-ётингизни тартибга солинг!” – деб ёзилган эди.

Омина уни мақтади. Картон қутиларни очиб, дарсликлар, дафтарлар, бўр ва бошқа материалларни кўрди.

– Буларнинг барчаси сиз учун, – деди йигит қувонч билан.

– Биз жуда миннатдормиз! – деди Омина хурсанд бўлиб.

* * *

Омина Фотиманинг ёнига борди.

– Сизга нима бўлди, жуда чарчаган кўринасиз?! – деб сўради у дугонасидан.

– Бошим қаттиқ оғрияпти, – деди Фотима. – Сизга бир нечта диск беришим керак, – у дискларни узатди. – Мен дам олишим зарур.

Фотима узоқ кунлик оромдан кейин яна бақувват ва ғайратли бўлиб қайтди. У келганида уюшмадагилар янада фаоллашди. Фотима болалар билан уйнар, аёллар билан ҳазиллашар эди.

– Омина, бизга нима хизмат? – сўради Фотима мулойим оҳангда.

– Биз оиладаги зўравонлик муаммоси бўйича кичик йиғилиш ўтказамиз ва шаҳардан аёлларни таклиф қиламиз. Яна кампусда учрашишни хоҳламаймиз, шунинг учун уюшмадаги хоналардан бирини олишимиз лозим, – деди Омина.

– Яхши! Учрашув қачон?

– 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни, – деди Омина табассум билан.

– Менда яна битта фикр бор, – деди Фотима. – Биз кечқурун йиғилиш аъзолари томонидан маъруза қилишимиз мумкин. Африкалик аёллар дуч келадиган муаммолар ҳақида гаплашамиз.

– Менинг эътирозим йўқ, уларга айтаман.

8 март куни Омина, Фотима ва бир неча хотин-қизлар Бакарро аёллар уюшмасининг марказий хонасида тўпланишди. Фотима бошини қора мато билан ёпган жувоннинг ёнида турарди.

– Бу саудиялик қиз оиладаги зўравонлик қурбони бўлган. У бизга ўз ҳикоясини тўғридан-тўғри гапириб бериш учун бу ерга келди, – деди у.

Жабрдийда аёл иккиланган ва асабий ҳолда гап бошлади. У қўрқар, йиғлар, сўзларни топишга қийналар эди:

– Мен унга турмушга чиққанимдан бери тинчликни билмадим. Мени мунтазам равишда уради. Бирон баҳона топиб, дўппослагани дўппослаган. Масалан, “Овқат мазали эмас”, “Мени самимий қабул қилмагансан” ва ҳоказо. Эрим қизимнинг олдида ҳам мени уради. Она–бола қўрқувда яшаймиз.

– Бизга жароҳатларни кўрсатинг, яширманг, – деди Фотима.

У бунни хоҳламади. Биликсу эса жувоннинг олдига келиб, эҳтиёткорлик билан юзидаги пардани олди. Шунда янги яралар, шишган лаблар ва қора бўлиб кўкарган кўзлар кўринди. Аёл танасининг бошқа қисмларида ҳам кўкаришлар бор эди.

– Кўп аёллар шундай кун кўришади, – деди Биликсу. – Улар бундай жароҳатларни уят ва қўрқувдан яширадилар. Парда бу шафқатсизликни яширишга ёрдам беради.

– Сиз қайтиб кетасизми? – деб сўради Омина саудиялик аёлдан.

– Кетадиган жойим йўқ, – дея жавоб берди у.

– Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ сизга эрингизнинг шафқатсизликларига қарши туришингиз учун куч-жасорат берсин, – деб дуо қилди Фотима.

Биликсу ўрнидан туриб:

– Сизни ишонтириб айтаманки, эрингиз биз билан гаплашганингизни билмайди. Агар сизга бирор нар-

са бўлса, илтимос, биз билан ёки Омина билан боғланинг, – деди.

Саудиялик аёл уларнинг таклифига рози бўлди.

– Мен ушбу терроризмга қарши турганим учун хурсандман, аммо ҳозир бундай қўполликка индамаган жамиятимиз учун йиғлашим керак, – деди Фотима.

– Муаммо шундаки, аксарият аёллар ўзларини қадрламайдилар, шунинг учун улар тайёр жабрланувчилардир, – деди Ребека.

– Нима, армия бошлиғи сизни ҳеч қачон урмаганми? – Ребекадан сўради Фотима.

– Йўқ, у менга ваъда берган.

– Ҳеч қачон бу йиртқич ҳайвонларнинг формасини кийманг, – деди Фотима. – Келинг, Мухторни мисолда кўрайлик, биз бир-биримизни урамиз ёки мен уни ураман...

Ребека мағрурланиб деди:

– Мен умид қиламанки, бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Мухтор уриш учун жуда чиройлилик қилади. У менга қадрлидир. У севишга арзийдиган инсон.

Оминанинг рашки келди, аммо сездирмади. Биринчи марта Ребека Мухторни севишини билган эди.

– Агар шундай бўлса, агар аёл эркакин севса, унинг зарбаларини қабул қилади, – деди у кулиб.

– Мен тушунмаяпман, – деди Фотима. – Биз ҳаммамиз айбдормиз ва ўзгариш учун жавобгарликни ўз зиммамизга оламиз.

– Бу саудиялик аёл битта мисол. У Аллоҳни танийди. Шунга ўхшаш яна қанча аёл бундай шафқатсизликка чидайди.

– Бизнинг ишимиз жуда кўп, – деди Фотима.

Кечқурун Фотимани тинглаш учун аёллар тўпланишди. Омина Хавла ва Ларри ҳамроҳлигида мактабга борди. Ҳаддан ташқари жазирамага қарамай,

улар қанча аёлларнинг уйларида чикиб келганини кўриб хурсанд бўлишди. Биликсу, Фотима ва Омина аёлларнинг терлаган юзларига қараб ўтиришди.

– Ҳаммага хайрли кеч! Бугун биз Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан биринчи марта Бакаррода тўпланиб турибмиз. Ушбу кунда бутун дунё бўйлаб аёллар ўз муаммоларига эътибор беришади ва уларни ҳал қилиш йўлларини излашади. Бу биз ёлғиз эмаслигимизни кўрсатади. Бизнинг умумий ташвишларимизни таъкидлаган ҳолда Фотима Африкадаги аёлларга хос бўлган муаммолар ҳақида гапиради. Ишончим комилки, сиз уни жуда яхши биласиз ва бу нутқ сизга ёқади, – деди Омина.

Фотима ўрнидан турди ва жилмайган ҳолда кўйлагини тўғрилаб қўйди. У хотиржам ва ўзига ишонган эди.

– Ҳикояларда биз аёлларнинг нақадар гўзал эканимиз ва эркаклар бизга қанчалик фидокорлиги тасвирланади. Аммо тасаввур қилинг, бу меванинг ташқи кўринишидир. Хўп, унинг ичида нималар бор? Ҳеч қаерда аёлларнинг қандай азобланишлари ҳақида ҳеч қанақа маълумот йўқ. Баъзи жамиятларда хотин-қизлар эркинликларга эга, бошқа жамиятларда эса маҳбуслар сингари уй ишларига боғланиб қолишган. Африкада биз мустамлакачилик ўқидан жуда кўп азобуқубатларни бошдан кечирдик ва Африканинг аксарият давлатлари сиёсий мустақилликка эришган бўлсалар ҳам, қийналмоқдамиз. Сизнинг бизнесингиз амалий назоратсиз, ҳеч нарса қилаолмайди. Бизнинг Нигерия минтақамизда аёлларни озод қилувчи, уларни қўллаб-қувватловчи дин бўлган Исломни қабул қилмоқдалар. Дарҳақиқат, Африканинг кўплаб жойларида аёл – бу завқланиш манбаи, уй юмушларини бажарувчи, сотиладиган товар, бола туғишда ишлатиладиган машина кабидир. Африкалик аёлларнинг аксарияти кундузи қул, кечалари малика. – Фотима сумкасидан

рўмолчасини олиб, юзини артди ва сўзида давом этди: – Жамиятимиздаги эркаклар ҳукмронлигини енгиб ўтиш жуда қийин, чунки вақт ўтиши билан бу қонун сифатида ўрнатилиб, дин томонидан муқаддас қилинган. Аммо биз ўрнимиздан туриб, яхши маънода курашишимиз мумкин. Барчангизни Бакарро аёллар ассоциациясини қўллаб-қувватлашга чақираман. Эркаклар ўзлари хоҳлаб бизга ҳуқуқ ва эркинликлар беришларини кутсак, бунга эриша олмаймиз. Барча дарсларга келишга ҳаракат қилинг, иложи борица бунга ҳисса қўшинг. Муаммоларингизни яширманг! Фикрларни баҳам кўринг, саволлар беринг. Омина ва бошқа ташкилотчилар ушбу мавзуларни сиз билан очиқ тарзда муҳокама қилиш учун шу ерда. Халқимизда шундай гап бор: “Савол берган киши ҳеч қачон адашмайди!” Раҳмат!

Фотиманинг нутқи тугагач, бошланғич мактаб ўқитувчиси бўлган Лавал оддий савол берди:

– Эркакларнинг ҳукмронлигини енгиш учун нима қилишимиз керак?

Фотима ва Биликсу ўзаро маслаҳатлашгач, Фотима яна ўрнидан турди ва деди:

– Биз аёлларнинг курашишимиз бутун жамиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши керак. Аммо аввал биз бирлашишимиз, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва тенг маош олиш учун ҳаракатланмоғимиз зарур. Мажбурий ва эрта никоҳларга қарши туришимиз, барча даражадаги таълим олиш ҳуқуқларимизни талаб қилишимиз, оиладаги зўравонликка қатъий норозилигимизни билдиришимиз даркор. Мухтасар қилиб айтганда, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий имкониятларни қайта тақсимлаш керак ва бу фақат ҳозирги бузуқ тизим қулаган тақдирдагина юз бериши мумкин.

XI ФАСЛ

Бакарро аёллари учун дастлабки яхши лойиҳалардан бири соғлиқни сақлаш ва ободонлаштириш дастури бўлди. Улар шанба куни эрталабдан уйлар ва кўчаларни ахлатдан тозаладилар. Кўп ишлаган аёллар кун ботганидан сўнг ахлатдан бутунлай қутулишнинг иложи йўқлигини билдилар. Шунинг учун уюшмадагилар маҳаллий ҳукумат котиби Ҳожи Иброҳимга мурожаат қилишди. У ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини ва ўзлари бунинг чорасини кўришлари кераклигини айтди. Оминанинг жаҳли чиқди. У ҳукумат амалдори атроф-муҳитни яхшилашга қаратилган ишларда қандай қилиб очикчасига ёрдам беришдан бош тортаётганини тушуна олмади. Кечқурун бу ҳақда Фотимага хабар берди.

– Мен унинг бундай дейишини кутмаган эдим. Мақсадимиз шу ҳудудни тозалаш эди.

– Бу мамлакатдаги асосий муаммолардан бири шундаки, лавозим қанчалик юқори бўлса, бефарқлик шунчалик ортади. Илгари шу одам дарёни атайлаб тўсиб қўйган ва ҳатто миллий мукофотга сазовор бўлган эди.

Фотиманинг ҳам жуда аччиғи келди.

* * *

Эрталаб Омина китоб ўқиб ўтирарди. У Коло уйга қачон кирганини пайқагунича мутолаа қилди.

– Кечроқ менинг уйимда кичик йиғилиш ташкил қилянимиз, – деди Коло паст овозда.

– Мен унда иштирок этмайман, – дея Омина терс жавоб берди.

– Ие, шунақаси ҳам бўладими?! – деди Коло.

– Эрингиз ҳам у ерда бўладими? – сўради Омина Колонинг кўзларига қараб.

– Албатта, – жавоб берди Коло.

Хуллас, у Оминанинг хафа бўлганини сезди. Коло машина юборишга ваъда берди ва айбдорликдан қутулди.

– Майли, бораман, – Омина шундай деб ишонтирди.

– Фотимани таклиф қилманг, – дея огоҳлантирди Коло. – У ерда унга жой йўқ. Агар келса, сиғмайди, – деб қўшиб қўйди.

Унинг табассумидан Омина Коло ва ҳамкасбларидан узоқроқ эканини сезиш мумкин эди.

* * *

Колонинг ғурури ва ўзига ишончи баланд эди. Бу унинг кийган кийимларида ҳамда намоиш қилган машиналар паркида акс этарди.

Унинг уйи нақ сарой эди. Оминани ўзига хос эҳтиром билан кутиб олишди. У келганида бир неча меҳмонлар бор эди ва Коло шундай тушунтирди:

– Байрамнинг мақсади фақат шерикларимиз ва яқин дўстларимизнинг кўнгил очишидир. Шунингдек, ҳадемай мен меҳмонхонамни очаман, буни эса қўллаб-қувватлашларини хоҳлайман.

– Буни кўряпман, – деди Омина изоҳсиз.

– Иккинчидан, қурилиш ва безатиш ишлари тугагач, сиз директорлардан бири бўлишингизни истайман. Сизга олдинроқ айтишни хоҳлагандим, аммо Фотима ўша ерда эди. Ундаги шайтон шу қадар кучлики, мен бундай ахлоқсизнинг олдида таклиф қилишга қўрқдим. Демак, таклифимга нима дейсиз? – сўради Коло.

Омина ажабланди.

– Аммо менда тажриба йўқ, – деди у.

– Хавотир олманг! Мен ҳиндистонлик Алкед Ку-мерни ишга олганман, аввалига у бошқаради. Сиз унга бир йил ёки ундан кўпроқ вақт давомида ёрдам берасиз. Шунда керакли тажрибани ҳам қўлга киритиб борасиз, сўнгра тўлиқ бошқарувни зим-мангизга оласиз.

Кенг елкали аёл сўз бошлаганида улар ҳали ҳам бу масала ҳақида суҳбатлашаётган эдилар. Коло Оминани унинг ёнига олиб борди. У бу аёлнинг катта кўзларига ва баланд овозига маҳлиё бўлиб қолди. Аёл жуда малоҳатли эди. Чиройли пардози ва жингалак сочлари туфайли у янада гўзал кўринарди.

– Бу аёл ишбилармон Кеди Жой, у бир нечта меҳмонхонага эгалик қилади. Лекин уларнинг нархи жуда юқори. Мен эса анча паст нарх қўяман, – деди Коло. – Иккита бино бор, бири доимий турар жой учун, иккинчиси фоҳишалар учун. Қулоқ солинг, Омина, фоҳишаларнинг жамиятда борлиги катта ёрдам бериши мумкин.

– Бу ишингиз диний нуқтаи назардан тақиқланган эмасми?

– Эҳтимол.

– Сиз доимо Худодан кечирим сўрашингиз, тавба қилишингиз керак. Шунда У сизни кечиради.

– Аммо бу бойларнинг кўпи пиво базмларида қатнашишади ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилишади. Аксарият баджаҳл ва бераҳм эркакларнинг фоҳишаларга ғамхўрлик қилишларини билмайсизми?

– Мусулмонларми? – сўради Омина.

Шу пайт Қонунчилик аёллар уюшмасининг раиси Асабе сўзга чиқди. У билан Коло жуда яқин эди. Омина совуқ қаради ва гўё уни илгари ҳеч қачон кўрмаганга ўхшарди, у жилмайиб қўйди. Сўнг бу кенг хонанинг нариги томонида ёлғиз турган Ҳожи Иброҳимни кўрди, уларнинг кўзлари тўқнашди. Омина табассум қилди ва бош ирғади.

Ўрта ёшли бир аёл Оминанинг ёнига келди ва деди:

– Хайрли кеч! Менинг исмим Саида. Абдуллоҳ – менинг адвокатим.

– Мен Омина Харунаман. Бакарро аёллар уюшмасининг аъзосиман.

– Менинг эрим сиз ҳақингизда жуда кўп гапиради, – деди Саида хоним самимийлик билан.

– Эрингизми?! – Омина қизиқиб сўради.

– У университет ўқитувчиси ва сизнинг уюшмангизга жуда қизиқади.

– Мен уни ҳеч қачон учратмаганман, деб ўйламайман, – жавоб берди Омина.

– У Фотима ва Биликсунни билади. Эрим сизнинг ташкилотингиз келажақда кўп нарсага эришади, деб ўйлайди. У сиз ҳақингизда китоб ёзишни хоҳлайди.

Колонинг келиши суҳбатни давом эттиришга тўсқинлик қилди. Костюм кийган ва қора галстук таққан, узун мўйловли Абдуллоҳ Саида хонимнинг ёнига келди, улар бирга чиқиб кетишди.

– Ҳўш, Коло, нима қилиш керак? – сўради Омина.

– Асосий товарларни импорт қилиш ва сақлаш, шунингдек, гуруч ва тузни қайта тўлдириш. Менимча, қайта тўлдиришдан чарчагансиз. Дастлабки қоплардан гуруч миқдорини камайтириб, янгисини тўлдиришингиз керак, – деб тушунтирди Коло.

– Буни ҳазил учун айтяпсизми? – сўради Омина.

– Йўқ, бу ҳазил эмас, – деди Коло.

– Ахир шартномаларни бузиш, порахўрлик, ҳужжатларни сохталаштириш ва бошқалар тақиқланган-ку. Унутманг, эшиклар маълум вақт давомида ўзгариб туради. Қалбаки материаллар ўрнига ускуналар, хом ашёлар импорт қилинг, ҳашаматли барларингиз фаолиятини йўлга қўйинг, – деди Омина.

– Энди бу айтганларим муваффақият қозониш йўлида, – деди Коло.

Коло ноқонуний нефть қазиб олиш учун хорижий корхоналар ва транспорт компаниялари билан тил бириктириб, ўз навбатида, фоиз ҳам олар эди. Ўз пулларини Лихтенштейн ва Люксембургга сармоя қиларди.

– Улар банкларда пул бор, деб ўйлашади. Менга ишончли манбалар Лукас Дангуланинг давлатнинг минерал хом ашё ресурсларини бошқаришини айтди, – деб минғирлади Омина ўзига келолмай.

– Бу ҳам бир иш тури. Мен буни жуда яхши кўраман. Лекин Батор ва эрим ёқтиришмайди. Аммо улар рози бўлишади.

Оминанинг кўзи семиз бир одамга тушди. У эрининг бизнес шериги эканини биларди.

– Сиз бу одамни танийсиз, шундай эмасми? – сўради Коло.

– Ҳа, лекин мен уни яхши билмайман, – жавоб берди Омина.

– Мен сизга унинг қандай қилиб бойиб кетганини айтаман. У хизматда омборчи бўлганида барча буюмларни ўзига олиб, бинога ўт қўйган.

Омина ўзини назорат қила олмай:

– Нима?! – дея баланд овоз билан қичқирди. Бунга ишанолмади, ҳайратдан оғзини очиб қолди.

– У ҳисобчи бўлганида давлат пулларини ўзлаштирган ва истеъфога чиққан. Бир ҳафта ўтгач, ушбу иш билан боғлиқ барча ҳужжатларни олдинги офисида яширин тарзда йўқ қилиб юборган, – деди Коло.

– Мен бунга ишона олмайман, – деди Омина.

– Ҳа, шундай бўлган! Эрим менга ҳаммасини айтган. Бундан ташқари, энди у энг бой ишбилармонлардан бири ва яқин келажакда парламентдаги ўрин учун курашиш ниятида.

Шате очилиш маросимини эълон қилиш учун Колога пичирлади. Омина хафа бўлиб нари кетди. У бурчакда турар, меҳмонлар ҳаяжонланиб суҳбатлашишаётганига эътибор берар эди. Сигарет тутуни атир ҳиди билан аралашиб кетди ва бирдан кўнгли айнигандай бўлди. Лекин Коло ундан шу ерда туришини илтимос қилди. Кейин Ҳожи Иброҳимни кўрди. У меҳмонлар билан гаплашаётган эди.

– Бакарро соғлиқни сақлаш лойиҳаси қандай иш олиб бормоқда? – Ҳожи Иброҳим такаббурлик билан сўради.

Омина эҳтиёткорлик билан жавоб берди:

– Ҳозирча жуда зўр!

– Айтишим керакки, аёлларни ташкиллаштиришдаги жасоратингизни ҳурмат қиламан.

Омина қисқа суҳбатдан сўнг Коло билан бирга жўнади.

– Яқин орада шаҳарда поликлиника ташкил қилмоқчиман, – деди Коло гап бошлаб.

– Дори-дармонлар шифохонадан клиникага олиб бориладими? – сўради Омина.

– Йўқ, тўғридан-тўғри эмас. Менга унга пул тўлаш кераклигини айтишди, – деди Коло.

– Нима учун дори-дармонларни ва тиббий асбобларни тўғридан-тўғри импорт қилмаслик керак? – сўради Омина.

– Хусусий клиникаларда юзага келган келишмовчиликлар жуда катта. Шунинг учун клиникалар расмий шифохоналарга ишониши керак. Қоида тариқасида расмий шифохонадан етказиб бериш осонроқ.

Омина ўзига етарли маълумотни олди ва кетишга қарор қилди. Бу сафар Коло рухсат берди. Ташқарида ялтироқ салла ўраган бир чолга кўзи тушди.

– Бу ким? – сўради Омина.

– У Демби қишлоғининг раҳбари. Икки йил олдин бир банкка пул ўтказди. Шундай қарз берганки, банк унинг қўлида эди. Кейин шунчаки тўловлардан воз кечди ва бу йўлни тарк этди, – деди Коло.

Кетиш пайтида Омина Колога миннатдорлик билдирди, машинага ўтирганидан сўнг у директор бўла олмаслигини айтди.

Омина келганида Фотима Абу Рошидни чўмилтираётган эди. У болани сувдан кўтарганида йиғлади. Омина ўғлини олиб, қуритди ва кийинтириш учун Фотимага қайтариб берди. У дугонасига зиёфат ҳақида сўзлаб берди, аммо Фотима ажабланмади.

– Сиз кўрган ва эшитганингиз чумоли бошидек нарса. – Фотима Абу Рошиднинг таглигини эҳтиёткорлик билан алиштирди. – Агар рақобат бўлса ва сиз судья бўлсангиз, кимга мукофот берасиз?

– Албатта, Колога! – деди Омина.

– Нима учун?

– Чунки у дугонам, – деди Омина ва боласини эмиза бошлади. – Бир неча йил олдин Батор Лондонда ўзига уй қурдирди. У уйни ёқтирмади ва жуда кичик санади.

– Мен бу ҳудудни жуда яхши биламан. Сўнг у нима қилганини тахмин қила оласизми? – сўради Фотима.

– Билмайман, – деди Омина.

– Фермерга тўлиқ сотди! Болаларни бу ерда ўқишга керак бўлган барча пуллар Лондоннинг бутун кўчасини сотиб олиш учун ишлатилган. Бу – воқеанинг охири эмас. Шартномадаги ёзувларни ўқимай туриб, имзо қўйилганди. У уч йилдан кейин ўша ерга етиб борган ва полиция фермерни қувиб чиқарган. Батор пулни ҳам олди, уйни ҳам, – деди Фотима бош чайқаб.

– Колонинг эри ҳақида нима дейиш мумкин? – сўради Омина.

– Биласизми, у қандай қилиб пулларни қўлга киритади? Кўп йиллар давомида у ва Батор бутун Африка бўйлаб қурол ҳамда ўқ-дориларни сотди. Уларга бутун дунёдан уруш ва можаролар чиқариш ниятида бўлган харидорлар келарди... Бу узоқ ва ҳаяжонли ҳикоя. Лекин мен уни охиригача ичимда сақлайман. У Лондонда дипломат бўлиб отамга хизмат қилган. Кейин аэропорт маъмуриятига раҳбарлик қилишни давом эттирди. Порт маъмуриятига ҳам ўтди. Сўнгра

Макка шахрига борди. Менинг бош директорим у ерда ўн йилдан буён ишлайди ва миллионлаб даромад топомқда. Ушбу кескин вазиятда ҳукумат мамлакатнинг саксон фоизини замонавий темирўл тармоғига улаш бўйича улкан дастурни амалга оширди. Афсуски, бугун атрофга назар ташланг, улар нафақат темирўлни қилишмади, ҳатто мавжудларини ҳам сақлаб қолишмади. Лойиҳани молиялаштириш учун ҳукумат ва чет эл банкларидан пул олинди, аммо бу фойда бермади. Уларнинг деярли барчаси талон-тарож қилинди. Пуллар эса тўғридан-тўғри ўзи ва шерикларининг ҳисобига ўтиб кетди.

– У пулини нимага сарфлайди, деб ўйлайсиз? – сўради Омина.

– У тезюрар машиналарни яхши кўради. Нью-Йорк ва Лондон каби кўпгина жойларда хусусий машиналару гаражларга эга. Шунингдек, бир нечта “Феррари”лари бор. Иккита яхта сотиб олган ва фотосуратларини ҳам жўнатган эди. Яна қимор ўйини билан шуғулланади. Бир кун унга агар ўлса, ўзи билан фақат оқ матони олиб кетишини айтдим. У эса жаҳл қилди, – деди Фотима.

Абу Рошид ухлаётган эди.

– Фотима, сиз энди жамиятимиздаги ўғрилар, фирибгарлар ва шунга ўхшашлар тоифаси тўғрисида ўйламанг. Майли, бошқа нарсалар ҳақида баҳслашишингиз мумкин.

Фотима сумкасини олди ва деди:

– Инжилда шундай сўзлар...

– Менга Муқаддас Китобни ўқияпман, деманг, – деди Омина унинг гапини бўлиб.

– Йўқ, ундай эмас. Аммо бир нечта қизиқарли қисмларини ўқияпман. Мен яхши кўрган бир парчада шундай дейилади: “Ким нимадирга эга бўлишни хоҳласа, бундан кўпроғига эришади. Ким ниманидир йўқотишдан қўрқса, у ўзида борини ҳам йўқотади”.

Бир неча дақиқа чуқур мулоҳаза юритгач, Фотима бирдан ҳаяжонланиб деди:

– Мени Жибрил Муҳаммадни хотирлаш маърузасида нутқ сўзлаш учун таклиф қилишганини айтишни унутибман! Мавзу билим ва жамият ҳақида. Шунингдек, у тўғридан-тўғри давлат телевидениеси, радиоканалларида муҳокама қилинади. Ҳокимнинг ўринбосари, таълим бўлими бошлиғи, бош судья, университет декани ва еттита кафедра мудири, ётоқхонадаги барча талабалар иштирок этишади. Бу мен учун ҳозиргача берилган энг яхши имконият ва мен бундан фойдаланаман. Нутқ матнини ташкилотчиларга олдиндан беришдан бош тортдим.

– Уни барча эшитадими? – сўради Омина.

– Албатта! – деб Фотима музлаткичдан сув олиб ичди. Сўнг қизил рўмолини ўраб, сумкасидан қоғозларни олди-да, югурганча чиқиб кетди.

* * *

– Халқаро муносабатлар билан қизиққан ҳар бир киши ғарбий мамлакатлар бизнинг кундалик ҳаётимизга катта таъсир кўрсатишини яхши билади. Сўнгги бир неча ўн йилликлар ичида бизнинг ички ишларимиз ёмонлашмоқда ва хавфга яқинлашмоқда. Шубҳасиз, бу уларнинг иқтисодий ишларга аралашиши натижасидир, – деди Фотима. – Уларнинг кучининг асосий манбаи нима? Улар кучли бўлишининг бош сабаби билим ҳамда бошқариш қобилиятидир. Бизда йилига еттита ёмғирли ой бор, аммо биз сув таъминотини қандай қилиб тўғри йўлга қўйишни, қайта ишлаш ва бошқариш усуллари билмаймиз. Бизда кунига ўн соатдан кўпроқ вақт давомида қуёш нур сочиб туради, бироқ ҳали ҳам қуёш энергиясидан фойдалана олмаймиз. Бизда энг фойдали ўсимликлар, илдизлар ва гуллар мавжуд, лекин ўзимиз доридармон ишлаб чиқара олмаймиз. Бизнинг эрларимиз

ва қулларимиз бор, аммо мен ўзимни боқолмайман. Нега биз ўзимиз учун тараққиёт йўлларини очмаймиз? Нима учун улардек кийим киймаймиз? Нимага биз муваффақиятга интилмаймиз? Сабаблар кўп! Бизнинг кўпгина университетларимиз ва илмий-тадқиқот институтларимиз бор. Лекин бу даргоҳлар билимлиларни тайёрлаш учун хизмат қилмайди. Аксинча, улар жаҳолатни эҳтиёткорлик билан ўргатадиган жойлар ҳисобланади. Билим олиш учун аввал ўрганишимиз керак. Одамлар алгебрага бепарқ бўлса, фан гуллаб-яшнамайди! Биз эҳтиёжларимизни қондириш учун университетларимиз ва олий ўқув юртларимизга ишонишимиз керак. Бунинг учун сиёсатчиларимиз янги қонунларни қабул қилишлари зарур. Бунинг учун эса уларда камтарлик, меҳроқибат туйғулари бўлиши шарт. Айни пайтда раҳбарларимизнинг аксарияти бирон-бир тилда ўқий олмайди ва ҳатто ёза олишмайди. Тизимни тушуниш учун ғарб тарихи, ғарб тиббиёти, ғарб фалсафаси, ғарб адабиёти, ғарб психологияси ва ғарб иқтисодиётини ўрганишимиз лозим. Сиз бошқа одамларни эшита олишингиз керак, ҳатто уларга ишонмасангиз ҳам. Инсонларнинг фикрларини тинглайлик ва уларни шунга яраша тақдирлайлик. Яхшиликка олиб келадиган ишларни тез амалга ошириш зарур. Жамиятдаги ҳар бир киши билимга бўлган муносабатини ўзгартириши лозим. Биз нафақат диний илмларга, балки, барча билимларга чанқоқ бўлишимиз шарт. Фикрларни йиғиш керак. Бизнинг муваффақиятимиз ўзимизни ўқитиш, иқтисодиётимизни кенгайтириш ва маданиятларимизни уйғотиш билан боғлиқдир. Атрофимиздаги даҳшатли қашшоқлик билан курашиш учун биз билимлардан фойдаланишимиз зарур, чунки ҳар доим қашшоқлик фаровонликка таҳдид солади. Бизнинг маданиятимиз бузуқликни, нодонликни, дангасаликни ёки азоб-уқубатни эгалламаганда нима

содир бўлар эди? Бошқалар яратган ва ўзлаштирган билимларга ишонишда давом этсак, билимлардан оқилона фойдаланадиган одамлар бизни шарманда қилади. Биз Баторга бизнинг манбаларимизни тадқиқ қилиш, фойдаланиш ва сотиш учун ишонишда давом этсак, улар доимо унинг қўлида бўлади. У бизнинг билимларимизни ўзгартириш ва бошқариш қобилиятига эга. Биз Батордан жирканишимиз керак. У буюк ютуқларни ва ижодкорликни ҳурмат қилмайди. Илтимос, хонимлар ва жаноблар, Баторга ишонманглар! Унинг на доимий дўсти, на доимий душмани бор, фақат ўзининг манфаатлари мавжуд, холос. Ривожланишнинг асосий олтин қоидаси мамлакат аҳолисини билимли қилишдир. Менинг араб аجدодларимни йўқ қилиб юборишган. Нега? Чунки улар бошқаларга билим берган. Улар астрономияда жуда илғор эдилар. Юлдузларни кашф этдилар ва уларга ном беришди. Бугунги кунда арабларни жуда паст кўришади. Жибрил Муҳаммад ҳам билимларга асосланган жамият яратиш учун курашди. У менга ҳаётдаги вазифаси ҳақиқат ва билим излаш эканини айтган. Келинг, унинг йўлини давом эттирайлик! Жаҳолат билимга зарар келтиради, куллик эркинликка тўсиқ бўлгани каби. Билим – бу қувват. Ўтиборингиз учун катта раҳмат! – дея Фотима нутқини якунлади.

ХII ФАСЛ

Сўнгги бир неча ҳафта ичида Омина қайта-қайта ўйлади: агар одамларга овқат берилса, улар таомни истеъмол қилишади. Агар маблағ берилса-чи, ўзларини овқатлантиришади. У ўзига тегишли бўлган ер ҳақида ҳам фикрлади. Аёллар қандай қилиб қорин тўйдирадилар? Улар ердан фойдаланиб, фойдани баҳам кўрсалар бўлади. Айни пайтларда ферма ташкил этиш ғоясида юрган италиялик аёллар ҳам ташландиқ

ерларга эгалик қилишлари мумкин. Агар ҳамкорлик қила олишса, улар биргаликда ишни йўлга қўйишса бўлади. Камбағаллар мустақил равишда ишлашлари ва ўзларининг меҳнатларидан фойда олишлари мумкин...

Омина ўйланиб ўтирар экан, Фотима ва Биликсу кириб келишди.

– Бу сиз учун, – деди Фотима ва ярим сумка болалар кийимини дугонасига узатди. – Канодан уларни атай сотиб олдим. – У ўйинчоқлардан бирини олиб, Абу Рошидга берди. Бола эса кулиб, уни ушлаб олди. – Кеча Данбаки билан бирга эдим.

– У қандай, яхшими? – сўради Омина.

– Ҳа, яхши! – деди Фотима ва сув ичди.

– Мухтор ва Ребека-чи? – яна сўради Омина.

– Яхши. Аммо... улар ҳали ҳам дўст, – деди Фотима чуқур нафас олиб.

– Аммо... нима? – Омина қизиқиб сўради.

– Уларнинг ўрталарида муаммо бор. Бунини тушунириш қийин, – деди Фотима. – Ребека мен билан жуда совуқ муносабатда эди. Мухтор билан алоқам яхшилиги учун ўзгарди.

– Ребека рашкчи. Ростини айтсам, Мухтор ҳали бирон нарса демади ва Ребека бундан ташвишланипти, – деди Биликсу.

Бироз жимликдан сўнг Омина уларга ўзининг нияти ҳақида айтиб берди.

– Бу буюк ғоя, уни қўллаб-қувватлайман. Аммо муваффақият қозонишидан умидсизман, – деди Фотима.

– Нега? – Омина хафа бўлиб сўради.

– Кўряпсиз-ку, минтақадаги бойлар ва давлат бундай ҳаракатни таъминламайди. Аксинча, йўқ қилиш учун улар ҳамма нарсани қилишади, – деди Фотима.

– Фотима, менимча, сиз иккалангиз ҳам мени тушунмадингиз, мен жиддий айтяпман. Мен фермерлар колхозини ташкил қиламан, демаяпман, ишсиз ёшлар

ва йўловчиларни эмас, фақат аёлларни ёллайман. Иккала гуруҳнинг ҳам жамиятимиз манфаати учун уйғун ҳолда ишлашига халақит берадиган ҳеч қандай сабаб кўрмайпман, – деди Омина.

Биликсу бирдан кулиб юборди.

– Бизнинг ҳукмдорларимиз ҳеч нарсада қатнашишга тайёр эмас, – деди у.

– Майли, қўлимиздан келганини қиламиз, – деди Фотима. – Биз буни қўллаб-қувватлаш гуруҳининг йиғилишида муҳокама этамиз. Ўз навбатида, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан боғланаман ва бу ҳақда Касаба уюшмаси билан гаплашаман. Шунингдек, мутахассис билан учрашувингизни ҳам уюштираман, у кооператив¹ ҳаракатдан олдин муаммолар ва имкониятлар ҳақида тушунча беради.

– Мен отамга айтаман, ундан пул оламан ва бу ғояни синаб кўрамиз, – деди Омина.

* * *

Фотима ташқарига чиқиб кетиши билан хонага Абдуллоҳ кириб келди.

– Энди Фотиманинг ўзига менга айтган гапларингизни айтинг! – деди Омина.

Фотима қайтиб келиши билан Абдуллоҳ ўнг қўли билан Фотиманинг кўзларини юмди.

– Мен Фотимага уйланишга розиман! – деди у.

Аёллар кулиб юборишди. У Фотимани қўйиб юборди ва уялиб хонадан чиқиб кетди. Бироздан сўнг қайтиб келиб сўради:

– Сиз қаерданлигингизни билмоқчиман.

Фотима унга яқин келиб деди:

– Бобомнинг отаси араб мамлакатларидан келган.

¹ Кооператив – шериклик, ҳамкорлик; ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқаролар гуруҳи.

У араб бўлган. Бу ерга қачон ва нимага келганини аниқ билмайман. У диний раҳбар эди. Жуда катта кутубхонаси бўлиб, кўп саёҳат қилган. Отам ҳам ўқитувчи, Қоҳирадаги кўзни қамаштирадиган университетда дипломат бўлиб ишлайди. Бувимнинг онаси ҳам араб бўлган экан. У кўл бўйида жойлашган Эл-Нин шаҳрида туғилган. Унинг отасининг ўн нафар фарзанди бўлган. Хуллас, бувимнинг онаси жуда диндор оиладан чиққан ва тўққиз болани дунёга келтирган. Менинг онам эса Шова. Отам Қоҳирага боришдан олдин унга уйланган. Улардан беш фарзанд дунёга келган, аммо бири вафот этган. Уч акам Европада ишлайди ва ўқийди. Уларнинг ўз оилалари бор. Менинг ҳам бир қизим бор ва мен ҳамон ўқийман. – Фотима сумкасида бир нечта расмларни олди ва Абдуллоҳга кўрсатди. – Мана у! Улкан кутубхона олдида турибди. Бу бувим, бу менинг дадам. Бу АҚШнинг собиқ президенти. Бунда эса отам Лондонда бош вазир билан бир қаторда турибди. Мен дадам билан Токиода ҳам бўлганман. Бунга қаранг, у ўз ваколатини янги элчи сифатида тақдим этмоқда. Биз бу ерда эса Саудия Арабистони қироллигидамиз.

– Бошқа дўстларингиз ҳақида нима дейиш мумкин? – сўради Абдуллоҳ.

– Унга катта полициячини кўрсатинг, – деди Омина.

– Мана Глория Занон Катаф, – деди Фотима. – Бу Ҳазарддан Белкер. Сизга берган китобим ёқдими?

– Ҳа, менга жуда ёқди-да. Сизга Алибобо ва қирқ қароқчи ҳақидаги эртакни айтиб бераман.

Абдуллоҳ чиқиб кетди.

– Отам менга бу дунёда яхши ва ёмон одамлар борлигини айтган. Унга кўра, камбағаллар ёмон, чунки улар ҳар доим бировларни талашар экан. Ночор кишилар ҳамиша нимадир ўғирлашга ҳаракат қиладилар ва бойлар каби ишламайдилар. Мен шу фикрда улғайдим, – деди Фотима.

Омина газета ўқиб ўтирарди. Фотима ҳам у билан бирга эди. Шу пайт машина келиб тўхтади. Ундан бир одам тушди. Дугоналар уни кутиб олиш учун олдига боришди.

– Мен Омина Харунани таништирмоқчиман, – деди Фотима.

Омина жилмайиб ўз мамнуниятини билдирди.

– Жаноб Абдуллоҳ университет ўқитувчиси ва кооператив ҳаракатлар мутахассиси бўлади, – деди Фотима Оминага қараб.

Профессор ўзини камтар тутди. У узун бўйли, семиз ва оқ, калта кўйлак ҳамда қора шим кийган эди. Омина уларни ичкарига бошлаб кирди.

– Агар у сизнинг кооператив ҳаракат ҳақидаги ғоянғизни ёқтирса, ажойиб бўларди, – деди Фотима.

Фотима профессорга аёллар уюшмаси фаолияти ҳақида маълумот берди.

– Мен сизнинг фаолиятингизга катта қизиқиш билан қарайман. Кооператив ҳаракат жамиятда иқтисодий ва ижтимоий кучни шакллантириши мумкин, аммо бугунги кунда мамлакатимизда бу ҳаракат кучсиз ёки мавжуд эмас. Аслида у жамиятни ўзгартиришда таянч бўла олади. Фермерлар ва ишсиз аҳоли фермаларда ҳамда бошқа ишлаб чиқариш лойиҳаларида тенг ҳуқуқли шериклик доирасида ишни ташкил қилишлари мумкинлигини тушунаман.

– Корхоналар кооперативларни ҳам бошқариши мумкин, – дея қўшимча қилди Фотима.

– Тўғри, лекин бу янада мураккаб, – деди профессор ва гапида давом этди.

Омина ўзича иккаламиз бир-биримизни яхши тушунамиз, деб ўйлади.

– Айтишим керакки, кооператив ҳаракатнинг роли кўп жиҳатдан давлат сиёсатига боғлиқ. Баъзи мамлакатларда миллий ривожланишни тезлаштириш

учун кооператив ҳаракатлар амалда қўлланилган. Бизда эса деҳқончилик яширинган эмас. Аттанг шунча бефарқликда ўтган йиллар учун! Агар биз қишлоқ хўжалигимиз муаммоларини ҳал қилишни истасак, кооперативлар энг яхши воситалардан бири бўлади. Бу қишлоқ жойларнинг шаҳарлашишига ва бошқа кўплаб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинишига сабаб бўла олади.

Омина айтилаётган гапларнинг аксарияти аҳамиятсиз эканини билди. Фотима эса мавзуга қизиқиш билан қарамади. У шунчаки фикри иш берадими ёки йўқми, шунга қизикди. Жаноб Абдуллоҳ эса Омина тушунадими-тушунмайдими, эътибор ҳам бермади. Миср собиқ президенти Абдел Нассернинг заиф кооператив концепцияси қишлоқда эксплуатацион синфни яратганини таъкидлади, аммо у доимо жиноий ва фундаментал бахтсизликларнинг олдини олишга ҳаракат қилган эди.

– Сизни огоҳлантиришим керак, сизнинг биргаликдаги ҳаракатингиз шу каби муаммоларга дуч келиши мумкин, – деди у Фотимага қараб.

– Ҳар қандай ҳамкорликдаги ҳаракат муаммолардан халос этади. Вайронликка учраган деҳқонлар ва ишчи синфлардан муҳолифатни қўллаб-қувватлайдиган тўртта уюшма ташкил қилиниши ёки улар кооперативлар орқали бирлаштирилиши мумкин. Тўғри, бу уларни сиёсий ўғрилиқ ва тартибсизликлардан тўхтатмас, аммо уларга иқтисодий жиҳатдан ёрдам беради ҳамда кооперативлар кўпайиб бораётганига қарамай, уларнинг аъзолари ҳам ривожланади, – деди Фотима.

– Бизнинг кооператив ҳаракатимиз фақат аёлларни ўз ичига олади, – деди Омина.

– Сиз ерни қаердан оласиз?

– Менинг ерим бор, – жавоб берди Омина.

– Кўчатларни, машиналарни ва бошқа фермага оид жиҳозларни-чи, буларни қандай қўлга киритмоқчисиз? – сўради профессор.

– Қишлоқ хўжалиги вазирлигида юк ташувчилар уюшмаси аъзолари билан танишдим, улар бизга ускуна ва техник ёрдамни ваъда қилдилар, – деб жавоб берди Фотима.

– Ҳа! – у ҳайрат билан деди.

– Яъни, бизни зарур кўчатлар, техникалар, ҳайдовчилар билан таъминлайдиганлар бор. Ҳеч бўлмаганда бир йил! Кейинги йилдан ижарага рози бўлишади ёки ҳамма нарсани чегирмали нархларда сотиб юборишади, – дея тушунтирди Фотима.

– Сиз режа туздингизми? – сўради профессор.

Омина жавоб берди:

– Энди.

– Нимани кутяпсиз?

– Мутахассис маслаҳатини, – Фотима хотиржам жавоб берди.

– Мен сизларга биринчилардан бўлиб ёрдам беришдан мамнун бўламан, – деб уларни ишонтирди профессор.

Улар ташқарига чиқишди. У машинасига ўтириши билан:

– Мутахассис маслаҳати... – деди Омина кулиб.

– Мен уни орқасига қайтараман! – деди Фотима.

– Ҳамма мутахассислар шунга ўхшайдими? – сўради Омина.

– У нисбатан яхшироқ. Сиз “Биз билан учрашиб тулинг ва фойдали маслаҳатларингизни аяманг”, деб айтишингиз керак эди. Бундай ўқитувчиларнинг аксарияти амалда ҳеч нарса билмайди, тўғри, улар фақат китобларни ёд олишади ва ўқишади. Маърузалар қилишда тўтиқушга ўхшашади. Ишдан ташқарида эса баъзилари спиртли ичимликлар ичиб, қизларнинг кетидан худди итлардек югурадилар, – деди Фотима.

Омина кулиб юборди ва бир мунча вақт ўтгач, улар яна ҳамкорлик мавзусига қайтишди.

– Менимча, бу ерда имкониятга қараш керак. Мамлакатимизда жуда кўп имкониятлар мавжуд. Уларнинг кўпи менда ва барча аёлларда бор.

– Тўғри! Бу ҳозирда ишсизликнинг катта шакли. Биз шу нуқтаи назардан амалга оширишимиз мумкин.

– Қандай қилиб? – Фотимадан сўради Омина.

– Мен иш ўринларини яратадиган бизнесни назарда тутмоқдаман. Охир-оқибатда аёллар қадр-қимматини сақлаб қоламиз, – деди Фотима.

– Ҳа, мен ёнингизда бўламан! Шунингдек, ушбу кооперативнинг мустақил бўлишини хоҳлайман. Яна ишлашга ва фойда олиш учун хизматлар, товарлар етказиб беришга йўналтирилган кооперативни истаяпман. Агар пул топмасак, бунга амалга оширолмаймиз. Хўш, кейинги бир неча қадамларга эришиш учун нима қиламиз? Агар биз битта озиқ-овқат ишлаб чиқаришда муваффақият қозонсак, иккинчисига ҳам ҳаракат қиламиз; агар биз битта минтақада муваффақиятга эришадиган бўлсак, унда бошқасида ҳам синаб кўрамиз. Масалан, мактабларни олайлик. Мен келгуси йил охирида шаҳардаги ҳар бир мактабда ўқувчиларимизни бепул овқат билан таъминлаш учун стенд очмоқчиман. Барча даромадларни бутун лойиҳага қайта инвестиция қилиш мумкин. Шунингдек, анъанавий дори-дармонлардан қандай фойдаланишни яхши биладиган кўплаб аёллар бор: барглар, дарахтлар пўстлоғи ва гуллардан дори ишлаб чиқариб, сотувга қўйишни хоҳлайман. Албатта, улар маош олишади. Бу аёллар ўз эҳтиёжларини ўзлари тўлдирадилар. Аммо лойиҳани бошлаш учун қандай қилиб пул олишимни тушунмадим, – деди Омина.

– Омина, нима қилсангиз ҳам, давлатдан пул олманг! Батор ёки ҳукмрон синфнинг бошқа вакилларида ҳам сўраманг! Шубҳали ва ҳаром пул яхши ғояларни

бузади. Уларнинг пуллари сизнинг ривожланишингизга тўсқинлик қилади. Менга бир марта ноқонуний пулни ҳалолга айлантириш мумкинлигини айтишганди, – деди Фотима табассум билан. – Қандай бўлмасин, банкдан қарз олишингизни маслаҳат бераман. Бу талаб қилинадиган қатъий молиявий интизомни англатади. Биз бизнес юритишга қодир бўлганлар билан ҳамкор бўлишимиз керак. Ва илтимос, Ларри каби қизларни барча музокаралар ва битимларга қўшишни унутманг. Кейинги авлод ҳақида ўйлашимиз керак.

– Албатта! Ларри ва мен буни бир неча кун олдин муҳокама қилдик. Мана, Ларри ва Бетага ўхшаган қизларнинг, шу ердаги барча аёлларнинг ёзган қисқа ҳикоялар тўплами. Улар бир ҳафта давом этувчи воқеаларни айтиб берадиган фестивални ўз ичига олади. Бу менинг ғоям!

– Сиз Мухтор билан шеърлар ва ҳикояларни нашр этиш имконияти ҳақида гаплашмоқчи бўляпсизми? Бу жуда зўр!

Осмон булутсиз эди. Омина бошини кўтарди ва кўзларини бир неча сония юмиб турди. Бу йилнинг энг иссиқ даври эди. Кўчаларда одам кам, ҳамма қуёш ботишини кутар, жониворлар ҳам иссиқдан ҳолсиз эди.

– Иссиқликка яна чидаб бўлмайдиган бўлиб қолди, – деди Омина.

Улар Ребеканинг уйи ёнида учрашишди.

– Баъзи соғлиқни сақлаш ходимлари келгуси шанба куни бепул ўтказиладиган эмлашга рози бўлишди, – деди Фотима.

– Қанча туради? – сўради Ребека.

– Кам эмас. Аммо биз бунга пул тўладик, – деди Фотима.

– Раҳмат! Пулни қаердан олдингиз? Майли, ўзи эмлаш нима? – у Фотимадан сўради. – Сиз учрашувда ўша ерда эдингиз, тўғрими?

– Мен мунозарада қатнашдим, – деди Фотима.

Омина Фотима билан Ребека ўртасида нима бўлганини тушуна олмади.

Омина эрталаб идорага борди. Сўнг радио тинглади, китоблару газеталарни ўқиди. Кечкурун мактабга ўтди ҳамда дарсларни назорат қилди. Бунга кўп куч сарфлади, лекин у “Мен эриша оламан”, дея ўзига бўлган ишончини оширарди. Омина кўпроқ ўқитувчилар йиғилса ва аёллар қўшилса, бу қизғин дастур янада кескинлашишини биларди. Шунингдек, у ушбу ҳаракат Бакарро аёллар уюшмасининг муваффақияти учун тўлаши керак бўлган нарх эканига амин эди. Тажрибаси ошгани сари Омина аёллар ҳаётининг кўплаб жиҳатларига дуч келди.

Пайшанба куни кечкурун – Омина мактабдан чарчаган ҳолда уйга эндигина келган эди – Ларри йиғлаб юборди. Унинг қизи тахминан бир ҳафта олдин касалхонага ётқизилганди. У: “Қизим вафот этди”, деди.

Одатдагидек Омина эрталаб ишга чиқди. Барча уни илиқ кутиб олди. Омина ва унинг жамоаси нафақат Бакаррода, балки, бутун штат бўйлаб менингитга қарши курашиш зарурлигини тезда ҳал қилди. Шунингдек, у қўллаб-қувватлаш гуруҳига катта ёрдами учун миннатдорлик билдирди.

Фотима ва Мухтор машинадан тушишди. Омина уларга қаради. Яна эмлашни кузатмоқчи бўлганида Мухтор сураткашга шундай деди:

– Камерани тўғриланг!

У ердагилар бир неча суратга тушишди. Бунга талабалар ва Мухторнинг ўзи ҳам қўшилди.

– Бир неча сония ҳаракатсиз ҳолда жим туринг!

Омина бошини эгиб беморларга қараб турди. Уни ҳам суратга олишди.

– Ҳаёт қандай кетяпти? – деб сўраб қолди шу пайт Мухтор Оминадан.

– Мен яхшиман ва кўриб турганингиздек ишляяпман, – деди Омина. – Ребека сизга яхши ғамхўрлик қиляптими?

– Оҳ! У шунчаки дўстим-ку, – деди Мухтор.

– Ҳа, шундайми?!

– Эрингиз қандай? – сўради Мухтор.

– Яхши.

– У кофирларнинг бош қароргоҳида яшайдими, яъни Қонун чиқарувчилар биносида?

– Албатта, йўқ, – деди Омина.

– Ҳа, яхши. Мен газетамизга сиздан интервью олмоқчиман, – деди Мухтор.

– Йўқ, ҳозир эмас, – Омина унга уятчан қараб қўйди. – Мухтор, нега соқолингизни олмайсиз? Соқол сизга ярашмайди.

– Уйга қайтганимдан кейин оламан, – деди Мухтор ва кетишга тайёрланди.

– Данбакига ҳам соқолини олиб ташлашини айтинг! – деди Омина.

– Ҳа! Мен унга айтдим, аммо у олмайди, – деди Мухтор.

– Нега? – сўради Омина.

– У соқолини Фотимадан кўпроқ севади, – деди Мухтор.

Пешиндан кейин ҳаммаси тугади. Омина ташкилий ишларда ёрдамлашганларга миннатдорлик билдирди. Талабалар муваффақиятга эришиш учун қўлларидан келганини қилишга тайёр эди.

Шу онда Жаноб Абдуллоҳ кириб келди.

– Сизнинг кооператив ҳаракатларингиз расмий рўйхатдан ўтди. Яна баъзи қишлоқ хўжалиги талабалари ёрдам беришга рози бўлишди, – деди у.

– Раҳмат! Асосий муаммо шундаки, ижобий ташаббуслар етишмаяпти, одамлар яхши фикрлар билан чиқишяпти-ю, аммо уларга эришишнинг иложи йўқ, – деди Омина.

– Мавзу жуда мураккаб, – деди Глория.

– Ҳа! Ребека ва Мухтор ҳақида нима дейиш мумкин? – сўради Омина.

– Ребека ҳозирда жуда катта муаммога дуч келмоқда, чунки у ота-онасига Мухтор билан алоқани давом эттиришини айтганида ҳайдаб чиқаришган. Мухтор, ўз навбатида, ҳали уйланишга тайёр эмас. У буни ҳал қилмаслигини биламан. Менимча, асосий муаммо Ребекада, – деди Фотима.

– Биликсу ҳақида нима дейиш мумкин? – яна сўради Омина.

– Бахтли қиз! Унинг бўлажак куёви биздан бироз катта ва улар яқинда турмуш қуришади, – деди Фотима.

– Сиз ўзингиз Данбаки ҳақида нима дейсиз? – сўради Омина.

– Биз бир-биримизни севамиз ва унинг ота-онаси билан яқинда учрашдик. Ота-онам энди менга хўжайинчилик қилолмайди. Мен озодман! – деди Фотима. – Келаси ойда турмуш қуришимиз мумкин.

– Ажойиб! Бу яхши янгилик! – деди Омина.

– Яқинда ота-онамнинг уйига, кейин эса қариндошлар билан учрашишга бораман. Чиптага буюртма беришни кутяпман, – деди Фотима.

– Сизга бахтли ҳаёт тилайман, – деди Омина.

Ташқарида Харунанинг овози янгради. У билан Абу Рошид ҳам бирга эди.

– Кейинги ҳафта яна бир акция бўлади, – деди Фотима.

– Менинг соғлигим яхши, – деди Омина.

ХІІІ ФАСЛ

Омина ва Хавла Колонинг уйига ташриф буюришганида қуёш уфқдан ғойиб бўлган эди. Кўчалар ҳувиллаган, чироқлар милтиллаб нур сочарди. Улар тор кўчалардан ўтар экан, хонадонларда одамлар гавжум эди. Омина боғлар ва гуллар билан ўралган уйларнинг ҳашаматини тасаввур қилишга уринди. Ҳавонинг хушбўйлиги ҳамда шинам хонадонлар уни илҳомлантирган эди.

Коло ва унинг эри ушбу чиройли уйларнинг бирида, яъни деворлари гуллар билан қопланган, темир панжарали, ҳашаматли, икки қаватдан иборат уйда яшар эдилар. Омина дарвоза олдида борганида жаҳлдор, зотдор итлар баланд овозда вовуллаб, эшик томон югуришди. Шу пайт Коло меҳмонларни кутиб олиш учун келаркан:

– Илтимос, кутинг, мен олдингизга кетяпман, – деди.

Бир неча сониялардан сўнг қоронғида калитларнинг овози ва дарвоза эшигининг очилаётгани эшитилди. Коло кўк ипакдан тунги кийим кийиб олганди. У шамчироқ кўтариб, Оминалар томон келди. Мезбон меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Лекин Омина ундан аввал итларни боғлашини сўради.

– Нега қўрқасиз? – деди Коло.

– Мен ҳайвонлардан қўрқаман, одамлардан эмас.

– Менинг уйимда хавф остидаман, деб ўйлайсизми?

– Биз эртага тушдан кейин соқчилар ҳозир бўлганда келамиз. Хайрли тун! – деди Омина. У итлар бор уйда қолишни хоҳламади.

Коло тезгина итларни боғлади. Улар вовуллашдан тўхтаб думларини ликиллатарди. Меҳмонлар кириши билан Коло яна эшикни қулфлаб қўйди. Чунки бу ҳудудда ўғрилар жуда кўп эди.

– Эҳтиёт бўлмасангиз, ичкарига кимдир кириб олади. Вақти-вақти билан одамлар ўтганда итлар во-вуллашади.

Тўсатдан Хавла бақириб юборди ва олдинга югуриб кетди. Итлардан бири унга ташланганди. Коло итни унинг олдидан ҳайдаб юборди ва:

– У сиз билан ўйнашяпти, – деди Хавлага.

Аёллар гуллар билан безатилган йўлакдан секин юришди. Иккинчи дарвозага яқинлашганларида Коло:

– Нега машина билан келмадингиз? – деб сўради Оминадан.

– Мен пиёда юрмоқчи эдим.

– Нега?! Мен эшикни электрон тарзда очган бўлар эдим ва машина шу ерга келиб тўхташи мумкин эди, – деб тушунтирди Коло.

– Кечирасиз, мен билмасдим, – деб Омина узр сўради.

Иккинчи дарвозадан ўтгач, Коло уй эшигини очди ва улар хонага киришди. Меҳмонхона кенг ва қимматбаҳо мебелу расмлар билан безатилганди. Катта диван, кичкина шиша стол, стуллар ва олтин кулдон ҳам турганди. Кондиционер туфайли уй ҳавоси салқин эди, пол рангли гилам билан қопланганди. Деворларда аввалги ва ҳозирги давлат раҳбарларининг катта расмлари, шунингдек, олтин кубокни ушлаб турган от минган ва форма кийган Ҳожи Иброҳимнинг улка портрети осифлиқ эди.

Коло хизматкорга қўнғироқ қилиш учун тугмани босди.

– Ҳозир ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? – Оминадан сўради у.

– Яхши. Аммо бир неча кун олдин соғлигим ёмонлашди. Шунинг учун мен жуда кўп дуо қиляпман. – Омина Қуръони каримнинг очиқ турган видеосини кўрсатди. – У менга берган бойликдан баҳраманд бўлишим учун Худодан узоқ умр беришини сўрайман.

– Докторингиз нима деди?

– Ҳеч нарса, фақат менга узоқ дам олишни маслаҳат берди.

– Мен қон босимим юқори эканидан қўрқаман. Худо мени кечирсин! Ўзи ҳамма нарсани яхши билгувчидир. Эрингиз қандай?

– Яхши, лекин жуда банд. Яқинда маҳаллий ҳукумат сайловлари бўлиб ўтади ва у ҳукмрон партияни қўллаб-қувватлаши керак. Эрим келаси йил бўлиб ўтадиган сайловларда сенаторлик ўрни учун курашишни режалаштирмоқда.

* * *

Эшик очилиб, бир чол билан Ҳожи Иброҳим кириб келди. Ҳожи Иброҳим оппоқ халат ва қизил қалпоқ кийиб олганди. У креслога ўтираркан, чол унинг ёнида гиламга чўкка тушди. Ҳожи Иброҳим кулдонни столга қўйди ва сигарет чека бошлади.

Омина яқинда радио орқали берган интервьюсида Ҳожи Иброҳимни ҳукуматга қарши номақбул ишларда айблаганди. Шунинг учун улар илиқ сўрашишмади. Хонада сукунат ҳукм сурди, фақатгина деворга осилган соатнинг овози эшитиларди, холос.

– Хуш келибсиз! – деди Ҳожи Иброҳим чекишни тўхтатганидан сўнг.

– Биз хотинингиз бетоблиги учун уни кўргани келдик, – деди Омина.

– Яхши, лекин у касал эмас. Аммо шунга қарамай, келганингиз учун ташаккур! Унинг бетоблигини қаердан эшитдингиз?

– Аслида мен кўп вақтдан буён сиз билан суҳбатлашишни хоҳлаётган эдим. Бунга имкон пайдо бўлгани учун ҳам келдим. Сизнинг уюшмангиз билан боғлиқ саволларим бор. Агар истасангиз, бироз суҳбатлашамиз, – деди Омина.

Ҳожи Иброҳим кулдонга сигаретни эзиб солди.

– Гуруч йиғим-терими тугагач, мен учрашадиган кунни белгилайман, ишчилар маошларини олиб бўлганларидан сўнг суҳбатлашишни маъқул кўраман.

– Нима учун? – ҳайрон бўлиб сўради Омина.

У саволга жавоб бермади, балки табассум қилиб қўйди. Шунда Омина:

– Мен уларга ўзларининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ғарб демократиясининг фойдали томонлари тўғрисида гапириб бераман ҳамда бўлажак маҳаллий ҳокимият сайловларида овоз беришни ўргатаман, – деди.

– Аёллар сайловларда рақобатлаша оладими? – Иброҳим Оминадан сўради.

– Конституцияга кўра, аёллар бунга ҳақли. Аммо бу йил ҳеч қачон содир бўлмаган воқеа бўлди. Эҳтимол, келгуси сайловларда ҳам худди шундай ҳолат бўлиб ўтар, – деб табассум қилди Омина.

– Аёллар ўз ўринларини билиб, навбатларини кутишлари керак, – деди Ҳожи Иброҳим ва бир неча марта бош чайқади.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Иброҳим кулди, мунозарани тугатмоқчи бўлиб, баланд овозда:

– Аллоҳ қудратли ва буюкдир! Ҳа, албатта, Аллоҳ буюкдир, – деди. Сўнг: – Ниҳоят, шахзоданинг машинаси келди, – деб қўшиб қўйди.

– Телефонда ким эди? – деб сўради Коло.

– Ҳукумат котиби экан.

– Шаҳзода учун келган автомобилнинг русуми қанақа?

– Америкадаги “Генерал Моторс” корпорациясида махсус ишлаб чиқарилган “Лимузин”.

– Ҳа, тушунарли! Унинг нечта машинаси бор?

– Ўнта, – деди Иброҳим ва йўталиб қўйди. У бироз хаяжонлангандан сўнг бемалол гапира бошлади: – Омина, мен сизга бир ҳафта олдин олиб келган шахсий машинамни кўрсатмоқчиман. Уни шахзода учун расмий автомобил буюртма қилишга борганимда сотиб олдим. Бу автомобил ҳашаматли ва жуда қулай бўлган “Мерседес”дир. Аммо афсуски, бизнинг йўлларимиз

жуда ёмон. Албатта, бу қўшимча автомобилим. Хотиним каби машиналарни ички кийимдек алмаштирувчи эмасман. Қани сиз айтинг! Аёллар ҳеч қачон қониқишмайди, тўғрими? Биласизми, агар Коло бугун машина сотиб олса, уни эртага ўзгартиради, – деди у баланд овоз билан кулиб. Ҳожи Иброҳим яна сигарет тутатди ва сўради: – Омина, эрингиздан сизга машина олиб беришини илтимос қилмайсизми?

Коло эрига дугонаси пиёда келгани ҳақида айтган эди. Ҳазилона кулишлар Оминага ёқмади. Сўнг улар гольф клубига бориб, бироз ҳордиқ чиқаришни ва у ерда машқ қилишни маслаҳат беришди.

– Мен ҳар доим аёллар ва уларнинг шикоятлари, дардлари билан машғул бўламан, – деб жавоб берди Омина жиддийлик билан.

– Мен сизнинг ҳаракатларингизни бевосита кузатаман ва маслаҳатим шуки, қайта ўйлаб кўринг, қиладиган ишларингизни чин дилдан бажарасизми? Ростини айтсам, мен сизнинг мухлисингиз эмасман, аммо бир саволим бор: сиз аёлларнинг дарди ва шикоятларини нима қиласиз? Тўғри, сизни жавоб беришга мажбурлай олмайман, сиз менинг хотиним эмассиз, сизга буйруқ ҳам беролмайман, – деди Ҳожи Иброҳим.

– Раҳмат маслаҳатингиз учун, лекин мен ўзим нима қилишни биламан, – деди Омина.

– Аммо бир томондан мен ишларингизга аралаша оламан, чунки сизнинг фаолиятингиз менинг маҳаллий ҳукумат котиби лавозимимга таъсир қилади. Бунинг устига мен мусулмонман, – деди Ҳожи Иброҳим.

Чол бу сўзларга кулиб қўйгани учун Омина жавоб қайтаришни хоҳламади. Ҳожи Иброҳим эса сўзида давом этди:

– Бизнинг Ислом динимиз тўлиқ бўйсунитишни англатади. Биз, албатта, Қодир Аллоҳнинг иродасига бўйсунитишимиз керак. Хотин-қизлар уюшмаси диний

рахбарлар томонидан яхши қабул қилинмади. Мен уларга демократик мамлакатда эканимизни тушунтириш учун бор кучимни сарфлаган бўлсам ҳам, сизнинг фаолиятингиз барибир салбий хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Ростини айтинг, сиз жуда бой одамга турмушга чиққансиз, нега энди ўзингизга тақдим этилган бу неъматдан завқланиб яшаш ўрнига сизга ҳеч фойдаси тегмайдиган бечора аёллар билан ўзингизни ва бошқаларни безовта қиляпсиз? Уларнинг ҳаётини ўзгартириш учун сиз ҳеч нарса қилолмайсиз. Улар аввалгидек, яъни ҳар доимгидек қолаверишади. Биз ва жамиятимиз Аллоҳ берган ҳаётда яшаймиз! Сиз ташаббус кўрсатмаслигингиз ёки ўзгартириш киритишга уринмаслигингиз керак! Ўзгаришларни амалга оширишга қодир Зот ягона Буюк Аллоҳдир. У биз учун энг яхши йўлни билади. Сиз қила оладиган битта нарса бу – Аллоҳдан ёрдам ва йўл-йўриқ сўраб дуо қилишдир.

* * *

Коло аёлларни бошқа хонага таклиф қилди. У меҳмонларни қимматбаҳо жиҳозлар билан бирма-бир таништирди. Кондиционерни ёққач, шундай деди:

– Дизайнерлар хонадаги жиҳозларни ўзгартиришди. Менимча, сиз бу ерга анчадан буён келмадингиз.

– Бу нарсалар қаердан келтирилган?

– Дераза пардалари Франциядан, гиламлар Марокашдан, гулдонлар Америкадан, расмлар Италиядан, барча электрон жиҳозлар Япониядан олиб келинган.

Коло меҳмонларни хонада ёлғиз қолдирди. Шу пайт стаканда сув ва қошиқча билан ўспирин хизматкор кириб келди. Қўлидагиларни кичкина столга қўйиб, улар билан саломлашди. Хизматкор хонадан чиқмоқчи бўлганида Омина уни тўхтатди.

– Тўхтанг, сизга нима бўлди? – Омина унинг бўйнидаги янги жароҳати ҳақида сўради.

Хизматкор аввалига жавоб беришдан кўрқди. Омина уни бекаси бу суҳбат тўғрисида билмаслигига ишонтирди. Ниҳоят, у гапирди:

– Кеча мен итларнинг овқатидан еган эдим, Коло эса бу ишим учун мени урди.

Хизматкорнинг бир неча сония ичида кўзлари эшик томон бурилди, сўнг у югуриб хонадан чиқиб кетди. Омина билан Хавла бир-бирларига индамай қараб қолишди. Коло қайтиб келди ва меҳмонларни овқатга таклиф қилди. Улар бирга овқатланишди.

– Сиз ишга киришга қарор қилдингизми? – Коло Оминадан сўради.

– Йўқ ҳали. Аёллар билан ишлаш менга ёқпти.

– Вақтингизни беҳуда сарфламанг. Америкаликлар: “Вақт – бу пул”, дейдилар. Аёлларни унутинг ва ишлаш фойдали бўлган даврда ишлаб қолинг. Кейин ишга ярамай қолган вақтингизда афсус чекмайсиз. Ҳозирдан имкониятни кўлдан бой берманг! – деди Коло.

– Аёллар уюшмаси ҳали ёш, мен уларнинг фикрлари ва ўзлари соғлом, бақувват бўлишини истайман.

– Сиз бундан ҳеч нарсга олмайсиз. Ўз вақтингизни, пулингизни ва иқтидорингизни ўзларини англамайдиган, ривожланишни хоҳламайдиган одамларга сарфламоқдасиз.

– Йўқ, улар ўз-ўзларини таъминлайди, мен уларга ишонаман, – деди Омина.

– Қандай қилиб?

Омина бир зум жим туриб, Колони қониқтирадиган жавобни қидирди.

– Бизнинг эрларимиз ҳар сайловда аёлларнинг ҳукмрон партияга овоз беришларини ишташади. Менимча, сизнинг хўжайинингиз ва менинг эрим тўқимачилик фабрикасини қуришмоқчи, шунда аёллар иш билан таъминланишади ҳамда ҳар доим маош олишлари мумкин бўлади.

– Бу жуда зўр! Сиз шунчалик ақллигингизни билмаган эканман! – деди Коло жуда хурсанд овозда.

– Айтганча, қизингиз яхшими? – деди Омина суҳбат мавзусини ўзгартириб.

– Ҳа, яхши, у жуда ақлли.

– Сиз болаларингиз билан ўйин ўйнашни режалаштирасизми?

– Ҳа, лекин ҳозир эмас, чунки жуда бандман. Мен оналикни ва ишимни бирлаштира олмайман, – деди Коло.

Шу пайт Омина:

– Беш йил олдин ҳомиладор бўлганингизда банкрот бўлганмисиз? – деб сўради.

Коло бошини чайқади ва жавоб берди:

– У кунлар жуда қизиқ эди. Ҳа, менинг ёшлигим ажойиб эди. Мен коллежда ўқиётган давримда клубларда рақсга тушардим, рақсга тушишни ҳанузгача ёқтираман.

– Айтинг-чи, эрингиз ҳам рақсга тушишни ёқтирадими?

– Йўқ, эрим поло ўйинини ёқтиради, – деди Коло.

– Эрингиз поло ўйинларида қатнашадими?

– Ҳа, у яхши поло ўйинчиси. Аммо отлари бироз заиф бўлиб қолган. Фақат буни мендан эшитмадингиз. Кимдир бу ҳақда билишини хоҳламайман, – деди Коло секингина.

– Яқин атрофдаги қишлоқларда отлар бор-ку!

– Омина, сиз қанчалик соддасиз, – деди Коло кулиб. – Турли хил хорижий мамлакатлардан, асосан, Аргентинадан олиб келинган поло отлари минглаб долларга сотиб олинади. Улар алоҳида эътибор ва махсус овқатга муҳтож. Бундай отларни кондиционерли отхоналарда сақлашади. Поло – хавфли ва қиммат ўйин. Бу ўйин учун отларни сотиб олиш ҳамда парвариш қилишга ишлатиладиган маблағларнинг барчаси ҳисоблаб чиқилса, мактаб ва боғчалар қуриш ёки бошқа

кулайликлар яратиш, оч одамларни овқатлантиришу кийинтириш мумкин.

Омина жим туролмади:

– Мен сиёсат ҳақида гапирмайман, мен сиёсатчи эмасман!

* * *

Ларри Оминага у йўқлигида Фотима келганини айтмоқчи бўлди. Аммо Абу Рошид ухлаётган эди. Омина кийимларини ўзгартириб, ёнига қўйди. Қоронғи хонада унинг фикри ҳар ёққа сочилиб кетганди. У Коло ва эрининг ҳашаматли турмуш тарзи ҳақида ўйларди. Улар ҳар хил турдаги қимматбаҳо автомобилларга эга, минглаб доллар эвазига олинган ҳашаматли уйлари бор, аммо мактаблар жуда кам. Колонинг эри уюшмадаги аёлларни гуруч йиғишга чақиргани ҳақида ҳам ўйлади. Оҳ, бу мамлакат! Тўғри, улар бой, аммо омадсиз! Қандай қилиб улар шундай қилиши мумкин? Ўзининг табиий бойликларига эга бўла туриб, чет эл гуручига қарам бўлган ва фуқаролари тиланчига айланиб, ёрдам кутиб турган оҳ, бу омадсиз мамлакат! Ўз фуқаролари очликдан тиланчилик қилиб юрган бир пайтда маҳаллий ҳокимият котиби ўз ҳудудига ажратилган пулни ўзига машина сотиб олишга қандай ишлатади? Қандай қилиб шундай бир пайтда шахзода энг қиммат машиналар паркига эгалик қилиб, бутун дунё бўйлаб миллионерлар билан рақобатлашади? Тез орада улар унга хусусий самолёт сотиб олишлари мумкин экан! Бунини қаранглар-а! Қандай қилиб у ўзининг инсон деб ҳисоблайди, нега ҳеч кимни ўйламайди, фуқаролари очликдан ва касалликлардан ўлмоқда?! Ҳа! Бирор жойда катта хато бор. Бунини, албатта, топиш керак, бунини, албатта, тўғрилаш зарур! Аммо қандай қилиб?!

Омина буларни ўйлаб ҳайратда қоларди ва бечора фуқароларни эслаб сиқиларди.

XIV ФАСЛ

Ёмғир мавсуми бошланиши билан одатда узоқдан момақалдиروقнинг баланд овози эшитилади. Ўтган ойлар давомида об-ҳаво жуда иссиқ бўлди. Ёмғир эса яқин орада ёғиши кутилаётганди. Бу йилнинг биринчи ёмғири эди. У қудуқ ва дарёларни тўлдириш, ҳавони тозалаш, деҳқонлар ҳаётини яхшилаш учун керак бўлади. Ёғингарчилик куруқ ҳудудга янги ҳаёт бағишлайди. Бу неъмат деҳқонлар учун, айниқса, жуда зарурдир.

Ёмғирли мавсумнинг аниқ бошланиш санаси йўқ эди. Айнан шу йил ҳам, худди олдингиларидек, ёмғир яна кечикди. Одамлар Буюк Аллоҳга ёмғир ёғдириши учун махсус дуолар ва ибодатлар қилишди. Ўтган йили амир ҳамда диний раҳбарларнинг илтимосига биноан бу ибодатлар шаҳар ташқарисида ўтказилди. Энди ёмғир ўз-ўзидан ёғади, деб ишонишганди ўшанда, аммо ундай бўлмади. Бу йил ҳам ёмғирдан дарак йўқ эди.

Бир неча кун ўтгач, диний гуруҳ очиқ қабрларни қидиришни ва уларни беркитишни ҳам таклиф қилди. Чунки очиқ қабрлар булутларни кўрқитди, деб ўйлаётган эдилар. Эртаси куни уларнинг кўрсатмаларига биноан ҳамма шошилиш тарзда шаҳар ташқарисига чиқди.

Бешинчи куни шаҳардаги фоҳишалар ва ичкилик-бозлик билан шуғулланаётганларни қўлга олиб, намойиш уюштирдилар. Улар пивохоналари меҳмонхоналарга кириб, ичкаридагиларни калтаклашди, спиртли ичимликларни синдиришди, фоҳишаларни ўз хоналарига қамаб қўйишди. Одамларга фоҳишабозлик ва зинокорлик ёмғирни кечиктирди, деб таъкидлашди. Аммо ёмғир бошланмади...

Икки ҳафталик махсус дуо ва ибодатлардан кейин, ниҳоят, ёмғир ёғди. Омина осмонда тўпланган қора булутларга қараб турарди. Иссиқлик ва ёмғир уни

безовта қилмади. У эри уйга қачон қайтиб келишини ўйлаб, дераза ёнида ўтирарди. Уни бир неча кундан бери кўрмаганди. Қолаверса, ўғлини шифокор қабулига олиб бориши керак эди. Ҳайдовчиси эса йўқ.

Жума куни бўлди. Ҳайдовчи Харуна кечқурун кўнғироқ қилишга ваъда берганини ва у билан гаплашмоқчи эканини айтганида Оминанинг кўркүви, безовталиги янада кучайди. Абу Рошиднинг соғлиги яхши эмас эди. Унга берилган дорилар таъсир қилмаётганди.

Кечга яқин қалин булутлар бутун минтақани ўраб олди. Омина кўркүвдан титраётганди. У ҳайдовчига она-болани қонун чиқарувчиларнинг штаб-квартирасига олиб боришини илтимос қилди. Аммо йигит бунинг иложи йўқлигини, машина шиналари тешилганини айтди.

Омина бир қарорга келишга уринарди, ҳафсаласи пир бўлган ҳолда хонада ўтирарди. Таксида боришни эса хоҳламади. Унинг барча умидлари эрининг келиши билан боғлиқ эди.

Кучли шамол бўронга айланди ва деразани бутунлай ёпиб қўйди.

– Ҳозир у қандай? Дори бердингизми? – сўради Омина Ларридан.

– Клиникадан келиши керак бўлган одамни кутяпман.

– Аллоҳим, эй Роббим, тезроқ келсин, – деди Омина.

У Ларрига ўғлига махсус халдори беришини айтди.

– Улар қаерда? – сўради Оминадан.

– Бундай дорилар уйда йўқ эди. Кўчада болалар бўлса керак, улардан илтимос қилинг, бориб олиб келишсин.

Омина хонада ётган ўғлининг устини адёл билан ёпди. Чақмоқ ва момақалдироқнинг гумбурлаган овози бутун ерни ларзага келтирарди. У қўрқиб кетди ва Қуръони каримдан бир нечта сураларни тиловат қилди. Сўнг эшик олдида тутатқи тутатди.

– Мен келдим! – бу овоз ҳайдовчини эди.

– Дориларни бу ерга олиб келинг, – деди Омина қўрққан ўғлини тинчлантиришга уриниб ва орқасига ўгирилишидан олдин шундай буюрди: – Мен унга дориларни бергунимча болани ушлаб туринг!

Йиғлаётган ўғлини унга берди. Сўнг косага сув қуйди ва боласидан тутатқини ҳидлашини сўради. Кейин ўғлининг оғзига эритилган аччиқ дорини қуйганида Абу Рошид йиғлаб юборди.

Шу онда Омина эрининг чақираётган овозини эшитди. У саросимага тушиб, қўрқиб кетди.

– Нима гап? Менинг уйимда нима бўляпти? – деди Харуна.

Омина эса ўғлига дори беришда давом этди. Абу Рошид аччиқ суюқликни зўрға ютди, дори кетидан илиқ сув ҳам берди. Сўнг ўрнидан турди.

– Абу Рошид касал. Ҳозир унга дори бердим. Дориларни кўчадан олиб келтирдим. Ундан ўғлимни ушлаб туришини сўрадим. Ўзим эпполмасдим, – деб тушунтира бошлади ва ҳайдовчидан ўғлини олди.

Ладан тезда ўрнидан туриб, кетмоқчи бўлди. Аммо Харуна уни тўхтатди.

– Нега турмуш қурган аёлнинг хонасига эрининг рухсатисиз кирдинг?

– Келганимда унга ёрдам беришим кераклигини айтганди, – деди у қўрқув билан.

– Сен ёлғончисан! – деди Харуна.

– Аллоҳга қасам, рост, мен фақат ёрдам бердим, – деди ҳайдовчи йигит. – Худо ҳаққи, Худо ҳаққи, мен шунчаки унга кўмаклашаётган эдим.

– Бас, – деди Харуна шафқатсиз оҳангда ва кўзлари чақнаб, – сен ёлғонларингни яшириш учун Аллоҳнинг номидан фойдаланяпсан!

У Оминага шартта ўгирилиб, нафрат билан деди:

– Мен сенинг муҳаббатинг ҳақида эшитдим, энди сени бу ерда ушлаб турмайман.

Тўсатдан Оминанинг кўкрагига кучли зарба урилди. У мувозанатини йўқотиб, инграб юборди. Харуна хотинини бир неча марта уриб улгурди. Омина эрининг ғазабини кўриб жуда кўрқиб кетди. Юраги титрарди. У эҳтиёткорлик билан ўғлини диванга ётқизди.

– Илтимос, тушунинг! Хавла йўқ эди. Рошид эса жуда касал, мен эсанкираб қолдим. Менга ёрдам керак эди, шунинг учун ундан ёрдам беришини сўрадим. Аллоҳ ва Пайғамбар номи билан... – деди Омина ёлвориб.

– Ўчир! – деди Харуна жаҳл билан. – Мен бунни тушуна олмаяпман.

Харуна тинмай бақирарди. У яна аёлини дўппослади. Унинг муштумлари жуда қаттиқ эди. Омина юзини беркитиб йиғларди. Аёлнинг ўзи соғлиги жойида бўлмай, ошқозони касал эди. У йиқилиб, орқага тисарилди. Шу сонияларда яна бошига иккита қаттиқ зарба тушди. Харуна ғазабдан ўзини йўқотиб қўйиб, иккала қўли билан ҳам урарди. Омина ерда йиқилиб ётаркан, у стул билан ҳам хотинининг бошига зарба берди...

Ёмғир эса ёғарди, томчилар чак-чак қилиб томга тушарди, бунинг устига, чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурларди.

– Сен эрингни, уй эгасини ва анъанавий қадриятларимизни ҳурмат қилишни ўрганасан! Аввало, Қодир Аллоҳни ҳурмат қилишни ўрганасан! – деди Харуна ўдағайлаб. Сўнг: – Мен тезда қайтаман, – дея хонадан чиқиб кетди.

– Мен мутлақо айбсизман, – деди Омина пичирлаб.

Шу пайт Абу Рошиднинг чинқириғи эшитилди. Хавла бошчилигидаги икки-уч аёл хонага кириб, Оминанинг ўрнидан туришига ёрдамлашмоқчи бўлишди. Бу пайтда Харуна ёмғирда ҳўл бўлиб қайтиб келди. У аёлларни кўриб, жаҳл билан хонани бўшатишларини буюрди.

– Мендан яна нима истайсан? Сенга ҳамма нарсани бердимми? Нега мени уялтиряпсан? Нима учун мени ҳақорат қилдинг? Бу шараф масаласи, биласанми?! Сени ҳали кўчага улоқтираман! – деди Харуна бақириб.

Омина нималар бўлаётганига тушунолмади. У эрига кўрқув билан қаради ва йиғлади.

– Мен сенга эрингга бўйсунитишни ўргатаман! – деди Харуна бор овозда.

– Мен айбсизман... – деди Омина.

– Бу ҳақиқат эмас!

– Ўғлингиз касал. Қаранг унга... Ҳайдовчингиз сизга айтмадими? – деди Омина йиғлаб.

– Тўхта! У менинг фарзандим эканига қандай ишонай?

– Оҳ Аллоҳим! Илтимос, бундай деманг! У сизники! Илтимос, бизга ёрдам беринг! Бизга ёрдам беринг! Ахир у ўляпти! – дея Омина титради.

– Бу сенинг сўнгги имкониятинг. Кейинги сафар ахлоқсиз ҳаракатларингдан шубҳалансам... – деди Харуна яқинлашиб. – Бу қамчини кўряпсанми? Бу хиёнаткор хотинлар ва фирибгарлар учун махсус тайёрланган!

...Омина ёнаётган оғриқни ҳис қилганида тинмай қичқирар ва раҳм-шафқат сўрар эди, аммо зарбалар кучайгандан-кучайиб, тинмасди. Аёл қочишга уринди, лекин эшик қаердалигини кўра олмади. У чап ёнидаги шкаф томон қочди. Оғриқ зарбидан кўзларини юмди ва кўзгуга қоқилиб тушди. Ўрнидан турмоқчи бўлди,

лекин бақувват қўл унинг бўйнидан ушлади ва бўғди. Омина сўнгги марта деворни кўрди ва ҳушидан кетди.

Омина ҳушига келганида хона қоронғи эди. Эшик эса очиқ қолибди. У ташқарида ёғаятган ёмғир ва шамол овозини эшитди. Аёл туришга уринди, эшикни ёпиб, боласининг устини ёпмоқчи бўлди, лекин оёқлари унга итоат қилмади, у яна йиқилди. Омина кўз ёшларини артди, оғриққа қарамай, каравот томон эмаклади, лекин туролмади. У Абу Рошиднинг заиф ҳолда йиғлаганини эшитди, бироқ унга етолмади. Она ва бола қоронғида бирга йиғларди.

Омина ёрдам сўраб эшик томон судралди, аммо кучли ёмғир унинг овозини бўғди. У ҳали ҳам ерда ётар экан, кучли чинқириғи ҳаммани уйғотди:

– Эй Худойим, у ўлди! Рошид вафот этди! Болам мени ташлаб кетди!

Хонага ҳамма югуриб келди. Ларри Оминанинг туришига ёрдам берди. У ўғлини охириги марта кўрди.

Кошки, бу ёқимсиз воқеа содир бўлмаганида эди. Омина бундай даҳшатли онларда нима қилишини билмасди. Келганлар уни юпатиш учун “Ҳаммаси яхши бўлади”, деб кетишарди.

Аёл эри нима учун жаҳлга берилиб, унинг аҳволини тушунмаганини ўйлар эди. У шундай деб дуо қиларди: “Эй Худо, мени бу ҳаятдан, саросимадан, ташвиш ва муаммолардан халос эт! Мен жонсиз яшашим ва Ҳарунага бўйсунушга мажбур бўлишим керакми? Эй Парвардигор, нега Сен инсонларнинг онгига яхши тушунчаларни, қалбларига эса раҳм-шафқатни юбормайсан?”

Оминанинг чап кўзи олдида қалин қон доғлари бор эди, лаблари шишиб, кўзлари қизарган, бутун вужуди

эса оғриётганди. У ҳамон ўрнидан туролмасди. Аёл қўлларини бошига қўйиб, кўз ёшларини артмасдан йиғларди. Омина онаси ва ўғлидан айрилгани учун куйинарди, эри уни шафқатсизларча калтаклагани, ҳақорат қилгани ва камситгани учун кўзёш тўкарди. У ичидан йиғлаётган эди, чунки кучсиз ва ҳимоясиз эканини тушунганди.

Икки ҳафта давомида Омина қайғу ва таҳқирлар ичида қолди. Ёмон хотиралар унинг юрагида ўткир из қолдирганди. Ўша даҳшатли кечадан бери биринчи марта у нафрат билан жилмайиб қўйди. Омина марҳум ўғлининг фотосуратига қаради ва илк бор йиғламади. Абу Рошид олти ойдан ошиқроқ умр кечириб, фожиали тарзда ўлим топди, деса бўлади.

Омина эри уни калтаклаганида ўлишни истаб дуо қилганини эслади. Аммо жигарбанди вафот этди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлар экан, дераза ёнига борди. Осмонда булутлар кам ва ташқарида совуқ шамол эсар эди. У ўтган воқеаларни эслаб, яна йиғлаб юборди. Одамлар ёмонликдан нима олишаркин? Шафқатсизлик ва ёвузлик инсон табиатининг бир қисмими? Инсонларнинг бир-бирига нисбатан нафрати, бир-бирини ҳақорат қилиши ва ўлдириши учун ким жавобгар? Худоми ёки одамларнинг ўзими?

Омина кўз ёшларини артиб, келажак ҳақида ўйлай бошлади. У ажрашишни сўрамасликка қарор қилди. Агар ажрашса, унга ким уйланади? Отаси эса ташлаб кетган бўлса, қаерга ҳам боради? Демак, шу ерда қолади ва бутун кучини аёллар билан ишлашга сарфлайди.

* * *

Фотима ичкарига кирганида Оминанинг шишиб кетган кўзлари ва синиқ жилмайишига кўзи тушди. Унинг юзида ҳайрат қотиб қолди.

– Рошид...

– Нима?! – Фотима дарҳол сўради.

– Ўтиринг, ҳаммасини айтиб бераман. Бу узоқ ва қайғули ҳикоя... – деди Омина ва бутун воқеани сўзлаб берди.

Фотиманинг юзида даҳшат зуҳр этди. Омина чандиқларини кўрсатганида ҳам у бунга ишонолмади.

– Бу ёвузлик ва жиноятчилик-ку! – деди Фотима.

– Хавотир олманг, – деди Омина кўз ёшларини артиб. – Ҳозир анча яхшиман. Аммо ҳаётдан чарчадим, ўзимдан уяламан. Мен нима бўлганини тушунишга ҳаракат қилдим. Яралар ҳам менинг қандай хўрланганимни, қандай қилиб нафратланганимни ва қандай даҳшатга тушганимни эслатаверади. Менимча, бу дунёга бегонаман, ҳамма мени ёмон кўради, барча менга қарши...

Оминанинг сўзларини эшитар экан, Фотима кўз ёшларини тутолмади. У дугонасини юпатишга ҳаракат қилди.

– Қайғу, чарчоқ ва азоб чекаётганингизда нафратни ҳис қилиш табиий ҳол. Аммо умидсизлик сизни бошқаришига йўл қўйманг.

Шу пайт Харуна табассум билан кириб келди. Фотима ўрнидан тураркан:

– Мен кетишим керак! – деди.

– Сизни безовта қилдимми? – деди Харуна кулиб.

– Мен бундай демадим, бошқа ишларим бор, – деди Фотима.

– Мен отангиз билан Лагосдаги партия конференциясида танишганман, – деди Харуна.

– Биламан.

– Тез орада адвокат бўласиз.

– Мен ҳуқуқшуносликни ўрганаётганим йўқ, – деди Фотима ва Харунанинг ёнига бориб, сўзини давом эттирди: – Оминага қилган ишингиздан жуда ҳафсалам пир бўлди. У сизнинг хизматкорингиз эмас, балки, хотинингиздир. У ҳам сизга ўхшаган одам. Сиз унга қилган бундай муомала, эҳтимол, ҳаётингиздаги энг

шармандали ишдир. Сизда муаммо бор! Агар эркак ўз хотинини уришни ҳақиқат деб ўйласа, бу одам жасур эмас, балки йиртқич ва аҳмоқдир. Хотинни севиш керак, калтаклаш эмас!

– Ўз уйимда мени ҳақорат қилманг! – деди Харуна.

– Мен кетдим! Шунчаки сиз маданиятсиз эканингизни айтишим керак, – деди Фотима.

– Бор, мени тинч қўй! – деб бақирди Харуна.

Фотима Оминага қараб:

– Яна келаман, Омина! Илтимос, кўп ўйламанг ва йиғламанг! Самимий ҳамдардлигимни қабул қилинг. Аллоҳ таоло Рошиднинг руҳини шод қилсин, – деди ва чиқиб кетди.

* * *

Оминанинг эрига нисбатан нафрати янада ошган эди, гарчи нафрат унинг табиатида бўлмаган бўлса ҳам. У содир бўлган воқеа тақдирнинг ҳукми эканига ва бу муқаррарлиги, уни қабул қилишга мажбурлигига ўзини ишонтирарди. Вақт ўтиши билан ҳаммаси яхши бўлишига умид қиларди. Омина ўзини бундай пайтда қандай тутишни ҳам билмасди.

Кейинги бир неча кун давомида эрининг муносабати ўзгариб, уйга тез-тез келиб турди. Иккиси ҳам жанжални батафсил муҳокама қилмади. Омина иложи борича унинг гапларини сукут билан тинглашга ҳаракат қилди.

Ярим тун. Омина ухлаб ётган эди. Харуна у ётган хонага кириб, эшикни ёпди. Аёл қоронғида ундан қўрқиб уйғонди.

– Ҳозир ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? – деб сўради Харуна.

– Яхши, – деди Омина хушёр тортиб.

Эри сўзларини давом эттираркан, уни эшитиши қийин бўлди. Чунки бўлиб ўтган хунук воқеалар хаёлида яна айланаётганди. Омина Харуна ёнида ётганини

кўрди. У бирон сўзни тушунолмади. Эрининг қўли баданига тегиши билан йиғлай бошлади.

* * *

Бакарро аёллар уюшмасининг фаолияти режаштирилган тарзда давом этди. Кооператив ҳаракат Оминанинг йўқлигида бошланди, фойдаланилмай қолган ерлар яна учта аёлга эҳсон қилинди. Қўллаб-қувватлаш гуруҳи эса синф мебеллари, китоблар ва бошқа ўқув материалларини сотиб олди. Омина шу пайтгача эришилган ютуқлардан мамнун эди.

Эндиликда у “Атрофни тоза тутинг!” деган янги лойиҳани ишга тушириш ҳақида ўйлай бошлади. Чунки кўчалар анча ифлосланганини пайқаганди. Бунинг учун эркаклар ҳам ҳаракатга қўшилиши керак, деб билди. Шунингдек, болаларни белкураклар билан қалин ўтларни олиб ташлашга йўналтириш мумкин, яна сув сепиб, тошларни қазисалар ҳам бўлади. Ўз навбатида, аёллар уйларни, биноларни ва кўчаларни супуриб тозалайдилар.

XV ФАСЛ

Эрталабки қуёш нури деразадан кириб, ўзини бахтсиз ҳис қилаётган Оминанинг юзига тушди. У дераза томон юриб, уни очди. Хонага салқин шамол кирди. Ювиниб чиқиб, нонуштага ўтирди.

Омина уюшмага бораркан, бир қанча эркаклару аёллар ҳамда болаларнинг Бакаррони озода тутиш чақириғига ижобий жавоб бераётганларини кўрди. У ҳаяжонланиб кетди. Глория оломон олдида Оминага салом берди.

Омина Бакарро харитаси бўлган стол ёнида айрим талабаларнинг иккиламчи оқава тизимларини қаерда қозиш ва уларни дарёга қандай улаш каби масалаларни

муҳокама қилишаётганини кўрди. Натаниел нимани хоҳлаётганлари ҳақида қисқача гапириб берди.

– Қийин ишми? – деб сўради Омина.

– Албатта, лекин ҳаяжонли!

– Ким қазийди?

– У ердагилар, – деди у белкурак тутган бир гуруҳ одамларни назарда тутиб.

– Иш кўзини биласиз, – деди Омина жилмайиб.

– Кўряпсизми, хоним, – деди Натаниел, – биз бу канализация каналларини бир-бирига улаб, сувни айлантирмоқчимиз, аммо муаммоларимиз бор.

– Қандай?

– Материалларнинг етишмаслиги. Ўрганишимизча, ерости оқава тизимини қозиш бизнинг олдимиздаги ягона имкониятдир.

– Нега сиз сувнинг шу ердан оқиб чиқишига ва кейин уни бошқа томонга буришга йўл қўймайсиз? – Омина бармоғини харитага қўйган ҳолда сўради.

Натаниел рад оҳангида жавоб берди:

– Бундай қилиб бўлмайди! Худо хоҳласа, яхши ечим топамиз.

– Мен қатнашганларнинг ҳайратига гувоҳ бўлдим! – деди ҳаяжон билан Фотима уларнинг олдига келиб. – Бу олти кишилик жамоа эмаслигингизни англатади. Одамлар сизга ишонишади ва улар сиз нима талаб қилсангиз, бажаришга тайёр. Бизга келсак, сиз доимо бизнинг қўллаб-қувватловимизга ишонишингиз мумкин, биз ҳар доим сизнинг тарафингизда бўламиз! Сайловчиларнинг иштирокидан жуда ҳайратдаман!

– Қандай яхши, катта раҳмат! – деди Омина.

Қош қорайгач, тозалаш ишлари тугади. Омина ҳолдан тойди, у ҳамма ишни назорат қиларди. Эркаклар ва талабалар кун давомида оқава тизимини қозишди.

Кечқурун осмонни булутлар қоплаб ёмғир томчилай бошлади. Кейинчалик кучли момақалди роқ гумбурлаб, қаттиқ шамол эсди. Ноқулай об-ҳаво тонгга қадар давом этди.

Эрталаб Оминанинг нонушта қилишга вақти ҳам бўлмади, у югуриб чиқиб кетди. Осмонда эса қуёш порлай бошлади.

Оминани йиғилган қўплаб одамлар ҳурмат ва ҳайрат билан қарши олишди. Улар ўз ишларини тўхтатиб, унга миннатдорлик билдиришга шошилишган эди. Ҳамма уни мақтарди. Ахир Басарро жуда озода шаҳарга айланганди.

* * *

Ҳажжи Харуна Саудия Арабистонига йўл олди. Омина эса уйда ёлғиз қолди. У вақти-вақти билан болаларни кўриб қолганида юраги алланечук бўлиб кетарди. Бечора аёл ўғлини жуда соғинарди. Ер юзини қоронғилик эгаллаганида ётоғига кириб, тўйгунича йиғларди. У ўзини тинчлантиришни фақат ўқишда деб биларди.

Бир куни Омина Ларри билан кооператив фермасига борди. Ҳеч шубҳа йўқки, аёлларнинг “яшил” қўллари бор эди. Ҳосилнинг яхши бўлганини кўрган Омина Аллоҳга шукроналар айтди.

Ҳовузга яқинлашаётганларида улар Ребека билан учрашишди.

– Сиз учун ҳам, аёллар учун ҳам, биз учун ҳам кутилмаган совға! – деди у.

– Нима экан? – Омина билишни жуда хоҳлади.

– Шанба куни Басарро шаҳрида саломатлик куни ўтказилади.

– Яхши! Мен нима қилишим керак?

– Одатдагидек аёлларни сафарбар қилиш лозим. Шу кунларда фаол бўлишингиз керак. Фотима сизни ишга янада жалб қилишни истаяпти.

- Муаммо йўқ.
- Айтганча, Мухтор енгил автоҳалокатга учради, билармидингиз?
- Йўқ! Ҳозир у қаерда?
- Уйда даволаняпти.
- Илтимос, унга энг яхши тилакларимни етказинг.

* * *

Шанба куни Омина Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари билан деярли барча уйга кириб чиқди. Шифокорлар беморларни даволаб, бепул тиббий маслаҳатлар беришди.

Якшанба куни у хорғин ҳолда уйғонди. Пешин пайтида Биликсу ва Фотима келишганида у ҳали ҳам ётоғида эди.

– Ребека қандай? – сўради Омина.

– Кеча кетганимиздан бери у ҳанузгача қаттиқ ухляпти, – деб жавоб беришди қизлар.

– Бу катта муваффақият бўлди, – деди Омина эшитилмайдиган овозда. – Аммо жуда қийин кечди. Мен қанчалик чарчадим! Кун бўйи юрдик ва гаплашдик. Бироқ ўта ноёб тажриба бўлди.

– Бармоғингизга нима бўлди? – сўради Фотима.

– Бир кекса аёлнинг оёқ бармоқларини кесишга мажбур бўлинди, мен эса ёрдам бердим. Шунда кесилиб кетди. Яра чуқур эмас, хавотир олманг. У аёлга ачиндим, ёлғизликда яшаркан.

Омина хонадан чиқиб, душ қабул қилди ва кийимини алмаштирди. Кейинроқ дугоналарига айрим аёллар инъекцияларни қандай қабул қилганларини айтиб берди. У зўрға нонуштасини тугатди.

– Тез орада аёллар конференцияси ўтказилади. Сизнинг номингиздан Басарро аёллар уюшмаси ҳақидаги ҳужжатни тақдим этмоқчимиз. Биз бошқа лойиҳалар бўйича баъзи маълумотларни ҳам йиғдик ва сизга соғлиқни сақлаш дастури ҳақида бир нечта савол

бермоқчимиз. Ребека лойиҳани тушунтириш учун белгиланган куни ўша ерда бўлади, – дейишди дугоналари.

– Менда эътироз йўқ, – деди Омина ҳаяжон билан. – Мен кечаги ишдан кўп нарсга ўргандим.

Фотима биринчи саволни бошлади. Омина ўз фикрларини йиғди ва энди бошқа гапиришдан кўрқмаслигини тушунди.

– Аввал сиз олдимга қўйган мақсадларимни санаб ўтишга ижозат беринг, – деди у. – Биз деярли барча уйга гигиенани яхшилаш ва тез тиббий ёрдамни бепул кўрсатиш мақсадида ташриф буюрдик. Эркаклар, аёллар ва болалар билан муносабат ўрнатдик. Биз ҳатто энг қашшоқ маҳаллаларга ҳам кирдик, бу ерда гўдаклар ўлими даражаси биринчи йилни тугатмасдан вафот этган тўртдан бир болага тўғри келаркан. Шифокорлар буни оналарнинг билимсизлиги ва соғлом муҳитнинг йўқлиги билан боғлашди. Сув қудуқдан олинадиган ва ишлатишдан олдин қайнатилмайди. Бунда ҳар хил инфекциялар, гижжалар ва вабо кенг тарқалиши мумкин. Аксарият аёллар шу сабаб ҳам бахтсиз ҳаёт кечиришади. Шунингдек, ёмон ҳолатдаги уй-жойлар саломатликка салбий таъсир кўрсатишини ва бундай шароитдан ёшлар кўпроқ зарар кўришини аниқладим. Кеча биз болаларнинг оловдан ёки қайнатилган суюқликлардан куйганларини кўп учратдик ва даволадик. Ёш шифокорнинг сўзларига кўра, кўп оилалар битта хонада яшайди ва овқатланишади. Хона ҳам шамоллатилгани сабабли одамлар нафас олиш касалликларидан азият чекишмоқда.

– Сизлар дуч келган асосий муаммолар қайси?

– Ҳаракат аста-секинлик билан бошланди, чунки баъзи эркаклар бизнинг эркак шифокорларимизни ва тиббиёт ходимларимизни ҳақорат қилдилар. Айримлари эса фақат ҳамшираларга хотинларини кўрикдан ўтказишга ёки даволашга рухсат беришди. Маълумки,

аёл шифокорлар бизда жуда оз, уларнинг аксарияти чет давлатдан. Тил билмаслик туфайли беморлар билан гаплашишга қийналишди.

– Одамларнинг умумий соғлиги тўғрисида нима дея оласиз? – сўради Биликсу.

– Соғлиқни сақлаш бўйича таълим жуда муҳим. Шунда кўплаб касалликларнинг олдини олиш мумкин. Афсуски, билимсизлик туфайли баъзи енгил касалликлар ҳам жиддий тус олган. Биз тиббий таълим соатларини кўпайтиришга қарор қилдик. Шармандали нарса шундаки, оддий даволанадиган диарея ва дизентерия каби хасталиклар, айниқса, болалар орасида ҳалокатли касалликларга айланган. Тиббиёт мутахассисларининг фикрига кўра, аёлларнинг соғлиги билан боғлиқ муаммоларнинг аксарияти стресс билан боғлиқ, – деди Омина. – Оҳ! Бир нарсани айтишни унутиб қўйибман: биз ҳукуматга, асосан, ҳафтасига ташриф буюрадиган аёллардан иборат соғлиқни сақлаш судини ташкил этиш тўғрисида маслаҳат беришга рози бўлдик. Маҳаллий ҳукумат ахлат солинадиган қутиларни беришга ваъда берди. Тахминан олти йил олдин ёпилган дорихонани қайта очиш учун синов асосида келишувга эришдик. Икки ҳамшира кечкурун ишларни тақсимлаган ҳолда даволашга келишиб олдилар. Уйимдаги баъзи хоналарни оммабоп амалиёт сифатида доимий ишлатмоқчимиз. Шунда биз ўз шифокорларимиз ва ҳамшираларимизга эга бўлишга ҳаракат қиламиз.

Омина совуқ қаҳва ичди. Сўнг воқеаларни сўзлашда давом этди:

– Бир аёл менга эри бир неча ойлар давомида касал бўлганини ва деярли барча табибларга боришганини айтди. Аммо у тузалмабди. Кейин у Худога илтижо қила бошлабди. Чунки уларда хусусий клиникага бориш учун пул йўқ экан. Унинг сўзларига кўра, кампаниямиз арафасида у Парвардгорга дуо қилиб, эри учун бепул

ёрдам берадиган кишини юборишини сўрабди. Мен унга бепул даволашимизни айтганимда, жуда хаяжонланиб кетди. Шифокорлар эрини кўриб, дорилар буюришди, мен эса унга пул бердим. Гуруҳимиз шифокори эри тузалгунига қадар кўпроқ келишини ваъда берди. Сўнг ўша аёл бизни тушликка таклиф қилди. Егуликлар жуда яхши эмас эди, лекин мен фақат энг бахтлилар учун овқатландим. Ребека учун таом жуда иссиқлик қилди.

– У ассоциациянинг фаол аъзосими? – сўради Биликсу.

– Йўқ, жуда эмас, – жавоб берди Фотима.

Муҳокама бошқа мавзуларда давом этди. Биликсу яқин орада университетда дарс берадиган дугонаси бир ҳафтага ташриф буюришини айтди.

– Мен уни танийманми? – сўради Фотима.

– Сиз уни яхши биласиз. Ҳажар – адабиёт бўли-мидан. У университетдаги аёллар ташкилотининг координатори. Ўтган йили мен уларнинг конференциясида иштирок этдим. У ерда кўпчилик билан келишмовчилик бор экан. Бу бизга аёллар маърузасида ёрдам бериши мумкин.

Кечқурун Коло Оминага ҳамдардлик билдириш учун келди. У Абу Рошид вафот этганида мамлакатдан ташқарида эди.

– Нега эрингиз сизни Саудия Арабистонига олиб кетмади? – сўради Коло.

– Худо хоҳласа, руҳий ҳолатим яхшиланганида ҳаж қиламан.

– Омина, сиз кўплаб қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш имкониятига эга бўлардингиз. Агар билсангиз, Аллоҳ таоло саудияликларга катта бойлик билан барака берган, у ерда заргарлик буюмлари жуда арзон. Сиз уларни харид қилиб, бу ерда сотишингиз ва катта фойда топишингиз мумкин эди.

– Мен баъзи нарсаларни сотиб олмоқчиман.

– Сиз эркакларни биласиз-ку, эрингизнинг жуда катта пули бор, у бойлик ичида сузиб юрибди. Нега фойдаланмайсиз?

Омина жавоб бермади.

– Мен яқинда Саудия Арабистонига бораман, сизни ўзим билан олиб кетаман. Бошқа аёлларни ҳам оламан. Қанча заргарлик буюмларини олиб келсак, ҳисоблаб, фойдани тенг бўлишамиз.

– Менимча, биз бир нарсани ойдинлаштиришимиз керак, – деди Омина эҳтиёткорлик билан. – Мен бу муқаддас ерга диний вазифаларни бажариш учун бораман. У ерга бизнесга ёки молингизнинг ташувчиси сифатида бормайман! Шундай қилиб, Саудия Арабистонига борганимда фақат ҳаж маросимларини адо этаман.

Омина Демби қишлоғидаги фолбинни эслади, у Харунага пул топиш учун нимадир олиб келган эди.

– Шу одамнинг қандайлигини синаб кўрмаймизми?! – деди у. – Мен соатимни йўқотиб қўйдим.

– Келинг, фолбиннинг олдига борайлик, – Коло дарҳол таклиф киритди. – Нафақат соат, балки Харуна қайтиб келганида уни бошқаришингиз учун сизга янги дори бериши ҳам керак.

– Бу сизнинг янги машинангизми? – сўради Омина.

– Ҳа, – деди Коло ғурур билан.

– Жуда қулай-ку, – деди Омина ўтиргач.

– Шунинг учун мен уни яхши кўраман.

Коло хавфсизлик камарини тақиб, машинани юргизди.

– “Мерседес Бенз” қаерда? Нега ўзгартирдингиз ўзи? – деб сўради Омина.

– Бу менинг сеvimли машғулотим.

Улар жим бўлиб қолишди. Машина ёғоч кўприкдан ўтиб, лайли кўчага тушиб олди.

Фолбин уларни илиқ кутиб олди.

– Сизнинг дугонангиз Коло менга ишонади. Беш йилдан ортиқ вақтдан бери мижозим. Мен нима учун бу ерда эканингизни биламан: эрингиз билан қаттиқ тортишув ва қимматбаҳо буюмни йўқотиш. Сиз ҳалол ва эҳтиёткор аёлсиз, аммо сизни хафа қилишни хоҳлайдиган одамлар ҳам бор.

Коло бу фаразларни тасдиқлади. Аввалига Омина кўрқди, аммо у соат ўғирланганини тасдиқлади.

– Айтинг-чи, хонангизга бегона одам кирадими?

– Йўқ.

– Кутиб тулинг, – деди фолбин ва нималардир деб пичирлади. – Ҳа, энди аниқ! У аёл – учинчи хотин. У ҳасад қилади, чунки эрингиз сизнинг олдингизга мунтазам келиб туради.

Омина кулишдан ўзини зўрға тийиб турди, аммо жим бўлди. Унинг барча ёлғонларига қойил қолди. Фолчи эса гапини давом эттирди:

– Ким соатингизни яхши кўрарди?

– Бир тикувчи.

– Демак, у ўғри.

– Аммо у менинг хонамга кирмайди.

– Бўлмаса, ўғри учинчи хотин бўлган. Уйга қайтганингизда эрингизга у соатингизни ўғирлаганини айтинг!

Кейин фолбин Коло билан суҳбатни давом эттирди:

– Мен сизнинг эрингиз ҳали ҳам мактаб ўқувчиларига кўз олайтираётганини кўрдим. Буни олинг, – деди ва қоғозга ўралган нарсани берди, – унинг овқатига икки марта қўшиб беринг, шунда у барини унутади ва сизни севади.

Коло сумкасини очиб ва унга пул берди.

– Мен сотувчиларга товарлар келгани ҳақида хабар берай, – деди Коло машинани супермаркет олдида тўхтатиб.

Омина ёлғиз қолди. У шу онда Фотиманинг атирлар ва сеҳрли аралашмалар сотадиган, ёдгорликларни пухта ўрганиб, турли маслаҳатлар берадиган бой ўқувчилар ҳақидаги таърифини эслади. “Одамлар нега жоҳиллик, қўрқув ва хурофот билан ўйнайдиганларга ғамхўрлик қилишади?” – деб ҳайрон бўлди.

Коло машинага қайтди.

– Сизга бир нарсани айтай! – Коло сукут сақлади ва тор кўчалар орқали Басарро томон йўл олди. – Тез орада сиз бизнинг тўқимачилик фабрикамиздаги иш билан шуғулланасиз. Иложи борича кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилинг. Сиз ёш ва жуда гўзалсиз! Одамларнинг завқланишига қаранг! Ҳаёт лаззатларидан ўзингизни маҳрум қилмаслигингиз керак. Сиз жамиятда муносиб ўрнингизни эгаллашингиз зарур. Биласизми, баъзи божхоначилар мени алдашади. Мен у ерга ҳар доим товарларимни топшириш учун бораман. Яқинда улар кўпроқ пора талаб қилишди ва Канода мени божхоначилар алдашди. Пора беришни рад қилгандим, молларимдан ўғирладилар, ҳатто хўжайинлари уларни ҳимоя қилишди. Мен бу ифлослар шундай муносабатда бўлишларини кутмаган эдим. Биламан, сиз ишда инсоний ҳис-туйғуларни кўрсатишга ҳаракат қиласиз. Йўқ! Агар сизда бундай туйғулар бўлса, сиз тилла соатни ўғрилардан яширганингиз каби бу ҳисларни ҳам яширишингиз керак. Сиз ўғрисиз ёки ўғирлангансиз! Тенглама оддий. Юқорида айтиб ўтганимдек, пул учун курашинг. Агар ўзингизни шафқатсиз ҳис қилсангиз, Худога ибодат қилинг, У сизни кечиради. Сиз жуда бой одамга эрга теккансиз. Демак, омадингиз бор! Агар у сиздан ажрашса, нима қилардингиз? Ундан нимани ололасиз? Келажагингиз ҳақида ўйлашингиз керак!

Агар эрим ўртамиздаги ҳамма нарса тугади, деб айтса, мен ёлғиз қолсам бўлади. Чунки менда мустаҳкам пойдевор бор. Бой аёл ёлғиз яшаши ва бахтли бўлиши мумкин, унга доим ҳурмат кўрсатилади. Ғўшти истеъмол қиладиган “бургут”лар кўп. Ўз улушингизни қанчалик тез ажратиб қўйсангиз, шунчалик яхши!

У жим бўлиб бир ерда тўхтади. “Ал-Мадаҳин” гуруҳи янги қўшиқ қуйлади, лекин Омина уларга эътибор бермади.

Омина кийиниб, уюшмага йўл олди. У ерга аёллар ҳам йиғилишганди, лекин талабалар ҳали келишмабди. Йиғилганлар ўзаро суҳбат қуриб ўтиришаркан, Ларри бошчилигидаги гуруҳ рақс такдим этди.

– Менинг қисқа қўшиғим бор, – деди Ларри. – Унинг номи “Қашшоқ қишлоқ хўжалиги” деб аталади.

У қўшиқ айтди, бир неча қиз эса жўр бўлди:

– Қишлоқ хўжалиги оч қолади,

Ҳеч ким уни боқмайди.

Қишлоқ хўжалиги чўкади,

Ҳеч ким уни қутқармайди...

Ниҳоят, талабалар етиб келишди. Уларнинг ҳаммаси ўтиргач, Ҳажар “Маданият ва жамият” мавзусидаги нутқини бошлади:

– Бир неча йил олдин бизнинг шеърларимиз, қўшиқларимиз ва мусиқамиз кундалик ҳаётни ҳамда муаллиф тушунчаларини акс эттирарди. Маддоҳона қўшиқларни соғинмайдиган мусиқачилар тарғиб қилмай, қўллаб-қувватламай, жимгина вафот этдилар. Қаҳрамонларга сиғиниш ва очкўзлик теримизнинг рангидан бошқа ҳамма нарсани ўзгартирди. Қандай қилиб бизнинг раҳбарлар, анъанавий бойликларимиз ҳукмдорлари “маданият ҳимоячилари” бўлади? Ҳашаматли кийимлардан ташқари анъаналардан нима қолган? Улар келажакни ўтмиш кўзлари билан

кўришни истайдиган ёлғончилардир. Бундай шахслар “Лимузин”ларда юриб, поло ва гольф ўйнайдилар, одамларнинг ерларини эгаллаб оладилар, яхши ҳудудларни чет элларга сотадилар ва ҳеч қандай урф-одатларга риоя қилмайдилар. Гарчи улар ҳоким бўлишга даъвогар бўлсалар ҳам, аминманки, ўзларининг тарихи ва урф-одатлари ҳақида ҳеч нарса билишмайди. Саводсиз! Уларни раҳбарликка таклиф қилиш ҳам нотўғри. Одамлар бундайларни раҳбар деб аташади. Улар кўр! Гарчи фан ва замонавий технологияларнинг ютуқларидан баҳраманд бўлишса-да, билмаслик маданиятини атайлаб тарғиб қилмоқдалар. Бу шахслар ўз халқи зулматга юз тутса, ниҳоятда қувонч ва мамнуният билан томоша қилишади. Азиз аёллар, уларнинг сизни алдашларига йўл қўйманг! Дунёнинг бошқа минтақаларидаги раҳбарлар ўз жамиятларининг ривожланиши йўлида тиним билмайдилар, халқни қўллаб-қувватлайдилар, фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладилар, одамларни ўз жамиятларини модернизация қилишга ундайдилар ҳамда аҳолига мактаблар ва бошқа ўқув муассасалари қуришда ёрдам берадилар. Бизда эса бунинг аксини қилишади. Улар таълимнинг ривожланишига йўл қўймайдилар, бизни оддий қонунлар ва урф-одатлар билан чеклашга интилишади. Аёллар маданиятнинг ҳақиқий ҳимоячиларидир. Чунки бизда фарзандлар бор, уларни вояга етказамиз, билим ва ахлоқни ўргатамиз. Шу тарзда бу бизнинг жамиятимиз ва анъаналаримизнинг давомийлигини кафолатлайди.

Фотима ҳам гапирмоқчи эди, Биликсу уни тўхтатишга уринди, аммо уддасидан чиқолмади.

– “Сиз муносиб бўласиз”, деган машҳур бир гап бор. Биз бу каби “қолип”ларга эгамиз. Негаки, жуда орқада қолган ғоялар ва маданиятларни қабул қилиш ҳамда нишонлашда фаолмиз. Фойдали ўзгаришларни

топиш ва тарғиб қилишда орқадамиз. Агар биз чиндан ҳам бирлашганимизда эди, ижобий фикр юритиб, шунга мувофиқ иш тутган бўлардик. Илмда куч бор! Ривожланган жамиятларнинг барчаси ўйлади, ҳаракат қилди ва ишлаб чиқарди. Биз эса фақат уйқу ва ибодат атрофида айланадиган ҳаётда, ҳар доим мўъжизалар содир бўлишини кутадиган ҳаётда ривожлана олмаймиз. Агар тўпни тўплашни хоҳласак, бузилган маданиятимизга жиддий қарашимиз керак. Ҳаммаси ёмон, деб айтманг! Бироқ бўшлиқ, жоҳиллик ҳамда дангасаликни тарғиб қиладиган маданият келажак маданияти эмас. Соқов ва карлар маданияти ўз аҳли истакларига бефарқ эмас. Биз ҳам ўз маданиятимизни ривожлантиришимиз керак, акс ҳолда, қаттиқ азобланамиз!

Бир неча ҳафта ўтгач, Ҳажжи Харуна хонага самимий табассум билан кириб келди.

– Чарчадим, йиғилиш оғир ўтди. Биз кўшимча бюджетни муҳокама қилдик.

Омина жавоб бермади.

– Мен янги дўкон қурмоқчиман, – деди у бироздан кейин.

– Нега бошқа дўкон?

– Гуруч, ўсимлик ёғи, туз ва компост¹ олиб келмоқчиман. Бу жуда фойдали бизнес. Сиз фермер хўжаликларини бошқаришингиз ва гуруч етиштириш учун кўпроқ маблағ сарфлашингиз ёки ўғитлар заводини қуришингиз мумкин.

– Фойда олишимизга ўн йил керак бўлади, балки, бундан ҳам кўпроқ вақт кетар. Ҳамма импорт қилади. Агар биз гуруч эксак, сотолмаймиз, – деди Харуна ва

¹ Компост – ҳар хил органик моддаларнинг микро-организмлар таъсирида чириши натижасида ҳосил бўладиган маҳаллий ўғит.

мавзуни ўзгартириб сўради: – Университетда бўлдингизми?

– Ҳа!

– Бу диний йиғилишми?

– Йўқ! Талабалар мени ассоциация тўғрисида гапирингга таклиф қилишди.

– Талабалар уюшмага сарфлаган пулларини қандай топишади?

– Ҳар бир Басарро талабаси ассоциациямизга маълум миқдорда ҳисса қўшади ва бизга зарур материалларни тақдим этади.

– Сиз менинг исмим ва ҳиссаларимни эсладингизми?

– Йўқ!

– Машҳурлигимни ошириш ва келажакдаги сиёсий муваффақиятларимни яхшилаш учун эслаб қўйинг! Келгуси сайловларда сенаторлик ўрни учун курашишни режалаштирмоқдаман.

– Маъруза бошқа мавзуда эди. Шунга эсламабман...

Ҳажжи Ҳаруна кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди ва деди:

– Бизнесда шерик бўлган дўстим АҚШ дан келди, ҳозир меҳмонхонада. Бугун у билан учрашишимиз керак.

* * *

Омина келганида бир гуруҳ аёллар бош қароргоҳнинг балконида ўтиришар эди. У қуёш нури тушиб турган ерга жойлаштирилган ҳар хил ўлчам ва шаклдаги қозонларга эътибор қилди.

Омина Ларри билан бир гуруҳ мактаб ўқувчиларига дўкон илмини қандай бошқариш кераклигини тушунтириш учун дўконга айлантирилган хоналардан бирига кирди.

– Биз аёллардан маҳсулот сотиб оламиз, уларга пул тўлаймиз ва бошқаларга сотамиз. Кўпроқ маҳсулот харид қилиш учун эса фойдани банкда сақлаймиз.

Келажакда маҳсулотларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан сотиб олиб, уларни арзонга сотмоқчимиз.

Омина табассум қилди. У аёлларнинг фаолияти ва ташаббусларига қойил қолди. Сўнг Ҳажжи Харунанинг олдига борди. Шунда оқ танли бир киши ҳам идорага кириб келди.

– Бу Том Уайтхид, АҚШ даги шеригим, – деди Харуна. У Оминага салом берди. – Омина, умид қиламанки, тўқимачилик фабрикасини ўз зиммасига олади. Мен сизни ер, маҳаллий материаллар ва пул билан ҳам таъминлайман, сиз эса чет эл сармояси, жиҳозлар ҳамда мутахассисларни зиммангизга оласиз.

Харуна сўзини тугатгач, қандайдир ишини таъмомлаш мақсадида ташқарига чиқиб кетди.

* * *

– Ўтирсам бўладими? – сўради мистер Уайтхид.

– Албатта! – деди Омина ва ўзи ҳам ўтирди.

– Аёлларни ташкиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларингиздан ҳайратдаман.

– Бу фақат тажриба.

– Мен нигерияликлар билан ишлашни яхши кўраман. Сизнинг эрингиз ёрдам берадиган бўлди.

– Қанақа бизнес билан шуғулланасиз?

– Мен ҳар қандай иш билан шуғулланавераман. Ҳозиргина Ганадан келдим, у ерда бир қанча меҳмонхоналарни сотиб олдим. Бундан ташқари, ҳукумат учун космик дастур устида ишламоқдаман. Мен Африканинг деярли барча давлатларига қуроллар ҳам етказиб бераман. Заир, Серра-Леоне ва Либерия бу борада энг муҳим уч мамлакатдир. Олмос ва бошқа фойдали қазилмаларни Европа ҳамда Америкага экспорт қиламан. Қаердалигимга қараб ишим ўзгараверади. Мен, шунингдек, ғарбий молия институтларидан кредитлар олиб тураман, тез-тез ёрдам сўраб мурожаат

қиламан. Кўряпсизми, бу жуда қизиқарли?! Ҳа, бу жуда ажойиб! – Сўнг сўради: – Сиз ўқиётган китоб янада қизиқарли бўлса керак-а, Харуна хоним?!

– Ҳа! Китобнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, Европа Африкани ривожлантирди. Улар цивилизация ва насронийликни олиб келишди. Африкаликлар учун йўллар, портлар, кўприклар, темир йўллар қурдилар. – У титроқ овозда сўзларини давом эттирди: – Аммо Ғарбий Европа мамлакатлари бошиданоқ Африкани ўғирлашган ва эксплуатация қилган. Қуллик яхши нарсас эмас эди! – Мистер Уайтхид ҳайратдан ўрнидан турди. Омина эса ҳамон гапирарди: – Мустамлакачилар бизнинг савй-ҳаракатларимиздан фойдаланиб, инфра-тузилмалар қурдилар, аммо гуманитар мақсадлар учун эмас, балки, иқтисодий манфаатлар учун барпо этдилар. Африкаликлар учун касалхоналар ва мактаблар қурилганми? Улар биздан олган нарсаларини солиштиринг! Мен биздан фойдаланиб, ўғирлашди ва ташлаб кетишди, деб айтаман. Африка тарихи ҳаққоний ёзиладиган кун келади! Бу китоб, – у Валтер Роднейнинг китобини кўтариб айтди, – Европанинг Африкани қандай тарк этгани ҳақида. Бу эндигина бошланиши! – Уайтхиднинг оғзи ланг очилиб қолди. – Эшитинг! – Омина ишонч билан гапини давом эттирди: – Мустамлака даврида европаликлар бизни бошқариб, тўғридан-тўғри фойдаландилар. Янги мустамлакачилик фаоллари – бу сиз каби одамлар, яъни Африкани эски машиналари, озгина сармоялари ва ўз тажрибалари билан экскурсия қиладиган халқаро компанияларнинг жосусларисиз. Сиз шубҳали йўллар билан сармоя киритасиз ва катта даромад оласиз. Бизнинг ресурсларимиздан фойдаланиш ва ўғирлаш учун ватанпарвар бўлмаган, аҳмоқ, очкўз африкаликлар билан тил бириктирасиз. Сизнинг раҳбарларингиз Европа шаҳарларида юриб, хоин Африка лидерларини, фирибгар бизнесменларни, шафқатсиз аскарларни

манфаатларингизни ҳимоя қилиш учун бошқарадилар.

Жаноб Уайтхид оғриқдан норозилик билдирган илондек тикилиб қаради:

– Бизнинг сармояларимиз сизнинг иқтисодиётингизни ривожлантиришга ёрдам беради.

– Мендан рози бўлишимни кутманг! Эрим сиз билан фитна уюштиргани мен хоҳлайман, дегани эмас. Агар сиз фирибгар бўлмасангиз, нега ускуналарни олиб келмайсиз? Нима учун доим тайёр маҳсулотларни олиб келасиз? • Негача машиналарни қандай бошқаришни билмаяпсиз? Нима учун бизнинг табиий бойликларимизни оляпсиз? Негача маҳаллий саноатни ривожлантиришга чорламайсиз? Нима учун бу ерда, Африкада илмий-тадқиқот институтларини қуриш ва молиялаштиришга қизиқмайсиз? Негача сиз ҳар доим фуқаролиги бўлмаган Африка лидерларини қўллаб-қувватлайсиз? Улар бизнинг табиий ресурсларимизни ўғирлашда ёрдам бергани учунми?! Айбсиз одамларни ўлдиришда ишлатилишини билсангиз ҳам, нима учун қуролларни олиб келасиз? Негача Либерия каби уруш ичида қолган ҳудудлардан олмосни экспорт қиласиз? Бошқача айтганда, нима учун Африкада можаролар келтириб чиқарасиз? Негача бутун Африка бўйлаб қонли ва коррупцион режимларни қўллаб-қувватлайсиз? Сиз томонингиздан юқори фоиз ставкалари билан бериладиган кредитлар шунчалик каттаки, Африканинг аксарият давлатлари ўз бюджетларининг ярмини қарзларни тўлашга сарфлашади.

– Ҳурматли раҳбарларингиз ушбу кредитларга имзо чекадилар. Ҳеч ким уларни мажбурламаган.

– Албатта, уларни мажбурлаш шарт эмас. Сиз очкўз ва саводсиз одамлар билан ҳарбий кийимларда мамлакатни бошқариш учун келасиз ҳамда улардан ҳужжатларни имзолашини сўрайсиз, улар бирон нарсая олмай, имзо чекишади. Бизнинг сотқинларимиз шайтон билан савдо қилишга ва оналарини сотишга ҳам тайёр! Сиз воситачи сифатида хурсанд бўласиз!

– Менинг сиз билан ҳеч қандай алоқам йўқ, – деди у эсанкираб. – Мен сизни таклиф қилмадим.

– Сиз бу ерга келибоқ, бирон-бир жавобни кутмасдан ҳаракат бошлашингиз мумкин эмас! Мен ва эрим ўртасида тафовут бор!

Шу пайт Харуна хонага қайтиб кирди.

– Мен сиз китобларни ўқишни яхши кўришингизни эшитдим ва ёзилганларнинг барчасига ишонасиз, деб биламан, – деди мистер Уайтхид сумкасини очиб. У “Америка Қўшма Штатлари ва Африка: тараққиётдаги шериклик” номли китоб нашрига раҳбарлик қилган ди. – Ўқишдан завқланинг! – дея китобни Оминага узатди.

– Раҳмат ва хайр!

Омина хотиржам табассум қилди. У ўзининг биринчи маданий “жангида” ғалаба қозонганидан фахрланди. Шу кундан бошлаб ҳар қандай тортишувда баҳслаша олишига ишонч ҳосил қилди.

* * *

Харуна ўша кеча уйга асабий ҳолда қайтди.

– Учрашув қандай ўтди? – сўради Омина.

– У энди бизга қизиқмаяпти, – деди Харуна ғамгин оҳангда. – Баъзи Африка мамлакатларида ҳаддан ташқари беқарорлик мавжудлигини айтди.

– Ҳа, – Омина ҳаяжон билан гапирди, – сиёсий беқарорлик хорижий инвестицияларга халақит бермоқда.

– Аммо бизнинг мамлакатимиз хорижий сармоялар учун яхши замин яратмоқда. Уруш давом этмайди. Президентимиз ҳам доимий хорижий сармояларни жалб қилишга чақирди ва инвесторларнинг ҳимоя қилинишига ишонтирди.

– Сизнинг шеригингиз бошқа бирон сабабни ҳам билдирдими? – Омина чуқур нафас олди. Эри уни калтаклаганидан ва ўғли вафот этганидан кейин у

Харунага нисбатан қўрсроқ бўлиб қолганди, энди ундан қўрқмай қўйди ва жасорат билан гапира бошлади. – Ҳаж, сиз билан ҳалол ва яхши яшайлик! Бизга чет эл инвестициялари керак эмас! Пул ва маблағларимиздан қандай фойдаланишни тўғри тушунишингиз учун айтяпман. Биламан, сизда мол-мулк кўп, Абужа шаҳридаги жавонларингизга ҳам кўп пул қўйгансиз. Сиз ва дўстларингиз учун бойлик шунчаки завқланиш ва ўйин-кулги учундир! Пулдан бундай фойдаланмаслик керак. Пулнинг ўз маъноси бор. Ва уни бир жойда сақласангиз, бу фойдасиз бўлади. Мен бу пулни ишлатинг, деб таклиф киритаман. Масалан, заводлар барпо этинг, машиналар, ер сотиб олинг ва турли иш ўринлари яратиш учун пул сарфланг. Шундай қилсангиз, пул фойдали бўлади. Қолаверса, одамлар ишлайди ва тирикчилик қилади, шунингдек, иш учун миннатдор бўлишади. – Сўнг Омина сўради: – Нега нигериялик мутахассисларни таклиф қилмайсиз? Улар билан ўтириб, одамларга фойда келтириши учун пулингизни қандай сарфлаш ҳақида фикрлашмайсиз?

– Нега улар билан маслаҳатлашишим керак?! – Харуна ғазаб билан сўради. – Мен ўқимаганманми? Бундан ташқари, барча нигерияликлар фирибгар. Фақат Батор мен ҳақимда ўйлайди.

– Ҳа, у ҳар доим сизнинг манфаатингиз учунгина хизмат қилади!

– Мен Баторга чин дилдан ишонаман!

Омина хафа бўлди-ю, индамади.

– Менимча, бу шунга ўхшаш нарса: мен бошланишига бу ерда, яъни Басаррода иккита фабрика, ферма ва оз бўлса-да, кампания ташкил қилдим. Улар, шунингдек, яқинда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонани ҳам қабул қилиб олишлари мумкин. Бу соҳаларда ишлашга одамларни ўргатиш керак бўлади. Улар топган пуллари билан тақдим этилган товар ва хизматларни сотиб олишади. Сиз

уларнинг фарзандлари учун яхши мактабни қуришингиз мумкин ва ўзлари сизнинг келажакдаги ишчиларингизни ўқитиш учун пул тўлайдилар. Сиз яна барча ишчиларингиз учун уйлар курсангиз бўлади ва улар ижара ҳақини тўлаб яшайдилар. Қисқаси, ҳамма ютади. Расмий даромадлар солиқларни тўлаш ҳисобига ўсади, мактаб раҳбарияти ўқитувчиларнинг иш ҳақини бериш учун банкдан пул олади, ишчилар эса товарлар ҳамда хизматларни сотиб олиш мақсадида пулга эга бўлишади ва ҳоказо. Натижада сизнинг бойлигингиз янада кўпаяди. Шу тарзда сиз бошқаларга ўрнак бўласиз. Айтишларича, талаб талабни қондиради. Бошқалар эса сиз тақдим қила олмайдиган хизматлар билан халқни таъминлайдилар. Сиз ва бошқа саноатчилар кейинчалик ҳукуматни яхши йўллар, электр энергияси, сув, телефонлар каби инфратузилмани яратишга мажбур қиласизлар. Буларнинг барчаси охир-оқибат иқтисодиётни кенгайтиради. Биз эса Жидда шаҳрида соғлом иқтисодий шароитга эга бўламиз, у ерда ҳамма бахтли ва муваффақиятли яшайди.

– Омина, мени эшитинг, сиз қандай қилиб бу фикрларни айта оляпсиз?

– Мен баъзиларини китоблардан ўқидим, лекин асосан улар ҳақида ўйладим ва кўзларимни очдим.

– Китоблардаги кўп гаплар иш бермайди. Сизнинг таклифларингиз бу ерда муваффақият қозонмайди.

– Ўйлаб кўринг! Агар нигерияликларга ишон-масангиз, унда ҳеч бўлмаганда хотинингизга ишонинг. Пул беринг! Мен бизнесни бошқараман. Режа тузиб, тез орада сизга тақдим этаман.

– Мен сизнинг маслаҳатларингизга муҳтож эмасман.

– Муаммо нима? Айтинг!

– Батор рози бўлмайди. Мен пулимни сақлаш учун чет элга юборишни афзал кўраман.

– Сизнинг пулингиз Европада туришига ишона-сизми?

– Мен Баторга ишонаганман ва ишонаман!

XVI ФАСЛ

Орадан ойлар ўтди. Сентябрь ойи охирида аёллар уюшмаси томонидан ўқув-ижтимоий ҳафталиги ташкил этилди. Омина ассоциация бош қароргоҳида йиғилганларга мурожаат қилди. Таълим, соғлиқ ҳамда дин тўғрисидаги плакатлар ва рисоалар тарқатилди. Қўллаб-қувватлаш гуруҳи уюшманинг фаолиятини кўриб чиқиш ва келажакдаги режаларини муҳокама қилиш учун йиғилди.

– Энди ҳосилни нима қиламиз? – сўради Омина.

– Буни одамларнинг хизматига қараб тақсимланг, – деди Фотима. – Сиз ҳаммага нисбатан адолатли бўлишингиз керак! Ёки улар ғаллани сотиб, пулни банкка қўйишсин, – деб таклиф киритди у.

– Йўқ, бўлмайди.

– Унда оилаларнинг катта-кичиклигига қараб тақсимланг.

– Биз аралаш экин экдик-да, – тушунтирди Омина. – Уларга сабзавотни субсидияланган¹ нархларда сотдик. Янги маккажўхори фермада йиғилиб, сотилди, лекин фақат аъзоларга.

– Сиз аёлларни мендан яхшироқ тушунасиз. Нимани яхши деб билсангиз, шуни қилинг, – деди Фотима.

– Биз ҳар бир аъзога махсус кийим тикдик. Сиз учун ҳам!

– О, раҳмат! Вақт ўтганини қаранг. Яқинда бу уюшмани ташкил қилганимизга бир йил бўлади. Ўша пайтда қандай имконсиз эди, гўё туш каби.

– Ҳожи Иброҳим тез орада янги хотин олади, – Майро сўнгги янгиликларни хабар қилиш учун хонага кирди.

– Нима? Ким? – Омина ҳайрат билан такрорлади. – Ҳа! Колонинг эрими?! Унинг биринчи хотини менга

¹ Субсидия – лотинчадан олинган бўлиб, ёрдам, нафақа, қўллаб-қувватлаш деган маъноларни беради.

айтганди. У ўрта мактаб ўқувчисини йўлдан урибди ва ҳукумат комиссари Абу ал-Бинт унга уйланишини талаб қилибди. Коло ҳақида нима дейиш мумкин?

– Мен унинг фикрини ҳозирча билмайман.

– Майли! Айтинг-чи, бугун кечқурун нима бўлади? – Майродан сўради Омина жилмайиб. – Бугун бизнинг ҳосил кунимиз! Кечқурун ҳаммамиз бирга овқатланамиз, сўнг куйлаймиз, рақсга тушамиз ва фильм томоша қиламиз! Суратларга ҳам тушамиз, шунинг учун аёлларга янги кийимларини кийиб олишларини эслатиб қўйинг.

Омина кутган вақт, ниҳоят, келди: аёллар бир-галикда меҳнатларининг меваларини баҳам кўришди. У табассум билан жилмайиб турган аёлларни кўраркан, юраги қинидан чиқиб кетай деди.

Барчалари суратга тушиш учун тўпланишди. Омина ўртага турди, орқада аёллар икки қатор бўлиб саф тортишди, қолганлар эса олди қаторга тиз чўкиб ўтиришди. Биринчи фотосурат олинганида машина келиб тўхтади. Фотима, Ребека, Биликсу ва Мухтор кириб келишди. Ўқитувчи ва талабалар Оминанинг атрофига йиғилишди, лекин Мухтор қўшилмади. Иккинчи фотосурат олинганидан кейин аёллар овқат пиширишга кетишди.

Чойнаклар, бўялган ва тўқилган кийимлар, шунингдек, аёллар томонидан яратилган бошқа ҳунаромандчилик буюмлари имтиёзли нархларда сотиларди.

– Мен сиздан кўпроқ аёллар ва талабаларнинг овқат пиширишлари, гаплашишлари, рақсга тушишларини суратга олишингизни истардим. Шунда тадбир учун тўлиқ альбомимиз бўларди, – деди Омина сураткашга.

– Ёлғиз ўзингизни ҳам суратга олайми?!

У қимир этмай турди. Сураткаш камерани тўғрилаб бўлгач, жилмайиб турган Оминани суратга олди.

Кечки овқатга эркаклар ҳам қўшилишди. Ҳамманинг қорни тўйгач, карнайлар чалиниб, ўйин-кулги бошланди. Баъзи аёллар рақсга тушишди, бошқалар эса ҳазилона фильм томоша қилишди. Ларри ажойиб қўшиқ куйлаб, чиройли рақсга тушди.

Бир пайт таниш қўшиқ эшитилди. Омина Фотимага қаради ва уларнинг кўзлари тўқнашди. Икки дугона бир-бирини етаклаб, рақс тушаётган аёлларнинг олдида борди ва гулдурос қарсақлар остида рақсга тушишди.

Атрофдан бошқа одамлар ҳам келиб, байрамни нишонлаётганлар сафига қўшилишарди. Ўйин-кулги анча давом этди.

Тун ярмига борганида Омина кино проекторини ўрнатди ва сукунатни кутди. Аммо ўзи фильмга эътибор қаратмади, аксинча, осмонга боқди ва булутлар орасидан тўлин ой кўтарилишини томоша қилди. Ой нури Саванна текисликлари узра бирдек шуъла таратарди.

Омина гўё ўзи билан қолди. У болалигини хотирлади. Бошланғич мактаб учун қандай қилиб зўрлик билан рўйхатдан ўтганини ва кейин унга боришдан бош тортганини, у дарсга қатнашиши учун онаси қай тарзда далда берганини ҳамда синфдошларини эслади. Ўрта мактаб ҳаёти, оиласи, онаси ва сингиллари, университетда қисқа вақт бўлгани, Фотима билан танишгани, сўнг никоҳ кечаси, вафот этган ўғли, кейин эса саломатлик борасидаги ҳаракатлар уюшмаси, ўқиш ва ёзишни ўргатиш курслари, ферма ва бугунги ҳосил... ҳаммасини бирма-бир ёдга оларкан, юзини кўз ёшлари ювди. Аммо қувончданми ёки қайғудан йиғладими, билмади.

Ҳажжи Ҳаруна хонага шитоб билан кириб келганида Омина ухлаб ётган эди. У қарсиллатиб эшикни ёпди ва қулфлаб қўйди. Аёл кўзларини очиб эрини кўргач, кўрқиб кетди.

– Овқат борми? – деб сўради Ҳаруна.

– Ҳозир олиб келаман.

– Керак эмас, оч эмасман!

Эри бир лаҳза тикилиб тургач, бошини пастга туширди ва оёғи билан ерни ура бошлади.

– Сизга нима бўлди?

Омина ундан бир неча бор сўради ҳамки, лекин Ҳаруна ҳеч қандай жавоб бермади. Кимдир уни обрўсизлантирдимикан? Ёки бизнес ҳамкори Уайтхид иккиси ўртасида бўлиб ўтган баҳс ҳақида гапириб бердимикан? Эҳтимол, эри фирибгарлик учун калтаклангандир?! Оилада ҳаммаси яхши бўлса, нима бўлди экан-а, эй Худойим?!

Ҳаруна жимжитликни бузиб:

– Нега энди?! – деди тўғридан-тўғри Оминага қараб. – Нима учун одамлар Худодан кўрқишмайди? Нега Аллоҳ улар учун ажратган ризқдан қониқишмайди? Нимага айримлар бизнинг йиқилишимизга гувоҳ бўлишни хоҳлашади? Нега одамлар бизга қарши? Нима учун?!

– Нима бўлди, ахир? – Омина яна сўради.

– Сизга айтаман! – деди у ёнига ўтириши учун хотинига жой кўрсатиб. – Фақат сирни сақлаш керак. Бизнинг сирларимиз сир бўлсин!

– Майли!

Ҳаруна қаттиқ нафас оларди, у жиққа терга ботган эди. Маъюс бош чайқаганча пичирлади:

– Биз айрим ёш армия офицерларининг ҳукуматни қулатмоқчилиги ҳақида хабар олдик. – Ҳаруна пешонасидан оқиб турган терни артди. – Эшитишимча, улар Мустақиллик куни ҳарбий парад пайтида назоратни ўз

қўл остиларига олишни режалаштиришмоқда, – деди у асабийлашиб.

Шу пайт бино ичида даҳшатли оғир қадамлар овози эшитилди. Эр-хотиннинг кўзлари катта-катта очилиб, эшик томон бурилди. Қадам товушлари бошқа томонга бурилиб кетди.

– Нега қўрқяпсиз? – Омина аста сўради.

– Нега қўрқмайин?! Мен ҳозирда Қонунчилик кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажарувчиман. Президент тиббий кўрикдан ўтиш учун Лондонга жўнаб кетган, унинг ўринбосари эса Дубайда асал ойини ўтказиб юрибди.

– Хавотир олманг, фақат Худога суянинг, – Омина уни тинчлантирди.

Харуна жаҳли чиқиб, ўрнидан турди.

– Нега улар кўп йиллик ҳарбий диктатурадан кейин демократияга қарши туришади? Улар нимани хоҳлашади? Нима учун армия сиёсатга аралашади?

– Энди ҳеч ким тўнтариш қилмайди, деб ўйламайман.

– Кейинроқ улар назорат қилади, демокчимисиз? – деб сўради Харуна.

– Фуқаролик ҳукумати уч йилдан ўтиши жуда қисқа...

– Жим бўлинг, Омина! Сиз сиёсат ҳақида ҳеч нарса билмайсиз. – Харуна хонани айланиб юрарди. – Улар – жанубдаги одамлар. Президентлик мавқеини қўлга киритолмасликларидан ҳафсалалари пир бўлди. Шунинг учун бизнинг президентимизга қарши чиқишмоқда ва улар демократияни йўқ қилишмоқчи.

– Тўнтаришни шимолликлар бошқариши мумкинми?

– Йўқ, президент шимоллик. Аммо ҳамма шимолий халқлар ҳам уни яхши кўрмайди. Аслида, шимолий аҳолининг аксарияти унинг ҳукуматидан фойда кўрмади ва бунга қарши. Сиз нима деган бўлардингиз?

– Мен, масалан, унинг ҳукмронлигини ёқтирмайман. Агар менда имконият бўлса, уни ва режимини, албатта, қўллаб-қувватламасдим.

– Сиз ақлдан озяпсизми? Мени яхшилаб тингланг! Президентимиз Худодан энг қўрқадиган одам. У нафақат диндор, яна масъулиятли ва шарафли ҳамдир. Бундай раҳбарга эга бўлишимиздан бахтиёр бўлишимиз керак!

Қадам товушлари яна яқинлашди ва эшик олдида туриб қолди. Харуна қўрқиб кетди. У дераза олдида шошилди. Даҳшат билан атрофга қараркан:

– Илтимос, эшикни очманг! – деб бир неча бор такрорлади. Сўнг кенг шкаф эшигини очиб, ичкарига беркинди. – Мен бу ерда эмасман!

Омина шкафни ёпди ва хона эшигини очди.

– Омина, узр, улар менга унинг бу ерда эканини айтишди, – деди эрининг расмий ҳайдовчиси.

– Уни ким қидиряпти? – деб сўради Омина.

– Уни иш кабинетида айрим одамлар кутишяпти. Хўш, у бу ерда эмас. Майли, мен хабарни етказай, – деди ҳайдовчи.

* * *

Омина Харунани, бир сўз билан айтганда, қутқарди.

– Мен шунчаки қатл майдонида бўлишни хоҳламайман. Шунингдек, ўз позициямни ва ҳаётимни ҳам йўқотишни истамайман. Ҳа, бу мамлакат бошқаруви жуда қийин. Мен барча пулларини олиб, чет элда тинч яшаётган бойларни айбламайман. Бу ердаги таранг вазият ва юқори қон босими ҳар қандай раҳбарни ўлдириши мумкин.

Харуна уст кийимини ечди. Омина эрининг қўйлак ичидан нимадир кийиб олганини сезди ва савол назари билан Харунага боқди. Эри табассум билан деди:

– Мен ўқ ўтказмайдиган жилет кияман.

– Ўқ ўтказмайдиган жилет?! – ишонқирамай сўради Омина.

– Ҳа, уни кийишга мажбурман. Худо ҳам сизга ёрдам беришидан олдин ўзингизга ёрдам беришингиз кераклигини айтган-ку!

– Агар улар сизни портлатиш мақсадида граната ташлашса ёки танкдан сизга қарата ўқ узишса, нима бўлади?

– Йўқ, улар буни қила олишмайди. Мен ўзим бу тўнтаришга рози бўламан ва биз ўз ишимизни яна давом эттирамиз. Эҳ, уларни бунга нима ундади экан-а?!

Шу пайт ташқарида бир одам шундай бақирдики, Харуна шошиб қолди:

– Ҳаж, сени қидиришяпти, тезда боришинг керак!

– Ким бу?! Бу ерда ким бор?! – сўради Омина деразани очиб.

– Хоним, бизда вақт кам. Илтимос, уни қўйиб юборинг. Унга бориш вақти келди, деб айтинг. Биз бирга кетишимиз керак!

Харуна товушни таниб, ташқарига чиқди ва сўради:

– Қаерга?

– Аэропортга! Ҳадемай президент келади.

Ҳажжи Харуна тезда кийиниб, ташқарига шошилди.

Омина баланд овозда кулиб, каравотига йиқилди. Кулди... кулди, ҳатто йиғлаб юборди.

Аскарлар гуруҳи яна ҳукмронлик қилади, янги ҳокимлар пайдо бўлади, эскилар хато қилишда айбланиб, қамалади ёки қўйиб юборилади. Уларнинг баъзилари ҳатто янги маъмуриятда ҳам лавозимларни эгаллашлари мумкин. Олдинги ҳокимият томонидан йўқ қилинган камбағалларнинг умидлари кучаяди. Ваъдалар берилади. Аммо охир-оқибат, ҳеч нарса ўзгармайди. Тепадагилар эса хазинани уялмай талон-тарож қилишда давом этадилар. Бундан ташқари,

идоралардаги ҳукмдорларнинг фотосуратлари ўзгаришидан ташқари, ҳеч қандай ижобий нарса бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси болалар ҳикоялари кабидир...

Кўп ўтмай, Фотима келди ва Омина унга бўлган воқеаларни айтиб берди.

– Улар қачон уришишади? – Фотимадан сўради у.

– Икки кун ичида, яъни мустақиллик куни!

– Ҳўш, бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда куч кўчага ташланади ва уни истаган киши хоҳлаган вақтда олиши мумкин, шундайми?!

Мустақиллик куни ҳам келди, лекин ҳеч қандай давлат тўнтариши бўлмади. Шу билан бирга, аёллар уюшмаси фаолияти давом этди, янги лойиҳалар кўриб чиқилди ва ўқитувчилар сифатида кўпроқ талабалар қабул қилинди. Аёлларнинг асосий қисми тўқиш, тикиш, йўқолиб бораётган анъанавий ҳунармандчилик ва бошқа ишларда қатнашди.

Талабалар шаҳарчасида талабалар касаба уюшмаси сайловлари бўлиб ўтди. Янги раҳбарлар Фотима бор бўлган ҳаракатдан эдилар ва улар уюшмани доимий равишда қўллаб-қувватлашга ваъда бердилар. Кўпгина талабалар эса қўллаб-қувватлаш гуруҳига қўшилишди.

Биликсу раҳбарликни янги вице-президент Лейлага топширди. Кампания бошланганининг бир йиллиги муносабати билан университетнинг катталар учун ўқитиш бўлими синовларни ўтказди ва мукофотлаш кунини белгилаб, барча аёлларга сертификатлар тарқатди. Бўлим директори ва ушбу маросимнинг шарафли меҳмони қилинган саъй-ҳаракатларни юқори баҳолади ҳамда директор яқинда ўз бўлими билан саводхонлик кампаниясини назорат қилишини эълон қилди.

– Куратор координатор бўлади ва сиз маош оласиз, шунга ўхшаш акциялар шаҳарнинг бошқа ҳудудларида ҳам бошланади.

Омина ўзини ёмон ҳис қилди. Уни клиникага олиб боришди ва кейинчалик шифохонага ётқизишди. У ерда тахминан бир ҳафта даволанди. Тўлиқ соғайгач эса, штаб-квартирага йўл олди. Аёллар Оминани кўриб хурсанд бўлишди.

– Сизнинг касаллигингизга нима сабаб бўлибди? – деб сўрашди.

– Мен аборт қилдирдим, – деб жавоб берди Омина хўрсиниб.

– Кечирасиз, бу жуда даҳшатли-ку, – дея унга ҳамдардлик билдиришди.

– Яхшиман ҳозир, бутунлай тузалиб кетдим, шукр. Аммо яна ҳомиладор бўлишдан олдин бироз кутишим керак.

Штаб-квартира ёнига бир машина тўхтаганида Омина журнал ўқиётган эди.

– Кириш учун рухсат берасизми?

– Албатта, марҳамат!

– Хайрли кун, хоним! – Кўк костюм кийган бир чол кўринди. – Мен доктор Идрис Дандо До бўламан, университет ўқитувчиси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маслаҳатчисиман. БМТ мендан сизнинг уюшмангиз тўғрисида ҳисобот ёзишимни сўради.

Омина унга узатилган хатни тўлиқ ўқиб чиқди.

– Хоним, менга интервью бериб, суратга тушингизни истайман. Мен ўттиз нафар аёл ва айрим ўқитувчилар билан учрашдим. Баъзи дарсларга қатнашиб, фермаларга ҳам бордим. Яна жамият аъзолари билан гаплашдим. Биликсу, Фотима ва Глория менга кўп ёрдам беришди.

– Мен умуман, қарши эмасман! Фақат айтинг-чи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биз ҳақимизда қаердан билди?

– Осмондан ҳеч нарсa махфий эмас, – деди у табассум билан ишора қилиб. – Сиз ажойиб иш қилдингиз!

Омина интервьюга тайёргарлик кўраркан, БМТ ассоциация ҳақида қандай эшитганига ҳайрон бўларди. Хабарда унинг исми ва уюшма номи аниқ ёзилганди. Жуда қизиқ!

* * *

Ўқиш ва ёзишни тарқатиш кампанияси ҳақидаги саволга жавобан Омина шундай деди:

– Таълим бу ерда устувор эмас ва аксарият эркаклар аёлларнинг таълимини кераксиз деб билишади. Ўзгаришларга қарши консерватив¹ гуруҳлар ҳамон бизга қарши нафратни тарғиб қилишмоқда. Биз одатда ҳеч қандай асосий маълумотга эга бўлмаган Басарро шахридаги оддий аёлни ўқитиш учун қўлимиздан келганини қиламиз. Бизнинг моделimiz катталар учун таълим борасида яхши ишлади. Таълим ҳаво ва сув каби зарур. Ҳокимларimiz эса атайлаб бизни жоҳилликда ушлаб туришди, аммо бир йилдан сўнг Бакаррода аёллар орасида жоҳиллик девори кулади, дейиш мумкин.

У кооператив ҳаракат ҳақида ҳам гапириб берди:

– Фаолиятimizни кенгайтириб, ишсиз ёшлар ва деҳқонларimizни меҳнат билан таъминлашни режалаштирганмиз. Бу фалокатдир, чунки деҳқонларнинг тупроққа ишлов бериш учун фақат меҳнат куроллари бор, холос. Мамлакатimiz ўзини боқиши учун кооператив ҳаракатларга жуда муҳтож. Ҳукумат ўғитлар ва гуручни ғоят қиммат нарҳда импорт қилади. Ер ҳануз бой одамларнинг қўлида. Қисқаси, узоқ муддатли

¹ Консерватив – лотин тилидан келиб чиққан бўлиб, “консерва” сўзи билан битта илдизга эга ва “сақлаш” деган маънони беради; кўпинча “консерватив” сўзи сиёсий ёки фаол ижтимоий фаолият билан шуғулланмайдиган оддий одамга нисбатан қўлланади.

истиқболда оқилона аграр сиёсат юритиш орқали маъсулиятли шахслар энг қисқа вақт ичида энг кўп пул тўплашлари мумкин!

Омина, шунингдек, саломатлик борасида ҳам тўхталди:

– Саломатлик яна бир муҳим муаммодир. Басаррода биз оддий касалликларни йўқ қилиш ва одамларга соғлиқ тўғрисида асосий маълумотларни тақдим этиш учун қўлимиздан келганини қиламиз. Доридармонлар бизнинг шифохоналаримизда топилмайди ва соғлиқ ҳақидаги фанларни ўқитиш давлат сиёсати даражасига чиққан эмас. Касалхоналар жасадлар сақланадиган омборхоналарга яқинроқ бўлиб қолган, одамлар ўлиш учун у ерга боришади гўё. Биз икки йил ичида минтақада жиҳозланган клиника ва малакали тиббий гуруҳни яратишга умид қиламиз. Келажак учун шаҳарнинг турли қисмларида, кейин штат бўйлаб янги ҳаракатлар бошлаш ниятидамиз.

У биров сукут сақлаб, сўзида давом этди:

– Шунингдек, биз озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш соҳасига ҳам “юриш” бошламоқчимиз. Бизда ишсиз ёки кам таъминланган аёллар жуда кўп. Охир-оқибат, қишлоқ хўжалигидан узоқлашамиз ва озиқ-овқатга катта эътибор қаратамиз. Яна аёллар ва болалар учун кутубхоналар ташкил қилмоқчимиз. Шунингдек, ҳар ҳафта турли маълумотлар нашр этилади. Бу ерда бир аёл бизга ўрим-йиғим, экинларни парвариш қилиш ва сув ресурсларини бошқариш тўғрисида янги ғоя берди. Уни синовдан ўтказмоқчимиз. Агар муваффақиятли бўлса, қўллаймиз. Маълумки, сув ҳудудимизда энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Тан олиш керак, мен Жидда шаҳридан мамнунман, чунки бизнинг кўп режаларимиз амалга ошди. Яна дугонам Фотимадан абадий қарз-дорманки, у маслаҳатини, ёрдамини аямади ва доим қўллаб-қувватлади. Гарчи биз бир кечада ўзгартириш

кирита олмаган бўлсак-да, келажакка яхши йўл очиб бердик, деб ўйлайман.

* * *

Пешиндан кейин Омина, Фотима, Лейла ва Глория Биликсунинг тўй маросимига боришди. Тўй бўлаётган уйнинг ичида ва атрофида юзлаб одамлар бор эди. Улар ичкарига кириб, бошқа аёлларга қўшилишди.

– Табриклаймиз, – деди Омина табассум билан.

– Келганингиз учун катта раҳмат! – деди Биликсу қувончини изҳор қилиб.

– Мен жуда хурсандман! – деди Лейла. – Уни ҳеч қачон бунчалик бахтли кўрмаганман.

Бироздан сўнг куёв бўлмиш генерал-лейтенант Абу Бакр Усмон ҳовлига кириб келди. Унинг юзида ҳеч қандай ифода йўқ, қора кўзойнак тақиб олган эди. Куёв тўғридан-тўғри Оминага мурожаат қилиб:

– Тўйда ҳозир бўлганингиз учун миннатдорман! – деди ҳирқироқ овоз билан.

– Чин қалбимдан табриклайман! Умид қиламанки, сизнинг никоҳингиз узоқ давом этади. Илоҳим, Худо иккалангизга ҳам, болаларингизга ҳам барака берсин!

– Мен сиз ҳақингизда кўп эшитганман. Дўстларимдан бири сизни “Жим инқилоб” деб таърифлайди.

– Ҳақиқатан ҳамми? – сўради Омина.

Ҳамма Абу Бакр Усмонга аёлларнинг қатнашгани учун миннатдорлик билдирди.

* * *

Омина ва Фотима уюшма режалари ҳақида муҳокамага киришишди. Фотима бир лаҳзалик сукутдан сўнг деди:

– Омина, уюшмани тузишга розилик берганингиздан бери мен ҳам, бошқалар ҳам кўп нарсаларни билиб олдик.

– Менга фикрларингизни билдирганингиз ва қўллаб-қувватлаганингиз учун сиздан миннатдорман. Шу соҳага киришим менга бахт келтирди. Ишимизнинг

амалий ва ижобий натижаларини кўрганимда хурсанд бўламан, оқибатда ўзимни жуда қадрлайман. Мен ҳам билим ва тажриба орттирганимни, ҳаётни яхшироқ англаётганимни ҳис қиламан. Энг аввало, ўзимни қайтадан кашф этдим.

– Мен сизга айтишни унутиб қўйибман, – деди Фотима доктор Идрис Дандо Донинг маърузасини узатаркан, – биз БМТ буни қабул қилишини ва сизга рухсат олиш ҳуқуқини берувчи сертификат беришини кутамиз.

Омина жилмайиб қўйди.

– Дарслар қандай ўтказилади?

– Рўза ойи муносабати билан барча ишлар бир ойга тўхтатилади.

– Бу узр эмас-ку.

– Аввало, кўп аёллар чарчашади. Иккинчидан, сиёсий ва диний муҳит кескин. Ўтган ҳафтада ўнлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган қонли тўқнашувларни эсланг. Икки диний гуруҳ тўқнашганда Хавла ўлимдан қочиб қутулди. Аёлларимиз ҳаётига хавф солмаслик керак. – Кейин Омина мавзуни ўзгартирди. – Нима учун генерал-лейтенант Абу Бакр Усмон мени “Жим инқилоб” деб айтди?

– Билмайман! Улар мени, бир томондан, дунёдаги энг хавфли аёл деб аташади. Аммо бизни ҳеч қачон безовта қилмасликлари керак. Бу армия зобитларининг аксарияти барибир нима гаплашаётганларини билишмайди. Бошқа томондан, биз улар ҳақида ташвишланишимиз зарур.

– Нега?

– Генерал-лейтенант Усмон феодал оиладан келиб чиққан, у жамиятдаги ўзгаришлардан биров кўрқади. Армияда “Иблис” номи билан танилган, чунки у бир неча йил аввал олдинги ҳарбий режимга қарши душманларга нисбатан шафқатсиз усулларни қўллаган. Аслида, давлат тўнтаришида фитна уюштирганлардан

бири деб ишонилади. Лекин у дўстларига хиёнат қилди ва уларнинг ҳеч бири тирик қолмаганига ишонч ҳосил қилиб, тонг отганида ҳаммага ёлғон гапирган. Усмон шафқатсиз бўлгани учун обрўга эга ва фақат тунда ишлайди. Унвонини давлатнинг ҳарбий директори вазифасини бажараётганида олган.

– У нима қилган?

– У биринчи бўлиб талабаларнинг намоиш қилишини режалаштириш баҳонасида университетни ёпмоқчи эди. Баъзи ўқитувчилар Усмоннинг разведка маълумотлари нотўғри бўлгани сабабли норозилик билдиришди. У уларни ҳибсга олди ва қамоқдаликларида маошлари музлатилди. Усмоннинг сўзларига кўра, уларнинг оилалари ҳам азоб чекишлари керак эди. Кейин у маблағ етишмаслигини айтиб, айрим ўрта мактабларни ёпди. Таълим вазирлиги томонидан молиялаш тақиқланган, шунинг учун кўпгина ўқитувчилар деярли бир йил давомида маошларини олмадилар. – Фотима тўхтади. – Мен жамиятимизда кўплаб интеллектуал душманларни кўрдим, аммо у кучли ўнликка кирди.

Омина янги мавзунини кўтариб деди:

– Яқинда бир қиз ёрдам сўраб бизга мурожаат қилди. У бир неча ой олдин зўрлангани ва ҳомиладор бўлиб қолганини айтди. Яъни қиз озиқ-овқат харид қилаётганида бир йигит ҳамёнинини ўғирлаган ва битта бинога қочган. У пулини қайтариб олиш учун ўғрининг орқасидан қувган. Аммо йигит қизни ушлаб, камига зўрлаган. Унинг кимлигини суриштирдик, бир полициячининг ўғли экан. Ишни маҳаллий судга оширдик. Биз йигитнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни зиммасига олишини ва қизга ғамхўрлик қилишини хоҳладик, лекин ютқаздик. Яъни судья қизнинг ўзи айбдорлигини айтди: у жозибали кийим кийиб, йигитни алдаш учун шу йўлдан атай фойдаланган эмиш, шунинг учун зўрлаш пайтида

бақирмаганмиш. Судья қизни эшитмади, аҳволи билан қизикмади ҳам, лекин у йигитга ўзини ҳимоя қилишга рухсат берди. Кейин эса гувоҳларнинг йўқлиги сабабли йигит қўйиб юборилди. Мен баланд овоз билан эътироз билдирдим, аммо бўлмади. Қиз ҳозир олти ойлик ҳомиладор.

– У айна пайтда қаерда?

– Дадаси уни оилани шарманда қилгани учун уйдан чиқариб юборди.

– Эсиз! Сиз адолат изламоқчи эдингиз, аммо адолатсизликка дуч келибсиз-да.

– Мен ўзимни айбдор ҳис қилдим. Гуё у қизни ҳақорат қилиш, ҳўрлаш ва жазолаш учун атайин ўша ерга олиб бордим. Ҳали ҳам унинг кўзларига қарай олмайман. Менда бошқа имконият бормикан?

– Омина, сиз айбдор эмассиз! Сиз онгли одам нима қилса, шуни қилдингиз. Умидсиз бўлманг! Сиз аёллар учун ва аёллар номидан курашасиз.

Омина Фотимага қаради ва бир мунча вақт ўйлаб юрган мавзусини кўтаришга қарор қилди.

– Фотима, келинг, штатдаги ёмон шароитларни яхшилаш тўғрисида ҳужжат ишлаб чиқайлик, мен уни шакллантириш ва тартибга солишнинг энг яхши усули ҳақида ёза оламан. Сиз таълим тизимини ўзгартириш борасида ёзишингиз мумкин. Ребека эса соғлиқни сақлаш тўғрисида ёзсин. Кейин барчасини жамлаб, “Умумий Бакарро баёноти” деб номлаймиз. Бу оммавий баёнот нусхасини ҳукумат амалдорлари, ҳукмдорлар, судьялар ва матбуотга ҳам юборамиз.

– Бу жуда яхши фикр, – деб жавоб қилди Фотима одатий илиқлик билан. – Биз ҳозирча бўлажак яқуний имтиҳонлар билан бандмиз. Кейин бошқалар билан ҳам маслаҳатлашишимиз зарур.

XVII ФАСЛ

Муборак Рамазон ойи тугаганидан сўнг Бакарро аёллар ассоциацияси ўз фаолиятини тўхтаган еридан давом эттирди. Омина ва талабалар унинг ғояси устида ишлашга ҳамда умумий комиссиялар тузишга келишиб олдилар. Омина кооператив ҳаракатлар тўғрисида ёзадиган бўлди.

Бир куни кечқурун Харуна унинг хонасига кирди ва аёл ёзишдан тўхтади.

– Биз давлатни ривожлантириш бўйича таклифлар йиғишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Харуна Оминани янги ғоялар билан кўриб ҳайрон бўлмади. У нимадандир мамнун эди.

– Тез орада мен катта унвонга сазовор бўламан, – деди Ҳаж.

– Ундай бўлса, янги хотин ҳам оламиз экан-да?! – Омина ўсмоқчилаб сўради.

– Йўқ, йўқ, менда никоҳ режалари йўқ! Лекин шундай қилсамми?! – Оминанинг бепарволигини кўргач, сўзида давом этди: – Хавотир олманг, келажакда ҳеч ким бўлмайди.

* * *

Фотима, Биликсу ва Лейла Оминани зиёрат қилишга келишди.

– Ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ислохотлар ҳақида ёзган нарсаларимиз шу файлда. Уларни аввал ўзингиз ўқиб кўринг, кейин барчамиз батафсил кўриб чиқамиз, – деди Биликсу.

– Мен ислохотларни қандай амалга ошириш кераклиги ҳақида ёздим, – деди Лейла ўзининг эришган ютуқларидан ғурурини ифода этиб.

– Биз вақтинча завқланмай туришимиз керак, – деди Фотима.

Омина дафтарини олиб келиб, муҳим деб белгилаб қўйган ишларни ўқий бошлади. Гап орасида ҳукуматни

ҳам кооператив ҳаракатлар тузишга чақириш кераклигини айтиб ўтди. Жумладан, кооператив банклар ташкил этиш ва йирик қарзлар бериш, фермерлар, деҳқонлар ва саноатчиларнинг эркин фаолиятини таъминлайдиган қонунларни чиқариш, пахтакорлар ўзлари ишлайдиган ерларнинг автоматик эгалари бўлиши, тошлардан қайта ишланган ерларни етиштириш учун ерлари бўлмаган одамларга топшириш, ўғитлар ва уруғларни тўғридан-тўғри фермерларга имтиёзли нархларда сотиш, сурувни назорат қилиш, монополияни бартараф этиш учун уруғларни тарқатиш, фермерлардан ноқонуний олиб қўйилган барча ерларни қайтариб бериш ва шу каби масалаларни илгари сурди. Кейин у аниқлик киритди:

– Ҳозирги пайтда бу каби ғоялар устида янада фикрлаяпман, ҳали уларни тартибга соламан. Мен ҳозиргача фақат қишлоқ хўжалиги кооперативи ҳақида гапирдим.

– Улар бизнинг бирон-бир таклифимизга рози бўлмайди.

– Нега?

– Сиз гўё ўз жонига қасд қилишни сўраяпсиз. Менинг эрим бу таклифларни биринчилардан бўлиб рад қилади. У қанақа одам эканини биласиз, – деди Биликс.

– Мен инқилобга эмас, балки ислохотга чақираман, – деди Омина. У умидсизликка тушишни хоҳламади. Айниқса, бу баёнотга барча фикрларини жамлаганди. – Икки ҳафта ичида қўллаб-қувватловчи гуруҳни ишга тушираман.

“Басарро умумий баёноти: ислохотлар стратегиялари...”

Нусхалар штат губернаторига, амир ва маҳаллий ҳокимият вакилларига, судьяларга, юқори мартабали амалдорларга юборилди. Шунингдек, университетда

Омина умумий баёнотдан келиб чиқиб ёзган асарини ҳимоя қилиши учун семинар ҳам бўлиб ўтди. Хужжат бўйича мунозаралар қизғин ва жонли кечди ҳамда бу баҳслар кўчаларга, яъни одамлар орасига ҳам кўчди. Бундан баъзи бир доиралар норози бўлди-ю, лекин Омина ушбу мавзу муҳокама учун улкан эшик очганидан хурсанд эди.

У изланишлари давомида Басарро аҳолиси сиёсатни аввал ўйлаб кўрмагани ҳамда тушунмагани ва турли хил қарашларни ажрата оладиган одамлар эмаслигини аниқлади. Шунингдек, аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенглик тушунчаси ҳайратланарли даражада эди. Хотин-қизлар доминант¹ эркак жамиятининг энг ашаддий тарафдорларига айлангандилар.

Оминага кўмита умумий консенсусини² тушуниш қийин бўлди. Бу унинг ташвишини кучайтирди. Шу ҳақда Харунага кечқурун сўз очди.

– Нима деб ўйлайсиз?

– Ҳозирча ҳеч нарса, – деди эри.

– Амалда Қонунчилик кенгаши аёлларнинг жамиятдаги анъанавий ролига бағишланган қонун лойиҳасини қабул қилиши керак. Ассоциация адвокатлари бу лойиҳада барчасини келтиришган.

– Қонун лойиҳасига нималар киритилган ўзи?

– Мен кўпчиликнинг муаммоларини муҳокама қилдим. Барчаси бор!

– Буни фақат қонун чиқарувчилар ўрганишади, уларгина ҳал қила олади.

– Менга энг кўп таъсир қиладиган нарса – сиёсат тўғрисида фикримиз бир бўлиши керак, – Омина тушун-

¹ Доминант – инглиз тилидан таржима қилинганида “ҳокимлик қилмоқ”, “устунлик” каби маъноларни англатади.

² Консенсус – лотинчадан олинган бўлиб, яқдиллик, келишувдир; халқаро шартномалар тузишда парламент ёки кенгашларда тегишли қарор қабул қилиш.

тиришга ҳаракат қилди. – Сизлар аёллар учун у ерда ҳеч бўлмаганда битта аёл бўлмай туриб қонун қабул қила олмайсизлар! Демократия – уни бошқарадиганларни тинглаш деганими фақат?!

– Омина, қулоқ солинг! Мен ноқулайликларни тўхтата олмайман, ахир. Хайрли тун! – дея Харуна шитоб билан чиқиб кетди.

Бир неча кундан кейин Фотима шошиб кириб келганида Омина чўчиб кетди.

– Сизга нима бўлди? – Омина хавотир билан сўради.

– Кўп нарса! Улар Талабалар уюшмаси фаолиятини тақиқлашди ва бизнинг икки раҳбаримизни жавобгарликка тортишди: президент Питер Акинни ва вице-президент Лейлани. Биласизми, зинокорлик учун суд қилинишидан қўрққан аёллар исён кўтаришган.

– Ҳа, эслайман, тош бўрон қилиш...

– Сизнинг ҳурматли эрингиз томонидан қабул қилинган қонун барча аёлларга қарши.

– Бизга кенгаш президенти қонун қабул қилинмагунича унинг мазмунини бирон-бир кимсага ошкор қилмаслик тўғрисида кўрсатма берганини айтишди. Бу маълумотни қаердан олдингиз?

– Мухолифат вакили айтди. У норозилик билдирган, қонун нусхаси эса уйдан мусодара қилинган!

Фотима қонуннинг айрим қисмларини овоз чиқариб ўқий бошлади. Оминанинг жаҳди чиқди.

– Барча мусулмон аёллар кийимлари кўздан кечирилади ва муҳокама қилинади. Белгиланган маълум фоизгина ўқувчи қизлар мактабга киришига рухсат берилади. Аёллар томонидан кўча савдоси тақиқланади. Барча аёллар ташкилотлари қайта мурожаат қилишлари керак, такроран рўйхатдан ўтгач, улар ҳукумат амалдорлари ва диний раҳбарларнинг

қаттиқ назорати остида бўлади. Маҳаллий саноат соҳасида ишлайдиган аёлларга солиқ солинади. Ёлғиз аёлларнинг расмий давлат хизматида ишлашларига рухсат берилмайди. Давлат турар жойларида яшовчи ёлғиз аёллар чиқариб юборилади. Ёлғиз ҳолда ҳомиладор бўлган аёллар зино учун судланадилар. Турмушга чиққан аёллар учун туғруқ таътили бекор қилинади... Шунингдек, ёлғиз оналар ноқонуний болаларни туғишга маҳкум қилиниши мумкин.

Омина ишончсиз ҳолда деди:

– Илоҳим! Бу қачонгача давом этади?

– Улар бизга ҳужум қилишди, бу хавфли! Биз шошилишимиз керак. Айтинг-чи, аёлларни бу курашга сафарбар қилиш учун қанча вақт кетади? – сўради Фотима.

– Эртагаёқ бошлаймиз, – Омина иккиланмасдан жавоб берди. – Бекорчи вақт йўқ!

– Ҳа, тўғри! Бу биз учун энг қийин пайт. Биз кучли ва адолатли бўлишимиз керак. Эртага кўришгунча! Ҳаёт учун жангга тайёрланамиз!

Эртаси куни кечқурун Фотима, Биликсу, Лейла ва Омина юзга яқин аёллар билан учрашди. Фотима балконга чиқиб, қонун лойиҳаси ҳақида гапира бошлади:

– Улар бизга туҳмат қилишга уринишяпти. Ҳаммамизга қарши эскирган турмуш тарзини олиб бориш мақсад қилинган. Яъни, қонун лойиҳасига кўра, ҳуқуқлар олиб қўйилмоқчи. Энди ҳар нарсасага эътибор беринг! Мамлакатимизда аёллар ҳар доим замонавий таълимдан маҳрум бўлишган. Жаҳолатда қолмайлик! Умнат зулматда, азизаларим! – Фотиманинг бўйнидаги томирлар шишиб, ўзи терлаб кетди. – Уларнинг айтишларича, ҳозирда ягона она – бу сизнинг ноқонуний болани туғиш учун танангиз. У билан ким

бирга бўлади, фарқсиз! Аёл ўзини ўзи ҳомиладор қила оларканми? Бу ҳукумат биз учун ҳеч нарса қилмайди. Биз ўзимиз учун курашишимиз керак! Биз эркимизни топширмаслигимиз зарур! – Фотиманинг хаёлига ялиниш ғояси келмади. У қонун, тартиб ва мансабдор шахсларни аямасликка чақирди. – Уларга раҳм қилманг, уларни бўғиб қўйинг, иложи борица кескин ва аниқ зарарланг! Бу ягона йўлимиз. Биздан бошқа ҳеч ким бу муаммога дуч келмайди. Ёки ҳукуматнинг ҳар талабига рози бўлаверасизми?!

Омина Фотимага қаради: унинг жасорати шу тобда қанчалар ҳурматли эди!

Учрашув тугади. Аёллар уйларига тарқалишди. Аммо уларнинг ҳар бири ўз фикри ва қарорига эга бўлиб кетди.

Омина “Аёллар вазиятнинг жиддийлигини тушунишдимикан?” – деб ўйланди, аммо буни билишнинг иложи йўқ эди. Уларнинг кайфиятларини билиб бўлмасди.

Фотима кетаётиб, Оминага шитоб билан юзланди:

– Университетга қайтиб боришим керак. Биз шошилиш йиғилиш ўтказаямиз. Адлия олий судидаги ишда ҳам иштирок этаман. Омина, менинг олдимдаги вазифалар жуда қийин.

Омина дугонаси нима демоқчилигини тушунди, лекин ҳаммаси яхши бўлишига кўпроқ вақт кераклигини ҳис қилди.

– Фотима, келинг, бироз кутайлик-чи! Аёллар нутқингизни ўйлаб кўришсин. Ҳар қандай жангда қичқириқ “зарбаси” ҳалокатли мағлубиятга олиб келади.

Омина Қонунчилик кенгаши қароргоҳига борганида у ердагилар уни эшитганлари ва тушунганларига ишонч билдирди. Уюшма биносига келганида эса

ижтимоий таъминот, ёшлар ва маданият бўйича кенгаш президенти Ҳаж Исса кутиб олди.

– Мен сизга қандай ёрдам бера оламан? – дея савол берди у.

– Биз аёллар тўғрисидаги қонун қабул қилинишидан олдин сиз билан маслаҳатлашишга келдик, – деди Омина мулойимлик билан. – Қонун лойиҳаси аёлларнинг манфаатларига зид экан. Аммо биз овозимиз баралла янграшини истаймиз.

– Сиз эрингизга, – деди у бармоғи билан ишора қилиб, – ётоқда бирга ётганингизда қонун лойиҳасига нисбатан ўз ҳис-туйғуларингизни айтиб беришингиз керак эди! Маълумот учун айтишим мумкинки, қоралама тасдиқланди. Давлатда тартибни йўлга қўйиш мақсад қилинган. Штат губернатори қонунни айти пайтда имзолаган бўлиши ҳам мумкин. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ! – Эркак нафрат билан кулиб юборди. – Сиз қайси дунёда яшаяпсиз? Ҳар ҳолда ақлдан озмаяпсиз, тўғрими? Мансабдорлардан ким билан гаплашмоқчисиз?!

– Сизда бирор режа йўқми? – Омина унинг гапини бўлди.

– Сиз аёллар тўғрисидаги қонунни тушунтириб беролмайсиз. Уларнинг фикрини ҳам ҳисобга олмасдан илож йўқ. Бу... тоза тентаклик! Ақл бовар қилмайди! – У бошини чайқади. – Сизнингча, бу ерда ва у ерда буйруқларни ишга туширгандан сўнг сиз бепарво бўласизми? Мен уйда бемалол ухлайман, токи тўртов хотиним ҳам яхши хулқли, итоаткор бўлса, сиз каби эмас.

Омина қаршилик қилди:

– Бу ерга хотинларингиз ҳақида гаплашиш учун келмадим.

– Вақт тугади! Ортиқча вақтимиз йўқ. Ҳозир биз штатда чиқиндиларни бартараф этадиган қонунларни қабул қилишга ҳаракат қиляпмиз. Дўстимиз Батор номи

билан кўчани номлаш ҳақида баҳслашмоқдамиз. Кейин таътил оламиз!

Омина ажабланди:

– Ҳозир шу устувор масалами?! Одамларга яхши ҳаёт борасида ғамхўрлик қилиш керак, улар озиқ-овқат, сув, электр, уй-жой ва бошқа моддий нарсаларга муҳтожлар. Илтимос, сиз одамларни ишлашга, таълим олишга рағбатлантирадиган ва уларни шижоатлантирадиган қонунларни ишлаб чиқинг.

Шу пайт кимдир аёлларни ташқарига чиқаришни буюрди. Омина ва унинг ҳамроҳлари губернаторнинг ҳукумат саройига йўл олдилар. У ҳали ҳам қонунни қўллашни тўхтатиш мумкинлигига ва бу ҳаракатлари ижобий натижа беришига ишонарди. Аммо борган заҳоти қонун тарқатилганини билишди.

– Бош судьяни кўрсам бўладими? – сўради Омина.

– Йўқ, кўра олмайсиз, – деди бир амалдор унга.

Омина ҳукумат саройини тарк этди, кўнгли қолди, бироқ мағлуб бўлмади. Энди у шахзоданинг саройига йўл олди. Лекин орада раҳбарлар бошқа бир оламда, ғаройиб ҳаёлот дунёсида яшаётганларини кашф этди.

Харуна ҳурматидан шахзода Оминани қабул қилди.

– Таъқибдан эҳтиёт бўлинг! Уйга бориб, эрингиз каби яшанг. Эрга итоаткорлик Худога итоат қилиш билан тенг, – дея ваъз ўқиди шахзода.

* * *

Омина хижолат бўлганича уйга қайтди. У ўз хонасига кириб, ташқарида кутиб турган аёлларга баланд радио орқали барча янгиликларни эшиттирди. Натижада ғарбий маълумотга эга аёл бошчилигидаги Басарро хотин-қизлари шаҳарнинг асосий кўчаларига кириб боришди ва обрўли қонун чиқарувчи мажлиснинг ишини “шафқатсизларча” рад этишди. Аёллар демократик йўл билан норозилик намоиши ўтказдилар ҳамда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини та-

лаб қилдилар. Лекин бу норозилик муваффақият қозонмади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери, яъни раиси Ҳажжи Боку мазкур ноқулай вазиятни бартараф этиш учун қўмита тузилганини маълум қилди. Шунингдек, у аёлларнинг бошқа номувофиқ хатти-ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида қонун виждонан қабул қилинганини айтиб, унинг мазмуни шариат ва урф-одатларга тўғри келишини таъкидлади.

Зудлик билан Қонунчилик ассамблеяси президенти аёлларга ишонмасликни маслаҳат берди. У қонунга эътироз билдирган ҳар қандай аёлнинг иши судда қўрилишини айтди. Гуё бу намоиш хотин-қизларга таълим бериш хавfli эканини аниқ кўрсатиб қўйганди.

Штат губернатори Бакарро аёллар уюшмасига бостириб кириб, аёллар кооператив ҳаракатини тарқатиб юборди. Банкдаги ҳисоб-китоблар музлатилди ҳамда барча мол-мулк мусодара қилинди. Аёлларнинг ўзаро учрашувлари ва намоишлар тақиқланди.

Мухбирларнинг етакчи ҳисобланган Омина Харуна билан боғланишга уринишлари муваффақиятсиз бўлди.

* * *

Ўшанда Омина радио орқали овоз берганида аёллар дарҳол унга қулоқ солишди. У бошини чайқаб, шундай деди:

– Ҳар бир инсоннинг ҳаётида шундай лаҳзалар бўлади, унинг иккита йўли бор: ҳаёт ёки ўлим, таслим бўлиш ёки кураш. Улар бизни шу даражага олиб боришди. Келинг, бирлашиб, режа билан иш тутайлик!

Жума куни Омина одамлар намоз ўқиш учун марказий масжидга борганларида ҳаракатни бошлади. Унинг сафдошлари қонунларни бекор қилиш усулини излаш керак, деган қарорга келишди.

Аёллар ўз фикрлари билан уларга келиб қўшилишарди.

– Биз азобланишга ўрганиб қолдик!
– Тиз чўккан аёл йиқилишдан кўрқмаслиги керак.
– Агар олға юрилса, ўлиш мумкин. Лекин тошбўрон қилишса ҳам, ўлим кутиб турибди. Шундай экан, келинг, хужумни олдинга сурайлик!

Харунанинг саволлари хонани ларзага келтирди.

– Нега мени хижолатга қўйдингиз? Мени қамашсинми? Тинчлик учун аёллар уюшмасини унутинг! Биласизми, мен лидер сифатида фаолиятимни тугатдим! Бу сизнинг нотўғри ишингиз туфайли бўлди. Мен ваъда қилинган лавозимни ололмадим!

– Бу сизнинг муаммоингиз! Мен уларга аралашмаяпман, ўз ишимни қияпман, – Омина бепарволик билан жавоб қайтарди. – Ҳаж, сиз кўп одамлар азоб чекаётганини ва уларнинг аксарияти аёллар эканини билмаяпсизми?

– Аммо мен улар учун ҳеч нарса қилолмайман, – Харуна ўзини ҳимоя қилди. – Ростини айтсам, одамлар азоб чекаётганини биламан, аммо ким жавобгарлигини билмайман. Мен уларнинг машаққатларини қандай енгиллаштиришни билмайман!

– Биз бу қийинчиликларни бартараф этиш учун фикрларни ёзиб чиқдик ва тушунтириш ишлари олиб бордик.

– Сизнинг таклифларингиз ҳақиқатга зид эди. Сиз давлат иши ҳақида ҳеч нарса тушунмайсиз.

– Мен фуқароман ва талаб қилишга ҳуқуқим бор! Кўп одамлар билан иш тажрибамни юксалтирдим ҳамда қашшоқлик муаммосини ҳал қилиш бўйича талайгина фикрларга эга бўлдим. Нега мен одамлар ҳақида қайғуряпман, биласизми? – деди Омина ва эрига нигоҳини қаттиқ қадади.

Харуна каловланиб қолди. У ўз хотинини таний олмаётган эди. Шунда ҳам паст кетмай, жаҳл билан Оминадан сўради:

– Қайси сиёсий партия ёки ким сизга муаммолар келтириб чиқаряпти? Аксинча, сизга ўхшаган одамлар муаммоларни келтириб чиқаряпти. Бунини итотсизлик деб таърифлайман. Бундай фитнани тўхтатинг!

– Мен йўлнинг ўртасида таслим бўлмайман! Охиригача боришим керак. Агар камбағал аёлларни ҳимоя қилиш байроғи остида туришимни саргузашт деб ўйласангиз, унда мен бу фитна билан олдинга силжишимдан хурсандман!

– Унда сиз бу уйдан чиқиб кетишингиз керак бўлади!

– Тушунарли! – Омина оҳиста жавоб берди.

Харуна ҳис-туйғуларини кўрсатмасликка ҳаракат қилди. У эшик олдида етганида хотини:

– Мен ҳомиладорман! – деди.

Харуна тўхтаб, Оминага қаради. У тўсатдан айтилган янгиликни ҳазм қилишга ҳаракат қилди. Аммо ҳеч нима демасдан чиқиб кетди.

* * *

Ҳа, яқинда Харуна нега малика Омина ўз халқи учун курашган қаҳрамон сифатида ҳаракат қилганини билиб олади.

Аёл тўшақда ётар экан, ўзининг муваффақиятига ишонч ҳосил қилди ва режалар тузди. Биринчидан, Хавла ва Ларри билан Майроникига бориб келиши керак.

Режанинг бир қисми сифатида у эҳтиёткорлик билан кийинди. Уч аёл зулматда ташландиқ кўчалар ва чириган хиёбонлардан югуриб ўтди. Етиб боришгач, Омина Майрога режа ва унинг вазифалари ҳақида маълумот берди. Улар келишиб олишганида Майронинг эри эшикка яқин келиб қолганди.

– Ҳаж, унинг ҳозир бўлиши хавfli, – деди оқ костюм кийган бир киши.

– Мен ҳайит байрамида уни ҳайратда қолдирмоқчиман. Намоздан кейин бериш учун уй, машина ва бошқа нарсалар сотиб олдим. Одатда қизларнинг таълим олишига тўсқинлик қиладиган қонунни қатъий қўллаб-қувватлайман. Оминанинг қонунга қандай қарши эканига қаранг!

– Йўқ, биз кўпчилик томонидан маъқулланган қонунларга қарши эмасмиз.

– Биз... биз киммиз? Сиз улар орасидамисиз?

– Менинг билганим шуки, бу диний ҳаракат эмас.

– Биз тайёрмиз, – деди мушук кўйлагидаги одам шу пайт.

– Кўчма полиция ва отряд, аскарлар, бўлинмалар, пиёда бригадалар жангга тайёр! Аммо полиция комиссари куч ишлатишни бекор қилди. Агар аёллар йиғилиб намоёиш қилишса, ҳибсга олиш буйруғини бермасликни буюрмоқда. У Басарро аёллар уюшмасининг фаолиятини қўллаб-қувватлайди, – деди оқ костюм кийган эркак.

– Нима бўлди?!

– Ҳаж, йиғин сизнинг уйингизда, – деди оқ костюм кийган киши. – Эртага кечқурун учрашамиз.

– Худо хоҳласа, – деди Ҳажжи Ҳаруна.

Сўнгги бир неча ой ичида Омина минтақадаги жиддий куч сифатида эътироф этилди. У давом этиш кераклигини биларди-ю, аммо ўзини тубсиз жарликда тургандек ҳис қиларди, намоёиш ҳам тўлиқ охирига етмади.

Омина ибодат қилиб, Худодан мадад сўради. Тун тинч ва сокин эди. У ўрнидан туриб, дераза олдида борди. Бу можаролар қачон тугар экан-а?! Эртага қуёш

яна кўтарилади, шамол эсади, қушлар жўшиб куйлайди ва одамлар ҳайитни нишонлашади. Уйқуси келмаса-да, Омина тўшагига чўзилди.

XVIII ФАСЛ

Бу тонг Омина жуда эрта уйғонди. У норозилик намоишини ўйлаб анча ўтирди, бари беҳуда кетишидан хавотирланди. Аммо ўзига ишонарди. Шундай бўлса-да, мағлубият эҳтимолини ҳам ўйлаб кўйди.

Нонушта пайтида радиода штат губернатори улуғ байрам муносабати билан фуқароларни табриклади.

– Сизларга салом бўлсин! Хайрли тонг! Қурбон ҳайити муносабати билан юртимиздаги мусулмонларга энг яхши тилакларимни йўллайман. Биз, шунингдек, бутун дунё мусулмонларининг қувончларига шерикмиз. Бугунги байрам бизни қурбонлик келтиришга, сабр-тоқат қилишга ва кечиримли бўлишга чақиради ҳамда адолатли, бахтли жамият куришда нима қилишимиз кераклигини англатади. Аллоҳ буюқдир! Фурсатдан фойдаланиб, фуқароларни қонунга бўйсунтиришга ва тинчликни сақлашга чақириб қоламан. Яшашимиз ва ривожланишимиз учун бизга хотиржамлик керак! Ислоҳ эса тинчлик динидир. Тинчлик-хотиржамликни сўраб Худога дуо қиламиз.

Шундан сўнг расмий хабар ўқилиб, давлат полицияси раҳбарияти фуқароларни дам олиш кунлари тинч бўлишга ва қонунга бўйсунтиришга чақирди. Полиция томонидан берилган баёнотга кўра, хотиржамликни бузган ҳар қандай одам ёки гуруҳга тегишли чоралар кўрилади.

– Барча фуқароларга диний маросимлардан ташқари ҳар қандай йиғилишлар тақиқланади. Бу борада айбдорлар бўлса, жавобгарликка тортилишини эслатиб ўтаман.

Омина радиони ўчириб, кийимларини алмаштирди. Ўзига хос костюм кийгач, гўзаллиги янада ортганди. Сўнг бошига рўмол ўради.

– Инқилоб якунланди, – деди Майро.

Оминага тарафдорлари катта курашда ёрдам беришди. Куёш ҳам гўё ўзгача порлаб чиқди. Қизиқ, қайси бири чиройли: кўтарилаётган куёшми ёки инқилобчи аёлларми?

* * *

Омина аёлларга иштироклари учун ташаккур билдирди.

– Натижа дарҳол билинмайди, аммо энг юқори доираларга таъсир қилмай қолмайди. Аёлларга солинадиган солиқ қабул қилиниши мумкин эмас! Мамлакатимизда етарли пул бор, лекин адолатли ёки оқилона тақсимланмаган.

Омина қатъий гапирди. Оломон уни рағбатлантирар экан, у жиддий турди, ҳаяжонини билдирмади. Одамлар бу етакчи аёлни кўллаб-қувватлашда ҳамда азоб-уқубатларни, адолатсизликни, эксплуатацияни ва эрксизликни рад этишда бирлашдилар.

– Бизнинг тажрибалар шуни кўрсатадики, аёллар иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида самарали ишлашлари мумкин. Биз ўз вазифаларимизни амалда бажариб, мажбуриятларимизни таҳлил қила оламиз. Аёллар эркаklar сингари иқтидорли, қобилиятли ва ижодкордирлар. Мен аёллар яхшироқ иш тутишига аминман. Эркаklarга оддий савол беринг: ўтган асрда жамиятимизни ривожлантиришда қандай ютуқларга эришдингиз? Агар сиз чиндан ҳам аёлларингизни яхши кўрсангиз ва уларга ғамхўрлик қилсангиз, унда нега уларнинг азобларини енгиллаштириш учун кўмаклашмайсиз? Бошқа жамиятлардаги эркаklar аёлларнинг эҳтиёжларини қондиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Нега уларни

кўрмаяпсиз? Айтишларича, аёлларнинг безовталаниши вулқонга ўхшайди. Безовта бўлдикми, портлаймиз!

Омина уларга режаси ҳақида гапириб берди, у “Танлов йўқ” деб номланган эди:

– Бошланғич мактабга борамиз ва талабларимиз бажарилмагунича ўша ерда қоламиз. Биз эркакларга қарши курашмаяпмиз. Йўқ! Биз қонунларга, адолатсизликка ва шафқатсизликка қарши чиқаяпмиз, холос. Агар улар қонунларни бекор қилсалар, солиқларни олиб ташласалар ва фаолиятимизни тақиқламасалар, тўхтаймиз! Ўз хотинига, синглисига, қизига ёки бошқа аёлга ёмон муносабатда бўлган ҳар қандай эркак бизнинг айбимизни топишга уринса, албатта, жазоланишига ваъда берамиз.

Шу пайт ёш бир аёл Оминага нафрат билан қараб сўз очди:

– Сиз аҳмоқ экансиз! Шунчаки ўз фаровонлигингизга эришиш учун Басарродаги тинчликни бузмоқчи бўляпсиз! Агар сиз эрингиздан мамнун бўлмасангиз, унда бошқа уйга кетишингиз мумкин.

У ерга тупурди ва кетди. Шундан сўнг Оминани кўрқитадиган ва ҳақорат қиладиган бошқа бир неча аёллар ҳам ўзларини кўрсата бошлашди. Ҳа, ҳамма ҳам уни қўлламаётганди.

Аёлларнинг оммавий инқилоб бошлаши эркакларга қоронғи эмасди. Бу уларнинг чарчаган юзлари ва ҳаракатларидан маълум эди. Ҳамма, айниқса, аёллар бундан кейин нима бўлишини кутишаётганди. Омина ўртада турарди. Унинг орқасида оломон бор эди, бошқалар эса ташқарида кутиб турганди.

Шу пайт Ҳажжи Ҳаруна пайдо бўлди.

– Нима бўляпти? – деб сўради у.

Омина ўрнидан туриб, ишонч билан жавоб берди:

– Биз айрим қонунларга қаршимиз!

– Бугун улуғ кун! Бундай норозиликни унутишимиз керак. Аксинча, тинч-хотиржам ва хурсанд бўлишимиз лозим, – деб таъкидлади Харуна.

– Биламан, аммо бу менинг муҳим куним! Лекин агар сиз бизнинг талабларимизга рози бўлсангиз, ҳаммаси яхшилик билан якун топади.

– Сиз нима сўраяпсиз?

– Бизнинг сўровларимиз сиз учун янгилик эмас.

– Сиз муаммоларга сабабчи бўляпсиз! Аёлларни ҳимоя қилиш учун қонунлар ишлаб чиқилган.

– Йўқ! Йўқ! Йўқ! Биз ўз манфаатларини кўра олмайдиган ҳайвонлар эмасмиз. Нима яхши ва нима ёмонлигини биламиз. Бизни эшитмагунингизча намоёйиш уюштираверамиз.

Ҳажжи Харуна безовталаниб қолди. У чуқур нафас олиб, келишувга яна уриниб кўрди:

– Расмий мажлисда мен қонунларни қайта кўриб чиқишга ваъда бераман. Вакил сифатида аёллар учун барча солиқларни тўлайман.

– Сизнинг раҳм-шафқатли ташаббусингиз учун миннатдормиз!

– Биз аёллардан солиқ тўлашни талаб қиладиган қонунни қабул қилдик. Аммо бу йил штатда бирон-бир аёл пул тўламайди, келишдикми?

– Агар келаси йил учун пул тўламасангиз, нима бўлади?

– Бу солиқ бизнинг иқтисодиётимизни тиклаш ва ташқи қарзларимизни тўлаш учун зарур, – деди Харуна.

– Бу бизнинг муаммомиз эмас! Биз кредитлардан қандай фойдаланишганини кўрмадик. Шундай экан, нима учун тўлашимиз керак?!

– Сиз айбсизсиз, – Харуна аёлларга мурожаат қилишни бошлади. – Хотиним кўр бўлиб қолибди ва у бундай намоёйиш ортидан шон-шарафга интилмоқда. Сиз жуда оғир жиноят қиляпсиз!

– Биз Қодир Аллоҳ номи билан ушбу қонунни бекор

қилишингизни сўраймиз, – Омина баланд овозда деди. – Динимиз эксплуатация ва адолатсизликка қарши туради. “Худо сиз учун осон бўлишини истайди ва сизга қийинчиликни хоҳламайди”, дейилмаганми? Биз сизни ва бошқа ҳукумат амалдорларини, анъанавий етакчиларни Исломнинг ушбу таълимотига амал қилишга чақирамиз.

Ҳаж умидсиз ҳолда хотинининг олдига келиб, унга буюрди:

– Ўчир!

Сукунат. Харуна ҳайкалга ўхшаб туриб қолди. Омина пешона терини артар экан, эрини енганини англади. У жимгина аёлларни ташқарига олиб чиқди.

* * *

Айрим аёлларнинг иштироки олдинги учрашувлардаги каби яхши эмаслигини сезган Омина шундай деди:

– Ҳурматли аёллар, биз бугун озодлик йўлида биринчи тарихий қадамни ташламоқчимиз. Агар кимдир ғалабамизга шубҳа қилса ёки ишонмаса, у кетиши мумкин. Биз ҳеч кимни мажбурламаймиз. Умид қиламизки, ҳақиқий қийналаётганлар бизнинг ишимизни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Омина олға юриб кетди. Кекса аёллар, ҳомиладорлар, қизлар ва хотинлар ёш болаларини белларига боғлаб, унга эришишди. Ларри кўшиқ куйлаш учун гуруҳ тузган эди. Улар жўр бўлиб куйлай бошлашди:

– Ўрнингдан тур, сен қувғин бўлдинг,
Ёлғон учун чин дилдан кураш!
Оч ўзинг-чун эркинлик йўлин,
Юрагингда бор бўлсин оташ.
Солиқ бекор бўлмоғи керак,
Аёл бахтли қулмоғи керак!

Намойишчилар Бакарронинг асосий кўчалари бўйлаб тўхтовсиз ҳаракатланиб, шаҳар маркази томон йўл олдилар. Одамлар уларни томоша қилиш учун уйларида чикиб келишарди.

Аёллар шаҳар марказига етиб келишди. Мам Пренс саройи. Омина сафдошларини отлари бор кенг йиғилиш майдонига олиб борди.

У ерда айрим одамлар таъна тошларини ота бошлашди:

– Сиз ўзингизни ким деб ўйлаяпсиз? Эй фоҳишалар! Уйингизга қайтинг!

Омина парво қилмай, юришда давом этди. Намойишчилар Бакарро дарёси устидаги ёғоч кўприкдан ўтиб, мактаб футбол майдонига жойлашдилар. Ниҳоят, улар манзилга етиб келишди ва дарҳол овқат тайёрлашни бошлашди. Вазиятга қарамай, аёллар мазали кечки овқатни пишириб, еб олишга ҳам муваффақ бўлишди.

Сўнг етакчи Омина гап бошлади:

– Биз, Басарро аёллар уюшмаси аъзолари, эрларимизнинг уйини тарк этдик, чунки бизга ноҳақ муносабатда бўлишганини ҳис қилдик. Агар биз чиқмасак ва уйларимизда қолсак, адолатсизликка эргашган бўламиз. Бу яхши ечим эмас. Бироқ ҳозирги вазиятда эса биз ҳам инсон эканимизни кўрсата билишимиз керак. – У бир аёлни ёнига чақирди. – Мана бу аёлга қаранг! У эркаклар билан бир уйда хизмат қилди. Кун бўйи тер тўкиб ишлади. Аммо иш тенг бўлса-да, даромад тенг бўлмади. – Омина аёл ўз ҳикоясини давом эттириши учун тўхтади. У негадир завқланарди. Оломон воқеадан таъсирланганини кўриб, табассум қилди.

– Аёллар таълимдан бош тортишса ва ўрганишмаса, эркакларга ишонишга ҳамда уларнинг қўл остида қолаётган бўлиб қолишга мажбур бўладилар. Модомики, шундай бўлса, доимо хўрланадилар. Шунингдек,

бу жамиятда аксарият аёллар мажбурий равишда турмушга чиқадилар. Биз институт сифатида никоҳга қарши эмасмиз, аммо мажбурий никоҳ борасида кескин курашишимиз керак. Эркак ўз хотинини танлагани каби аёлда ҳам танлов бўлиши лозим. Агар қиз эрга зўрлик билан турмушга чиқса, у бахтли бўлолмайди. Мабодо, зўравон одамга никоҳланса, ажрашолмайди. Агар у ишлаётган бўлса, ёмон сўзлар билан тавсифланади. Кекса ва ожиз аёллар ўзларининг ўлим кунини кутиб, кўчаларда яшайдилар ёки қашшоқлик сабаб тиланчилик қиладилар. Энди эса кўча бизнеси ҳам йўқ бўлди. Энг ёмони, маҳаллий ишлаб чиқаришда, ишлаётган аёлларга солиқ солинади. Жамиятдаги ҳар бир инсон эркин бўлиши кераклигини биз очиқ айтишимиз зарур. Минглаб аёлларнинг фоҳишалик қилаётганини кўриш нақадар бахтсизликдир. Ҳукумат ҳар доим бизда малакали ишчи кучи етишмаслигини айтади. Малакали ишчи осмондан тушмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, аёллар ҳам ўқиши ва малакали бўлиши мумкин. Маълумки, Қонунчилик мажлисида ваколатимиз йўқ. Бизни сиёсатдан бутунлай четлатишди. Сайлов пайтида ҳам овоз беролмаймиз. Уюшма ташкил қилган бўлсак-да, аёлларга тааллуқли масалалар бўйича биз билан маслаҳатлашмайдилар. Бунинг ўрнига, бизга зулм келтирувчи, нафратимизга сабаб бўлувчи қонунларни қабул қилишади. Бу демократиями? Хусусан, уюшмамизни сақлаб қолиш учун мен ҳукмдорга мурожаат қиламан. Агар у бизни ҳимоя қилмаса, ўзи муваффақиятга эришмайди. Бугунги воқеалар шуни кўрсатадики, келажакда биз янада кучайиб борамиз. Азиз аёллар, келинлар, доим бирга бўлайлик! Демак, ҳар биримиз эркин бўлмагунимизча ҳеч ким озод эмас!

Кеча сукунатида гулханлар баланд кўтарилди. Тун кўйнида майин шаббода эсарди. Аёллар доира бўлиб ўтиришар, бир-бирларига ҳазил қилишар ва рақсга тушишар эди.

Кимдир ёғоч кўприкдан ўтиб келарди. Аёллар дарҳол сергак тортишди.

– Сиз душманми ё дўстми?

– Танишиш учун олдингизга борсам бўладими?

У энг сўнгги янгиликлардан бохабар ва муаммоли вазиятларга ечим топа оладиган директорнинг хотини эди.

– Бу бир-биримиз билан танишишимиз мумкин бўлган оз имкониятдан биридир, – деди Омина.

– Мен йигирма икки йил олдин шу ерда туғилганман. Отам диндор бўлиб, намоз ўқирди, одамларни Исломга даъват этарди. – Аёл ўз яшаш шароити, уюшма билан боғлиқ хулосалари ва ҳоказолар ҳақида гапирди.

Ларри ҳам ғайрат билан гапира кетди:

– Мен эса деҳқон оиласида туғилганман. Болалигимдан умидсизлик, очлик ва қайғу опасида бўлганман. – У ёш турмуш қургани, қийналиб бола туққани, қандай қилиб касалхонага ётқизилгани-ю, туғруқ пайтида қанча азоб чеккани ҳақида сўзлаб берди. – Агар сиз ўшанда касалхонада бўлганингизда Саҳил ал-Адилни кўрардингиз. Балоғат ёшидаёқ бачадонидан айрилган. Энг оғриқли нарса шундаки, эри уни парваришсиз қолдириб, ташлаб қўйган. Мендан кейин турмуш қурган қиз ҳам касалхонага ётқизилган. Охирги борганимда шифокорлар унинг вафотини кутишаётганди. У худди мендек касалликка учраган экан. Аммо иккимиз ҳам Худонинг иродаси билан тирик қолдик. Омина мени яхши кўрганини, умид бериб, ҳаётга қайтарганини барчангиз биласиз. – Сўнг Оминага қараб гапида давом этди: – Мен ёрдамингиз ва қўллаб-қувватлаганингиз учун доимо сиздан миннатдорман! Энг катта қувончим шуки, сиз аёллар уюшмасини ташкил қилиб, бундай хайрли ишларда давом этдингиз. Мен ўз ҳуқуқимни талаб қиладиган

ушбу норозилик намоёишида иштирок этаётганимдан жуда хурсандман. Нега менинг собиқ эрим бошқаларга зарар етказиш жазосидан омон қолиши керак? Нима учун балоғат ёшига етмаган қизларнинг ноқонуний равишда ҳибсга олинишлари ва ўзларини боқишга маҳкум этилишлари лозим? Нега Қонунчилик кенгаши балоғатга етмаган қизларни ҳимоя қилиш учун турмуш қуришнинг минимал ёшини белгиловчи қонунни қабул қилмайди? Энди мен сизнинг олдингизда туриб, эримдан етказилган жисмоний ва маънавий зарар учун компенсация талаб қиламан. Мен у ва унга ўхшаш одамларни жазолашни таклиф этаман, чунки улар жамият учун хавф туғдиради.

Шунда гўзал ва озғин бир аёл яқинлашди, унинг кўзлари чақнаб турарди:

– Мен фермада ишлайман, яъни деҳқончилик қиламан. У ерда куёш ботгунча бўламан. Сўнг уйда овқат пишираман, кир юваман ва ҳоказо. Мен бу ишларни ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида қилиб келдим. Эндиликда ўзимни кучсиз ва заиф ҳис қиляпман. Нима демоқчиман, ҳар сафар эрим ҳосил йиғилганида сотади, аммо менга ҳеч нарса бермайди. Мен кооперативни ташкил қилганимда у билан ишлашдан бош тортдим ва ўз фермамда ишладим. Ҳозир болаларим билан оч қолмаяпмиз. – У мамнун ҳолда жилмайди. – Энди дугонам Ламининг ҳам воқеасини айтиб берай. Эҳтимол, унинг эрини танирсиз. У шаҳзода учун курашаётганида вафот этган. Лекин буни қарангки, эри дафн этилгач, шаҳзода ундан уч кун ичида уйни бўшатишини сўраган. Лами эса бу уйни сотиб олишганини айтган. Бироқ у талон-тарож қилинди, судья шаҳзоданинг фойдасига қарор чиқарди. Дугонам шунда ҳам уйидан кетмади. Кейин учта машинада полиция келди. Мен барчасига гувоҳман. Улар эшик-деразаларни ёпишди ва уйга ўт қўймоқчи бўлишди. Лами ва мен қочиб қолдик. Ҳозир у Бакарро марказидаги пальма дарахти остида яшайди,

уч фарзанди ҳам ўзи билан. Айни пайтда унинг уйи бузилган, ўрнига меҳмонхона қуриляпти.

Омина аёлларга ухлаш кераклигини айтди. Лекин қизлардан бири директорнинг хотинидан ўз воқеасини айтиб беришини сўради.

– Бутун шаҳар тартибсизликда эди, – деди директорнинг рафиқаси. – У икки одам билан келди. Аксарият эркаклар ўша пайтда аёллар эрларини заҳарлашаётганидан чўчиб, хотинлари қўлидан овқат ейишмасди. Менинг ҳам эрим шундайлардан эди. Улар овқат пиширишни иташди. Аммо биринчи навбатда қозонга нима солиш кераклигини билишмади: ёғми ёки гўшт? Эрим ҳаётида биринчи марта пиёз арчди, шериклари эса аччиқ тутун ва оловдан шикоят қилишди. – Тинглаётганлар кулиб юборишди, ахир бу аёлларга қарамликни билдирар эди-да...

* * *

Оминанинг шу кеч саримсоқпиёз егиси келиб ухлаб қолди. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай, ғала-ғовурдан уйғониб кетди. У эсанкираб ўтираркан, бу туш эмаслигини англади.

Аёллар бир қизни ўраб олган, ундан эса қон кетиб, оғриқдан додлар эди. Омина дарҳол Соғлиқни сақлаш кенгаши раиси Нгозини қидириб кетди. Нгози ҳам сумкасини олди-ю, бемор ётган жойга югурди.

Улар Зайнабни директорнинг хонасига олиб боришди. Нгозига бир нечта аёллар ёрдам беришди. Омина бошқалар билан ташқарида кута бошлади. Бироздан сўнг Нгози хонадан жилмайиб чиқиб келди. У Оминага Зайнабнинг туққани ҳақида пичирлади.

– Худога шукр, – деди Омина. – Ўғилми ёки қиз?

– Сиз нима деб ўйлайсиз? – сўради Нгози.

– Қиз!

– Йўқ, ўғил бола!

– Сиз чиндан ҳам қизни сақлаб қолдингиз, раҳмат! – деди Омина.

– Она ва бола бироз дам олиши керак. У жуда мадорсиз.

Аёллар чақалоқни кўриш учун хонага киришди.

– У отасига ўхшайди, – деди бири.

– Йўқ, янглишяпсиз, онасига ўхшайди, – эътироз билдирди Омина. – Мана, унинг бурни ва лаблари худди онаси!

– Отаси ким? – сўрашди аёллар.

Зайнаб индамади. Савол яна такрорлангач, у хижолат тортди.

– Бу узоқ ҳикоя, – деди Зайнаб паст овозда. – Бир неча йил олдин мен қизлар ўрта мактабида таҳсил олардим. Отам ишдан бўшагач, тўловни тўлай олмаганимиз учун мени мактабдан ҳайдашди. Шундай қилиб, уйда қолдим. Кейин овқат тайёрлаб сотишни йўлга қўйдим. Бир куни, яъни ўтган йили овқатларни сотиб, уйга қайтаётганимда бир йигит ҳамёнимни олиб қочди ва қурилиши тугалланмаган бино ичига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Мен ортидан қувдим, лекин у мени ушлаб олиб зўрлади. Бақир-чақир қилдим, у эса оғзимни ёпди. Хуллас, ҳомиладорлигимни билганимда нима қилишни билмай қолдим. Мен аҳволимни яширишга ҳаракат қилдим, аммо отам сезиб қолиб, уйдан ҳайдаб юборди.

– Сиз нега дарҳол ўша йигитга бу ҳақда хабар бермадингиз?

– Аввалига кўрқдим ва уялдим. Бу жуда даҳшатли эди, таърифлашга сўз топа олмайман.

– Кейин нима бўлди? – сўради бошқа аёл.

– Мен унинг онасига бу ишни судга олиб чиқишимни айтдим. У эса йиғлаб юборди. – Аёллар бир-бирларига қарашди. – Бугун мен бу чақалоқни ахлат қутисигами, дарёгами ё бирон-бир жойга ташламоқчи эдим. Бир ўзим уни қандай катта қиламан? Ахир унинг отаси йўқ, менинг эса ёрдамчим йўқ! Бугун эрталаб қочмоқчи эдим, аммо кучим етмади. Бошқа шаҳарга кетиб, у

ерда янги ҳаёт бошламоқчийдим. Энди барчангизни ишонтириб айтаманки, мен унга ғамхўрлик қиламан! Бу бола менинг ҳаётим бўлади. Улғайганида эса унга ҳаммасини айтиб бераман.

Бир зум сукут сақланди. Сўнг аёллар исм қўйишни таклиф қилишди.

– Аввал уларга дам берайлик, – деди Омина ва ҳаммани хонадан олиб чиқиб кетди.

Чақалоқни номлаш маросими нонуштадан кейин бошланди. Болалардан бири Маитасара исмини айтди. Яна кимдир “Хома”, деди. Шу пайт “Тез ёрдам” машинаси келиб тўхтади. Ундан беш аёл тушиб, Оминани қучоқлашди. Улардан бири ёш аёл Дега эди. У намоийшчиларга мурожаат қилишни хоҳлади. Омина аёллардан тинглашни сўради.

– Биз ҳамширалар ассоциацияга ёрдам беришни давом эттиришга қарор қилдик. Бизга ҳукумат томонидан чора кўрилди. Энди душанба куни бизнинг уюшма ҳам штатдаги умумий саломатликнинг яхши эмаслиги, иш ҳақи берилмаслиги ва малакали тиббий ходимларнинг доимий равишда ишдан бўшатилишига қарши норозилик намоийши ўтказди.

Шундан сўнг ҳамширалар Зайнаб ва унинг чақалоғини олиб, касалхонага қайтишди.

Бир гуруҳ фермерлар аёлларини уйга қайтишга кўндириш учун келишди.

– Худо Одам Ато учун Момо Ҳавони яратди. Аёлларнинг эркакларга қарши исён қилиши мумкинлиги ҳақида бирон ерда ёзилмаган, – дейишди улар.

Бошқа бир деҳқон шундай деди:

– Ростини айтсам, хотиним тўғри йўлда эмас. Энди ўйлаб кўрсам, у тарбияланиши керак...

– Кетинг бизнинг уюшмадан! – деб бақирди бир аёл. – Мен унинг рафиқаси Ҳиндман. У ҳосилимизни ёқиб, фермаларимизни вайрон қилган.

– Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам у! У менинг хотиним! – деди эркак. – Тўғри, ер эгаси бизга биринчи навбатда хотинларимизни уюшмадан чиқаришни маслаҳат берди. Лекин кўпчилик аёллар буни рад этишди.

– Нима? – аёли унга қараб юрди. – Борини айтинг! Кўрқманг!

– Мен кўрқмайман, – деди эркак табассум билан. – Демокчиманки, сизлар улардек ҳар хил экинларни экишингиз мумкин. Агар ишингизга тўсқинлик қилмасак, ер эгалари тирикчиликларини йўқотиб қўяди. Ахир бу уларнинг даромад манбаи ҳисобланади. Қисқаси, сиздек мустақил аёллар кўпайиши керак эмас!

– Монополия инсониятга қарши жиноят эмасми?

– Бой деҳқонлар ўз ишларини билиб қилишади.

– Айтинг-чи, ўшаларга солиқ тўлайсизми?

– Биз ҳар доим солиқ ва тўловларнинг турли шакллари тўлаб келганмиз.

– Пулни қаердан оласиз?

– Буюк Худо бизга доим ёрдам беради. У бизни ризқимиз билан яратган!

– Сиз деҳқонлар, – деди Омина, – ўзингиз ҳақингизда жиддий ўйлаб кўришингиз керак. Ирқингиздан келиб чиқиб, қул бўлдингиз ва ер эгалари бойиб кетдилар. Агар бош кўтармасангиз, қашшоқликда қолаверасизлар. Сизлар яхшироқ ҳаёт учун курашишларингиз керак. Биз эса улар талабларимизга жавоб бермагунларича давом этамиз. Тўғри, эркаклар аёлсиз яшолмаганларидек, биз ҳам эркакларсиз яшай олмаймиз. Бу табиат қонунидир. Биз аёллар эркакларни ҳурмат қиламиз ва севамиз!

Кейинчалик қўллаб-қувватлаш гуруҳининг аъзолари ҳам келишди. Омина уларни кўриб хурсанд бўлди. Гуруҳнинг ногирон президенти Питер Акин билан саломлашди. Омина унинг узун соқолига қараб жилмайди ва пайқадик, кўзлари қизарган ҳамда нам.

– Биз мактаб тўловларини оширишга қарши норозиликни билдириш учун федерал пойтахтга бостириб кирдик. Полиция бизга кўздан ёш оқизувчи газни ташлаб, сўнг шафқатсизларча калтаклади. Айрим талабаларни ҳибсга ҳам олди.

– Фотима қани? – сўради Омина.

– Уни касалхонага олиб кетишди, ҳозир у даволанмоқда.

– Нима? – Омина бақариб юборди.

– Полициячилар уни ҳам калтаклашган, аммо қочишга муваффақ бўлди. Ребека ҳибсга олинди, уни аямай уришган, белида чуқур яра бор.

– Нималар бўлибди-я!

Акин қора қалпоғини ечди, унинг боши дока билан боғланган эди. Омина ҳамдардлик билдирди.

– Хавотир олманг! Жуда чуқур эмас. Биз курашдан воз кечмаймиз. Бу аниқ. Фотима келар эди, аммо жуда ҳолсиз. Лекин у самимий тилакларини айтиб юборди.

Шундан сўнг олиб ташланган вице-президент ва қўллаб-қувватлаш гуруҳининг раҳбари Лейла аёлларга нутқ сўзлади:

– Менинг азизаларим, кўпчилигингиз бир дугонамизнинг зинокорликда айбланиб, суд қилинаётгани ҳақида эшитдингиз. Айтишларича, у бир эркак билан ёлғиз қолиб, ҳомиладор бўлган. Олий суд уни тошбўрон қилиш билан ўлимга ҳукм этди. Уларнинг айтишларича, бу шариат қонунидир. Шу тўғри ишмикан? Биз тарихни кўздан кечириб, аёлларга бундай қўпол муомала қилинадиган вазиятни топмадик. Аксинча, хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром

билан муносабатда бўлинган кўплаб мисолларни учратдик, аёллар мадҳ этилган шеърларни ўқидик. Биз Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида хотин-қизлар ниҳоят даражада қадрланганини биламиз. У зотнинг биринчи аёллари Хадича, Аллоҳ ундан рози бўлсин, йирик савдогар бўлган. Бошқа хотинлари Зайнаб, Худо ундан рози бўлсин, жамиятда энг яхши мавқега эга эди. Сўнгги аёллари Оиша, Аллоҳ ундан ҳам рози бўлсин, олима ва ажойиб ҳарбий саркарда бўлган. Агар биз бугун ҳақиқий шариат қонунларига бўйсунитишни жуда хоҳласак, бу маълумотларга бир қараб қўяйлик. Бошқа томондан кўрингки, бизнинг кўпгина ҳокимларимиз давлат маблағларини ўмармоқда. Аммо ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди. Нега фақат камбағал аёллар ва эркаклар қонунга мувофиқ жазоланадилар? Иккинчидан, федерал ҳукумат бутун мамлакат бўйлаб мактаб тўловларини оширмоқчи бўлгани учун биз норозилик билдирдик. Албатта, биз бу қарорни қўлламаймиз. Намойиш давомида юзлаб полициячилар бизга қарши чиқишди ва айрим талабаларни ҳибсга олишди. Ҳаётимизга ва келажагимизга таъсир қиладиган нарсаларни муҳокама қилиб, ўйлаб ўтиришга вақтимиз йўқлигини ёдда тутинг. Бу етакчилар биз билан! Барчамиз тинч ва тўқис яшашга, маълумотли бўлишга ҳақлимиз. Билим имтиёз эмас, лекин бу ҳуқуқдир ва ҳеч ким бу ҳуқуқни рад эта олмайди. Раҳбарлар саводсиз десам, хато қилмаган бўламан. Азизаларим, кредитлар нима эканини тушунтириб берсам. Масалан, сизнинг эрингиз сизга билдирмай ва бойни яхши танимасдан туриб, ундан қарз олди. Пулни ўз эҳтиёжларига, дейлик, қиморга сарфлаб юборди. Кейинчалик бой сизнинг олдингизга келиб, пулни сўради. Нима қиласиз? Ўша пулни тўлаш учун кийимларингиз ва тилла буюмларингизни сотиб юборасизми? Ҳўш, нима қиласиз? Шундай қилиб, билингки, биз тўлашимиз шарт эмас.

Омина тушга яқин ўзини жуда чарчагандай ҳис қилди, оёғида зўрға турарди. Кечга касаба уюшмасининг беш мулозими келишди. Улар аёлларига уйга қайтишни буюришди ва бунинг учун пул ҳам таклиф қилдилар.

– Биз яқинда ҳоким билан учрашамиз ва унга қонунларни бекор қилишни, солиқларни камай-тиришни, аёллар учун яхши шароит яратишни айтамыз. Ҳоким яхши одам, аммо унинг ёмон маслаҳатчилари бор. Ишонамизки, у бизни эшитади.

– Эшитинг, – деди Лейла, – Омина ҳозир касал, шунинг учун биз бирон нарса дея олмаймиз. Лекин бир оғиз гапимни айтиб ўтаман. Бакарро аёллар уюшмаси ҳақиқий ютуқларни қўлга киритди. Сўнгги икки йил давомида сиз қаерда эдингиз? Орқада юрган одам доим уришиш пайида бўлади. Афсуски, ҳукмдор сизнинг илтимосингизни эшитиши эҳтимолдан йироқ. Аммо Омина қайта-қайта айтганидек, биз одамларга эмас, балки, нотўғри қонунларга қаршимиз!

Омина титрай бошлади, уни безгак тутарди. У ҳамшираларни чақирди. Улар бир нечта халдорини бериб, ётқизиб, устини ўраб қўйишди.

Оминанинг касаллиги аёлларнинг кайфиятига таъсир қилди ва ҳамма тушкунликка тушиб қолди. Талабалар уюшмасининг аъзолари эса спектакллар уюштириб, уларнинг кайфиятини кўтариш учун ҳаракат қилишди.

Кечки овқатдан кейин аёллар гулхан ёқишди. Омина ўзидан хафа бўлиб, ўрнидан турди ва стулларнинг бирига ўтирди. Шу пайт бир ривоят ёдида тушиб, аёлларга уни айта бошлади:

– Қадим замонда Дембе қишлоғида бир бадавлат одам бўлган экан. Унинг жуда чиройли араб хотини бор эди. Савдогар дунёнинг турли бурчакларига саёҳат

қиларди. Сайрларнинг бирида у ўзининг энг яқин дўстидан хотинига қараб туришини илтимос қилди. Бой кетгач, уч кун ўтиб, дўсти аёлнинг олдида ёмон ниятда келди, лекин хотин уни жаҳл билан рад қилди. Эрининг дўсти: “Мен сиз билан шунчаки хурсандчилик қилмоқчи эдим”, деди. Савдогар қайтиб келгач, дўстини чақирди. Улар овқатланиб ўтирганларида хотини эри йўқлигида юз берган воқеани айтиб берди. Бойнинг дўсти ўша заҳоти қочиб қолди...

Ларри хулоса қилди:

– Дўсти ҳеч қачон қайтиб келмаган бўлса керак.

Аёллар кулиб юборишди.

– Шундай қилиб, – деди Нгози, – мен яқинда умумий касалхонадан бўшатиладим. Касбим ҳамшира, шунингдек, доялик ҳам қиламан.

Нгози Нигериянинг шарқий қисмидаги хотин-қизларнинг аҳволи ҳақида айтиб берди. У ердаги аёллар гўё молга ўхшайди, оталари бозорга солиб сотиб юбораверади. Қизлар ўзларининг маълумотлари ва оилаларининг эҳтиёжларига қараб нархланадилар. Бу ҳол фоҳишабозликнинг ўсишига катта ҳисса қўшади. Ҳамширанинг сўзларига кўра, қизлар вояга етгач, жинсий аъзоларининг айрим қисмлари олиб ташланади ва бу кўпинча ўлимга олиб келадиган оғриқли жараён экан.

Басарро шахрлик бир аёлнинг айтишича, у ўзини фоҳишалikka мажбур қилган. Бошида унга бир савдогар уйланганидан мамнун эди. Аммо маълум муддат ўтгач, эри бошқа бир қизга уйланади ва ундан уйни тарк этишини сўрайди. Иш туман судига оширилади, аммо аёл ютқазади. Фоҳишахоналарнинг бирини бошқарадиган Алиоу деган кимса унга у ердан яхшироқ жой ваъда қилиб мурожаат этади. Кейин у аёлни яйловлардан бирига олиб бориб, бир кеча бирга қолади.

– Мен савдо билан шуғулланаман, – деди бошқа аёл. – Менинг муаммоларим мерос масаласидан бош-

ланди. Отам вафот этганидан кейин акаларим менга тегишли меросни беришмади. Ислонда аёлларда мерос бўйича ҳуқуқ йўқлигини тушунтиришди. Аслида ундай эмас-ку! Мен уларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатдим, отам менга бирон-бир нарса ажратган, деб туриб олдим. Курашишим натижасида акаларим ер беришди. Шундай қилиб, савдо бошладим. Аммо ўғрилар бозорга ҳужум уюштириб, менинг дўконимни ўмаришди. Кейин мен товарларимни Коло исмли аёлга сотишни бошладим. Маълумки, у контрабанда билан шуғулланади ва доим аёллардан фойдаланади. Бир куни божхона ходимлари бозорни тинтув қилиб, товарларимизни олиб қўйишди, ўзимизни эса ҳибсга олишди. Ишимиз судга ошди. Суд талаб қилганидек, барча ҳақиқатни айтдик. Улар Колони ҳам чақиришди, аммо у бу ноқонуний товарлар уники эмаслигини айтиб, рад этди. Хуллас, тухматга қолдим. Коло олий маълумотли ва маҳаллий ҳукумат котибининг рафиқаси бўлгани учун осонликча қутулиб кетди. Судья мени уч ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Омина мени илк бор қамоқхонада кўрди. Майли, биз камбағаллар охиратда, албатта, адолатга эришамиз. Мен қиёмат кунида Аллоҳнинг Колони жазолашига аминман. Унинг ёмон ишлари ҳақида ўзим гувоҳлик бераман.

– Сизнинг эрингиз борми, унга нима бўлди? – бир аёл ундан сўради.

– Эрим йўқ! Шунинг учун қамоқдалигимда озодликка чиққач, яна савдо ишларига қайтаман, деган эдим. Лекин энг ҳайратланарлиси шуки, ўша аёл, яъни Коло мулкимни ўзлаштириб олибди. Судда эгалик гувоҳномасини кўрсатдим, аммо Коло қалбаки ҳужжатни амалга оширибди. Қисқаси, мени судья эшитмади, қайтанга Колони тинч қўйишим кераклиги ҳақида огоҳлантирди. Бунинг қарангки, мени янада оғирроқ синов кутмоқда экан. Мана, кўча савдосига ҳам тақиқ қўйилди, агар овқат пишириб сотадиган бўлсам,

мен ва мен каби аёллардан солиқ ундирилади. Менинг ёлғиз Аллоҳдан бошқа ёрдамчим йўқ. Худо хоҳласа, бир уни адолат қарор топади!

– Ухлаш вақти бўлди, – деди Омина. – Олдимизда жуда кўп ишлар турибди. Эртага матбуот анжумани бўлиши ва ҳукумат музокаралар олиб бориши мумкин.

ХІХ ФАСЛ

Омина негадир ухлай олмади. Аммо саҳарга яқин унинг кўзи юмилди. Тонг ҳам отди. Қушлар чуғур-чуғури оламни тутган. Омина туриб, узоқларга қаради. Шаҳар сокин кўринарди.

Нонушта пайтида ҳамширалардан бири Оминага оғриқ қолдирувчи хапдори берди. Унинг кўриниши унчалик яхши эмасди.

У кўмита мажлисига таклиф қилинганида атир сепаётган эди. Бу пайтда аллакимлар кўприкка яқинлашди. Омина битта полиция автомобили ва олтита юк машинасини кўрди. У чуқур нафас олди, негадир юрак уриши тезлашди.

– Омина, келишиб олайлик, мен охиригача ёнингиздаман! Агар қочсак, полиция бизни таъқиб қилиши ва аёлларни ҳибсга олиши мумкин. Уларни ҳимоя қилишимиз керак, – деди Ларри унга яқин келиб.

Омина қўрққан аёлларни орқасига ўтказди.

– Ҳисоб-китоб вақти келди. Биз кўп тўсиқларни енгиб ўтдик. Худо хоҳласа, буни ҳам енгамиз. – Омина рўмолини маҳкамлади. – Унутманглар, биз ҳеч қандай қонунни бузмадик. Қўрқувга сабаб йўқ. Полициянинг вазифаси фуқароларни ўлдириш эмас, ҳимоя қилишдир. Қўрқманглар!

Омина, Жумай ва Ларри улар томон пешвоз чиқишди. Бошқа аёллар эса турган жойларида тиз чўкишди. Ҳеч ким қимирламади. Узун бўйли бир одам эҳтиёткорлик билан юриб келди. У қора кўзойнак

тақиб, белига тўппонча осиб олган эди. Омина унга қараб уч қадам ташлади ва тўхтади.

– Хуш келибсиз!

– Раҳмат, – деб жавоб берди офицер. Унинг овози самимий эмасди. Қўлини тўппончага узатаркан, қўшиб қўйди: – Биз қонун ва тартибни сақлаш учун келдик.

– Биз бу ерда қонунни бузаётганимиз йўқ, – деди Омина оҳиста.

– Шундайми?! Лекин биз тинчликни бузганингиз ва тартибсизликлар келтириб чиқарганингиз учун сизни ҳибсга олиш учун келдик.

– Бу ерда ҳеч ким тартибсизлик қилмаяпти, – деди Омина қатъий.

– Сизнинг уюшмангиз бекор қилинган. Сиз эса бир гуруҳ бевалар ва фоҳишаларни йиғиб олгансиз!

– Офицерга қаранглар! – Жумай унга тикилиб деди.

Амитах олдинга чиқиб, офицернинг қаршисига турди:

– Биз сизнинг костюмингиз ва қуролингиздан кўрқмаймиз!

– Демак, сиз улардан бирисиз!

Жумай ғазабини сочиб офицернинг олдига келди.

– Жим бўл, йўқса, жазоланасан! Йўқотинг уни! – қичқирди офицер.

– Ўқларингизни табассум билан қарши оламан, чунки менда кўрқмас юрак бор! – Жумай унинг кўкрагига ниқтади.

Омина Жумайнинг тирсагига қўлини теккизиб деди:

– Жумай, уларнинг ғазабини қўзғатманг, илтимос!

– Барчангизга ўрнингиздан туришни буюраман, кетамиз! – бақирди офицер.

Шу пайт Жумай офицерни белидан ушлаб, дарёга итариб юборди. Икки-уч полициячи унинг орқасидан сувга шўнғишди. Бошқалари эса машиналардан тушиб, Жумайни ушлашди.

Омина тўсатдан содир бўлган бу воқеалар қаршисида даҳшатга тушди. У аёллар олдига югурди. Полиция ходимлари милтиқлар ва қамчилар билан қуролланишганди.

Сувдан қутқарилган офицер буйруқ берди:

– Мен полиция комиссари номидан намойишчиларни тарқатиб юборишингизни сўрайман. Агар бундай қилмасангиз, ҳибсга олинасиз! – У қўл остидагиларга буюрди: – Махсус гуруҳ, ҳаракатланинг ва зудлик билан бу аёлларни ҳибсга олинг!

Ёрдамчи ходимлар эса газ қутичаларини қўлларига олишди. Дастлаб аёллар қизиқиб қараб туришди. Тутун чиққач, ҳамма йўталиб, аксира бошлади, кўзлардан ёш қуйилди. Қўрқув авж олди ва хотин-қизлар ўртасида қий-чув бошланди. Офицернинг буйруғига биноан полиция ходимлари аёлларга ҳужум қилишди.

Омина ҳам кўриш қобилятини йўқотди. У ёнида нотаниш кучли одамни ҳис қилди. Ходим Оминани судрар экан, аёл йиқилиб тушди.

– Ўрнингдан тур!

Омина ўзини ҳимоя қилишга уринди, лекин уддалай олмади. Унинг атрофидаги шовқин бир мунча вақт давом этди.

* * *

– Жаноб, биз буйруқни муваффақиятли амалга оширдик! Барчаси ҳибсга олинди. Жароҳат олганлар ва қурбон бўлганлар йўқ, – дея офицер ҳисобот берди.

Полиция бўлимига етиб келишгач, зобит бошқа офицерлар билан узоқ баҳслашди ва аёлларни Бакарро қамоқхонасига топширишни буюрди.

Қамоқхонада Оминани беш кишилик камерага кузатиб қўйишди, уни ичкарига итариб, орқасидан темир эшикни қулфлашди. У шу онда ҳатто ўғли вафот этганида ҳам, умуман, ҳаётида ҳеч қачон ҳис қилмаган оғриқни туймоқда эди. Омина деворга

суяниб, ҳаммасини бошидан ўйлай бошлади. Нима қандай бўлгани, қийинчиликларга қай тарзда дуч келгани, синов қандай бўлиши ва қанча давом этиши... ўйлайверди, ўйлайверди. У ҳатто ухламади. Алалоқибат, замон ва маконни ҳам унутаёзди. Бунинг устига, бетоблиги кучайганди.

* * *

Қамоқхона қоровули Ҳажжи Ҳаруна келганини ва уни кўришни хоҳлаётганини айтди.

– Мен жуда касалман, мадорим йўқ. Ҳеч ким билан учрашолмайман, – деди Омина ва қўшиб қўйди: – Вақтингиз бўлса, илтимос, қайтиб келинг.

У гўё камерада сузиб юргандай ҳис қилди ўзини.

Соқчи қайтиб келганида қоронғи эди. Унинг овозини эшитиб, Омина танасига қайтаётгандек бўлди. Оғриқ кучайиб, ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Қўриқчининг исми Гампо эди. У сариқ туйнукка яқин келиб, аёлни чақирди. Омина атрофга қараб, девор қалин темир панжара билан қопланганини ва баланд сариқ рангли дарчани кўрди. Стол-стулдан ташқари ҳамма нарса темирдан эди.

Омина Гамподан бошқа аёллар ҳақида сўради. Соқчи намоишчиларнинг қийин шароитлари тўғрисида гапириб берди.

– Мен эримга ёзмоқчиман, – деди Омина. – Илтимос, менга қоғоз ва ручка беринг.

– Эртага жуда кўп нарса келади, – деди Гампо. – Лекин ҳозир нима сўрасангиз бажараман.

Омина табассум қилди.

Бир неча дақиқадан сўнг қўриқчи варақлар, ярми ишлатилган машқлар китоби ва ручка билан қайтиб келди.

У энг аввал Фотимага хат ёзди:

“Ҳурматли Фотима, сизга ва мен ҳақимда қайғураётганларга қамоқхонадаги ҳолат ҳақида билдиришни

истадим. Қўриқчи менга вазият тўғрисида гапириб берди. Энди мен бунинг эвазига унга бизнинг курашишдан мақсадимиз ва у қандай қилиб яхшироқ ҳаёт учун интилиши мумкинлиги ҳақида сўзлаб бераман. Соқчилар мен билганимдек, давлат ишида энг кам иш ҳақи оладиган хизматчиларнинг унутилган гуруҳи экан. У менга расмий қамоқхона формасини сотиб ололмаётганини айтди! Шунингдек, ходимлар маҳбуслардан овқат учун пул тўлашларини сўрашар экан. Агар улар пул беришмаса, очликдан ўлишлари мумкинлигини англадим. Майли, ички ҳолатлар ҳам ўзгариб қолар. Азизам, мен суд жараёни қачон бўлишини кутаман. Мабодо, бизни зиндонга ташлашса, сизга ишонаман. Сиз курашишни давом эттиринг! Олдингиздаги энг долзарб вазифа – бу бизнинг ишимизга кўпроқ аёллар ва бошқа қувғин қилинган одамларни жалб қилишдир. Норозилик намоиши давомида кўрсатган ғайрат ва қатъиятимиз учун фахрланаман! Самимий табрикларимни бизни қўллаб-қувватловчиларга етказинг. Бу ерда панжара ортида турган бўлсам ҳам, уларнинг тафтини ҳис қилаётганимни айтинг!”

Эртаси куни эрталаб Оминага қамоқхона бошлиғи уни кўришни истаётганини айтишди. Аёл қўрқинчли, хунук ва семиз одамни кўрсам керак, деб кутганди. Аммо унинг ўрнига сертабассум ва самимий кекса бир инсонга дуч келди.

Бошлиқ Оминага бир финжон қаҳва таклиф қилди ва ўзини таништирди. Унинг исми Ҳожи Исса Дода бўлиб, хотиржам ҳолда гап бошлади:

– Аёллар бу ерда қолиб, қийналмаслиги керак, аслида. Лекин шаҳар полиция биноси камералари тўлгани сабабли қамоқхонамизда вақтинча қоласиз.

– Нега мени ёлғиз қамашди? – деб сўради Омина.

– Чунки сиз биз учун жуда муҳим маҳбуссиз. Аслида, бу таниқли инсонларни сақлайдиган камералардан бири ҳисобланади. – Бошлиқ ходимларга буюрди: – Унга қаҳва билан бирга ширинлик ҳам беринг! – Сўнг Оминага юзланиб, сўзида давом этди: – Амалиёт давомида бир аёл вафот этган. Айтишларича, у ҳибсга олинаётганда қаршилик кўрсатган ва полиция ходимларига таҳдид қилган. Жумай исмли аёл эса касалхонада оғир ҳолатда ётибди. Тез орада суд жараёни бошланади. Мишмишлар бор, – дея жилмайди қамоқхона бошлиғи. – Баъзи одамлар муҳолифат партия тинчликни бузиш учун сизга катта миқдорда пул берган, деб даъво қилса, бошқалари эса хорижий кучлар мамлакатни беқарорлаштиришда сиздан фойдаланишаётганини айтишмоқда.

– Бу жуда кулгили, – деб жавоб берди Омина.

– Ҳа, шунинг учун ҳам бу масалаларни ойдинлаштиришда сизнинг ёрдамингиз керак. Агар сиз биз билан ҳамкорлик қилмасангиз, ҳаммангизни кўзғолончи сифатида ва давлатга хиёнат қилганликда айблаб суд қилишади.

Омина баланд овозда кулиб юборди.

Бошлиқ унга самимий маслаҳат берди:

– Эрингиз сизни кўришга келади, илтимос, шу сафар ундан сўранг. Бу жуда муҳим. У тақдирингизни шу ернинг ўзида ҳал қилиши мумкин.

Оминани аламу изтироблар, дарду қийинчиликлар, ғаму ташвишлар ўзгартирганди. Энди у азоблардан қўрқмасди. Аёлларнинг жасур етакчиси аввалига на сўзлади, на истакларини ошкор этди, сўроқ-саволларга индамади, таҳдидларга жавоб қилмади. Аммо кейинроқ барча воқеани хотиржам айтиб берди. Улар хонани тарк этишганидан сўнг у бўшашиб, титраб кетди.

Омина эри билан учрашиш учун бошлиқнинг идорасига иккинчи марта борди. Харуна унга мулойимлик билан муомала қилди:

– Сизни уйга олиб кетиш учун келдим!

– Агар сиз терговчиларнинг сўроқларига ижобий жавоб берсангиз, улар сизни озод қилишади. Сиздан ҳамкорликни истаяпмиз, холос. Хуллас, бизга ёрдам берсангиз, қамоқхонадан бутунлай чиқасиз. Фақат қолган аёллар судга келишади, – деди қамоқхона бошлиғи. – Мен эркинликни қадрлайман. Хўш, розимисиз?

– Биз барчамиз сўзсиз озод қилинмас эканмиз, мен ҳеч қаерга кетмайман! Керак бўлса, охиригача бораман. Аксинча, талаб ва таклифим шуки, бошқаларни қўйиб юборинг, мени эса шу ерда судгача ушлаб туринг.

Омина тезгина ортига қайтмоқчи бўлди. Аммо Харуна уни ушлаб олиб, бундай йўл тутмаслигини ёлвориб сўради. Хотини эса ниятидан қайтмади. У ўзини четга тортиб, камерага йўл олди.

Гампо кечкурун қамоқхона идишида овқат олиб келди. Омина унга раҳмат айтди. У идиш қопқоғини очар экан, таомнинг ажойиб ҳиди хонани тутиб кетди. Аёл помидор шўрвага, гўшт билан қопланган гуруч ва ловияларга қараб қолди.

– Бу қамоқхона овқати эмас-ку!

– Тўғри! – Гампо одатдагидек мулойимлик билан жавоб берди. – Хотиним уни сиз учун пиширди.

– Илтимос, унга самимий миннатдорлигимни билдириб қўйинг.

– Аёлим жуда хавотирда! У сизни доим қўллаб-қувватлайди. Илтимос, яхшилаб овқатланинг.

– Хавотир олмасин, ўзимни авайлайман, бунга уни ҳам ишонтиринг.

Омина Фотимага ёзган хатини қўйлагининг чўнтагидан олди ва соқчига бериб, уни дугонасига етказишини илтимос қилди.

XX ФАСЛ

Омина судга кетар экан, хавотирга тушди. Қолган аёллар ҳам адвокат олишганмикан? У эҳтимолларни кўриб чиқа бошлади: суд қолдирилиши мумкин, жараён бир неча ойга чўзилиши мумкин, қамоқхонага яна қайтиши мумкин ва ҳоказо.

Темир эшик очилиб, унга икки соқчи ҳамроҳ бўлди. Омина ҳануз оқсамоқда эди. У қолган барча аёллар полиция машинасига ўтқизилганини кўрди. Сафдошлари етакчиларини кўриб, руҳланишди. Омина уларга қараб кулиб қўйди.

Полиция ходими кишан олиб келди ва унга қўлларини тутишини айтиб мурожаат қилди.

- Йўқ! Нега бундай қилишим керак?
 - Бу буйруқ – деб жавоб берди ходим.
 - Аммо мен қочиб кетмайман.
 - Бу буйруқ-да, хоним.
 - Бунга қонуний асос борми?
- Ходим қовоқ солгач, Омина қўлини узатди.

* * *

Суд биноси олдида оломон тўпланганди. Бу ҳудудни фуқаро кийимидаги полиция ва давлат хавфсизлиги ходимлари кўриқлашарди. Омина машинадан тушгач, кўчада плакатлар билан йиғилган кўплаб талабаларни кўрди:

- Аёлларнинг суд жараёнини тўхтатинг!
- Ватанпарварларни озод қилинг!
- Диктатура қуласин!

Оминани кўриб, оломон қарсак чалди. Полиция ходимлари уларга жойларида жим туришлари учун таҳдид қилишди. Қаҳрамон етакчимиз саломлашиш учун кишанланган қўлларини кўтарган эди, ходим уни пастга туширишга мажбур қилди.

Омина эрини, Колони ва бошқа дўстларини суд биноси олдида кўрди. Бошқа аёлларни ҳам олиб келган

полиция машинаси пайдо бўлди. Ходимлар зудлик билан икки қатор туришиб, машинадан суд биноси эшигигача тор йўлак ҳосил қилишди. Бу йўлак бўйлаб намоёишчи аёлларни олиб ўтишди.

Омина яна сафдошлари билан бирга бўлганидан хурсанд эди. Лекин суд залидаги темир панжара шу қадар ноқулай эдики, зўрға қимирлаш мумкин эди. У дераза олдига боришга уриниб кўрди, боғланган қўллари билан қалин темир панжарага ёпишди. У ердан Харунага яқин келиб қолди. Эри унга ўқрайиб, кескин оҳангда деди:

– Ўзингизга азоб бердингиз, аҳволингизни қаранг!

Омина қийин бўлса-да, у ердан узоқлашди.

* * *

Бир неча дақиқадан сўнг Питер Акин полиция чизиғини кесиб ўтиб, дераза томон югуриб кетди. У шляпасини ечиб, Оминага салом берди:

– Ҳамширалар сизнинг соғлигингиздан хавотирда, – деди Акин, шу онда унинг юзидан безовталиги сезилади.

– Мен яхшиман, хавотирга ўрин йўқ.

– Қамоқнинг шароити қандай?

– Жуда ёмон!

– Бир аёл ўлганини эшитдик.

– Ҳа, бу Ларри, – деб тасдиқлади Омина.

– Биз ҳанузгача сизни ҳимоя қилиш учун адвокат топа олмаяпмиз. Баъзи бир адвокатлар катта миқдорда пул талаб қилишди, бошқалари эса сизни ҳимоя қилишга тайёр эмасликларини айтишди.

– Фотима қани? – сўради Омина.

– Ростини айтсам, билмайман, – деб тан олди Акин. – Шанба куни эрталаб унинг адвокати Раби билан учрашдик. Сўнг Фотима коллежга қайтди, лекин ярим тунда хавфсизлик кийимидаги уч-тўрт эркак уни олиб кетишганини билиб қолдик. Биз уни кун бўйи изладик, аммо тополмадик. Унинг хавфсизлигидан хавотирдаман.

Полициячи йигитнинг бўйнидан ушлаб тортди. Акин тўсатдан тўхтаб, Оминага қаради. Аёл унинг шишиб кетган кўзларини кўрди.

Шу пайт бир гуруҳ талабалар полициячига ҳужум қилишди. Омина хавотир билан томоша боқаркан, улар ўртасида қуролли тўқнашув бўлишидан кўрқди. Кейин у кекса бир офицернинг талабалар билан гаплашаётганини ва уларни тинчлантиришга уринаётганини кўрди.

Худди шу пайтда кўк рангли “Мерседес-Бенз” деразадан узоқроқ жойга келиб тўхтади. Ундан икки таниқли адвокат Содиқ Усмон ва унинг рафиқаси Раби тушишди. Омина уларни кўриб, жуда қувонди. У ва Раби университетда таҳсил олишган, аммо алоқалари узилиб кетганди.

Раби ўзига юксак ишонч ва хотиржам ҳолда суд залига қараб юрди. Бу пайтда унинг эри Содиқ Харуна билан гаплаша бошлади.

Шу лаҳзада университетдаги хотиралар Оминанинг эсига тушиб кетди. Раби, Фотима ва Омина ҳар доим бирга яшаб келишганди. Содиқ Усмон ҳам яқин дўст эди. Ҳатто унга бир неча бор турмуш қуришни таклиф қилганди. Омина ўйлаб кўриш учун вақт беришини сўраганди.

Бир куни жума кечаси у талабалар уйига қайтаётганида Содиқнинг машинасини, унинг ёнида эса Рабини ўзгача ҳолда кўрди. Шундан сўнг икки дугона ўртасига совуқчилик тушди. Охири улар турмуш қуришди ва ҳозирда Раби эрининг идорасида қонунчилик билан шуғулланмоқда.

Суд бошланди. Иккита узун столнинг бири суд ходимлари учун эди. Иккинчи столда Омина адвокат ва икки прокуратура ходимини кўрди.

Айбловлар ўқиб эшиттирилар экан, бутунлай бошқа бировнинг айбларини санашаётгандек эди: ноқонуний уюшма, тинчликка таҳдид, давлатнинг обрўсига путур етказиш, тартибсизликлар келтириб чиқариш, ноқонуний йиғилишлар, синфий нафрат, эрларнинг мулкани ўғирлаш, хусусий мулкни бузиш.

Кейин у ўз исмини эшитди, бу уни ҳушига келтирди.

– Омина Харуна – биринчи гумондор, у аёлларни солиқ тўлашга қарши исён кўтаришга ва юқори даражадаги полицияга ҳужум қилишга ундади. Сўроқ пайтида полицияга ёрдам бермади. Барча айбловларни йиғиб, биз бу намоийшчиларни хиёнат ва итоатсизликда айблашимиз керак, деган хулосага келдик. Жаноб, бу фақат судгача. Сиздан терговни якунлашимиз учун ушбу ишни ўрганишни камида уч ойга гаровсиз қолдиришингизни илтимос қиламиз. Биз ҳали гувоҳлардан тўлиқ маълумотни олганимиз йўқ. Айбланувчиларнинг бир қисми қочиб кетмоқда. Биринчи гумонланувчи полиция билан ҳамкорлик қилишдан бош тортгани учун уни сўроқ қилишга вақт керак. Шунингдек, суд жараёнида биз янги айбловларни қўшамиз, деб умид қиламиз.

Судья аёллар гуруҳига қаради ва:

– Айбловларни тушундингизми? – деб сўради.

Омина қатъий жавоб берди:

– Ҳа, биз бунини тушундик.

– Тўғрими шу айбловлар?

– Тўғри эмас! – жавоб берди Омина.

Судья унга қаради, сўнг кўзойнагини тўғрилади. Охир-оқибат, у олдидаги қоғозга аста-секин нимадир ёзди.

Шу пайт Раби Усмон ўрнидан туриб, пальтосини тўғрилади ҳамда кафтларини стол устига қўйди.

– Жаноб, мен айбланувчини ҳимоя қилиш учун келдим, – деди у аниқ ва баланд овозда.

Томошабинлар жилмайишди, баъзи талабалар қарсак чалиб қичқиришди:

– Ғалаба!

Судья жамоатчиликни мутлақо сукут сақлаш бўйича огоҳлантирди.

Омина ишончсизлик билан бир неча сония кўзларини юмди ва чуқур нафас олди. Кўзини очганида Раби унга қаради ва жилмайиб қўйди. У дугонасининг ҳамдардлигини ҳис этди.

– Жаноб, Оминадан кишанларни олиб ташлашни буюришингизни сўрайман. Бу айбланувчи хавфсизликка таҳдид солганда ёки қочишга уринганда мумкин. Маҳбусларнинг қочиб кетишларининг олдини олиш учун суд зали ичида ва ташқарисида қуролланган полиция ходимлари етарли. Бундан ташқари, мен Омина қочиб кетмаслигига ёки муаммо келтириб чиқармаслигига кафолат бераман.

Судья ишора қилиши билан кишанлар ечиб олинди.

Раби яна ўрнидан туриб деди:

– Жаноб, мен айбловларни синчковлик билан кўриб чиқдим ва айбланувчилар фақат битта қонунбузарлик учун судга тортилиши мумкинлигини тасдиқлайман – бу ноқонуний уюшма. Бундан ташқари, шу бугун ушбу ишни ҳал қилишингизни сўрайман, чунки ҳар қандай кейинга кечиктириш айбланувчилар учун кераксиз қийинчиликларни келтириб чиқаради. Улар судланмаган бўлишларига қарамай, жуда зич жойлашган камераларда яшадилар. Шунингдек, мен сизларга, шубҳасиз, айбланувчиларга қўйилган айбловлар мутлақо асоссиз эканини исботламоқчиман!

Прокурорнинг эътирозидан сўнг фақат Олий суд якуний қарор чиқариши мумкинлигини англагач, Раби таслим бўлмади:

– Басаррода сиз – якка судьянинг ўзи қарор қилиш ҳуқуқига эгасиз. Ёки айбланувчиларни озод қилинг, ёки ишни Олий судга юборинг.

Судья унинг таклифини қабул қилди.

Раби иккиланмасдан давом этди:

– Аёллар ҳеч қанақасига давлатнинг хавфсизлиги ва қонунийлигини бузишмаган. Бунга бирон исбот йўқ ва уларнинг бузғунчилигини белгилайдиган далил бўлиши ҳам мумкин эмас. Тўнтариш эса – бу, аввало, ҳукумат тузиш ва уни беқарорлаштиришни мақсад қилишдир. Биринчидан, аёллар бундай ниятга эга эмас эдилар ва қурол ушламадилар. Қолаверса, ҳимоясиз ҳамда камбағал аёллар гуруҳининг кичик шаҳарчада катта ва қудратли давлатнинг хавфсизлигини бузиши мумкин, деб ўйлаш бемаъни. Сизни бу ҳақда ёзиб қўйишга чақираман.

Прокурор атрофга ҳайрат билан қаради.

– Айблов тегишли тартибда олиб ташланди, – деб эълон қилди судья.

– Жаноб, бу бегуноҳ аёллар, – Раби давом этди, – табақа ташкил қилолмайдилар ва шу асосда улар табақа нафратини ҳам қўзғай олмайдилар.

Прокурор тўсатдан бақирди:

– Эътироз бор! – У бу сўзларни айтганида оғзидан тупук томчилари ҳар томон сочилиб кетди. – Омина: “Бизнинг жамиятимизда иккита асосий табақа мавжуд: бойлар ва камбағаллар”, деди. У ҳатто бизга бойларга нисбатан камбағал эканимизни очиқчасига айтди. Ҳукмрон синф йиқилиб, уни янги тартиб билан алмаштириш кераклигини бир неча бор такрорлади. Мен унинг ҳукмрон синфга бўлган нафрати борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Раби Усмон хушмуомалаликни сақлади:

– Бизнинг юртимизда табақалар йўқ. Аммо нафрат бўлиши мумкин, мустамлакачилик уни бизнинг ҳуқуқий тизимимизгача олиб келди. Жамиятимиз қаби-

лалар, уруғлар, диний ва этник гуруҳларга эга. Агар улардан бири бошқаларига қараганда кўпроқ мулкка эга бўлса, бу табақа дейилмайди. Шундай қилиб, жаноб, табақалар йўқ деган фикрга қўшиласиз ва табақалар бўлмаган тақдирда биз табақа нафратининг гувоҳи бўла олмаймиз. Диққат қилинг, аёллар табақаланиш нафратини кўзғамадилар. Мен сизни бу айбловни ҳам бекор қилишга чақираман.

Судья айбловни бекор қилди.

– Ўғри ким? Келинг, таърифни соддалаштирамиз, – деди Раби, – бир киши бошқа бир шахснинг мулкини унга билдирмай ва унинг розилигисиз олади. Шу одам ўғри! Ушбу таърифга кўра, “ўғирлашди” деган айблов ҳам бекор гап. Аёлларнинг таъкидлашларича, улар уй анжомларини ўзлари билан олиб кетишган, аммо ўғирлашмаган. Қолаверса, эрлари кун ёруғлигида хотинларининг чиқиб кетаётганларини кўришган ва ҳеч ким уларни тутиб қолмаган, ҳатто полицияга бу ҳақда хабар ҳам беришмаган. Биз ушбу анжомларни эр-хотинлар розилиги билан олинган, деб даъво қиламиз. Шундай қилиб, аёллар бу айбловдан ҳам холидир.

– Айблов олиб ташланди, – деди судья.

* * *

Омина бу сўзларни гўё тушида тинглаётгандек эди. Қамоқхонадаги оғриқли ва оғир ҳаётдан кейин озод бўлиш имконсиздек эди, назарида. У дугонасининг дадил давом этаётганини эшитиб турарди. Ахир судда Рабидек ҳуқуқшунос бир аёл ёнида туришини асло кутмаганди.

Деярли барча айблар олиб ташлангач, прокуратура ходимлари ҳайратда қолишди.

Раби сўзини давом эттириб деди:

– Аёллар, тақиқланган бўлишига қарамай, бир жойга тўпланишди, аммо уларнинг йиғилиши тинчлик бузилишига олиб келмади. Хотин-қизлар тинч эдилар,

уларнинг йиғилишлари пайтида ҳеч қандай тўқнашув ёки жанжал бўлмаган. Айтганча, жаноб, қонун билан тинчликни бузиш фақат кимгадир зарар етказилганда ҳисобга олиниши мумкин.

– Эътироз! – прокурор бу сафар мазкур сўзни оҳиста айтди. – Бу аёллар эрларининг тинчлигини бузишди ва уларнинг эрлик ҳуқуқларига қарши чиқишди. Демокриманки, эркак хотиндан фойдаланиш учун уйланади-ку, – деб тушунтирмоқчи бўлди у.

Ҳамма кулиб юборди.

– Эрнинг шахсий ҳуқуқлари ёки қўшимча имтиёзлар масаласи бизнинг қонуний тизимимизга кирмайди, – Раби кўзини қисиб қўйди ва кулди. – Сиз айтган бу ҳуқуқлар фақат уйда бўлиши мумкин. Жиддий айтганда, ушбу аёллар уйдан чиққанлари билан эрларига хиёнат қилишмади. Жаноб, менга хиёнат қонундаги энг жиддий жиноятдир, деб айтишга ижозат беринг. Ва қонунда назарда тутилган хиёнат фақат фуқаролар давлатга қарши урушга киришганларида рўй беради. Давлатга хиёнат айблови эса кимдир мавжуд ҳукуматни ағдаришни истаса, қўлланилади. Шундай қилиб, биз аёлларнинг қилган ишлари қонун доирасида эканини исботладик. Вазифангизни бажаришда, жаноб, сизни адолатли ҳукм чиқаришга чақираман. Шунингдек, одил судловни ҳурмат қиласиз, деган умиддаман. Сизга эслатиб қўяйки, баъзи мамлакатларда одамлар адолатни рад этишади, афсуски. Бу эса фожиадир. Мамлакатимизни ушбу давлатлар билан таққослаш уят. Чунки биз демократик жамиятда яшаймиз. – Раби бу сўзларни суд залидаги кўп одамларга аниқ таъсир кўрсатадиган оҳангда гапирди. Фақат прокурор елкаларини қисиб, ерга қаради. – Омина энди битта оддий ҳуқуқбузарликда айбдор бўлиши мумкин, аммо прокурорлар уни давлатга хиёнатда, далиллар билан исботланмаган жиноятларда айблашганда бизнинг адлия тизимимизга аҳамият

бермадилар. Айтишим керакки, айбланувчига нисбатан аниқ бир иш кўриб чиқилмагани сабабли мазкур суд мажлисини ҳақиқий эмас, деб топишга чақираман. Бу билан менинг миждозларим барча айблардан озод қилиниши керак, демоқчиман.

– Гапиришни хоҳлайсизми?

Прокурор ўрнидан туриб, қийинчилик билан гапирди:

– Бу иш ҳаяжонли ва ҳайратланарли тенденцияни қамраб олди. Биз уни фақат қонунни инкор этиш деб тавсифлашимиз мумкин. Ҳурматли судья, сиз ҳам ҳаммасига эътироз билдиришингизни сўрайман.

– Омина, – деди Раби, – тергов ишларида полицияга кўмаклашишга, ҳатто кўрсатма беришга мажбур эмас.

Судья тўғри, дегандек бош ирғади.

– Бош айбланувчини бўйсунмаслик учун суд қилиш мумкин эмас эди, чунки у оммавий тартибсизликларни келтириб чиқармади, давлатга, қонунларга ёки мамлакатимиз конституциясига путур етказмади ва но-розиликни кўзғатмади.

Прокурор тўсатдан бақриб юборди, у гангиб қолганди. Қайғули ҳолда бошини чайқаб деди:

– Омина очикчасига одамларни қарши туришга таклиф қилди. У ва талабалар демократик йўл билан сайланган ҳукуматимизни ағдариш учун чет элдан молиявий ёрдам оладиган гуруҳга кирадилар. Бу аёл ҳатто ҳукуматга қарши бўлганлар билан бирга бўлишдан ғурурланган. Менимча, ҳеч ким биринчи гумондорни етарлича билмайди.

– Жаноб, – Раби жавоб берди, – мен Оминани жуда яхши биламан. Дугонам нимага қодирлиги менга сир эмас. Мен у билан университетда ҳуқуқшуносликни бирга ўрганишга муваффақ бўлдим. Прокурор сизнинг олдингизда нега бундай йўл тутяпти, билмадим, лекин ҳеч бўлмаганда бизнинг шарафли касбимизга ҳурмат кўрсатишини сўрайман.

– Мен ҳаммасини аниқлаштириш учун мактабга боришни маслаҳат бераман. Тўғри, Омина фуқаро сифатида сўз эркинлигига эга. Прокуратура унинг бетартиблик ва умумий зўравонликни кўзга ш ниятида эканини исботлай олмади. Лекин биз бу аёлларнинг ноқонуний йиғилишларини тан оляпмиз. Демак, жаноб, мен уларни янги ҳуқуқбузарлар сифатида кўришингизни хоҳлайман. Агар ҳукми кечиктирсак, биз тергов ишларини давом эттирамиз ва адолатдан қочганларни, шу жумладан, полиция рейдидан олдин мактабдан қочиб кетган Талабалар уюшмаси аъзолари ҳамда ҳамшираларни ҳибсга оламиз. Бу бизга ушбу иш бўйича чуқур, профессионал ва тўғри тергов ўтказиш имконини беради.

Омина одамларга қаради. У Питер Акин ва Лилининг суд залидан чиқиб кетаётганларини кўрди. Кулгиси келди, лекин ўзини тута билди.

Раби биринчи марта овозини кўтариб, ўрнидан сакраб турди:

– Эътироз! – у жаҳл билан қораловчига бир неча сония тикилиб турди. – Жаноб, прокурор қонун бўйича ҳал қилинган иш борасида изоҳ беришга ёки талаб қилишга ҳақли эмас. Суд жараёнида у олтин имкониятга эга эди, лекин у бундай қилмади. Энди биз ушбу босқичдан ўтганимиздан сўнг мен унинг талаб, таклиф ва маълумотларига эътироз билдираман.

– Эътироз қабул қилинади, – деди судья.

Прокурор судьяга деди:

– Шубҳасиз, сиз ҳамма нарсани ўзингиз ҳал қиласиз. Аммо ушбу аёлларга максимал жазо тайинлашингизни илтимос қиламан. Бу аёллар, айниқса, Омина давлатга қарши жуда жиддий қонунбузарликларни содир этган. Агар улар озод қилинса, тинчлик ва барқарорлик бўлмаслигига ишонаверинг. Бундай исёнкор аёллар бугунги кунда мамлакатдаги энг ёмон жиноятчилардир. Жамиятни зарарли ва хавфли фикрлардан тоза-

лаш бизнинг ахлоқий ҳамда касбий бурчимиздир. Фарзандининг ухладини истамаган онанинг ухлмаслиги ҳақида гап бор. Жаноб, улар бизнинг ухлшимизни иштамайди.

Судья ўрнидан турди:

– Мен бир неча дақиқага ўз хонамга бораман, айбланувчилар шу ерда қолсин.

Шундан сўнг Раби Усмон Оминага яқинлашди. У унга кулиб қўйди ва деди:

– Хавотир олманг, Омина, гаров эвазига озод қилинишингизга ишонаман. Гарчи судья ўзининг шафқатсизлиги билан танилган бўлса ҳам, ишонманки, у сиз билан юмшоқ муомалада бўлади.

Аммо Омина қўрққанидек, бу осон эмас эди.

Судья қайтиб келганида биринчи савол Оминага берилди:

– Омина хоним, мен сизга бир нечта савол бермоқчиман, лекин бу қарорга ҳеч қандай алоқаси йўқлигига ишонинг. Мен шунчаки баъзи фактларни билишни истардим. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида фикрингиз қандай?

Омина ҳайратга тушди, лекин у ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилди:

– Аёллар жавобгарликка тортилиши ва улар барча инсон ҳуқуқларидан фойдаланиши керак. Улар эксплуатация қилинмаслиги ёки таъқибга учрамаслиги лозим.

– Аёлларнинг роли ҳақида қандай фикрдасиз? – деди судья кулиб. – Омича, ўйлаيمانки, нима учун бундай қилганингизни судга тушунтиришга бурчлисиз.

Омина чуқур нафас олди ва деди:

– Мен ўзимни камбағал аёллар ўрнига қўйиб кўрдим. Чунки улар эксплуатация қилинган синф эканликларини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кундан-кунга бузилаётганини рад қила олмайман.

– Уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари деганда нимани тушунасиз?

– Бизнинг мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо эмасми? Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси имзоланмаганми?

– Ушбу судда мен инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳасидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаро яшаш ҳуқуқи, қийноқ ва қулликдан озод бўлиш, эркинлик, эътиқод ва дин эркинлиги, йиғилишлар ва ҳаракатлар эркинлиги, меҳнат қилиш, таълим олиш ва ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга экани тўғрисидаги саволларга жавоб бераман.

– Ростини айтинг, бу барча ҳуқуқ ва эркинликлар бизнинг жамиятимизда мавжудми? Шу сабаб тинчлик ва барқарорлик бузилмаганми? Тинчлик ва барқарорлик нима ўзи? Агар тинчлик озчилик учун бўлса-ю, мазкур озчилик ҳам ҳукмрон синф бўлса, бу тинчлик эмас. Шунингдек, адолатсизликнинг кучайиши кўпчиликнинг эксплуатациясига сабабчи бўлса, унда барқарорлик бўлмайди.

– Эшитинг, Омина, – деди судья, – бу ерни сиёсий маърузалар залига айланторманг. Сиёсат ҳамма нарсани ҳал қилади.

Раби деди:

– Жаноб судья, Омина номидан самимий узр сўрайман. Унинг сўзларини сўзма-сўз қабул қилманг, илтимос! Дугонам ўз фикрларини стресс туфайли аралаштириб юборди. Ишончим комилки, у нима учун бундай гапларни айтаётганини биласиз.

Омина бу фикрга ҳеч қандай муносабат билдирмади. У ўз нуқтаи назарини ифодалаш учун биргина имконият борлигини билиб, бундан фойдаланмоқчи эди, холос. Аёл иложи борича тинчликни кўзлаган ҳолда сўзида давом этди:

– Полиция ходимлари бизга ҳужум қилишди. Улар бизнинг ёш, фаол аёлларимиздан бирини атайлаб

ўлдиришди ва суд қилиниш ҳамда жазоланиш ўрнига бизни судга олиб келишди.

Бош прокурор норози ҳолда сакраб турди ва шундай деди:

– Жаноб судья, ушбу фикрда полиция кучларининг обрўсига нисбатан ғазаб бор. Бу айбланувчи судга тортилиши ва қаттиқ жазоланиши кераклигини таъкидлайман. Эҳтимол, у руҳий касал бўлиб, психологик текширувга муҳтождир.

– Менимча, биринчи гумондорнинг соғлиги жуда яхши. Мен унга ўхшаш судланувчилар билан ишлаш бўйича кўп тажрибага эгаман, – деди судья ва Оминага юзланди: – Полициячилар фақат ўз бурчларини бажаришган. Уларни мавзудан узоқроқ тутинг. – Сўнг прокурорга деди: – Аммо полиция бу ишда қатнашади.

– Полицияни бу ишдан чиқариб ташланг, – деб туриб олди прокурор.

Судья унга парво қилмай, Оминадан сўрашда давом этди:

– Солиқлар ҳақида нима дейсиз? Ахир у ҳамма учун мажбурий-ку. Қачонки солиқлар адолатсиз тарзда жорий қилинса, аёллар бу мамлакатда норозилик билдиришлари мумкин.

– Нега бойлар камбағалларнинг солиқлари ҳисобига яшашлари керак? Ҳукумат ташқи қарзларни қайтариш кераклигини айтмоқда, аммо амалдорлар бу қарзга олинган пулларни ўзлаштирганда биз билан маслаҳатлашмади ва қандай сарфланганини кўрмадик ҳам. Камбағал одамларнинг турмуш даражаси тобора ёмонлашмоқда. Шундай экан, қандай тўлаймиз?

– Солиқ тўламаслик жиноят эканини тушуна-сизми? – сўради судья.

– Албатта! Лекин бизнинг овозларимизни эшитишнинг бошқа самарали усули борми?

– Шунинг учун сиз зўравонлик қилишга тайёرمىсиз?

Омина бу саволдан сўнг бироз тин олди. Нигоҳини ҳаммага бир-бир ташлаб чикди. Сўнг жилмайиб қўйди.

Суд залида сукунат ҳукмрон, ҳамманинг кўзи унда эди.

– Сизга зўравонлик ҳақидаги тушунчамни айтиб берай! Ёш, бегуноҳ қизчалар мажбуран эрта турмушга чиқсалар, бу зўравонлик эмасми? Қизларни ҳеч қачон кўрмаган эркакларига турмушга беришса, уларнинг ҳис-туйғулари ҳисобга олинмаса, бу зўравонлик эмасми? Агар аёл зино қилгани учун ўлимга ҳукм қилинса-ю, эркак озод этилса, бу зўравонлик эмасми? Аксарият одамлар бу мамлакатда қашшоқлик зулми остида улғайишади, айниқса, аёллар инсон ҳуқуқларидан маҳрум ва қул деб ҳисобланишади, бу зўравонлик эмасми? Эркаklar хотинларини шафқатсизларча калтаклаб, қизларини кўп оғир ишларга мажбурлашади, бу зўравонлик эмасми? Аёллар камситилиб, фоҳишаликка жалб қилинганида-чи, ахир булар зўравонлик эмасми? Айрим аёллар ишлашига тўсқинлик қилинса, айримлари эса пул топиш учун зўрлик билан уйларида хайдаб чиқарилса, зўравонлик саналмайдими? Деҳқонларнинг ерлари олиб қўйилиб, уларга оғир солиқлар солинса, нима деб атаймиз? Биз эксплуатацияга, адолатсизликка, чексиз шафқатсизликка қарши норози бўлиб, уйимиздан тинч йўл билан чиқиб, ҳукуматдан енгиллик сўрасак-да, уларга дардимизни айтсак-да, полицияни олдимизга юборса, газ билан зарарласа, калтакласа ва биримизни ўлдирса, бу зўравонлик эмасми?

Омина гапиришни тўхтатганида хонада жимлик ҳукмрон эди. Унинг юзи қизариб кетганди. Бир пайт судьянинг овози сукунатни бузди:

– Ҳўш, менимча, сиз етарлича сўзладингиз. Бошқа бирон мавзуни муҳокама қилиш сизнинг манфаатингиз учун хизмат қилмайди. Уйга тинчлик билан қайтишга ваъда берасизми?

Омина бурилиб аёлларга қаради ва деди:

– “Сиз уни суғориш учун сув олдиға олиб кела оласиз, лекин ичишга мажбур қилолмайсиз”, деган гап бор.

Ҳамма кулиб юборди.

– От чанқаса, нима бўлади? – деб сўради судья табас-сум билан.

– Чанқаганидан кейин сув ичади-да, – Омина жилмайиб қисқа жавоб қилди. Яна залда кулги кўтарилди.

Шундан сўнг адвокат ўрнидан туриб деди:

– Жаноби олийлари, шуни таъкидлашни истардимки, айбланувчилар, албатта, пушаймондалар. Мижозларим номидан ишонтириб айтаманки, бу воқеалар бошқа такрорланмайди. Кўриб турганингиздек, аёлларимиз тинч ва энди тинчликда яшашади.

* * *

Судья қарорни ўқий бошлади:

– Суд мазкур ишни атрофлича баҳолади, аёлларнинг ахволини кузатди, уларнинг машаққатларга дучор бўлганларини инобатга олди. Бундан ташқари, айбланувчиларга қўйилган айбловлар ўз тасдиғини топмаганини, шунингдек, тахмин қилинган қонунбузарликларни содир этганликлари исботланмаганини кўрдик. Барча айбланувчилар шартли равишда озод қилинадилар, улар энди рухсатсиз йиғилмайдилар. Мен аёлларга уйларига бориб, тинчликда яшашларини буюраман! Яна уларни қонунларга бўйсунитишлари кераклиги ҳақида огоҳлантираман. Келгусида ҳар қандай шунга ўхшаш ҳуқуқбузарлик қаттиқ жазога олиб келишини эслатишим керак. Ҳаммамиз тинч-хотиржам яшайлик! Худо ёрдамчимиз бўлсин. Бу менинг қарорим!

Раби шошиб дугонасини кучоқлади ва улар кулиб юборишди. Омина гўё бутунлай бошқа аёл бўлиб суд залидан чиқди. У чарчаган, оч ва кучсиз бўлишига қарамай, бор қувватини йиғиб, ташқарида тўпланган одамлар орасидан хотиржам ҳолда юриб кетди.

Омина Зайнабнинг олдига борди:

– Қандайсиз?

– Биз яхшимиз.

– Қачон касалхонадан чиқдингиз?

– Бугун эрталаб.

– Уйга бориб, мени кутинг, – деди Омина.

Тўсатдан у ўзини мадорсиз ҳис қилди. Иссиқ қуёшда қизиган қум яланг оёқларини куйдирарди. Омина эгилиб қўлларини тиззаларига қўйди. Буни кўрган Раби Усмон унинг олдига югуриб келди.

– Суд жараёни тугалланди. Мен сизнинг номингиздан керакли ҳужжатларни имзоладим. Сиз энди кетишингиз мумкин.

– Раҳмат, – Омина зўрға жавоб берди.

Раби унга ташвиш билан қаради:

– Омина, сиз касалсиз. Жуда кўп дам олишингиз керак. Илтимос, уйга қайтиб, яхшилаб даволанинг. Мен бир иш қилмоқчиман: полицияга қарши шикоят иши очаман. Улар Ларрининг ўлими учун жавобгарлар ва биз товон пули талаб қиламиз. Сиз асосий гувоҳсиз.

– Компенсациями? – Омина такрорлади ва жилмайиб қўйди.

Бугунги кун компенсация ундириш ғояси билан янада ажойиб бўлди.

XXI ФАСЛ

Оминани энди аёллар билан нима юз бериши қизиқтира бошлади. Эрлари уларга қандай муносабатда бўлишаркин? Кейинги дақиқаларда уларни нима кутмоқда? Аёл атрофга, одамларга қаради. Айрим полиция ходимлари кетаётиб, уни ҳақорат қилишди. Лекин Омина бундан хафа бўлмади. У қумли йўл бўйлаб юриб кетар экан, оёқларини қайноқ тупроқ куйдирарди.

Омина чети майсазор бўлган катта йўлга чиқиб, юришда давом этди. Шу пайт кимдир уни ортидан чақирди. Овоз таниш. У орқасига қаради. Бу Харуна эди.

– Омина, ҳаммасини унутайлик. Илтимос, уйга юринг!

У эрига жилмайиб боқди.

Машина шаҳар марказига боргач, таниш кўчага эмас, бошқа томонга бурилди.

– Қаерга кетяпмиз?

– Янги уйингизга!

Улар шаҳарнинг шимолий қисмига қараб йўл олдилар. Ҳайдовчи айланма йўл билан ҳукумат томонидан қўриқланадиган ҳудудга кирди. Ҳаруна унга ўнг томонга бурилгач, машинани дарвоза тагига тўхтатишни буюрди.

– Бу сизнинг темир уйингиз!

– Раҳмат!

– Сизга дам олиш учун биров вақт бераман. Эртага хотиржам гаплашамиз, – деди у Оминанинг кўзларига тикилиб.

– Худо хоҳласа!

Хавла Оминани кўргани борди ва унинг аҳволини кўриб, дарҳол овқат тайёрлади. У овқатлангач, диванга чўзилди. Кўзларини юмган ҳолда ўтган ҳафтадаги воқеаларни секин ҳаёлидан ўтказа бошлади. Аввало, ўзининг лаб бўёғини суртиб, атир сепаетганини кўрди. Яна полиция келгани, уларнинг тузган сафлари, сўнг ҳужум қилишлари, кимларнидир калтаклашаётганлари, ҳимоясиз аёлларга кўздан ёш оқизувчи газ сепаетганлари ҳам кўз олдидан ўтди. Оҳ! Бу газ бомбаси олти аёлни заҳарлади. Яна улар ҳибсга ҳам олдилар.

Мана Ларри! У билан кулбадаги илк учрашув, қандай қилиб уйга кўчиб келгани, унинг содиқлиги, мусиқий истеъдоди, ҳазиллари, мазали овқат тайёрлаши ва... Ларрининг ерга қулаш тасвири. Ҳа, у ҳужум қилаётган полициячи билан курашди, сўнг унинг шафқатсизлигидан қочмоқчи бўлди, аммо удалай олмади: заҳарли ўқ ортидан қувиб етди. Бечора! Унинг пешонасига ёш ва камбағал ҳолда фожиали тарзда

ўлиш ёзилган экан. Энди у учун курашлар, очлик ва қийноқлар йўқ...

* * *

Эртаси куни Омина жуда кеч уйғонди. Боши қаттиқ оғриб, ўзини ёмон ҳис қиларди. Эри унинг олдига келиб:

- Уй қандай экан? – деб сўради.
- Бу уй катта экан. Раҳмат сизга!
- Бу ерда сизга керакли ҳамма нарса бор.
- Раҳмат!

– Мен сизга турмуш ўртоғим сифатида яхши ҳаёт кечириш учун иккинчи имкониятни берман. Бу сафар энди дўстлар йўқ, университету бошқа жойларда йиғилишлар бўлмайди. Сиз рафиқам бўлиб ўз вазифангизни қойил қилиб бажарасиз. – Бир зум сукут сақланди. – Бирон сўровингиз борми?

– Газеталарга обуна бўлишим мумкинми?

– Шубҳасиз! – Кейин Харуна ўрнидан турди ва мулоимлик билан сўради: – Айтинг-чи, ҳомиладорлигингизга қанча вақт бўлди?

– Менимча, уч ойдан ошди.

* * *

Бир ҳафта ўтгач, телефон жиринглади. Оминага яқин жойда яшайдиган Белкер уни кўришни хоҳлаётган эди.

Омина уни табассум билан кутиб олди.

– Намойиш пайтида эрим ва мен Дубайда эдик, – деб тушунтирди Белкер. Улар меҳмонхонага ўтишди. – Сизни нима ҳайрон қолдирди?

– Ростини айтсам, судьянинг бизни қўйиб юборганига жуда ҳайратландим.

– Полиция ҳақида нима дейиш мумкин?

– Улар ўқлар билан қуролланганди ва шафқатсизларча муносабатда бўлишди. Аммо вазият буни талаб қилмасди.

– Яширмай айтинг-чи, нутқингизни машқ қилгандингизми?

– Йўқ, – деди Омина, – мен сўзлаш имкониятига эга бўламан, деб ўйламагандим.

– Қамокдаги ҳаёт қандай эди?

– Даҳшатли.

– Мен у ердан қайтганингиздан хурсандман.

– Биз ҳаммамиз катта қамокдамиз. Бизнинг жамиятимиз катта қамокхонадир. Бу ерда одамларни қамаш учун турли хил институционал калитлардан фойдаланишади. Армия ва полиция руҳоний ролини ўйнайди.

– Биз ютқаздик, деб айта оласизми?

– Биз жангда ютдик, аммо мол-мулкимизни ва ҳамроҳларимизни йўқотдик. Лекин ҳамон жасоратимиз ўзимизда, шунинг учун биз ҳали ҳам кучлимиз. Биз кучларни синаб кўрдик ва тизимнинг кучсизлигини билдик. Улар бу жангда гўё ғалаба қозонишди, аммо бу вақтинчалик.

– Келгусида нима бўлади?

– Ҳозир ҳеч нарса дея олмайман. Буни аниқлаб олиш учун ўзимга вақт бераман. Эҳтимол, аёллар энди кўпроқ азоб чекар, аммо улар ўз ҳуқуқлари учун курашишлари мумкинлигини билиб олишди. Биз яна бошлашимиз учун кўпроқ куч тўплашимиз керак, қаршилик кўрсатиш ва жангни давом эттириш учун эса метин ирода ва қатъиятни ривожлантиришимиз зарур. Бизнинг норозилик намоишимиз яқинда бўлажак улкан исёнларнинг сўнгги машқлари эди. Мен омманинг эскирган турмуш тарзини хоҳламасликларига, эскирган қонунлар, урф-одатларга риоя қилмасликларига ишонч ҳосил қилдим. Одамлар ноқулай тартибни, муҳтожлигу қашшоқликни, касаллик ва очликни йўқ қилишни исташади. Агар бизнинг одил ҳукмдорларимиз буларни бартараф эта олмасалар, биз ўзимиз учун ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Яъни,

бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қиладиган тизимни яратамиз.

– Сизни безовта қиладиган олдинги муаммо нима?

– Бу курашнинг янги босқичини қандай ташкил қилиш ўйлантиряпти мени. Мен ҳақиқатга ишонадиган одамман ва ҳамма нарсада тўғри, соф бўлишга интиламан, ўзимни ҳамда атрофимдаги одамларни мустаҳкам асосда сақлашга ҳаракат қиламан. Мен Худога ишонаман. Яхши ҳаёт тарзига эришиш кўп ҳаракатларни талаб этади. Бу табиийдир ва ҳар кимнинг ўз ҳиссаси бор.

– Сизнингча, бу мамлакатда бизга нима керак?

– Аввало, биз ҳаммасини тўғри йўлга қўйишимиз зарур. Бунинг учун эса инқилоб керак!

– Қандай инқилоб?

– Инқилоб жамиятнинг бутун тузилишини ўзгартиради. У билан адолат, эркинлик, тенглик, севги, тушуниш ва ҳурматни амалга оширадиган янги ҳаётга йўл очилади. Одамларнинг интизорликларини қондирадиган ҳақиқий инқилоб, фермерлар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлайдиган инқилоб... Биринчидан, бизга жамиятимизни модернизация қиладиган инқилоб керак. – Иккиси ҳам жим қолишди. Сўнг Омина хотиржам деди: – Тарихий қадамлар одатда хиралашган бўлса ҳам, йўқ бўлиб кетмайди.

* * *

Бир неча кундан кейин Хавла эрта тонгдан шошиб кириб келди ва ҳаяжонланиб сўради:

– Омина, янгиликни эшитдингизми?

– Йўқ! Нима бўлди?

Хавла жавоб бермай, радиони қўйди.

– Фуқаролик маъмурияти янада аянчли тўнтариш билан ағдарилди. Фавқулодда ҳолат эълон қилингани тўғрисида огоҳлантирамыз. Федерал ва штат парламентларининг тарқатилиши, ҳар бир штат-

да ҳарбий судларнинг ташкил этилиши, диний мақсадлардан ташқари барча йиғилишлар тақиқланиши кутилмоқда. Тонггача комендантлик соати жорий этилди. Полиция ва армия айбланувчиларни судсиз ҳамда номаълум муддатгача ушлаб туришлари мумкин. Улар, шунингдек, уйларга кириб, тартибни тиклаш учун зарур деб ҳисобланган чораларни ҳам кўриш ҳуқуқига эга.

Омина чуқур нафас олди. Бироз олдин унинг назарида тўнтариш бошқа маънога эга эди.

Уч кун ўтгач, Ҳажжи Ҳаруна ўз уйига кўчиб ўтди. Таъкидлашича, у ҳукуматнинг мажбуриятларини бажармасликдан хавотирда эмас, аксинча, жуда яхши кайфиятда эди.

Омина уни рад этиб, деди:

– Бу одамлар бизни ўлдиришмас, лекин мол-мулкимизни тортиб олишади.

Бир ҳафтадан сўнг Ҳаруна иқтисодий ривожланишнинг янги тарафдори бўлди. Ўша оқшом Коло табассум билан келди.

– Менинг турмуш ўртоғим янги федерал ҳарбий ҳукумат вазирига айланди. Сизга Фотима ва унинг жамоаси қўрқоқлар гуруҳи деб айтмаганмидим? Омина, бу яна бошлаш учун жуда яхши имконият. Пул йиғиш учун кўп имкониятлар мавжуд. Вақтдан фойдаланинг!

Омина сабр билан тушунтирди:

– Мен ҳомиладорман. Болам туғилганидан кейин нима қилиш кераклигини ўйлаб кўраман.

Давлат тўнтаришидан кейин биринчи марта Лейла Оминага кўнғироқ қилди. Унинг овози титрарди:

– Талабалар шаҳарчасида вазият жуда таранг. Ҳамма жойда хавфсизлик ходимлари бор. Баъзи

ўқитувчилар ҳибсга олинган, бошқалари эса уйларида ёки идораларда калтакланган. Қисқаси, қўрқув ва ишончсизлик ҳукмрон. Акин ҳибсга олинган. Баъзи касабани уюшмалари норозилик билдиришган.

– Ҳозир қаердасиз?

– Мен бир жойга яшириндим.

– Фотима қани?

– У ва Данбаки мамлакатни тарк этишди. Батор уларни қувиб чиқарди. Жумбоқ нимада, билмайман. Абу Бакр Усмонни эса ҳибсга олишга буйруқ берган. Тўнтаришдан олдин у ҳарбий диктатуранинг тўхтатилишига ҳалақит бергани ҳақида мақола чиқарди ва ҳукумат раҳбари ушбу мақолани ағдарувчи деб ҳисоблади. Биз қўшни мамлакатдамиз, хуллас. У сиёсий бошпана сўраб Европага учмоқчи.

– Қандай бўлмасин, алоқада бўламан.

* * *

Омина газетага боқди ва бир расм унинг эътиборини тортди. Унда Батор ва отаси Кер Усмон табассум билан қараб турарди. “Улар давлатнинг минерал захираларини монополия назорати остига қўядиган битимни имзоладилар. Бу узлуксиз ўсишга қаратилган”, дея иқтибос келтирганди газета.

Шом намозидан кейин Омина телевизор кўраётган эди. Хавла эшикни очиб, иккита қўриқчи билан Биликсунни олиб кирди. У ташриф буюришини эълон қилиб боғланмагани учун узр сўради.

– Ундай деманг! Доим хуш келибсиз, – деди Омина. – Фотимадан бирон-бир хабар борми?

– Ҳа, у тез орада сизга қўнғироқ қилишга ваъда берди. Фотима сиз билан жуда қизиқ бир лойиҳани муҳокама қилишни хоҳламоқда.

– Нима ҳақида у лойиҳа?

– Билмайман. – Бир мунча вақт ўтгач, Биликсу титроқ овоз билан деди: – Омина, мен эрим, яъни

давлатнинг ҳарбий раҳбари номидан хат билан келдим. Зоти олийлари сизнинг хизматингиздан фойдаланмоқчи.

Омина ҳеч қандай муносабат билдирмади. У шунчаки жилмайиб қўйди.

– Менга кулоқ солинг, таклиф учун раҳмат! Лекин мен унчалик хоҳламайман. Унга айтингки, мен севимли мамлакатимни ташкиллаштиришда қатнаша олмайман.

Норозилик Биликсунинг юзида аниқ кўриниб турарди. У бошини эгди. Орага сукунат чўмди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Омина гўшакни кўтарди ва бирдан юзи ёришиб кетди.

– Фотима! Сизнинг овозингизни қанчалар соғинганимни тасаввур ҳам қила олмайсиз, – деди Омина кулги ва ҳаяжон билан.

Фотима Данбаки билан бирга қандай қочиб қолганликлари ҳақида Оминага сўзлаб берди. Келажакдаги режаларини сир сақлаётгани, кейинроқ у билан кўришганда ҳаммасини сўзлаб беришини айтди.

– Нима учун сир сақлаётганингизни биламан, аммо Фотима, мени диққат билан тингланг! Сиздан хавотир оламан, ўзингизга яхши қаранг ва энг асосийси, мен билан хабарлашиб туринг!

Адабий-бадиий нашр

Муҳаммад Кабир Умар

ОМИНА

Жаҳолатдаги нур

роман

Муҳаррир *Зухраҳон Ҳамдамова*
Бадиий муҳаррир *Иззат Йўлдошев*
Техник муҳаррир *Татьяна Харитонова*
Мусахҳиҳ *Умида Сапарова*
Саҳифаловчи *Умида Валижонова*

Нашр. лиц. № 290. 04.11.2016. й.
2020 йил 5 ноябрда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Cambria гарнитураси.
Офсет босма. 23,1 шартли босма табоқ,
10,09 нашр табоғи. Адади 3000 нусха
225 -рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
иждодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86

Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz



Муҳаммад
КАБИР УМАР

Омина

16+



ISBN 978-9943-6453-9-4



9 789943 645394